





ҲАМИД ОЛИМЖОН

ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР

НАШРГА ТАЙЁРЛОВЧИ
САРВЯР АЗИМОВ

УЗССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ · 1951

УЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ИРИК САН'АТКОРИ

- Узбек совет адабиёти жаҳонда энг демократик, энг ғоявий ва энг илғор совет адабиётининг ажралмас бир қисми ўлароқ, инсониятнинг бадий таомилида бутунлай янги даврдир. Буюк Октябрь революцияси жангларида туғилган, Ленин — Сталиннинг улугвор ва ҳаётбахш гоялари блан сугорилган бу адабиётнинг «халқ манбаатидан, давлат манбаатидан ўзга манбаати йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас» (А. А. Жданов).

Оксак гоялар блан қуролланган бу адабиётнинг жонкуяр намояндадарни сафидан оташин ватанпарвар шоир Ҳамид Олимжон шарафли ўринилардан бирини згаллади.

Ҳамид Олимжон ўз ижоди блан ўзбек совет адабиёти ва маданиятнинг юксалишига зўр ҳисса қўшаолган шоирдир. У қисқа, лекин ғоят самарали ҳаётини Ватанга ва ҳалққа хизмат қилиш учун бағишлиди, ҳалқнинг «шодлик ва баҳтини кўйламоқлик»¹ ни ўзининг «зўр саодати» деб билди. Ижодий фаолияти салкам 20 йил давом этган Ҳамид Олимжон, ҳалқимизни мардлик ва жасоратга, садоқат ва қўҳрамонликка уйдайдиган, озодлик ва башарият душманларига нисбатан ўти нафрот блан яллигланган кўргина нодир асарлар яратди. Унинг асарлари коммунизм ғояларидан илҳомланган социалистик поэзиямизнинг ёрқин намуналаридаидир. У яратган образлар улуғ мақсадлар сарнинтиличи, фикран ва ма'нан бутунлай янги, мукаммал совет кишилариидир.

Ҳамид Олимжон ше'рий ижодиётда вояга еткунча, табиий, ма'lум инкишоф йўлларини, этапларни босиб ўтди; узликсиз ва тадрижий равишда камолотга эришаборди, ёш ҳаваскор шоир даражасидан моҳир сан'аткор даражасигача кўтарилид. Шоир ижодиётининг характерли томонларидан бири шундаки, уни:иг асарларида ленинча партиявийлик, ғоявийлик ва гўзаллик бадий содда ва равон услуг блан уйғундир. Совет эстетикасининг «Соддалик — гўзаллик демакдир» деган асосий қондаси Ҳамид Олимжон ижодиётининг марказий масалаларидан ҳисобланади.

Шоир ижодий таомилининг ўзига хос даврлари бор. Бу даврлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий шароити блан чам-

¹ Кўштириқдаги сўзлар шоир асарларидан олинган.

Ўзбек адабиётининг ишрик сан'аткори

барчас бөгләнган, унинг гоявий ва бадний балогати мамлакатда юз берәётган улуғвор жарабёнларнинг та'сири самараси туфайли шаклланган.

I

Гўзал Зарафшон водиси қадим замонлардан бери ўзининг шоир ва фозиллари блан машхур. Халқ адабиётининг кекса доностиманд баҳиси Фозил Йўлдош ўғлининг термалари ва достонларини зўр муҳаббат блан тинглаган ёш Ҳамид Олимжон, 1909 йилнинг 12 декабряда шу водининг тарихий шаҳарларидан бири — Жиззахда меҳнаткаш оиласида туғилган. У бун'ёдга келганда ўлкамизда буюк тарихий воқиалар юз бермоқда эди. Шоирнинг туғилишидан тўрт йил олдин Россияда 1905 йил революцияси бўлиб ўтдик, бу ўзбек халқининг сиёсий, революцион онгииниг уйғонишига ҳам катта та'сир кўрсатди.

Айниқса, 1916 йил миллий озодлик қўзғолонига жур'ат килган жафокаш халқининг қонли кураши бўлажак шоирнинг қалбидаги чуқур ва унутилас из қолдирган. Бу вақтларда энди 7 ёшга тўлган Ҳамид Олимжон ўз оиласи блан бирга қўзғолончилар блан баббаравар «жазо отрядининг жабр-зулмларига шерик бўлган. Ҳамид Олимжоннинг ўз та'бири блан айтганда, «жазо отрядининг товонин изи» унинг ҳам пешонасида қолган.

Ҳамид Олимжон 8 ёшга чиққанда унинг «гадо», «қашшоқ», «хор» ва «баҳт излаган» халқи большевиклар партияси раҳбарлигига, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами блан асрий куллик занжирларини парчалаб, саодат ва фаровонлик йўлига қадам қўйди. 4 ёшида отасидан етим қолган Ҳамид Олимжон, ўз даврининг ма'rифатли кишиларидан ҳисобланган бобоси мулла Азим ва онаси Комила опа тарбиясида бўлди.

Мулла Азим ўзбек класик адабиётини яхши билган, Фозил Йўлдош ўғли каби баҳшилар блан шахсан дўст бўлган, ўзи ҳам ба'зан шे'лар ёзган. Шаҳар аҳолисига ариза ёзиб тирикчилик ўтказган бу одам рус тилини яхши билган, рус адабиёти намояндадарининг асарларини оригиналнида ўқиган. Мулла Азим 1916 йилда мардикорликка сафарбар этилганлар қаторида Пенза губернасида ишлайди. Бу даврда у рус халқи ва унинг илғор маданияти блан янада яқиндан танишади.

Бу ҳол Ҳамид Олимжоннинг ёшлигига ёқ рус тилини ўрганишига ва рус адабиёти намуналари блан танишувига катта имконият очади. «Саккиз — тўққиз ёшларимда, — деб ёзади Ҳамид Олимжон ўз таржимаи ҳолида, — мен Пушкиннинг кўп ше'ларини ёддан билардим ва уларни ўз ўртоқларимга декламация қилиб берардим». Зийрак ва туйғун ўғлининг адабиётга бўлган ҳавасини тарбиялашда, ўстиришда Комила опанинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Халқининг юзлаб эртакларини, ўнлаб достонларини жтирасида сақлаган ва уларни моҳирлик блан ҳикоя қилиш сан'атига эга

бўлган Комила опа ўз даврининг оқила аёлларидан эди. Унинг та'sирчан эртаклари ўғли — ёш Ҳамид Олимжонни бутунлай мафтун қилди, халқнинг орзу-умидларини унинг онгига сингдирди; Сўлажак шоирда халқ ижодига нисбатан зўр муҳаббат ўйғотди. Сўнгроқ Ҳамид Олимжон ўзининг болалик даврларини шундай ёслайди:

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшилкандим,
Сўйлаб берарди бувим...
Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳарбири қилган ҳиссаси,
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.
Тинглар эдим бетиним,
Узун тунлар ётиб жим...

(«Ойгул блан Бахтиёр»)

Ҳамид Олимжон оиласи унинг тарбияси учун мумкин бўлган барча имкониятлардан фойдаланди. У 14 ёшида Жиззахдаги Наримонов номли тўлиқсиз ўрта мактабни битириб, Самарқанддаги Ўзбек билим юртига ўқишга кирди (1923). Ўз таржиман ҳолида «Совет мактаби менга ҳаёт учун йўл очди... Мени комсомол тарбиялади» деб ёзгав Ҳамид Олимжон Самарқанд Билим юрти ўқучилари орасида муҳокама доирасининг кенглиги, ҳассос қалби ва жамоат ишларида фаоллиги блан ажralиб туради. У Билим юртида чиқадиган «Ёш тарбиячи» деворий газетаси ва сўнгроқ «Учқун» номли ойлик журналиниң ташкилотчиларидан бири бўлди. Ёш шоирнинг ilk ше'r ва мақолалари ҳам мана шу газета ва журнал саҳифаларида босилди.

Ҳамид Олимжон фаолияти тез орада Билим юрти доирасидан чиқди, у 1925 йилдан бошлиб, республика матбуотида ше'r, ҳикоя ва публицистик мақолалар блан кўринибослайди. У «Негр боласи кичкина Несурой» (1926), «Миллий сиёсат ҳақида тўртинчи шўро қурултойи» (1927), «Хужум достонлари устида» (1927) деган мақолалар; «Ҳақиқат излаб» (1927), «Заҳарли юрак» (1927) сарлавҳали ҳикоялар; «Қимдир» (1926), «Комсомол қиз» (1927), «Янги турмушга» (1927), «Зафар достони» (1927) каби ше'rлари блан ўзбек революцион адабиётининг ёш, лекин тетик фикрли кўйчиси сифатида кенг ўқучилар оммасига танила-боради.

Усиш ва бадиий камолотга эришиш учун жиддий мағніфат зарурлигини Ҳамид Олимжон ёшлик давриданоқ жуда яхши англади. У кўп ўқиди, мутолаа қилди. Айниқса, рус реалистик адабиёти намуналари блан қаттиқ қизиқди. У Пушкин асарла-

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

риши ўқир экан, «Ўзбек халқи Пушкиннинг ўқиш блан бадий ижодиётнинг энг буюк намуналари ва инсоният маданиятининг энг нодир ёдгорликлари блан танишади» деган хulosага келади. У Л. Н. Толстой ижоди блан танишар экан, «Ўзбек ёзучилари Толстойдан бадий маҳоратни, сергак, чуқур реализмни ўрганидилар. ...Толстой бизнинг муҳаббатимизни доим ўзига тортиб туражайдир», деган натижага келади.

Ҳамид Олимжон, 1928 йилда А. М. Горький асарларини ўқиғанини шундай эслайди: «Мен ҳали у вақтда бир-иккита ўзбекча роман ва чет тиллардан таржима қилинган иккинчи даражали кичик романларнингна ўқиган эдим ва улар севгучиларнинг тарихини қизиқ қилиб ёзиб, одамларнинг бошини чалғитади деб ўйлар эдим.

Шу кайфиятда экан Горькийнинг «Менинг дорилфунунларим» китобини ўқидим. Бу ўқиш энг аввало менинг роман ва хикоя китоблари ҳақида тушунчаларимни парча-парча қилди. Иккинчидан менинг ўй ва хаёлларимга шунчалик та'сир қилдик, мен буни ҳозир ҳам яхшилаб айтиб беришдан ожизман.

Мен китобининг қанчалик зўр кучга эга бўлиши мумкин эканлигини биринчи марта тушундим. Менинг назаримда дун'енинг энг катта китоби шу эди ва бу қаноат мени яна Горький асарларига қараб торти. Мен унинг «Она» романини ўқийбошладим... «Она» романни «Менинг дорилфунунларим»га нисбатан, менинг назаримда, фил қаршисида буюк ток тургандай бўлиб қолди... Бу икки асарнинг мени қанчалик тарбия қилгани сра ҳам эсимдан чиқмас».

Ҳамид Олимжон 1929 йилда Қримда пролетариатнинг улуг шисири В. Маяковский блан учрашди. Бу учрашув шоирнинг калбida ва ижодида зўр та'сир қолдиради. У шу кундан бешлаб, В. Маяковский ижодини ўзгача ҳис қила бошлади, унинг орқасидан эргашади, ундан социалистик ҳаётнинг завқ-шавқини жонли ва эҳтиросли сатрларда куйлаш кераклигини ўрганади. Ҳамид Олимжон ўз хотираларида: «Маяковский ше'рини оғир-оғир ўқир, сатрларни бўлиб-бўлиб айтар, сўзлар орасида паузалар қиласи ҳиси. Унинг бундай маҳорат блан ўқишида ҳарбир товуш катта бир маҳорат қозонар ва тингловичда қолдирган та'сири oddий ше'р ўқишидан кўра юз ҳисса ортиқ бўлар эди... Ша кечга унинг шоир Уткин ижодидаги мешчанлик түйгуларини каттиқ қоралагани сра эсимдан чиқмайди» деб ёзган эди.

Улуг рус адабиёти Ҳамид Олимжоннинг камолотга эришувидаги катта роль ўйнади. Совет воқи'лигини акс эттиришни ўзига қазиға қилиб слган ҳарқандай сан'аткор учун марксизм-ленинизм фалсафаси блан чуқур қуролланиш зарурлигини яхши англаган шоир ўзининг илк мақолаларидан бирида Шуларни ёзган эди:

«Марксизм-ленинизмни ўрганишнинг эса жуда катта завқи бор. Мен марксизм-ленинизмни ўрганишни, башарият томонидан

Ўзбек адабиётининг йирік сан'аткори

яратилган бутун маданий, адабий бойлекларни ўрганиш ва мана шу ўрганилган бойлекка марксистик таҳлил берниң қувватига молик бўлиш шарафи деб тушунаман.

«Шарқдаги социалистик маёқ» (Сталин)нинг ёш, беғубор, исте'додли куйчиси сифатида дадил қадамлар блан революцион адабиётга кириб келәстган | Ҳамид Олимжон, Узбек билим юртни битириб (1928), Самарқандаги Педакадемиянинг ижтимоий-иқтисодий фанлар факультетида ўқишини давом этдириб. 1929 йилда шоирининг биринчи тўплами — «Қўклам» нашр қилинди. Тикланиш даврининг таронаси бўлган бу китоб Ҳамза Ҳакимзодадан сўнг ёш ўзбек революцион адабиётига қўшилган зўр дисса эди. «Қўклам» (1929), «Тонг шабадаси» (1930), «Олов сочлар» (1931), «Пойга» (1932), «Улим ёвга» (1932) каби тўпламлар Ҳамид Олимжоннинг ҳаёт ичига кириб бориши, актуал масалаларни бадин умумлашлар орқали кўрасатига ҳаракат қилинди; гоявийлик, партиявийлик ва бадинийлик принципини изчил равишда эгаллаши, умуман совет адабиётининг жанговар методи—социалистик реализм асосларига амал қилишга интилишидан далолат беради.

Ҳамид Олимжон, 1931 йилда Педакадемияни тамомлаб, Тошкентга келади. У тинмай ижод этили, янгиликлар сари иштилади; «Ёш ленинчи» газетасининг мас'ул котиби (1931—1932) ва Узбекистонда янги та'сис қилинган Маданий қурилиш илмий текшириш институтининг адабиёт бўлимида илмий ходим бўлиб ишлайди, ўзини бутунлай адабий жабҳага бағишилайди.

Ҳамид Олимжоннинг тикланиш, биринчи сталинча бешинчлик даврини ўз ичига олган ижодий йўли катта қийинчилеклар блан боғлиқ бўлди. Ма'лумки, 1930 йилларда республикамизда пантуркистик, панисломистик ғояларни ўтказишга интилган буржуа миллатчиларининг аксилиниқилоби ҳаракати, айниқса, зиёнилар ўртасида анча кучли эди. Ажнабий империалистик давлатларининг бу жосулари мафкура соҳасидаги кўпгина ташкилотларга суқилиб кириб, ёш совет тузумига зарба беришни, унинг идеологик курашини сустлатишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Англия—Америка империалистлари ва уларниң ёлланган малайи—Туркия пантуркистлари мазкур мараз гурухининг хатти-ҳаракатларига бевосита раҳбарлик қилиб турган эди.

Ўзбекистон Коммунист (большевик)лар Партиясининг X с'езлида бу ҳақда шундай дейилган эди: «...бир вақтлар Узбекистонда жойлашиб олиб иш кўрган аксилиниқилобчи миллатчилар — четэл разведкаларининг агентлари давлатимизнинг, коммунистлар партияси ва бутун совет халқининг энг ашадди душманлари эди. ВКП(б) Марказий Комитети халқимизнинг ёвуз душманларининг уясини очиб ташлаш ва тугатища бизга ёрдам берди». Ҳамид Олимжон та'вири блан айтганда, миллатчилар «заҳарли юрак» лар, айниқса адабиёт соҳасида кенг томир ёйган эдилар. Улар

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

ёш революцион адабиётимизнинг жанговар руҳига ва соғлигига путур етказишга унинг исте'додли вакилларини «заҳарлаш» ва руёба чиқармасликка жон-жаҳдлари блан тиришганлар.

«Ўзбекистон совет адабиёти,— деб ёзган эди Ҳамид Олимжон,— буржуа миллатчилари блан курашда чиниқди. Аксилин-қиlobий миллатчилар кўпгина исте'додларни ўз та'сирларига тортиш натижасида, уларнинг талантларини хароб этдилар ва йиллар давомида совет ёзучиларининг ўсишига тўқинлик қилиб келдилар.

Буржуа миллатчиларининг идеологлари ёш ёзучиларнинг ҳам ақлини заҳарлашга интилдилар.. Мен ҳам ёш ёзучи сифатида мана шу оғир шароитда ўздим. Тайёр рецептлар йўқ эди. Ҳақиқий, совет ҳалқ адабиёти учун миллатчиларга қарши кураш руҳида тарбиялайдиган адабий ташкилот (Ўзбекистонда) йўқ эди. ...миллатчилар ўз та'сирларига олишга ҳаракат қилган ёш ёзучилардан бирин мен эдим.

Лекин мен, барча қийинчиликларга қарамасдан, илк ижодим бланоқ совет адабиётини ёқладим: биринчи ше'римдан бошлаб сўнгисигача совет шоириман. Бунинг далили — менинг асарларим».

Ҳамза Ҳакимзода тароналарини давом эттирган, уларни янги ижодий юксакликка кўтарган ёш ўзбек совет адабиётининг исте'додли вакиллари Ҳамид Олимжон, Яшин,Faфур Ғулом ва Ўйғунларнинг ижодиёти миллатчиларга қарши курашда чиниқди. Большевиклар партияси ва Совет ҳукумати томонидан тарбиялайдиган бу ёзучиларнинг сони кундан-кунга ўсаборди. Революция ва социалистик ҳаёт пафосини тараинум этган бу ёзучи ва шоирлар, ўз ижодлари блан тушкунлик ва қолоқликни куйлаган миллатчи ёзучиларга қарши ғазаб ўтни очдилар, илгор ижтимоий ҳаракатга зид йўл тутган буржуа идеологларига, миллатчи ёзучиларга қарши курашдилар.

Бунга қоат ҳосил қилиш учун ўша даврда ёзилгиз асарларининг тематик доираси блан танишишнинг ўзиёқ кифоядир. Агар миллатчи ёзучиларнинг тематик доираси — «Чўл», «Қора кунлар», «Танҳоликда», «Вайрон», «Бўса», «Ҳижрон», «Азоб», «Зимзиё тушлар» каби пессимистик чегарадан нарига ўтмаса, биз эслатиб ўтган совет ёзучиларидаи Ҳамид Олимжон ҳам «Зафар достони», «Октябрь ўлкасига», «Қизил Москвага», «Қомсомол қиз», «Тарих кўрганми?» «Нима бизга Америка», «Мустақиллик бизга берилган», «Улим ёвга», «Биз енгдик», «Тайёр трактор», «Қадр» каби темаларда асарлар ёзган.

«Кўклам» — Ҳамид Олимжоннинг Ўзбек билим юртида ўқиб юрган давридаги ижодий маҳсулотининг якуни ўлароқ майдонга чиқди. Бу тўплам унинг 1926—1928 йилларда ёзган 30 та лирик ше'ридан ташкил топган ва асосан сиёсий лирика намуналаридандир. «Кўклам» шоирниш ҳали изланниш, ўрганиш даврида эканидан дарак берса-да, замон учун зарур мавзу'ларни революцион пафос

блан кўйлашга интилиш, ҳаёт лавҳаларининг тасвирида конкретликка эришувга ҳаракат қилиш ва кишиларимизнинг ички дун'ёсини — ма'навий қиёфасини ёритувга киришиш нуқтai назари блан ўша давр ёш ўзбек совет поэзиясининг тарихий такомилида каттагина ўрин эгаллади.

Табиий, тўпламдаги ше'рларнинг фикрий доираси апча тор, бадиий савиаси хийла заиф. Лекин, уларда зўр самимият блан адабиётга кириб келаётган ҳассос ҳислар, чуқур кечинмалар эгаси бўлган жур'атли ва эҳтиросли шоир нафаси уфуриб туради. Чунки ёшликтининг романтик гурури блан битилган бу асарларда революция ва баҳт, янги турмуш ва бадавлат ҳаёт, хотин-қизлар озодлиги ва янги муҳаббат мотивлари баланд руҳ блан кўйланади.

Шоир революция тантанасини ва ҳалқ баҳтини хотин-қизлар озодлигисин тасаввур қилолмайди. У, хотин-қизлар мамлакатимиз қудратини янада ошириш учун буюк куч эканлигини ўзининг илк асарларига мавзу' қилиб олади. Катта социал можиятга эга бўлган бу масалани «Хужум гулига», «Шу куннинг қизинга», «Комсомол қиз», «Қишлоқ қизи», «Шарофат» каби ше'рларида тарапнум этади. Бу мавзу' Ҳамид Олимжоннинг «Тонг шабадаси» тўпламига кирган ва «Зарафшон» газетаси саҳифаларида босилган «Ҳақиқат излаб», «Тонг шабадаси» сингари настийи асарларида ҳам марказий ўрин эгаллади.

Шоир ўз ше'рларида республикамиз ҳаётидаги юз берәётган буюк ўзгаришларни «Жаҳон қўёши» Москва блан боғлайди ва унинг озодлик миссиясини катта садоқат блан мадҳ этади. Ҳамид Олимжоннинг 1928—29 йиллар шаронтида, Москвага «Сен башарнинг уриб турган юраги», «Порлаб турган бир қўёшсан жаҳонда» каби сўзлар блан мурожаат қилиши жуда катта сиёсий аҳамиятга эга эди. Чунки, Москвага муҳаббат — Ленин — Сталин партиясиага, улуғ рус ҳалқига бўлган муҳаббатнинг рамзидир. Шунга кўра, Москвани улуғлаган ҳарбир ше'р буржуа идеологлари, уларнинг адабиётидаги гумашталарига қарши отилган ўқ эди.

Лекин, «Кўклам»да тор, шахсий кечинмаларни ифодаловчи интим ше'рлар, табиатнинг натуралистик картиналарининг тасвири ҳам учрайди. Буни «Бирг наш'а», «Баҳорга етганда», «Ойдинда» ва «Қишиш кўринишлари» номли ше'рларда кўриш мумкин. Бу ҳол, шоирнинг ёшлиги туфайли, совет адабиётининг жанговар методи — социалистик реализм асосларини чуқур эгаллаб етмаганлик орқасида келиб чиқсан хатолардир, холос.

Ҳамид Олимжон биринчя сталинча бешйилликнинг қайноқ ҳаёти блан бирга фикран ва ма'нан ўсаборди, ма'рифат ва маданиятини чуқурроқ эгаллади, ўз ижодиётидаги олдинги хатолардан кутилабориб, турмушда юз берәётган илфор тенденцияларининг ҳаётӣ лавҳалар воситасида реалистик тасвирини кўрсатиш сан'атига эришаборди. Энди у, қуруқ тавсиф, яланғоч ташвиқотдан

кутилиб, ўқучиларга ўткир сиёсий тыл, пухта бадний образлар блан мурожаат қила бошлигиди. Уз хўжалигини колектив асосда қайта қурган, буюк гигантлар бун'ёд қылган — социализм пой-деворини яратган ҳалқнинг юксак талабларига жавоб бериш давр блан ҳамнафас бўлиш, унинг галабаларини улуглаш шоиз ижодишининг марказий масаласига айланади. «Олов-Сочлар» туп-ламидаги «Темир қонун», «Ўзбекистон», «Сиёб», «Шарқ», «Комсо-мол келади» каби асарлар фикримизнинг далилидир.

Ҳамид Олимжон Ватанимиз истиқболини «Емғир ювган яп-роқдек жонли, тирик ва тетик» ёшларда кўрди. Ўзининг энг яхши сатрларини уларга бағишилади. Ешлик темаси шоирнинг «Сиёб» сарлавҳали ше'рида жуда катта сиёсий чўққига кўтарилган. Содда, муҳтасар, лекин foят самимий ва гўзал мисра'ларда «Дилларига олтин чечак таққан» бахтиёр ёшларга қарама-қарши ўлароқ, «Вайронга мозор»ни макон айлаган, «Кечмишдек вафоли бир ёр» истаган тирик мурда — шайх қўйилади. Бу бадний приём воситасила икки дун'ё, икки мафкура, икки маданият масаласини кўтаради; биринчисининг яшаши, ижод қилишга тугилганлигини, иккунччисининг эса мутлақ ўлимга маҳкум эканлигини катта символик куч блан тасвирлайди. Шоирнинг «Шарқ» ше'рида эса мазкур мавзуя' янада кенгроқ доирада, янада кучлироқ бадний умумлашмалар ва янада чуқурроқ сиёсий ўтқирик блан талқин қилинади. Бу асарда иккни Шарқ масаласи қўйилади: Буюк Октябрь социалистик революциясигача бўлган Шарқ нинг манзараси шундай чизилади:

Инглаб ўтарди кунлар...
Пастга тушмай кўклардан,
Чинор — миноралардан
Секин оқарди тунлар...

Мискин, ҳазиз уйлардан
Юксаларди бир фар'ёд,
«—Тангри» деган куйларда
Ким завқ оларди
Хайҳот...
Шарқ эзилиб ингарди,
Ёлинганди тун... чодир.
Шароб ичиб бир шоир,
Сарой куйин куйларди.

Ҳаёт гўё бир ўрмон:
Бургут, арслон, йиртқичлар,

Ўзбек адабиётининг дигрик сан'аткори

Тикон танли зўр кучлар
Ўйнар, чопарди ҳар ён.

Буюк Октябрь социалистик революциясидан кейинги совет шарқи шундай тасвирланади:

Меҳнат яшиндек порлаб.
Тунни тилиб юборди.
Илҳом сочгац инқилоб.
Кундуз маш'алдек ёнди.

Ортиқ Шарқнинг бағрида
Гулоклар тортди на'ра.
Ҳар ер севди, ёпинди —
Қуёшдан заррин парда...

Шарқ — нурлар қучоғида,
Озод меҳнат кулади!
Зулмат қўксин тилади,
Қонли кураш чоғида...

Эсган еллар куйларлар:
— Ишла, терлар оқсишлар,
Яшаш, кураш ше'рлари
Кулоқларга ёқсишлар.

Империализм зулми остида азоб чекаётган хорижий Шарқ шундай ифодаланади:

Афсус, узоқ ерларда
Ёзиқ бургут қаноти.
Зулмат дўстин ҳаёти
Фар'ёд чекар қирларда...

Лекин, бир кун бизнинг ўт
Маш'ал бўлар уларга.
Ғамгин юзлар эришар
Эркин қувноқ кунларга.

Албат порлаб қўринар
Жўшқин, темир у меҳнат.
Истиқболда қурилар
Бир синфсиз жамият.

(«Шарқ»)

Қора ўтмиш манзарасини, баҳтиёр бугунги кун ва буюк келажагимиз тасвирини, партиямиз ва халқимизнинг озодлик ролини реалистик акс эттирган бу мисра'лар 19 яшар шоирининг

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

нақадар кенг сиёсий сезгирилнекка, нақадар кенг муҳокамага ёга эканлигидинг далилидир.

Ҳамид Олимжоннинг бу асарлари ёш ўзбек совет адабиётини бойитди, сиёсий тематика доирасини кенгайтирди. Бундан ташқари, у, ўзбек адабиётига «эркин вазн»ни олиб кирган, форма ҳ'тибори блан поэзиямизнинг жанговар руҳини оширган новатор шоирлардан биридир.

Рус совет адабиёти, айниқса, унинг йирик намояндаси В. Маяковский ижоди блан яқиндан танишиш, чуқур ўрганиш натижасида келиб чиққан бу вазн Ҳамид Олимжон поэзиясида 1929 йилдан бошлиб кенг ўрин олди. Шoirнинг 1932 йилда нашр этилган «Пойга» ва «Улим ёвга» номли тўпламидаги ше'рлари ана шу вазнда ёзилган.

Ҳаётнинг ҳамма соҳасида революция қилаётган, му'жизалар яратадиган ижодкор совет халқининг ватанпарварлик руҳини, қаҳрамонона мөхнатини мадҳ этишда «эркин вазн» жуда кенг имкониятга эга. Чунки унда мисра'ларни кесиб-кесиб ташлаш, фикрни та'кидлаш орқали сўзларнинг жарагини, мусиқийлигини ошириб, ше'рнинг та'сирий кучини, сиёсий вазминлигини тўла та'мин этиш мумкин. Шунинг учун ҳам, даврнинг талабига мос бўлган бу вазн, умум совет адабиётида кенг тармоқ ёди.

Ҳамид Олимжон мазкур адабий формада минбар лирикасининг энг ёрқин намуналарини яратди.

Сталинча биринчи бешйилликнинг асосий вазифаларидан бири — мамлакатда оғир саноат барпо этиш эди. Ҳамид Олимжон саноат темасига киришди ва ўртоқ Сталини номидаги «АМО» юқ автомобиллари гигантига тўплам бағишлади. Бу тўпламга кирган «Тарих кўрганми?», «Нима бизга Америка», «Мустақиллик бизга берилган» сарлавҳали ше'рлар саноат соҳасидаги ютуқларимиз ва янги совет ишчиларининг ма'навий қиёфасини, коммунистик онгиниң кўрсатучи достон даражасига кўтарилди.

Ма'лумки, Ватанимиз революциягача асосан хомаш'е манбзи бўлиб келган, ба'зи капиталистик мамлакатлардан анча орқада қолган эди. Партиямиз ва халқимиз шу йўлни 10 йилда босиб ўтиш, капиталистик давлатлардан ўзиб кетишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва бу вазифани шараф блан бажарди.

Совет кишиларининг мана шу курашдаги ташабbusлари, уларнинг «кулбалар ўрнига гигантлар» қураётгандилларни Ҳамид Олимжоннинг «Тарих кўрганми?» ше'рида зўр ҳарорат блан куйланади. Оташин чақириқ ва жўшқин нотиқликнинг ёрқин намунаси бўлган бу ше'рда шонрининг социализмнинг муаззам биносига қўйилаётган ҳарбир ғиштда халқимизнинг буюқ истиқболини кўраолганлигидан далолат беради. У, ўзи яшаб, ижод этаётган тузум жаҳонда энг илгор, энг демократик, энг ҳаётгий тузум эканлигини ва шунинг учун ҳам ҳарқандай қийинчиликларни енгиз, «янги дун'ё сари» боражагини баланд оптимистик руҳ блан тараним қиласди. Шу жиҳатдан унинг «Нима бизга Америка» деган ше'ри катта аҳамиятга эга. Ше'рда иккι

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

дун'ё, икки тузум — Совет Социалистик Республикалар Йиттифоқи ва империалистик Америка ўртасидаги тафовут муқояса қилинади. Биринчисинингadolat ва истиқбол заминига қурилганини, иккинчисининг асосида эса зулм ва чириш ётганини шоир иккитаип ишчи образи мисолида кўрсатади. Булардан бирни капиталистлар заводида ишилаётган, очлик ва қашшоқликка маҳкум этилган ишчи. Иккинчиси ўз қўли блан ўз баҳтини яратадиган ижодкор совет ишчиси.

Шоир империалистик Американинг ишдаги «сур'ати, тезлиги, кучи ва қуввати» қанча зўрайса, шунча тез нажот қирғоздан узоқлашиб, ҳалокат соҳилига яқинлашувини, бизда — сталинча бешийилликлар даврида яратилган гигантлар унинг сур'атини йўлда қолдириб кетажагини зўр эҳтирос блан ифодалайди:

Нима бизга
Америка!
Нима бизга
Унинг сур'ати;
Унинг тезликлиги,
Кучи,
Қуввати;
Унинг шижоати,
Унинг ғайрати!
Мана биз,
Ун тўрт йил ичидা,
Шундай тезлик блан
Етдикки,
Шундай гигантларга
Кетдикки,
Хатто,
Ўйлай олмас
Унинг фордлари
Унинг раҳбарлари,
Унинг лордлари.
Булутларга
Бош чиқарган
Америка
Мана;
Мана ўша
Бадмост гавда,
Қарри тантана!
Букун шундай:
Асаби
Бузилган,
Томири толган...
Қаттиқ шамолларга
Бўйин эгади.

Ўзбек адабиётининг ирик сан'аткори

Булутлардан
Кулиб боқсан
У магур тана
Бир карра
Ерга
Тегади!

Бундан 17 йил муқаддам ёзилган бу мисра'лар шу кечаю-
кундузда фашизмнинг ўчогига айланган «бадмаст» Трумэн Аме-
рикасига қарата отилган ўқдек жарангламоқда. Чунки, кучли
реализм блан сугорилган бу ше'рда империалистик тузумнинг
чириш асослары шоирона образлар ва публицистик мантиқ блан
очиб ташланган. Факат, марксизм-ленинизм фалсафаси блан қу-
ролланган, социалистик реализм методини эгаллаган шоир-
гина бу каби ўлмас асарлар яратиши,

Қилич,
Милитик,
Бомба
Бўлсин
Диалектика!

— Дея хитоб қилиши мумкин. Фақат оташин ватанпарвар шоир-
гина:

Кечা
Душман
Наркомпрос бўлмаларида
Хони,
Сотқин
Юмушларга
Сигналлар урган,
Қизил стол
Тепасида ўтириб олиб,
Қора тилак
Меҳробида
Фотиҳа қурган.
(«Кадр»)

— дея совет аппаратига сукнилий кириб олган ҳалқ ва озодлик
душманларини фош қилиши мумкин.

Умуман айтганда, Ҳамид Олимжон сталинча биринчи беш-
йиллик томонидан кун тартибиға қўйилган барча муҳим маса-
лаларга ўз овозини қўшган. Бунга қаноат ҳосил қилиш учун
унинг «Ўлим ёвга» тўпламига кирган «Ўлим ёвга», «Биз енгдик»,
«Тайёр трактор», «Ўлка сафарбар», «Кадр», «Мудофаа кунларни-
да», «Сергак» каби ше'рларини эслатишнинг ўзиёқ кифоя. Бу
асарларда революция ғалабасини мустаҳкамлаш, ташки ва ички
душманларга қарши раҳмисиз ўт очиш, қулоқларни синф сифа-
тида тугатиш, қишлоқларда қудратли колектив хўжаликлари

Ўзбек адабиётининг ишик сан'аткори

барпо этиш, бешйилликни муддатидан илгари бажариш йўлидаги ҳалқ ташаббусини кўрсатиш ва большевиклар партиясининг буюк раҳбарлик ролини алоҳида та'кидлаш марказий ўринни эгаллайди.

Демак, Ҳамид Олимжон, шу давргача бўлган ижоди блан ҳам ёш ўзбек совет адабиётининг гоявий ва бадиий такомилига зўр ҳисса қўшган унинг тематик доирасини кенгайтирган ва согломлиги учун кескин курашиб келган новатор шоирлардан бириди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрельда «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида» чиқарган тарихий қарори умумсовет адабиёти тараққиётида қат'ний бурниш ясади, унинг келажакдаги равнақини та'минлади, унн тўғаракчилик доирасидан кенг йўлга, социализм йўлига олиб чиқди: киши руҳининг инженерлари олдига буюк вазифалар қўйди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг бу тадбири Ҳамид Олимжон ижодиётидаги ҳам янги саҳифа очди.

II

ВКП(б) Марказий Комитетининг қарори (1932) дан сўнг марксистик адабиёт ва адабиётшунослик учун кураш кескинлашди. Бутуниттифоқ Совет сўзучиларининг биринчи с'ездига (1934) дан кейин эса бу кураш жанговар руҳ касб этди. С'езд совет адабиётшунослари зиммасига марксизмга ёт бўлган ҳарқандай қурашларни таг-томири блан қўпориб ташлайдиган, марксизмнинг улуғвор ғоялари блан сугорилган илмий асар яратишдек муқаддас вазифани тезлатиши юклаган эди.

1930 йилларда ёк ўзининг танқидий, публицистик ва илмий мақолалари блан танилган Ҳамид Олимжон, бошқа адабиётшунослик қаторида, мафкура майдонидаги синфий душмэнларга қарши ўт очди. Унинг 1932 йилда «Ўзбекистон шўро адабиётни» журналида босилган «Марксизм ниқоби остида менъшевизм», «Социалистик реализмни эгаллаш йўлида», «Жадид адабиётининг синфиий моҳияти масаласига», «Ҳарбий коммунизм даврида ўзбек буржуазия адабиётни» (сўнгги уч асар шоир Ўйғун блан ҳамкорликда ёзилган), «Ўзбек совет адабиётининг биринчи даври» каби қатор илмий-танқидий асарлари ўзбек марксистик адабиётшунослигининг тадрижий такомилида катта ўрин эгаллайди. Айни вақтда, Ҳамид Олимжон, фақат тор академик маънодаги адабиётшунос эмас, балки у, публицист ҳам. Ҳамид Олимжоннинг «Серафимовичнинг ижодий роли», «Тарас Шевченко», «Горькийни таниша», «Толстой ва ўзбек ҳалқи», «Муҳаммад Амин Муқимий», «Жамбул ва ҳалқ», «Алпомиш ва Барчин» ҳам «Эрторғин — баҳт излаган ҳалқ образи» сингари илмий-популяр руҳда ёзилган ўнлаб мақолалари ўз-ўзидан шу хуносага олиб келади.

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Ўзбек халқиниң рус ва бошқа қардош халқлар адабиётининг айрим намуналари блан таништиришда ҳам Ҳамид Олимжоннинг хизмати катта. У, Ю. Лермонтов («Бэла» ва лирик шे'лар), Тарас Шевченко («Ше'лар», М. Горький («Челкаш»), Н. Островский («Пўлат қандай тобланди»), А. Корнейчук («Платон Кречет») асарларини ўзбек тилига таржима қилди. У, айниқса, «Рус позиясининг қуёши» Александр Сергеевич Пушкиннинг «Кавказ асири», «Сув париси — русалка» поэмалари ва талай лирик ше'ларини таржима қилиша зўр ижодий муваффақиятларга эриши, Пушкин ше'рнитининг руҳини тўла сақлаган ҳолда ўзбек китобхонига манзур бўладиган таржималар яратоалди.

Рус халқининг миллий характеристики, рус ва Кавказ табиати-виянг гўзал манзарасини оташин мұҳаббат ва буюк сан'ат блан тараним этган шонир асарларининг Ҳамид Олимжон ижодий лабораториясига кириб келиши катта воқиа эди. Ҳамид Олимжон Пушкин асарининг руҳини англаш, атрофлича ўрганиш ва усталик блан таржима қилиш устида жуда қунт блан ишлади. У Пушкиннинг ижодий мактабидан сабоқ олди.

1938 йилдан бошлаб республикамиз Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўрабошлади. Бу даврда Ўзбекистон Үқув педагогика нашриётининг адабий бўлимини бошқарётган Ҳамид Олимжон (1937—1938), Ҳукумат юбилей комитетининг илмий котиби қилиб тайинланди. 1940 йилдан бошлаб ёса Комитет раисининг мувонини вазифасини ижро этишга киришади. Шу блан бирга у 1939 йилдан бошлаб Ўзбекистон ёзуучилари союзининг раисен сифатида иш олиб боради.

Ҳамид Олимжон Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлаш, рус ва бошқа қардош халқлар тилига таржимасини уюштириш, шонрининг ҳаёти ва ижодини кенг омма орасида популярлаштириш ҳам марксистик навоийшуносликини яратиш жараёнидага ўзини исте'додли ташкилотчи, катта назарий тайёргарликка эга бўлган йирик жамоат арбоби сифатида кўрсатди.

Айниқса, Навоий ижодиётининг оригиналлигини инкор қилиб келган гарб шарқшунослари, ундан ўзларининг қандайдир «сумумтурк», «умуммусулмон» маданияти ҳақидаги афсоналарини оқлашда фойдаланиб келган Шарқ пантуркист ва панисломистларининг реакцион ирқий космополитик «назария»лари ва вульгар социологларининг заарли концепцияларига зарба беришда Ҳамид Олимжоннинг хизмати катта. Унинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишлиган йигирмадан ортиқ мақоласи сўзимизнинг далилларидир. Бу мақолаларда ўзбек халқининг бой қадим маданиятга эга эканлиги, унинг гениял фарзанди Навоийнинг ижодиёти инсонга нисбатан меҳр-муҳаббат блан сугорилган оригинал асарлардан иборат эканлиги ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган далиллар асосида и себотланади.

Шу муносабат блан, Ҳамид Олимжон, сўз сан'атининг доҳиси Алишер Навоийнинг асарларини янада чуқур ўрганади,

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

унинг замондошлари ва изчиллари бўлмиш Шарқ адабиётиниг ҳассос лирик шоирлари — йутғини, Атоин ҳам ъобирнинг гўзал разаллари, рубойлари блан янада яқинроқ танишади. Бу Ҳамид Олимжоннинг ўзбек совет адабиётининг йирик лирик шоирни даражасигача кўтиарилишига самарали та’сир кўрсатади.

Яна шуни эслатиш керакки, Ҳамид Олимжон ижодиётининг камолотга эришувида фольклор ҳам, шубҳасиз, катта роль ўй нади. Бу тасодифий, фақат Ҳамид Олимжон ижоди учун хос бир ҳодиса эмас, балки ҳарбир йирик сан'аткорни тадрижий такомил йўлида учрайдиган муайян фактордор. Бусиз сўз сан'атининг юксак чўққиларини эгаллаш мумкин эмас. Чунки «Сўз сан'атининг боши — фольклорда» (М. Горький).

Болалик кезлариданоқ ҳалқ ижодиётига эйр мечр борлаган Ҳамид Олимжон, бу даврда фольклор асарларини асосли равишда ўрганабошлайди. Айниқса, фольклоримизнинг оқсоқоли Фозил Йўлдош ўғли блан «Алпомиш» достонини ишлаб, нашрга тайёрлаш процесси (1938) да яқиндан бўлган муносабат шоирнинг ижодий биографиясида алоҳида ўрин тутади.

Оғзаки адабиётнинг буюк аҳамиятини чуқур ҳис қилган Ҳамид Олимжон шуларни ёзди:

«... «Алпомиш» бизнинг ёзучиларимиз учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Пушкин ижодида фольклор — ҳалқ ижодий адабиётининг асосий манба'ларидан бири эди...

Пушкиннинг фольклорга ва ҳалқ тилига бўлган муҳаббати адабиётни кенг ҳалқга етказиш нияти блан туғилган ва бу рус адабиётини демократизация қилишдаги этаплардан бири бўлган эди.

Гап ёлриз Пушкиндагина эмас. «Илиада», «Одиссея» ҳам сан'атининг энг баланд намунаси қилиб яратилган юонон фольклоридир.

Шекспирнинг «Гамлет» номли буюк трагедияси ҳалқ фольклори асосида яратилган. Гётенинг улуг «Фауст»и фольклор заминида яратилган муҳташам бир иморатdir.

Улуг ўзбек шоирни Навоий фольклорни жуда яхши кўрар ва яхши билар эди. Навоий «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» ҳикоясини ҳалқ фолькларидан олиб ишлаган ва унга буюк бадний камолот бергандир.

Бизнинг ёзучиларимизга фольклорни билиш қанчаллик зарур эканини ҳаёт кўрсатур. Ўзбек адабиётини юксалтириш, унинг тилини чин ҳалқ тили қилиш, содда ва чуқур қилиш ва ниҳоят, умуман айтганда, ўзбек совет адабиётини чин ма'нода ҳалқчилик қилиш учун фольклорнинг аҳамияти буюк бўлур».

Бу — фақат фактларни назарий умумлаштиручи адабиётшуноснинг фикрлари эмас. Бу — фольклорнинг катта аҳамиятини ўз мисра'ларида синаган шоирнинг ижодий лабораториясида туғилган катта тажрибадан сўнг қоғозга туширилган фикрлар-

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Дир. Ҳақиқатан ҳам, Ҳамид Олимжон асарларидағи соддалиқ ва гўзаллик, муҳтасарлик ва сермағолик, равонлик ва мусиқий-лиқка эришувилда меҳнаткаш халқнинг қалбидан қуюлган қўшиқлар, халқнинг орзу-умидларини ажойиб реалистик куч ва катта оптимистик руҳ блан куйлаган эпик асарлар, қискаси «фольклорнинг аҳамияти буюқ» бўлди. Буни шоирнинг ҳарбири сатрида, ҳарбир байтида, ҳарбири қадамида кўриш мумкин.

Демак, совет воқи'лигига, кундалик ҳәётимизга чуқурроқ кириб бориш, ўзбек класик адабиёти ва фольклорнинг энг яхши намуналарини илмий таҳлил қилиш, рус класик ва рус совет адабиёти блан мустаҳкам ижодий алоқада бўлиш ва ниҳоят мағкура соҳасидаги турли гайри марксистик оқимларга қарши кураш даврида назарий чиниқиши унинг, Ҳамид Олимжоннинг ўз ижодий тараққиётининг иккинчи даврида сан'аткор ва маданий шоир бўлиб етишувин учун асосли замия ҳозирлади. Шоирнинг «Дар'ё кечаси» (1936), «Ўлка» (1939) ва «Бахт» (1940) тўпламларига кирган исте'додли асарлари; «Ойгул блан Бахтиёр» (1937), «Зайнаб ва Омон» (1938) ва «Семурғ» (1939) каби ажойиб поэмалари мана шу заминнинг самарасидир.

Социалистик поэзиямизнинг сара намуналаридан бўлиб қолган by асарларда ўз ватани, ўз халқига зўр муҳаббат блан тўлган ва улуғ ғояларга хизмат қилган қалб, шоирона лид ва нозик тўйғулар блан мавжулган исте'дод — Ҳамид Олимжон сан'аткор шоир даражасига кўтарилди.

Бу камолотнинг асосий омилларидан бири, шоирнинг коммунизм қураётган ижодкор совет халқи блан бирга нафас олганлигидадир.

Толим шулким, ватанда бир гулестон танладим,
Бахтни топган эл блан жондош бўлиб отдим одим.
Иўлдан озғанларга ҳечбир бўлмадим мен қайғудош,
Шу сабабданким, менинг бағримда жой олди қўёш,
Шу сабабданким, ватанда бўлмадим илҳоми хор,
Шу сабабдан менга ётдир бахт талсқ этган диёр.

Чуқур ижтимоий ма'но ва самимий оптимизм руҳи блан болқинган бу мисра'лар Ҳамид Олимжон ҳәётининг мазмуни ва ижодиётининг мундарижаси, сарлавҳаси десак, асло хато қилмаган бўламиз. Ҳа, у «Бахт топган эл блан жондош», илҳоми ҳур шоир. Шунинг учун ҳам у «Қалбимдан оқади бир дар'ё қўшиқ» деб тарихий ҳақиқатни эслатиб ўтди. Чунки, у ҳақиқатан ҳам дар'ёдек бағри кенг илҳом соҳибидир.

Ҳамид Олимжон асарларининг барча фазилатларини санавчиқиши жуда қийин. Улар ватанимиз табиатидек рангба-ранг ва бойдир. Яна шунни ҳам айтиш керакки, бу кичкинагина ишда унинг катта ижодини таҳлил этиш ва ҳарбири асарининг характеристини белгилаб чиқиши ҳам маҳол.

«Бахтлар водиси»дан бошлаб битилган асарларда шоирнинг асосий сан'атларидан бири, кишига ҳаёт ва гўзаллик баҳу этичи табиатнинг бутун салобатини кўйма мисра'лар орқали зўр эҳтирос блан кўрсатабилишила, табиатнинг пассив манзарасини эмас, балки унинг воситасида коммунизм асирида яшаётган совет меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатияни реалистик куч блан ифодалайбилишила, баҳтиёр бугунги кунимиз блан фахрланиб, улуғвор келажакка буюк ишонч блан қарай билишдадир.

Улуғ рус танқидчиси В. Г. Белинский Кантемир ҳақида тўхтаб шундай дегав эди:

«Мен Кантемир тўғрисида ҳам ортиқча сўзлаб ўтирмаіман; фақат шуни айтмоқчиманки, мен унинг шонрлик мағлиига шубҳа блан қарайман. Менимча, унинг машҳур сатирик асарлари эҳтиросли ҳиссиёт меваси бўлмай, ақл ва совуққонлик блан кузатучиликдан келиб чиқсан бўлса керак».

В. Г. Белинскийнинг бу сўзларини келтириншдан мақсад, улуғ танқидчининг ақл блан эҳтирос-ҳиссиёт ўртасидаги муштарақлии ше'рият учун асосий мезонлардан бири эканлигини, бусиз ше'риятнинг қўймами, та'сирий кучи йўқолажагини доимо та'кидлаб келганилиги залатиб ўтиш ва шу нуқтаи назардан Ҳамид Олимжон асарларини таҳлил қилишдир.

Ҳамид Олимжон асарларининг энг яхши фазилатларида бири ҳам, гоя блан эҳтирос, ақл блан ҳиссиёт, мақсад блан тенденциозликнинг муштарақлигидир. Шоирнинг ўткир тафаккури меваси бўлган ҳарбир мисраи жўшқин эҳтиросли қалб поэзиясидир. Зотан, юракдан чиқсан ҳарбир сўз кишини ҳаяжонга солмасдан, унга ўз та'сирини кўрсатмасдан қолиши мумкин эмас.

—Халқчиллик масаласига келганда шуни айтиш керакки, Ҳамид Олимжон асарларининг халқ ўртасида шунчалик кенг тарқалиб кетишига асосий сабаблардан бири ҳам, уларнинг халқчиллигидадир. Бу халқда кўп учрайдиган ба'зи сўзлар, иборалар ва ёки айrim халқ мақолатини бадий асарга киритавериш, кўшиқлар ва ёки эртаклар услубида ёзиш блан белгиланмайди, йўқ. (Бу халқчиллик ёзучининг ҳарқандай ҳорижий та'сирдан чет бўлгани ҳолда, ўз ҳалқининг руҳини, орзу-умидларини ва курашини тўғри ифодалashi, уларнинг реалистик бадий картинасини яратиб бериш блан белгиланади. «Бизнинг халқчиллигимиз,—деган эди В. Г. Белинский,—рус ҳаёти картинасини ҳаққоний тасъирлашдадир». Шунинг учун ҳам бизнинг адабиётимиздаги халқчиллик—совет ҳаёти картинасини ҳаққоний тасвирлашдадир, десак «хато қилмаган бўламиз.

Мана шу ма'нода Ҳамид Олимжон ижодиёти халқчилдир. Чунки унинг асарлари ўзбек халқи ва умуман буюк Сталин даври ҳаётининг ҳаққоний акси садосидир. Чунки, у, ўз Ватанинчига ва ҳалқининг чин фарзандидир.

Буюк Октябрь революцияси шоирнинг Ватанига ҳуррият ва халқига баҳт келтирди. Табийки, шу «баҳтиёр диёр» хал-

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

қининг заковати ва даҳоси етиштирган совет ёзучиларининг ижодида баҳт мавзуи кенг ўрин олди.

Ўзбек совет адабиётида бу мавзу'ни атрофлича ишлаган, адабиётшунослардан бирининг та'бири блан айтганда, поэзияда «Баҳт фалсафаси»ни яратганлардан бири — Ҳамид Олимжонидир. У «Асрларнинг қайғусини қарғаб, шодлик ва баҳт куйини» тараннум қилган баҳт куйчиси, шодлик куйчиси:

Баҳт топилмас ҳечбир замонда
Эл қул бўлса, бўлса яланоч,
Жаннатларни яратган одам
Натижада ўзи қолса оч.

Қувонч шулким, толи' ёр бўлиб,
Баҳтни топган элни кўролдим.
Асрларнинг қайғусин қарғаб,
Шодлик ва баҳт куйини чалдим.

Баҳт таронаси шоирнинг барча асарларинда қизил ип бўлиб ўтади. Ҳамид Олимжонинг «Улка», «Баҳт тўғрисида», «Куйчининг хаёли», «Үрик гуллаганд», «Москва», «Баҳтимиз тарихига» каби гўзал лирик асарларнда ҳам, олтмиш йил умри ўтиб «Ҳеч роҳат кўрмаган», хотини қишлоқда «Ямоқ ямашнинг энг буюк чевариси» бўлган ва фақат совет даврида, колхоз тузумида ўз саодатини топган дехқон образини тасвирловчи «Ота ҳаётидан», четэл империалистларининг малайлари Шоҳимардоннинг қора гуруҳлари қўлида ҳалок бўлган оташин кўйчи Ҳамза Ҳакимзода образини яратишга бағишилган «Шоҳимардон» сингари дostonларида ҳам шу мавзу' кўйланади.

Шоир «Шодликни кўйлаганимининг сабаби» ше'рида шуларни ёзади:

Шоирларни кўп ўқиб чиқдим,
Билмаганим қолди жуда кам.
Ўқиб чиқдим,чувалди фикрим
Кўрабериб ҳаммасида гам.

Фузулинни олдим қўлимга,
Мажнун бўлиб йиглаб қичқирди.
Ва Навоий тушиб йўлимга
Фар'ёд блан ўрнидан турди.

Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Охир қўйиб олдим Ҳофизни
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч
Йиглаб турган бир черкас қизни.

Шекспирдан сўрадим савол.
Жавобини келтирди Хайём:

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

«Чунки ғамга ошнодир ҳол,
Қайғу блан тўлиқдир айём»

Ўйладиму узоқ қолдим жим,
Сўнгра савол қилдим ўзимдан,
Дар'ё каби тўлиб севинчим
Еш тирқираб келди кўзимдан.

Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одатим.
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Кўйламоқлик зўр саодатим.

Чунки элим қайғуни билмас,
Чунки йўқдир ватанда мотам.
Озод ҳалқим бошига келмас
Энди сра мусибат ва ғам.

«Дар'ё қанча чуқур бўлса, шунча секин оқади» деган ҳалқ мақолини бу ше'рга тўла татбиқ этиш мумкин. Ше'рда тумтароқ сўзлар, сан'атпардоzlик, ташқи безак, зўрма-зўракилик, ясамалик йўқ. Ше'р равон, ҳарқандай савиядаги китобхоннинг юрагига етиб борадиган содда-гўзал тил блан ёэилган, мисра'лар табиий қофиялар блан жуфтлаштирилган. Лекин бу мисра'ларга сингдирилган фикр, ма'но гоят кенг ва жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга: ижодкор муҳитининг мевасидир. Ҳаётда тот йўқ экан, ҳалқ баҳтсиз экан, виждонли шоирнинг сози ҳам мусибат ва ғамини куйлаб, озодликка қаҳиради. Ватан ҳур экан, ҳалқ баҳтиёр экан, «Асрларнинг қайғусини қарғаб, шодлик ва баҳтни кўйламоқлик шоирнинг саодатига, ягона мақсадига айланади.

Ўзбек ҳалқи буюк Ленин—Сталин даврида асрий қолоқлик ве қуллик занжирларини парчалаб, сиёсий, иқтисодий ва илмий зулмдан қутилиб, совет ватанининг озод граждани деган шарафли номга эришид. Унинг тупроғи «Бахтиёрлар ўлжасига» айланади. Улуг мақсад блан яшайдиган, коммунизминг порлоқ чўққалиари сари интилаётган бу ҳалққа «мажруҳ ва бетоб» қўшиқлар эмас, балки уларни янги ғалабаларга илҳомлантиручи, социалистик ҳаёт пафоси блан тўла тетик ва қувноқ қўшиқлар керак эди. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон «Шодлик ва баҳтни кўйламоқлик» ни ўз саодати деб билди, умрининг охиригача шу мақсадга содиқ хизмат қилди. Шоирнинг:

Розимасман бир ёш томса кўзимдан,
Розимасман сал ранг кетса юзимдан,
Иўл ошсаму сал яшащдан адашсам,
Розимасман унда тамом ўзимдан.

— каби сатрлари фикримизни яна сир марта тасдиқлаанди.

Эркесвар ўзбек ҳалқининг тарихий ўтмишда бахт учун кураши Ҳамид Олимжоннинг фольклор услубида ёзилган «Ойгул блан Бахтиёр» (1937) достонига тема қилиб олинган. Сираси келганда шуни ҳам айтиш керакки, ҳалмагача ба'зи адабиётшунослар бу достонни «Маликаи Ҳуснобод» каби конкрет фольклор маинба'ларини ше'рий тилда қайта ишлаб чиқишидан изборатлир, деган хато фикрни илгари суреба кельмоқдалар. Тўғри, «Ойгул блан Бахтиёр» эртак жанрида ёзилган асадардир. «Ойгул блан Бахтиёр» да ҳалқ ижодиётининг формал томонларидан кенг фойдаланилган. Лекин масалавининг ичига чуқурроқ кирилса, бу асар асосида муайян тарихий воқиға, 1916 йил Жиззах ҳалқининг миллий озодлик қўзғолони ётади. Жиззах қўзғолони—ўзбек ҳалқининг миллий озодлик учун кураши тарихидаги энг ёрқин саҳифалардан биридир. Биз, бу қўзғолон ёш Ҳамид Олимжоннинг қалбида нақадар чуқур из қолдирганлигини сўзлаган эдик. Шундан бери шоирии бахтга, озодликка интилган ҳалқ образи ҳамавақт ҳаяжонга солиб келган. Шунинг учун ҳам «Ойгул блан Бахтиёр» даги ҳалқ қўзғолони манзаралари катта реалистик маҳорат блан тасвирланган, Дархон, Тарлон, Ойгул ва Бахтиёр каби ҳалқ вакъиларининг жонли, мардона образлари яратилган. Булар, айниқса, Ойгул блан Бахтиёр — ҳалқининг қора ўтмишини ҳурлик ва бахт нури блан ёритучи, донмо қўёш сари интилучи символик образлардир.

Хулоса қилиб айтганда, «Ойгул блан Бахтиёр» ҳалқ ижодиётининг фантастик воситалари асосида ҳал қилинган реалистик асадардир.

Ҳамид Олимжон совет кишисининг ижодий меҳнати куйчисидир. Унинг асарларида фақат кураш ва ижодий меҳнати блан бахт ҳам шодликка эришув мумкин, деган фикр изчил равишда ўтказилади. Ҳамид Олимжон улуғ сталинча бешийиллик қурилишларида, социалистик колхоз далаларида баҳодирлик кўрсататиётга миллионлар блан ҳамнафас, ҳамдил ва ҳамфир бўлди. У, ўзининг жўшқин қалби ва ўтқир мулоҳазаси блан шу миллионлар ижтимоий ҳастиди, ма'навий қиёфасида, ўлка табиатида рўй берәтган ўзгаришларни чуқур ҳис этишига интилди.

Замона блан доим оҳангдош бўлиш шарафига ҳарқандай ижодкор ҳам мұяссрар бўлавермайди. Лекин Ҳамид Олимжон ўз ижодий йўлига таққидий ёндашганни учун, ҳамон камолот сари интилгани учун бу шарафга эришди. Унинг поэзияси бутугиги ва эртаги кунининг қўзғисига айланди. Чунки, у, социалистик реализм заминида мустажҳам турган романтик парвозли маданий ва туйғун шоирдир. Чунончи, «Совет адабиётни бизнинг кишиларимизни кўрсатабилishi керак. Бизнинг эртаги кунимизни кўрабилиши керак. Бу утопия бўлмайди. Чунки бизнинг эртаги кунимиз буғунги планли, онгли ишимиш орқали тайёрланмоқда» (А. А. Жданов), чунончи ғадиий адабиётда ҳам фантазия, «уидирма» интуициялар ҳал қилучи роль ўйнайдилар. Қузатиш,

ўрганиш, билишнинг ўзи кифоя қўлмайди, «ўйлаб чиқармоқ, яратмоқ ҳам зарур. Ижодиёт — кўп майда нарсаларнинг қўшилиб бирқатор йирик, мукаммал формали бир бутунни пайдо қилишидир» (М. Горький)

Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водиси» ше'рида «Елкасига тарих билмас ғалаба ортган» Фаргона водиси колхозчиларининг баҳодирона меҳнати туфайли «Бахмал қирлар, пахтазор ерлар»га айланганлиги, бу водида «Меҳнат — шараф ва шон» бўлиб қолганлиги, бу азamat ўлка «Қоратўра осган жонлардан... ҳаркун гадойликка тортган онлардан бир йўласи озод» бўлганлигини катта ҳаётий ҳаққоният ва жўшқин эҳтирос, Маяковский нотиқлиги ва мантиқи блан кўйланади. «Бахтлар водиси» инги меҳнатда ўз ижодий имкониятларини намойиш қилаётган совет кишиларини четдав кузатиб, бетарафа туриб ёзилган ше'р эмас, йўқ. «Бахтлар водиси» шу ҳаётнинг ичди қайнаш, меҳнатнинг шавқ-завқини дилдан ҳис этиши, меҳнаткашлар блан бирга тер тўкиб яратилган меҳнат гимнидир. Шоир бу меҳнатнинг ҳарбир самарасидан қувонади ва уни кўз қорачигидай сақлашга чақиради:

Эй, бахтли водининг большевиклари!
Эй, ўлкани электрик дар'ёларига
Еш боладай чўмилтироқчи
Бўлган фидокор!
Эй, болага
Тоза кўйлаклар
Кийгизучи ўртоқ пахтакор!
Кўмкўк водиларни
Кўз қорасидай
Сақла,
Баргларига
Гард ҳам юқтирмай!

Бу ше'р сиёсий, публицистик лириканинг энг ёрқин на-
мунаси, коммунистик ахлоқ руҳида тарбияланган, бугунги
ижодий фидокорликлари блан буюк келажакнинг пойдеворига
ғишт қўяётган, жаҳонда бутунлай янги одамлар бўлган совет
батанипарварлари меҳнатининг таронасидир.

Меҳнат темаси шоир ижодида жуда кенг ишланган тема.
У, ўз бахтини, истиқболини «Колхоздаги ҳур, ҳалол меҳнат»да
кўрган оддий ўзбек қизи Баҳри образини яратганда ҳам («Баҳри»), меҳнат азоб-уқубат бўлган қора ўтмиш блан «Меҳнат ша-
раф ва шон»га айланган баҳтиёр бугунни таққослаганда ҳам («Маҳорат») ва бу ўринда келтириш имкони бўлмаган бошқа ўнлаб
ше'ларида ҳам халқимизнинг ижодий меҳнатига кенг ўрин бе-
сади. Унинг меҳнат куйларida баланд сиёсий руҳ бор: бизга

Ўзбек адабиётининг лирик сан'аткори

«Эркин турмуш ва маҳсулдор иш»ни большевиклар партияси, Совет ҳукумати бахш этди, деган фикр мудом шоирнинг диққат марказида туради.

Ҳамид Олимжон янги ва инсоний муҳаббат кўйичисидир. Шоир бундай муҳаббатни пессимистик, интим қўшиқларда эмас, ҳушнуд, самимий ва шўх сатрларда улуғлайди. У совет кишиси муҳаббатининг энг нозик туйгуларини ва муродини комил усталик блан тасвирлаган сан'аткоридир:

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
Ҳарбир қалбга ишқ бўлар межмон,
Ҳар юракда гуллар муҳаббат,
Бўстон этар уни бегумон.

Лекин Лайли бошига келган
Қора кунилар бизга ёт бутун.
Бизга ётдир Ширин бахтини
Поймол этган у қопқора тун.

Бу ше'р Ҳамид Олимжоннинг барча муҳаббат темасидаги асарларига муқаддима бўлаолади. Шоирни мафтун этган лирик қаҳрамон-ёр,

Эскиликини сенгиб чиққан қиз
Кўкда қилас бахтли бир ханда,
Афсоналар, динлар, одатлар
Ерда ётар бўлиб шарманда.

У, ёр ижтимоий тенгиззлик занжиридан озод этилган ва совет давлатида буюк кучга айланган инсон Унлаги ташқи гўззалик теран ақи ва бой ма'навият блан уйғундир. У колхоз далаларида («Баҳри»), Ватан осмонида («Қиз»), Чирчиқ курилишларинда («Икки қизнинг ҳикояси») ўз ижодий имкониятларини давлат манфаатига, ҳалқ манфаатига сафарбар этган, юксак ма'навий фазилатга эга ватанпарвар қиз. Унинг ма'sум қалбидан Офелияга йўлдош бўлган «ма'кос ва ғамгин» овоз тарқалмайди. Бу қизга гўзал Офелиянинг қора тақдир, унинг севгисига ўқилган «қора жаноза» бутунлай бегона. Унинг севгиси албатта тантана қиласажак. Чунки, у коммунистик ахлоқ руҳида тарбияланган жамиятда, Буюк Сталин даврида, коммунизм асрода яшайди. Бу Ватанда муҳаббат ва садоқат, вафо ва ҳурмат, иқбол ва истиқбол ҳарбир совет кишисининг доимий йўлдошидир.

Поэзия сан'атининг баланд чўққисига кўтарилиган «Офелиянинг ўлими» асосида жуда катта фалсафий фикр ётади. У ҳам бўлса, ма'sум ва вафодор Офелиянинг севгисига ўқилган «қора жаноза» у яшаган жамиятга ўқилган «қора жаноза» демакдир. Гўзал Офелиянинг бахтезлиги у яшаган даврининг

Бахтсизлигӣ, Офелияниң ўлими у яшаган тузумнинг ўлимга маҳкум этилганлиги демакдир. Бу ше'рнинг ҳарбири сатрида ўша даврга нисбатан нафрат қайнайди. Шоир кишининг муроди ҳосил бўлмаган тузум ва Офелиядек баҳтсиз гўзални яратган табиатга шундай мурожаат қиласди:

Жавоб бериб кўрчи, номард табиат,
Бунчалик гўзални нечун яратдинг?
Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад,
Нечун яратдингу ўтларга отдинг?

Ҳали севишмоқда шумидир ма'но?
Фақат азоб бордир қисматда наҳот?
Наҳотки севигига шудир таманио?
Наҳот гўзал учун фақат, фақат дод?..

Иўқ, бу ўринда на табиат, на гўзаллик гуноҳкор. Бу ўринда шахсий манфаатлар ҳаммадан устун турган, шахсий манфаат туфайли ҳарқандай инсоний хислатлар қурбон қилинган тенгизслик ва адолатсизликка асосланган тузум айбордордир.

Ҳамид Олимжон мана шундай мураккаб фалсафий фикрни бир кичик асарнинг муҳтасар, қўйма мисра'ларига катта бадиий усталик блан сингдираолган. Бу шоирнинг зўр ижодий муваффақиятидир.

Шоирнинг фантастик эртак жанрида ёзилган иккинчи достони «Семурғ» (1939) ҳам асосан мұҳабbat проблемасига бағишланган.

Ма'лумки, Ўзбек фольклорида баҳт қуши — Семурғ ҳақида эртаклар ва эпик достонларни кўп учратиш мумкин. Айниқса, Зарафшон водисида кенг тарқалган бу сюжет Ҳамид Олимжон онасининг энг севиб айтадиган эртакларидан бирин бўлган. У болалик кезларида бу эртакни тақрор-тақрор тинглаган. Ҳалқ ботирининг қаҳрамонликлари, «чангалида зўр арслон, тумшуғида ботмон дои» блан парвоз этаолиши кучига эга бўлган Семурғнинг мардлиги унинг ёш қалбига уча хотирасига катта та'сир кўрсатган. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон ўз ижодий йўлининг ўн учинчи йилида «Семурғ» номли достонни яратади.

«Семурғ» босилмасданоқ кенг жамоатчиликнинг диққатини ўзига тортди. Шоир ўз ўқуҷиларидан достонини тезроқ бостириш ҳақида хатлар олабошлади. Мана шулардан бири:

«Орденли шоир ўтоқ Ҳамид Олимжон!
Декабрь, январь ойлари эди, Ўзбекистон Радио Комитети микрофонида чиқишингизни диққат блан тингладик. Сиз бу чиқишида ўзингизнинг «Семурғ» номли достонингизни ўқиб бердингиз.
Шу нарса Ленинобод меҳнаткашларининг диққатини жалб қилди.
Шу вақтда биз, Ленинобод область ижроия комитетининг 8 нафар хизматчилари блан радио приёмник атрофига йиғилишган

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Эдик. Достон бизга жуда ёқди. У ҳақиқатан ҳам яхши ёзилган.

Бу хатни юборишдан мақсад шуки, агар имконият бўлса ва шахсан ўзингизга малол келмаса, ўша достондан бир нусха юборсангиз. Агар бунга имконият бўлмаса, қачон, қайся журнал ва газетада босилажагини ма'лум қиласангиз.

Хурмат блан A. M. 10. III. 40.»

Бу мактуб достоннинг ғоявий-бадний томондан ҳалқнинг табларига тўла жавоб берганлигини, омманинг қалбидан муносаб жой олганлигини, унинг меҳри-муҳаббатига сазовор бўлганлигини кўрсатучи фактдир. Бу факт ҳалқ блан шоирнинг муносабатини, уларнинг бир мақсадга хизмат қилаётганиликтарини намойиш этучи жонли тарихдир.

«Достон бизга жуда ёқди. У ҳақиқатан ҳам яхши ёзилган» деган фикр шуни кўрсатадики, асарда ҳалқнинг руҳи тўла акс этган, асар қаҳрамони Бун'ёд образида эса ҳалқ ўзининг олижаноб хусусиятларини кўрган.

Ҳамид Олимжон ижодиётидаги баҳт, меҳнат ва севги тароналарининг илҳомбашш майбани буюк пойтаҳт — Москва, Кремльдир. У «Кремль чироги қаршисида» (1936) ва «Москва» (1936) каби ше'рларида жаҳонда энг революцион, энг демократик ва энг илғор давлатнинг маркази; бепоён Ватанимизнинг қалби — Москва, бутун дун'ёга озодлик ва баҳт нурини сочучи қуёш— Кремль чироглари улуғланади.

Кремль чироглари шоирнинг кўзига нур, дилига сурур берган.

Кўзимга нур берди ва порлаб ҳар гал
Иўлларимни қилди хору ҳасдан пок...

Зеҳнимни ёритдинг, янги соҳиллар
Кўрияди мен сузган буюк муҳитда.

(«Кремль чироги қаршисида»).

Ҳамид Олимжон социалистик марказнинг буюк озодлик ролини жуда тўғри англади ва уни оташин сатрларда қўйлади:

Ҳаммаёқ интилар Москвага қараб,
Шу ердан қон олар қалбига ҳаёт,
Шу қуёш ўнгига айланар дун'ё.
Шу ердан бошланар бутув коннот.

(«Москва»).

Ҳа, инсоний ҳаёт ва коннст Москва — Кремльдан бошланади. Чунки бу ерда буюк Ленин яшаган, башар қуёши — Сталин ижод этмоқда. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон Ленин —

Ўзбек адабиётининг дарик сан'аткори

Сталин образини яратишви ўзининг ижодий баҳти ва муқаддас шоирлик бурчи деб билди.

Ҳамид Олимжоннинг ўз Ватанинга, ўз халқига бўлган муҳаббати, шу Ватанинг, шу халқининг баҳт ва саодат йўлига олиб чиққан доҳиларимизга — Ленин ва Сталинга бўлган меҳр блан узвий bogланган. У қачонки, Ватан ва халқ ҳақида гапирад экан, Ленин — Сталин ҳақида гапиради. Шоирининг «Икки қизининг ҳикояси» (1935 — 1937) поэмаси, «Сосо» (1937), «Башар куёшига» (1937) ва «1924-нчи Йилнинг 21-нчи январида Самарқанд» (1938) номли балладалари ўзбек адабиётидаги Ленин — Сталиннинг ёрқин образини яратиш йўлидаги биринчи тетик қадамдир.

Совет давлатининг асосчиси, революция доҳиси, халқларнинг буюк йўлбошчиси Лениннинг ёрқин образи Совет Иттифоқида яшовчи барча халқларнинг ижодиётидаги ўз ғодасини тоғган. Бу улуғ инсон образини сан'атнинг ҳар турида: ҳайкалтарошлиқ ва сураткашлик, театр ва кино, музика ва адабиётда учратиш мумкин. Бу образ Буюк Октябр социалистик революциясини улуғлаган биринчи халқ қўшиқларидан бошлаб, совет адабиётининг марказий проблемаси, ёзучиларимизнинг севгани темаси бўлиб қолди.

Ўзбек совет поэзияси ва фольклорида ҳам бу темага бағишланган анчагина асарлар бор. Шулар орасида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Уртоқ Ленин» достони ва Ҳамид Олимжоннинг «1924-нчи Йилнинг 21-нчи январида Самарқанд» балладаси алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳамид Олимжон 1924 йилда доҳи Ленин вафотини зўр қайғу блан қарши олган Самарқанд халқининг мотами намобдишини ўз кўзи блаан кўрган ва чукур ҳис этган.

Хәслимда жонланар бутун,
Хотирамдан чиқмас ўша кун..

Шунинг учун ҳам қачонки, у Ленин ҳақида ёзар экан, кўз ўнгига шу манзара келади. Унинг биринчи тўплами — «Кўклим» га кирган «Доҳининг мотами» (1928) шे'рида ҳам Лениннинг улуғвор образи шу манзара орқали берилган. Табиий, шоирининг ёшлиги туфайли бу асар ғоявий-бадиий жиҳатдан аниа бўш ёзилган. Буни шоирининг ўзи ҳам жуда яхши англаган. У орадан ўн йил ўтгандан сўнг бу темага яна қайтиб, абадий ўлмас буюк инсоннинг хотирасига муносиб асар яратади. Бу ҳол шоирининг инкишоф йўлини, тадрижий такомилини кўрсатучи ёрқин мисодир.

«1924-нчи Йилнинг 21-нчи январида Самарқанд» балладасида бутуя умрини инсониятнинг баҳти учун курашга сарф этган Владимир Ильич Лениннинг вафоти ҳақидағи маш'ум хабарни ўзитган халқининг «зўр талвасаси» шундай тасвиrlанади:

Қорда эди бутун бир жаҳон.
Ётар эди лайлак қор ёғиб.
Бошларида булат ва осмон
Туар эди минорлар оғиб.
Ҳоким эди ер ва кўқда қор,
Қорда эди мадраса, минор,
Қорда эди новда ниҳоллар,
Қорда эди майдонга қараб
Чопа-чопа келучи чоллар.
Қишлоқлардан боғлар оралаб
Келучилар усти қор эди.
Ҳали чиммат ичра моралаб
Елучилар усти қор эди.

Катта бадиий маҳорат блан чизилган бу жонли манзарада ҳалқнинг улуғ доҳига бўлган меҳру муҳаббати ва қайғуси кичкина ишоралар орқали тўла очилган. Кўхна Самарқанд бундай мотамни сра кўрмаган, чунки:

Минг йилларни қиёнаган жумбоқ
Унинг ақли блан топилди:
Чирик, қонхўр тузумнинг шучоқ
Эшиклари тақ-тақ ёпилди.
Хароб бўлган хўр бир дун'ёни
Бўронлардан олиб ўтли ул,
Зулмга қарши қўзғолди қони,
Бир ўт ёқиб шуон этди кул.
Иўлга солди ўзи бўлиб бош,
Ва одамга баҳт берди ўша,
Очларга ион, кийим, устубош,
Ерсизларга ерни ҳамиша.

Бу гоят кучли эҳтирос ва катта бадиий умумлашмаларда тасвирланган буюк инсоннинг нуроний ва улуғвор образидир. Мазкур оташин мисра'лар абдий барҳаёт Лениннинг сўнмас хотираснга кўйилган ўзбек совет адабиётидаги биринчи ва мангуд ҳайкалдир.

Бадиий адабиёт ва ҳалқ поэзиясида Ленин образидек юксак камолотга кўтарилиглардан, фақат, Сталин образини кўрсатиш мумкин. Бу тасодифий бир ҳол эмас, албатта.

Сталин ҳалқимизнинг барча орзу умидларини, барча заковат ва даҳосини ўзида мужассамлантирган буюк доҳи. Сталин — жаҳон меҳнаткашларининг најотчиси, совет ҳалқини улуғ ғила-балар сари элтучи камтарин инсон ва донишманд раҳбар. Сталин — бугунги Ленинdir. Шунинг учун ҳам Сталин образида совет воқи'лигининг конкрет поэтик ифодаси ўзининг бутун салобати ва улуғворлиги блан гавдаланади.

Ўзбек адабиётининг лирик сан'аткори

Инсоният Ленин ва Сталинда ўзининг гениал доҳиларини кўргандек, ҳозирги замон адабиёти ва сан'ати ҳам Ленин — Сталин образида ўзининг келажак тараққиёти йўлини белгилаб беручи қаҳрамонини топди.

Ҳамил Олимжоннинг энг бақувват, энг чиройли сатрлари Сталинга бағишлиланади, Сталинни улуғлайди. Унинг асарларининг асосий қаҳрамони ҳам Сталинdir. Ўжар Чирчиқ дар'есини жиловлашга отланган ҳалқ иродасини тасвиrlовчи «Икки қизнинг ҳикояси» номли гўзал достонининг ҳам қаҳрамони Сталинdir; «Соко», «Башар қўёшига» балладалари эса маҳсус Сталин образини яратишига қаратиландир.

«Соко»да жаҳон меҳнаткашларининг баҳти бўлган шу буюк одам, Иосиф Сталин оиласининг ўлканинг ўзга меҳнаткашлари каби муҳтожликда кечирган кунлари, «Асрлар қайғуси» пешонасида бўлган мушфиқ онанинг ёш Соко (Иосиф)ни волга етказишидаги маваққатлари, Сосонинг курашлари ва ниҳоят буюк галаба блан меҳрибон онасининг олдига қайтиши чуқур реалистик бўёқлар ҳам романтик тасвиrlар воситасида катта бадий сан'ат блан кўрсатилиди. Шоир ортиқча тавсифларга берилиб ўтирасдан, қўйидаги кичкинагина лирик парча орқалиёқ, Сталиннинг тарихда тутган улуғ ролини берабилди:

Нақадар бахтилидир она бечора!
Наҳотки шу ўғил, шу жигарпора,
Шу бир эт парчаси, шу бир қошиқ қон,
Шу чумчуқдай юрак, шу кичкина жон,
Ўзига жаҳонни сидирав бир кун?
Жаҳондан жаҳонлар тудирав бир кун?
Наҳотки асрлар, йилларча жафо
Чеккан одамларга шу ўтар вафо?
Наҳотки дун'ёни қуршаб олган тун
Унинг қўлларида топажак якун?!

(«Соко»).

Бу мисра'ларнинг равонлиги соғлом кишиининг нафас олиши блан тенг. Чунки, буларда ҳечқандай зўрма-зўракилик, сохталик йўқ. Китобхоннинг энг нозик ҳисларига бориб уриладиган содда ва гўзал сўзлар тўлқини шонирнинг қалбидан, ўткир зеҳнидан эркин оққан. Шунинг блан бирга, улар ма'но э'тибори блан ҳам энциклопедик сатрлардир.

Балладада Сталин образи ўз ўглининг ғам ва шодликлари га доимо шерик бўлган меҳрибон, мушфиқ, ма'сум онанинг илиқ, жонли образи блан чамбарчас боғлиқ тасвиrlанади. Натижада, асарда лиризм ортади, та'сирий куч янада зўрайди. Шубҳасиз бу шонирнинг энг катта ижодий ютуқларидан биридир.

Ҳамил Олимжон 1937 йилда ўзбек сан'ати ўнкунлиги иштирокчилари блан Москвага боради. Декада иштирокчиларини шу

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Йилнинг 31 майида, Кремльда ҳукумат а'золари қабул қиласди. Шахсан ўртоқ В. М. Молотовнинг ўзи, бошқалар қаторида, Ҳамид Олимжонга ҳам ҳукумат мукофотини топширади. У, Кремльдан қайтгач, ўзининг «Башар қўёшига» номли машҳур асарини яратади.

Ҳамид Олимжон бу нодир асарида сиёсий, иқтисадий ва миллий зулм исканжасида вайронага айланган ватанини, гадо ва қашшоқ ҳалқини Ленин — Сталин миллий сиёсати туфайли қисқа бир вақт ичилади «Социализмнинг Шарқдаги маш'али» бўлаб қолганлигини ва яқин келажакда «Коммунизмнинг Шарқдаги маш'али» бўлажатини куйлади. Мана шу буюк тарихий ўзгаришлар фонида қора ўтмишнинг кишанларини парчалаган, ҳалқимизга баҳтиёр бутунги кунни берган ва ёрқин коммунистик келажакнинг мустаҳкам асосларини яратган «Башар қўёши» Сталиннинг улуғвор образи гавдаланади:

Инсонликка бўлиб бир қуёш,
Суюклимиз, сен кўтардинг бош.
Асрларча инграган жаҳон
Ахир келиб сенда топди жон...
Сен тарихнинг томирида қон,
Сен оламнинг танидаги жон.

Биз томондан эслатилган уч асар — «Икки қизнинг ҳикояси», «Сосо», «Башар қўёшига» — эпик тус олган сиёсий, публицистик лириканинг ёрқин намуналаридан, шонир ижодининг камолот чўққисидир.

Ҳамид Олимжон Сталин ва Ватан ҳақидаги темани «Бахти ўзбек ҳалқидан ВКП(б) нинг XVIII с'езди очилиш кунидаги ҳалқлар доҳиси улуғ Иосиф Виссарионович Сталинга хат», «Ўртоқ Сталинга Катта Фарғона канали қуручиларидан табриқ», «Катта Фарғона канали қуручиларидан ўртоқ Сталинга хат» каби бир гуруҳ шоирлар блан бирга ёзилган тарихий ҳужжатларда ҳам давом этдиради. У бахти ўзбек ҳалқи номидан доҳига шундай мурожаат этади:

Шоуллигимиз кундан-кунга зиёда,
Бахтимизга ўзинг борсан дун'ёда.

Ёки:

Пиллар яша, умринг бўлсин зиёда,
Бахтимизга ўзинг борсан дун'ёда.

Ҳамид Олимжон табиат манзараларини ҳам зўр маҳорат блан жонли бўёқларда тасвирлаб берган шонрdir. У Самарқанд қишининг мунгли манзарасини чизгандада ҳам («1924-ичи йилнинг 21-нчи январида Самарқанд»), гўзал Чирчик дар'ёсини тасвир этганда ҳам («Дар'ё кечаси»), Русия табиатининг

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

ҳаётбахш нафасидан илҳомланганда ҳам («Болтиқ денгизи бўйдарида»), мағрур Қавказ тоғлари, Қрим соҳилларига мафтун бўлганда ҳам («Қора денгиз бўйида») табиат шоир қалами остида турли туман ранг блан жилваланиб, жозибали картина касб этади. Узбекистоннинг кўклам фаслидаги гўзал водиларини тасвирлар экан, шонир илҳом блан қайнайди, унинг ҳассос қалби. Ҷадтироц ва мафтунлик қучонига отилади:

Чиройлидир гўё ёш келин,
Икки дар’ё ювар кокилин,
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водилар яшиар қошида.
Чэр атрофга ёйганда гилам
Асло йўқдир бундайин кўклам.
Боғлардаги қип-қизил лола
Бўлиб гўё ёқут пиёла,
Булоқлардан узатади сув.
Эл кўзидан қочади уйқу...
Далаларда бошланади иш,
Бошланади ижод ва турмуш.

(«Ўзбекистон»)

Табиат манзарасига пассив ёндашмай, унинг тасвирида кишиларимизнинг «ижод ва турмуш»ини кўрсатиш, совет поэзиясининг энг яхши намуналарига хос бўлганидек, Ҳамид Олимжон асарларининг ҳам фазилатларидан биридир. Шонрниг энг катта достони «Зайнаб ва Омонни ёзишдан асосий мақсади ҳам совет кишиларининг «ижод ва турмуш»ини йирик бадиий асар композициясида умумлаштириб беришдан иборатдир.]

«Зайнаб ва Омон» Ҳамид Олимжоннинг 1938 йилгача бўлган ижодий фаолиятининг синтезидир. Бу достон ўзбек совет поэзиясининг, тахминан, йигирма йиллик тараққиёт йўлини ўз ичига олган, социалистик реализм методининг буюклигини ўзбек ҳаёти материаллари асосида яна бир бор исботлаган асардир.]

Достоннинг асосида конкрет ҳаётий воқия ётади. Большевиклар партияси ва Совет ҳукумати 1935 йилда ўзбек пахтакорларининг бир гурӯҳини орденлар блан мукофотлади. Шулар қаторида, оддий ўзбек қизи колхозчи Зайнабга ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштиргани учун олни муроҷаот — Ленин ордени берилди. Зайнаб Ленин ордени олиш шарафига эга бўлган биринчи ўзбек қизларидан эди.]

Шонр 1936 йилда Зайнаб блан учрашади, унинг контраст воқиаларга бой биографиясини ўрганади ва «Зайнаб» сарлавҳаси остида катта очерк ёзади.]

Зайнаб ҳаёти мисолида колхозда катта кучга айланган ўзбек хотин-қизларининг типик картинасини кўрган Ҳамид Олимжонда достон яратиш фикри туғилади. У 1937 йилнинг бошла-

рида достон устида иш бошлайди ва 1938 йилнинг ўрталарида достонни тугатади.

«Зайнаб ва Омон» 1930 йиллардаги қишлоқ ҳаётини акс этдиручи синтетик поэтик асар поғонасига кўтарилаолди. Чунки сан'аткор ўз даврининг илфори ғоялари блан уйғун бўлгани ҳолда, ҳаётни чуқур ва атрофлича ифодалаш имкониятига эга бўлди, унинг асари ғоявий-бадиий камолот чўққилари сари кўтапилди.

Достон уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда, колхоз далаладиги озод ва шод меҳнат баҳорида Зайнабнинг қалбida Омонга нисбатан муҳаббат наш'алари пайдо бўлиши тасвириланади. Иккинчи бўлимда, Зайнабнинг қора ўтмиши тарихи ва фақат «колхоздаги мустақил турмуш». «маҳсулдор, яратути иш» туфайли иззат-хурмат қозониб, ўзини ҳақиқий инсон ҳис этиши, «иҷкаранинг маш'ум қонунларига қаюши ис'ени кўрсатилади. Учинчى бўлимда эса, етим Омоннинг бошидан кечирганлари ва фақат колхозда ўз баҳтини топиб, «Одам блан тенг бўлгани», Зайнабга муҳаббати ва ниҳоят улар, Зайнаб ва Омон севгисининг тантанаси ифодаланади.

Достонда иккى онг, иккى тушунча ўртасида кескин курам боради. Булардан бирни ўтмишининг бид'ат, хурофт ва асоратининг киши онгидаги қолдиги бўлса, иккинчиси, унга қарамакарши ўлароқ, совет даврида яратилган янги ижтимоий онг, янгича муносабатдир.

Уртоқ И. В. Сталин айтганидек, бизнинг тараққиётимизнинг асоси ҳам мана шу эскилик блан янгилик, ўлимга маҳкум этиялан блан туғулиб келаётган ўртасидаги курашдадир. Бу курашнинг адабиётда акс этиши ва янги ижтимоий онгнинг галабасини жонли образлар воситасида кўрсатилиши эса жуда катта сиёсий аҳамиятга эга ёди.

«Зайнаб ва Омон» фақат иккى севишганлар тарихини тасвирловчи романтик асар эмас. «Зайнаб ва Омон» катта колектив а'золарининг ижодий меҳнатини, колективнинг буюк тарбиявий қудратини намойиш этиучи асардир. Шунинг учун Зайнаб ва Омон муҳаббат колхоз далаладиги ҳалол, қизгин меҳнат жараённида очилади. Гўзал Зайнабнинг ўз ёрига — соғдил Омонига бўлган пок, эҳтиросли севгиси, коллективга, диёрига бўлган оташин муҳаббат даражасига ўсиб чиқади. Шунинг учун биз Зайнаб ва Омон образи орқали катта бадиий ҳаққоният блан умумлаштирилган совет кишиларининг мукаммал образини кўрамиз.

Ҳамид Олимжоннинг бу достони «Зайнаб ва Омон» бизнинг поэзиямизнинг фуруридир. У, иттифоқ миқ'ёсига чиқсан ўзбек совет адабиётининг энг нодир намушаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Хуллас, Ҳамид Олимжон, 1932—1941 йиллар давомида ёзган асарлари блан бепоён ватанимизнинг йирик ижодкорлари сафи-

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

дан муносиб ўрин олишга эришди; фикрнй доираси кенг, ижодиё имконияти улкан сан'аткор шоир бўлиб етишди.

Большевиклар партияси ва Совет ҳукумати Ҳамид Олимжоннинг Ватан, ҳалқ олдидаги хизматларини тақдирлаб «Хурмат Белгиси» ордени блан мукофотлади. Шоирнинг жарангли овози янада барадла янграйбошлади. У дар'ё каби уйғоқ ўтли.

Ҳар айтганинг буюк жангнома,
Қайга дессанг қайтмай кетурман.
Қўзларимни юмасман асло,
Дар'ё каби уйғоқ ўтурман.

(«Ўлка»)

III

Улуғ Ватан уруши ҳарбий ёзучи зинмасига ўз ҳалқининг тақдирни, Ватанинг тақдирни олдида катта ва оғир маёс'улият юклади. «Ўртоқлар, гражданлар! Ақа-ука ва опа-сингиллар! Армия ва флотимизнинг жангчилари!— деб совет ҳалқига мурожаат қилган эди ўртоқ И. В. Сталин, ўзининг 1941 йил 3 июльда радио орқали сўзлаган тарихий нутқида,— мен сиз дўстларимга мурожаат қиласам!

Гитлер Германиясининг 22 июньдан бошлаб Ватанимизга қилган хиёнаткорона ҳарбий ҳужумни давом қилмоқда... гап совет давлатининг ҳаёт-мамоти тўғрисида, СССР ҳалқларининг ҳаёт-мамоти тўғрисида бораётти. Совет Иттифоқи ҳалқлари озодлигича қоладими, ёки қулилликка тушадими — гап ана шу тўғрида бораётти. Совет кишилари ана шуни тушуниб олмоқлари ва беғамликийни ташламоқлари керак, улар ўзларини сафарбар қилмоқлари ва ўзларининг бутун ишларини душманга раҳм-шафқат қилмайдиган янги, ҳарбий тарзда қайтадан қурмоқлари керак.

Улуғ доҳининг бу чақириги барча совет ҳалқини муқаддас жангга сафарбар этди. Ҳалқ ўз баҳти ва озодлигига чанг солучи душманга қарши отланди. Бутун кучларимиз қаҳрамон Армиямизни, шони флотимизни қўллаб-қувватлашга, ҳалқнинг бутун кучи манфур ёвни тор-мор келтиришга қаратилди.

Бу жиддий давр мафкура майдони жангчиларининг зинмасига ҳам буюк вазифаларни юклади.

Уруш ўзбек совет адабиётини, умумсовет адабиёти каби, ҳалқ блан мустаҳкам алоқада эканлигини яна бир бор кўрсатди. Уруш ҳарбий ёзучининг ҳалқ олдидаги виждоний бурчига нисбатан қаттиқ синов эди. Ўзбек совет адабиёти бу синовдан шараф блан ўтди. У урушнинг биринчи кунлариданоқ, Ватанга муҳаббат, совет ватанин парварлиги ва ҳалқлар дўстлиги, қаҳрамонлик, қўрқоқларга ва сотқинларга писбатан нафрат, ғазаб ва ўч фронт орқасидаги баҳодирона меҳнат тароналари блан жўш урди; ҳалқимизни муқаддас жангга сафарбар этишда, қаҳрамон-

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

лик ва фидокорлик кўрсатишига руҳан ва ма'нан катта та'сир қилди. Большевиклар партияси ва Совет ҳукумати олдидаги ўзининг улуғвор вазифасини шараф блан бажарди.

Агар биз буюк рус революцион демократи Чернишевский-нинг «Сан'ат—ҳаёт дарслигидир» деган сўзларини эсласак, 1941—1945 йиллардаги ўзбек совет адабиётини ҳам Улуғ Ватан уруши даври ҳаётининг дарслигига зўр ҳисса кўшаолганлигини катта фурур блан э'тироф этаоламиз. Ҳамид Олимжон, Fafur Furom, Ойбек, Уйғун, Яшин ва бир қатор исте'додли ёзучилар плеядасининг бу йилларда яратган асарлари сўзимизлинг далилидир.

Улуғ Ватан урушидан олти ой муқаддам (20. XII. 40) Тошкент шаҳар ёзучиларининг катта йиғилиши бўлиб ўтган эди. Йиғилишнинг рўзномасида айрим ёзучиларинг ма'навий қиёфаси, совет тематикасидан йироқда туриши масалалари мухокама қилинган эди. «Ёзучиларимиз, — деган эди Ҳамид Олимжон ўз докладида,— ҳозирги кунимиз ҳақида кам ёзадилар. Одатда душманни кўрсатиб, унга қарама-қарши қўйилиши лозим бўлган қаҳрамонларимиз устида жiddий ишламайдилар». Ҳа, ҳозирги кунимиз ҳақида кам ёзиш, совет кишиларининг образини яратишга кам э'тибор бериш урушгача бўлган адабиётимизнинг асосий нуқсонларидан бири эди. Лекин, айрим ёзучиларимиздаги бу хотиржамлик, э'тиборсизлик кайфиятига Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларида ёзилди, давринг кечиктириб бўлмайдиган юксак талаблари шиори остида барҳам берилди, фронт ва фронт орқасидаги халқимизнинг ватанпарварлиги, қаҳрамонлиги, адабиётимизнинг асосий тематикаси бўлиб қолди. Ўзбек совет адабиёти жанг, кураш ва ғалаба адабиётiga айланди.

Бу ҳақда Ҳамид Олимжон 1942 йилда шуларни ёзган эди: «Биз урушнинг оғир кунларини кечирмоқдамиз, лекин олдимизда ғалаба тонги, шодлик ва баҳт! Ўзбек адабиёти кураш, ғалаба, шодлик ва баҳт адабиёти бўлиб гуллайди».

Ҳамид Олимжон Улуғ Ватан уруши бошланган кунларда Москвада эди.

1941 йил июнь ойининг ўрталарида, Ригада Латвия совет ёзучиларининг биринчи пленуми очилган эди. Пленумга вакил бўлиб боргандар орасида Ҳамид Олимжон ҳам бор эди. У, пленум тамом бўлгач, 20 июньда Москвага қайтади, уруш 22 июньда бошланади. Ҳамид Олимжон, 24 июньда эса ўзининг «Ғалаба қўшиғига» деган машҳур ше'рини ёзади.

Ҳамид Олимжоннинг катта масштабдаги ижодкор ва талантли давлат арбоби эканлиги уруш даврида яна ҳам кенгроқ очилди. Ўзбекистон ёзучилари союзининг ишини фронт эҳтиёжлари асосида қайта қуришда, уруш муносабати блан вақтинча Ўзбекистонга кўчиб келган ёзучи ва олимларнинг ижодий меҳнат қилишларига нормаль шароит түфдиришда унинг хизмати катта.

У Улуғ Ватан урушининг жангчиларига ўзбек халқи номидан ёзилган ше'рий хатнинг авторларидан бири, Тошкент интелли-

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

гентлари антифашист йиғилиши (1941) ва Ўзбекистон, Туркменистан, Тоҷикистон, Қозогистон, Қирғизистон халқлари вакилларининг фашизмга қарши митингининг оташин нотиқларида бири, вақтли матбуот саҳифаларида чиққан ўткир публицистик мақолалар автори, кишиларимизга маʼнавий озиқ, тетик руҳ беруви, уларнинг бутун имкониятларини ватан манфаати, халқ манфаати, давлат манфаати учун сафарбар этишга ундовчи мукаммал бадиий асарлар ижодчисидир. У, 1942 йилла, армиямиз Сталинград бўсоғаларида ҳаёт-мамот жанглари олиб бораётган кезда большевиклар партиясига кирди, 1943 йилда эса, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг корреспондент а’зоси қилиб сайланди.

«Ўзбек халқининг ўғиллари муқаддас ватан учун жангга кирап экан,—деб ёзған эди Ҳамид Олимжон — немис жоҳилларининг Шарқ халқлари инсон эмас, улар озод ва ҳур яшашга нокобил; улар фақат қул бўлмоқлари керак; улар маданиятга ёт деб ёлғон ва бўхтон гапирғанларини биладилар. Ўзбек халқининг ўғиллари биладиларки, уларнинг халқи минг йиллар давомида маданий бойликлар яратган; уларнинг халқи бошқа халқлар болан тенг ҳуқуқда бирлашган; жаҳон маданиятини яратишга актив иштирок қилган... Ўзбек халқининг болалари жангга кирап экан, биладиларки, улар ўз халқининг маданиятини, баҳтини, иқболини, унинг шонли ўтмишини — Муқанна'... Темурмалик, Навоий, Улуғбек ва Муқимиининг шарафини ҳам ҳимоя қиласидилар. Ўзбек халқининг болалари мамлакатнинг осмонила Навоий ва Муқимиининг қўшиқлари булбуллардай учб юриши учун жанг қиласидилар». Бу сўзлар тарихий ҳақиқат садолари эли. Бу тарихий ҳақиқатни ажойиб публицистик мантиқ болан ифодалаган Ҳамид Олимжон Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларида ўз халқига шундай мурожаат қилди:

Юрга агар томирда қенниң,
Азиз бўлса бир парча ионинг,
Керак бўлса номус, вижданонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,
Кўлингга қурол
ол!

(«Кўлингга қурол ол!»)

Ҳамид Олимжон вақтингча немис фашистлари асоратида қолган Украина ва Белорусияни халос этишга шундай чақириқ ташлаган эди.

Бор, Фарбга бор, баҳодир йигит,
Дўстларимиз элдан ажралди!
Ёв қўлида ёнди шаҳарлар.
Қадрдонлар беватан қолди.

Ўзбек адабиётининг йирик санъаткори

Сен халоскор одамсан, дўстим,
Элнимизнинг қуёшида — сен,
Естиғини Гитлер қуритган
Одамларнинг кўз ёшида — сен.

Қон ичидаги қутирган жаллод
Хар қишлоқда бир дор қуритга,
Дорга қараб бораётган чол:
«Тезроқ кел!» деб кутиб турипти..

Сен бормасанг, баҳор бўлмайди,
Очилмайди боғларда гуллар:
Қарағайлар барг чиқармайди,
Урмонларга келмас булбуллар.

Украинанинг далаларида
Лола эмас, кўкаради қон,
Сен бормасанг, баҳор бўлмайди,
Бу йил экин экмайди дечқон.

(«Шарқдан Фарбга кетаётган дўстга»)

Улуғ Москванинг кўчаларида биринчи уриб тушнилган
фашист самолётлари ёнаётган вақтда, «Правда»да Ҳамид
Олимжоннинг «Москвани мен биламан» ше'ри босилади. Бу ше'р-
да галаба тароналари буюк ишонч блан куйланади:

Москвани сен билмайсан, қонхўр ёв,
Москвада сенга ёлғиз ўлим бор.
Чуқурларда, горликларда чирийсан,
Қабрга ҳам, тобутга ҳам бўлиб зор.

Москвани қўриқлайди бутун эл,
Кўкрагимиз осмонида зўр қалқон.
Шуни билким, жон учун жон оламиз,
Шуни билким, тўқамиз қон учун қон.

Лекин сени асло тирик қўймаймиз.
Лекин сени қўймаймиз бу Ватанга,
Узоқ-яқин, она-бола, йигит-чол,
Ҳаммамиз ҳам киришдик қонли жангга!

Қаҳрамон шаҳар — Сталинградда даҳшатли жанг кетаётган
бир даврда Мудофаа Ҳалқ Комиссари И. В. Сталин «фронтимиз-
нинг линиясини қаттиқ туриб, сабот блан мудофаа қилиш, душ-
маннинг бундан кейин илгари силжишига асло йўл қўймаслик,
барча кучларни ишга солиб душманнинг тинкасини қуритиш,
унинг аскарларини қириш, техникасини яксон қилиш зарур» деб

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

бўйруқ берди. Ватан ва ҳалқ ўз ўғилларидан, бир қадам ҳам орқага силжимасликни талаб қилди, жангчиларнимиз: Волганинг нариги қирғоғида биз учун чекинишига ер йўқ, деган шиор блан Сталинград бўсағаларида қаттиқ турдилар.

Доҳининг, Ватанинг, ҳалқининг бу чақириғи ва жангчила-римизнинг баҳодирликлари шонрни ҳаяжонга солмасдан иложи йўқ эди. Доимо замона блан ҳамнафас яшаган Ҳамид Олимжон бу чақириқча ҳам ўз овозини қўшди:

Қаёққа чекинасан?
Борми кераксиз еринг?
Не учун одам бўлдинг,
Келмасанг душманга тенг?

(«Жангчи Турсун»)

Ҳамид Олимжон, 1943 йилнинг қишида Ҳукумат делегацияси блан фронтга борди ва Курск атрофида ҳужум жанглари олиб бораётган Сталинград қаҳрамонларига шу сатрларни бағишлади:

Едга олиб аждодларнинг энг муқаддас номини,
Ўзбекистон сенга тутди бу муҳаббат жомини:
Сталиннинг номи, блан сен буни ол қўлинингга
Ва лиммо-лим қилиб тўлдир галаба шаробини.

(«Жом»)

Бу қисқача обзордан мақсад, Ҳамид Олимжоннинг жангчи шоир сифатида, урушнинг ҳамма даврида, Ватан ва ҳалқнинг ҳарбир тарихий қадамида ўзининг ўткир публицистик ва самимий асарлари блан иштирок этганини, даврнинг буюк талабларига нақадар тез жавоб берганини яна бир бор та'кидлаб ўтишидир.

Совет тузумининг галабасига тўла ишонган шоирнинг зўр ирова ва кучли эҳтирос блан ёзилган бу асарлари оқоплардаги жангчилар, дастгоҳ ёнидаги ишчилар, колхоз далаларидаги фидокорлар, студентлар ва олимлар қалбигача бориб етган, уларни жасорат, мардлик ва қаҳрамонликлар сарни ундаған, ҳалқимизнинг галабага бўлган ишончини мустаҳкамлагандир. Мана бир-икки мисол:

Менга жангчи Я. Ҳ. Ҳамид Олимжоннинг «Қўлишгга қурол ол!» китобини келтириб берди. Китоб осколка блан тешилган, уруш дудида сарғайган, титилган ва айрим жойлари куйган. Мазкур ўртоқнинг айтишича, у китобни шу ҳолда, жанг майдонидэ, қор устидан топиб олган ва урушнинг сўнгигигача ёнидан қўймаган. Бу биз учун жуда ҳам қимматли факт, лекин тўпламдаги ше'ларнинг ёnlарига жангчининг қўли блан ёзилган жоили сўзлар яна ҳам қимматлироқ:

«Бу ше'р» («Бўй омон»-С. А.) оқопларда декламация қилиб юриш учун комсомол Комиловга топширилди. Я. Ҳ. 12. IV. 43.

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Бу ше'рни («Шарқдан ғарбга кетаётган дўстга» — С. А.) ўзбек, қозоқ, туркман, озарбайжон, қирғиз жангчиларига ўқиб бериш учун агитатор Мавлоновга топширилди. Яшасин! Я. X. 20.III. 43»

Еки «Ҳамид ака!... Салом... октябрь ойида юборган шे'рларингизни («Хат», «Иигитларни фронтга жўнатиш») олдик, жангчилар орасида ўқиб чиқдик. Кичкина сұҳбат бутун бир митингга айланниб кетди. Жангчилар «Иигитларни фронтга жўнатиш»ни эшитар экан, «Мана бизга ёрдам келаяти» деб қарсак чалиб юбордилар. Биз она-Ватанинг насиҳатларини ўқиб, бир қошиқ қонимиз қолгунча уни ҳимса қилишга қасам'ёд ичдик... Ҳозирча хайр. И. Р. (Совет Армиясининг политруки.— С. А.) 20 декабрь 1941 йил»

Бундай мисоллардан бир қанчасини келтириш мумкин. Лекин шуларнинг ўзидаёт шоир блан ҳалқнинг, шоир блан жангчининг муносабати; шоир асарларининг та'сирий кучи ва актуаллиги тўла кўриниб турипти. Чунки бу қисқа сўзларда минглаб жангчиларнинг иродаси, ҳурмати ва шоирининг ёзилажак асарлари олдига қўйилган янги талаблар изҳор қилингандир.

Ҳамид Олимжон дэврнинг, Ватанинг ва ҳалқнинг юксак талабига ўз вақтида жавоб берни учун тинмай ишлади, ижод қилди. Унинг «Она ва ўғил» (1942), «Қўлингга қурол ол!» (1942), «Ишонч» (1943), «Джигити уходят на фронт» (1942), «Когда цветет урюк» (1942) деган ше'р тўпламлари; «Ўзбекистон қиличи» драмасини ёзишга қатнашуви ва «Муққана» (1943) номли ше'рий драмаси, «Дўстлигимиз ҳақида» (1941), «Искусство Узбекистана завет к победе» (1942), «Мен ўзбек ҳалқи номидан сўзлайман» (1943), «Единство» (1943), «Ўзбек ҳалқининг ўлmas шоири» (1943), «Возвращение» (1943), «На берегах Сыр Дарьи» (1943), «Литература узбекского народа» (1943) ва «Надежда и уверенность» (1944) каби илмий публицистик мақолалари шудаврнинг мевасидир.

Ҳамид Олимжоннинг деярлик ҳамма асосий асарлари рус ва бошқа қардош ҳалқлар тилига таржима қилинган: 1943 йилда «Новый Мир» журналида унинг «Зайнаб ва Омон» («Зейнаб и Аман») достони тўла босилди, 1944 йилда Москвада «Стихи о любимой земле» ше'рлар тўплами ва шу йилда Тошкентда рус тилида танланган асарлари нашр қилинди; кейинги йилларда унинг «Семург» («Семург») ва «Ойгул блан Бахтиёр» («Ойгуль и Бахтиёр») поэмалари Москва ва Тошкентда нашр қилинди. Бу асарларининг рус тилига таржимасида Вл. Державин, Л. Пеньковский, С. Липкин, С. Сомова, С. Городецкий каби рус шоирлари қатнашдилар.

Оташин ватанпарварлик ва қардошларча дўстлик тароналари Ҳамид Олимжон ижодининг асосий масалаларидан бири эканлигини биз юкорида қайд қилиб ўтган эдик. Унинг Улуғ Ватан уруши кунларида ёзган асарларида бу тема янада чуқурроқ янада мукаммалроқ ишланди.

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Ҳамид Олимжон ўз ватанининг чегарасини Амудар'ё блан Сирдар'ё орасидаги ерлар блангина чекламайди, унинг ватани «Узоқ Шарқдан то Болтиқ дengизигача, Шимолий муз дengизидан то Қора дengизгача, узоқ Хоразмдан то Ленинградгача, Андижондан то Мурманскгача...» бўлган тупроқни қамрайди. Унинг «Буюк шаҳри — Москва, муҳташам саройи — Кремль, улуғ падари — Сталин».

«Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман! Менинг халқим ўз киндингининг қони тўкилган тупроқни ўз онасидаи азиз кўради. Менинг халқим ўз боболари кўмилган тупроқни ўпади, шу тупроқни ҳаром, иопок қилган одамларни ўлдиради»— деган Ҳамид Олимжон:

Русия, Русия, менинг ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Хозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

(«Русия»)

— дея мағрур хитоб қиласди ва ўзини Сталини ватанининг кўп миллатли совет халқининг фарзанди ҳисоблади.

И. В. Сталин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг XXVII йиллиги муносабати блан қилган докладида совет ватанпарварлигини шундай характерлаган эди.

«Совет ватанпарварлигининг кучи шундан иборатки, у ирқий ёки миллатчилик хурофотларига эмас, балки халқнинг ўз совет ватанига жон-дили блан берилганлиги ва садоқати, мамлакатимиздаги барча миллат меҳнаткашларининг биродарона дўстлигига асослангандир. Совет ватанпарварлигига халқларнинг миллий ан'аналари ва Совет Иттифоқидаги барча меҳнаткашларининг умумий ҳаётий манфаатлари чамбарчас боғлангандир. Совет ватанпарварлиги мамлакатимиздаги барча миллатларни ва халқларни ажратмайди, балки аксинча уларни ягона қардошлик оиласига бирлашитиради. Совет Иттифоқи халқларининг бузилимас ва тобора мустаҳкамланаётган дўстлигининг негизларини ана шу нарсада кўриш керак».

Буюк доҳининг бу сўзларида партиямиз томонидан ўтказилаётган совет ватанпарварлигининг характеристи тўла мужассамлангандир, совет ватанпарварлигининг азалий белгиларидан бири социалистик ватанга чексиз муҳаббат ва унинг душманига ўтли нафрат блан сугорилган халқларининг биродарона дўстлигига эканлиги алоҳида қайд қилинган. Шу дўстлик туфайли рус халқининг отоқли ёзучиси Алексей Толстой блан ўзбек халқининг оташин шоири Ҳамид Олимжон, Ватанимиз бошига оғир кунлар тушгандаги бир минбарда туриб, бир мақсадни кўзлаб нутқ сўзладилар.

Агар, Алексей Толстой: жасур бўл, совет кишиси! Ҳечқандай иккиланиб туришга ва шак-шубҳаларга ўрин йўқ. Доҳимиз

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Ғалаба ва шон-шарафнинг тўғри йўлини кўрсатиб берди. Биз ўзимизга юкландиган буюк ишда фақат тиришмоғимиз керак, ҳодос... Тиришмовчин эса фақат қулдир. Лекин совет кишилари буюк жангнинг ўт ва қонида қул бўлишни хоҳламаганиклиарини ва қул бўлмаяжакларини ҳамда олижаноб мардлик кўрсатиб инсониятни қулликдан озод қилаётганиклиарини исбот этдилар.

Совет кишиси, биринчи бўл, бу сенинг ўз ватанинг олдидағи ма'навий бурчингидир!— деган бўлса, Ҳамид Олимжон: душман бу дўстлик учун бизнинг курашганимиз ва тер тўкиб меҳнат қилганимизни, бу дўстлик бир-бирига виждан ва садоқат блан берилган кишиларнинг дўстлиги эканини, бу дўстлика ҳечқачон заррача хиёнат бўлмаганини ва бўлмаяжагини, бу дўстлик расмий ва қуруқ бўлмасдан чуқур ҳаётй эканини, бу дўстлик бизнинг яшашимизнинг чуқур илдизлар ва ма'носини блан маҳкам боғлиқ эканини, бизлар,— рус ва ўзбек, украин ва грузин, белорус ва токик,— бир-биrimiz учун ўлишга ҳам тайёр эканимизни, шу муқаддас инсоний дўстлик учун ўлимга ҳам ҳозир эканимизни асло тушунмайди.

Бизнинг ҳаётимиз шу дўстликдан ташқари бўлиши мумкин эмас. Бу дўстлик — бизнинг ҳаётимиздир. Биз ўз озодлигимизни ҳам бирга олганимиз — деб халққа мурожаат қилган эди.

Бу сўзлар Ҳамид Олимжоннинг ватанипарварлик — дўстлик темасида ёзган ше'рларининг тезиси, десак асло хато қилмаган бўламиз.

Улуғ Ватан урушининг биринчи кунларида ёзилган «Гала-ба қўшиғи», «Қўлингга қурол ол!» ше'рларидан то шоирнинг сўнгги асари, «Раксананинг кўз ёшлари»гача яратилган асарларда совет кишисининг юксак ватанипарварлик руҳи катта бадиий умумлашмалар, содда тасвирлар ва ўткир мулҳазалар орқали кўйланади, совет кишисининг ватан душманига бўлган газаби, нафрати конкрет поэтик воситалар ва жонли образларда ифодаланади. Айниқса, унинг фронтда ва фронтдан қайтгач ёзган асарларида («Шинель», «Қамол қилинганди шаҳар тепасидаги ой», «Сен туғилган кун», «Русия») бу тема мустасно руҳ касб этади.

Биз, албатта, урушдан ғолиб чиқамиз, чунки ўз озодлигини, ўз баҳтини ҳимоя қилучи халқнинг иродасини синдириш мумкин эмас:

Бало-офтларни енгиг ўрганган
Муҳаббатинг улуғ, юрагинг кенгdir.
Сен қардош элларга энг монанд Ватан,
Унда уруғлар ҳам халқларга тенгdir.

(«Русия»)

Биз, албатта, урушдан ғолиб чиқамиз, чунки социалистик ватан халқи жаҳонни қул қилиш учун эмас, жаҳон тақдирига нажот излаб муқаддас жангга киришиди:

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Қаҳратон қишингда баланд осмонда
Учиб бораётган қуш ҳам музлайди:
Жасур ўғилларинг қор ва бўронда
Жаҳон тақдирига нажот излайди.

(«Русия»)

Биз, албатта, урушдан ғолиб чиқамиз, чунки шоир жанг
майдонларига бориб, ўз кўзи блан кўрган қудратли халқ арми-
ясини енгиш мумкин эмас:

Иигитлар сен учун жангга кирганда,
Ботирлар осмонда берганида жон,
Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,
Сенинг енгишингга келтиридим имон.

(«Русия»)

Ҳамид Олимжоннинг Улуғ Ватан уруши даврида ёзган
асарларида ватан ва халқ символи сифатида муқаддас онанинг
мукаммал образи тасвиранади. «Иигитларни фронтга жўна-
тиш» шे'рида ўз фарзандига «Гитлерни енгиб қайтмасанг бер-
ган сутларим ҳаром» деб оқ йўл тилаган она образи, «Жангчи
Турсун» балладасида бадий ифоданинг чўққисига кўтарилади.
Урушнинг энг оғир пайтларидан бирида ёзилган бу баллада
она — ватаннинг ватан жангчисига буйруғидек жаранглаган ва
уни, жангчини буюк ғалабалар сари илҳомлантиришда катта
роль ўйнаган.

Баллададаги оддий, самимий, лекин, жуда чуқур ва мазмун-
дор мисра'ларда сан'аткор шоирнинг душманга нисбатан ўти
газаб блан тўлқинланган қалби депсиб туради. Шунинг учун
ҳам она — ватаннинг ўз фарзандига — жангчисига берган қат'-
ий буйруғи ғоят зўр та'сирий куч касб этган, ватан ва халқ
иши блан яшаган минглаб муҳтарам оналарнинг салобатли,
жонли образи ўз ифодасини топабилган баллададаги онанинг
сўзларидан сўнг фарзанднинг — жангчининг олға томон интили-
шига, душманни янчид ташлашига ҳеч шубҳа қолмайди.

Ҳамид Олимжоннинг уруш даврида ёзган асарларидаги ик-
кинчи асосий образ она-Ватан душманларига қарши беасв
курашга отланган жангчи образидир. Шоир жангчи образини
кўпроқ лиро-эпик планда кўрсатади: унинг жанг майдонидаги
қаҳрамонликларини онасига ёки ёрига ёзган хатлар орқали бе-
ради, я'ни жангчининг халқ ва ёр блан, халқ ва ёрнинг жанг-
чи блан муносабати кўпинча, хат жанрида тасвиранади. На-
тижада, уруш лирикаси майдонга келади.

Бу ҳол, фақат, Ҳамид Олимжон ижоди учун характерли
эмас, балки кўпгина шоир ва ёзучиларнинг уруш даври ижодисти
учун хос бир ҳолдир. Чунки, ҳаёт шуни талаб қилган эди. Маз-

Кўр ўринда ижодкорнинг адабиётнинг бу жанридан қай дара-жада фойдаланаолганилиги ҳақидагина гап бўлиши мумкин.

Агар шу нуқтаи назар блан Ҳамид Олимжоннинг уруш даври лирикасини кўздан кечирсақ, унинг катта ижодий муваффақиятларини кўрамиз, шоир хат жанридан муваффақиятли фойдаланиб уруш лирикасининг нодир намуналарини яратган. Унинг «Хат», «Ниҳол», «Севгি», «Яқинлик», «Қамол қилинган шаҳар тепасидаги ой», «Сен туғилган кун» ва «Учрашув» каби ше'рлари шулар жумласидандир.

Бу асарларда жангчини «мехру садоқат ва ишқ гули» блан ўраган ёр образи, фронт учун баҳодирона меҳнат қиласланган халқ образи ҳам катта реалистик маҳорат блан гавдаланади. Шунингдек юқорида эслатилган асарларда ўзбек халқининг Совет Иттифоқидаги барча қардош халқларга нисбатан бўлган бирордлик ҳисси ва ҳурмати ҳам кўйланади.

Совет халқларининг мустаҳкам дўстлигига ишонмаган, унга тегишлича баҳо берабилмаган, шунинг натижасида совет ватанпаварлиги ва шу улуғвор дўстликнинг қаъзаттн зарбасига учраб тор-мор бўлган немис фашистларига қарататайтилган ҳарбир сатр, океан орқасидаги янги уруш оловини ёкишга интилаётган Ўолл-стрит империалистларига қаратилган нидо каби янграмоқда.

Шоирнинг сўнгти асари «Раксананинг кўз ёшлари» балладасида ҳам халқларимизнинг муқадас дўстлиги тараним этилади. Балладада дўстлик «фалсафа» сининг чукур ижтимоий негизлари конкрет поэтик воситалар, Украина қизи—Раксана, ўзбек қизи—Сора ва нуроний чол образида очилади.

Ленинча-сталинча миллий сиёсат туфайли Совет Иттифоқи халқларининг ўртасида пайдо бўлган қардошлиқ туйғуларини, коммунистик ахлоқ руҳида тарбияланастган кишиларимизнинг ҳису иродалари ва ягона мақсад блан яшаашларини халқчил формада талқин қилиш балладанинг марказий масаласидир.

Уруш туфайли Шаҳрионга кўчиб келган Раксананинг бошига оғир кулфат тушади — унинг биттаю-битта фарзанди, Вова ўлган Шаҳрионда «Християн» мозори йўқ. Раксана турли мuloҳазалар блан «мусулмон» мозорига боради. Уни оппоқ соқолли чол кутуб олади. Чол Раксананинг руҳий аҳволини чукур ҳис қилиб, шу сўзларни айтади:

Билсанг, менинг ҳам ўғлим
Қолди сенинг ерингда.
Бор менинг ҳам бир қабрим
Сенинг севган элингда.

Бу уруш кўп халқларининг
Озорини ҳам қўшди.
Тақдирини қилди тенг,
Мозорини ҳам қўшди...

Бу тупроқ энди сенга,
Она қизим, ёт эмас.
Украинани ҳам менга
Ҳечким бегона демас.

(«Раксананинг кўз ёшлиари»)

Бу қисқа, му'жаз мисра'ларнинг ма'носи фоят кенг: ҳалқлар дўстлигининг ижтимоий негизи психологик тасвир воситасида катта бадиий умумлашма даражасигача кўтарилади. Баллада ҳалқлар дўстлигининг оптимистик гимни блан тугайди:

Қоронғилик йўқолиб,
Тонг тамом ёйлади.
Дун'ё нур ичра қолиб,
Қуёш блан тўлади.

Мана шундай юксак оптимистик руҳ, тетик фикр Ҳамид Олимжон ижодиётининг ҳамма даври, ҳар асари ва ҳарбир сатр шे'ри учун мезон бўлаолади. Шунинг учун ҳам биз шоирни баҳт ва шодлик, кураш ва истиқболнинг оташин куйчиши, деб атаймиз. Унинг асарларида совет жамиятидаги совет киншисининг буюк гоявий даражаси тўлиқ акс этган.

Ҳамид Олимжон уруш даврида яратган асарларида ҳалқнинг бу кунги ҳёти ва келажаги учун зарур бўлган гоявий мазмунни камолотга етган содда, гўзал шакл блан уйғунаштириш сан'атига тўла эришган, унинг асарлари совет марксистик эстетика фанининг ҳалқчиллик назариясига мутлақ амал қиласади.

Марксистик эстетика фани сан'атнинг ҳалқчил бўлишини талаб этади. Сан'атнинг ҳалқчиллиги ҳақида В. И. Ленин Клара Цеткина блан қилган суҳбатларидан бирида шуларни айтган эди:

«Сан'ат ҳалқники. У меҳнаткашлар оммаси орасига чуқур томир ёйиши керак. У меҳнаткашлар оммасига тушунарли бўлиши ва шу омма томонидан севилиши лозим. У мазкур омманинг ҳисларини, фикрларини ва иродасини бирлаштириши, оммани кўтариши лозим. У мазкур омма орасидан сан'аткорлар етиштириб, бу сан'аткорларни камолотга етказиши лозим».

Биз ҳам ўзбек адабиётида шундай ҳалқчиллик учун курашишимиз керак. Ҳамид Олимжон, ўзининг тадрижий такомилида мана шундай ҳалқчилликка эришув учун курашиб келган эди.

Ҳамид Олимжон асарлари шунинг учун ҳам ҳалқчилки, улар кенг меҳнаткашлар оммаси орасига чуқур томир ёйиб кетган, уларни меҳнаткашлар оммаси тушуниб ва севиб ўқийди, улар меҳнаткашлар оммасининг ҳисларини, фикрларини ва иродасини бирлаштиришда, буюк ғалабалар сарни илҳомлантиришда

кatta роль ўйнайди ва ўйнамоқда. Ниҳоят, улар омма орасидан сан'аткорлар етиштиришда ҳам бир ижодий мактаб сифатида хизмат қилмоқда.

Ҳамид Олимжон драматургия соҳасида ҳам катта иш қилди. Үнинг драматик поэма даражасигача кўтарилиган «Муқанна» номли (4 парда 8 кўринишили) тарихий асари ўзбек совет саҳна сан'атининг тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ўз юртинг мустақиллиги ва ўз элишин озодлиги учун араб босқинчиларига қарши кўтарилиган Муқанна' бошлиқ ҳалқ қўзғолони шоирнинг диққатини кўпдан бери ўзига тортиб келган. У Педакадемияда ўқиб юрган вақтларидаёқ, бу ҳалқ ҳараратининг барча тафсилотлари блан чукур қизиқсан. Сўнгроқ, 1937 йилнинг охиirlарида эса, Ҳамид Олимжонда шу темада драматик асар яратиш фикри етилади ва у ишга киришади. Лекин биринчи пардаси ёзилгач, бизга нома'лум бўлмаган сабабларга кўра асар устидаги иш тўхтатилиди. У Улур Ватан уруши жуда кескин тус олганда, 1942 йилда мазкур темага яна қайтади ва 1943 йилнинг бошларида асарни тутгатади. Асар уруш даври драматургиясининг катта ютуғи сифатида майдонга чиқди.

«Муқанна» да Ўрта Осиё ҳалқларининг юксак қаҳрамонлик руҳи, эркесвэр қалби ва муқаддас ватан душманларига нисбатан чексиз ғазаби ўтқир драматик конфликтлар, жонли характерлар орқали ғоят пухта шे'рий тил блан кўрсатилиди. Ўрта Осиё ҳалқларининг, жумладан ўзбек ҳалқининг маданияти саҳрои араблар маданиятига нисбатан таққослаб бўлмайдиган даражада бой, қадимий ва ўзига хос эканлиги тасвирланади: ислом динининг реакцион моҳияти очиб ташланади. Бу блан драматург ҳарқандай «умуммусулмон», «умумислом», «умумтурк» маданияти ҳақидаги панисломистлар ва пантуркистларнинг реакцион ҳам ирқий «назария»ларига қақшатгич зарба беради. Ўз озодлиги, баҳти ва маданияти учун курашган ҳалқни таслим қилиш, иродасини синдириш мумкин эмас деган фикр муттасил ўтказилади. Шунинг учун ҳам драманинг бош қаҳрамони босқинчи арабларга бўй эзмаган мағрур ҳалқдир. Ҳошим Ҳаким ўғли — Муқанна', Гулойин, Фирдак, Оташ ва Гулободлар қаҳрамон ҳалқнинг ажойиб фарзандларирид.

«Муқанна» пьесаси — деб ёзган эди А. Фадеев,— ғоят зўр исте'dод блан ёзилган. Ҳамид Олимжон,— деган эди, К. Зелинский,— уруш кунларида яратилган энг яхши совет пьесаларидан бири — «Муқанна» авторидир.

Саҳна сан'атининг юксак намуналаридан бири бўлган бу ше'рий, тарихий драма тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин ва гапириш керак ҳам. Лекин, мазкур ишимиzinинг характери ва жажми бизнинг имкониятимизни анча чеклаб қўяди. Лекин шунин өтироф қилиш керакки, «Муқанна» Ҳамид Олимжон ижодий тараққиётининг порлоқ саҳифаларидан биридир.

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори

Ҳамид Олимжон 1943 йилнинг декабрида Москвада ўтка-зилган ўзбек адабиёти ўнкунлигини бошқариб борди. Москвадан қайтгач, совет кишисининг ма'навий қиёфасини кўрсатишини ўз олдига мақсад қилиб қўйди ва «Жиноят» номли ше'рий драма ёзишга киришиди. Броқ, 1944 йилнинг 3 июлида содир бўлган баҳтисиз тасодиф ўзбек халқининг отоқли фарзанди — оташин ватарпарвар, исте'додли шоир ва драматург, йирик тадқиқотчи ва танқидчи, ўтирип публицист ва нотиқ, Узбекистон Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси ва ўзбек адабиётининг жонкуяр ташкилотчиси — Ҳамид Олимжонни ижодий кучларининг айни гуллаб, барқ уриб турган бир ҷоғида, ҳаётининг ярим йўлида орамиздан олиб кетди. «Зўр ва улкан бир сан'аткорининг, зўр граждан ва зўр бир инсоннинг қалби тўхтаб тиниб қолди. Шундай бир дўст ва шоирнинг ижодий жур'атларга тўлган гўзал умри шу хилда кутилмаган бир қазо блан узилиб қолишини иқрор қўймоқ ниҳоятда оғир ва мусибатлидир» («Қирилизил Узбекистон» газетаси, некролог).

Ҳамид Олимжон нобуд бўлди, лекин унинг Буюк Сталин даврининг пафоси блан яллиғланган асарлари улуғ коммунистик жамият қуришга киришган баҳодир халқининг дилида тирикдир, улар кураш ва баҳтга ҷақирмоқдалар. У доим бизнинг сафимизда:

Жиссимиз йўқолур, ўчмас номимиз,
Фалаба тўйида бўлармиз биз ҳам;
Азиз дўстлар блан учрашиб хандон,
Қадрдон элларга қўярмиз қадам.

Гўзал Украина далаларида
Яна аввалгида табиат гуллар.
Буюк Русиянинг ўрмонларида
Бизларни ёд этиб сайрар булбуллар.


(«Севгиз»)

Ҳа, шоир бутунлай ҳақли. Унинг порлоқ образи халқимизнинг қалбига ва хотирасига абадий яшагусидир. Чунки, Ҳамид Олимжон, қора ўтмишини нафратлаган, баҳтиёр бугунги кунизни мадҳ этган ва буюк коммунистик келажакни улуғлаган оташин ватанпарвар шоирдир.

Сарвар Азимов



ШЕ'РЛАР



Халққа айтинг, мен асло үлганим иңк,
Ев құлиға таслим ҳам бүлганим иңк;
Мен әлимнің юрагида яшайман,
Әрк деганнің тилагида яшайман!

1926 - 1927

ЯНГИ ТУРМУШГА

Амаллар кулганда юлдузлар янглиғ,
Құлларда маш'аллар курашга бордик.
Булатлар күкларда чодир қурғанда,
Чақмоқлар сингари күксини ёрдик.

Мәтамлар тарихи ўтда ёнганды,
Ишчилар: — зафар! — деб сигналлар чалди.
Ариқлар қон блан тұлыб тошғанда,
Йұқсуллар құлларга байроқлар олди.

Ишчиларнинг темир, пұлат құллари
Эң юксак тоғларнинг бағрини ёрди.
Ловалардек қайноқ, ўтли йүллари
Йұқсуллар қалбига чечаклар тақди.

Қизил ўлка қүйніда биз эркинлар,
Чин түрмушга солдик туганмас йүллар.
Сағимизга кирди миңлионлаб күчлар,
Тонғади гудокдан олдик илхомлар.

Биз олов, ўт каби кураш севамиз,
Янги турмуш, улуғ жағон қурамиз.

КИМДИР

Эскиликдан юз ўгирган,
Зулмат блан кураш қилган,
Ҳар қадамда нурлар сепган,—
Еш юракнинг тилагидир.

Эски турмуш бағрин ўйган,
Зулм тахтига ўтлар қўйган,
Йўқсул дарди учун куйган,—
Эр йигитнинг юрагидир.

Ҳур турмушга олов сочган,
Янги турмуш йўлин очган,
Йўқсулларни қувонтирган,—
Ишчиларнинг билагидир.

ЗАФАР ДОСТОНИ

Үпкалаб аламлардан,
Сүзлайин зафарлардан.
Чунки мен ўшиш олдим
Энг сучук тиляклардан.

Үтлардан учқунлар
Учдиilar қушлардек.
Үлкамдан құзғунлар -
Күчдилар ғамлардек.

Аламдан бахс этган
Достонлар битгандир.
Бу нафис илҳомлар
Мақсадга етгандир.

Чарчамас комсомол
Душмандан ўч олди,
Курашга йўл солди;
Ҳар соат куч олди.

Қуёшдек нур сочган,
Бирлик-ла йўл очган,
К. И. М. куйин куйлаймиз,
Ишлаймиз, тинмаймиз.

Жаҳонга нур сочмоқ,
Эрк учун йўл очмоқ,
Энг улуғ мақсаддир —
Ўйлаймиз, ишлаймиз.

Шे'рлар. 1926 — 1932

Хар сәат, ҳар минут,
Юксалиш — дилларда.
Юксалиш — сұзларда.
Юксалиш — мингларда.

Комсомол сезадир,
Хар ённи кезадир,
Юксалиш ше'рлари
Тилакиң қучадир.

1926 — 1927

КОМСОМОЛ ҚИЗ

Чексиз, теран денгизларга кўп йиллар
Турна каби қатор тошлар отилди.
Бас келмади ёмғур каби кўз ёшлар,
Узоқларга ёш-ёш қизлар сотилди.

Садолар тингланди тилсиз тошлардан,
Кечалар, саҳарлар қўйнида ётиб...
Амаллар куларди кўп узоқлардан
Яшиндек булатнинг бағрини ёриб...

Кўк кийғанда юлдузлардан кўйлаклар,
Ерда унинг суратлари жонланди.
Ез гулининг япроғидан кўйлаклар
Қизлар кийди, душман қалби қонланди.

Ёш мажруҳнинг қал'асидек қиз қалби
Кулди, ортиқ баҳор каби гул очди.
Олмас каби ялтираган кўз ёши
Тинди, энди чироғ каби нур сочди.

Комсомол қиз бадбинликни унугтач,
Яшаш, меҳнат, курашлари куч олди.
Мактаб — ўқиш қалбларида ёзилгач,
Алам, ҳасрат йўқликларга йўл солди.

Порлаган юз, яшнаган кўз, ботир қиз!..
Комсомолда чечак каби очдинг юз...

ҚИШЛОҚ ҚИЗИ

Баланд төг устида бир қизни күрдим,
Узи ҳур, лаблари қирмизини күрдим,
Жадаллаб бордиму бир сүз қотай деб,
Күзи уйқула бўлса, уйғотай деб.

(Халқ ашуласидан)

Ажаб ҳол, тонгда бордим, уйғонибдир,
Хурофот, эскилиқдан жирканибдир,
Қўлидан ғунча гуллар тўлғанибдир.
Бу дам эрк бизда эркин ул бўлибдир.

Дедим:

— Имдод этайми, ё кетайми?

Қўкарган бир ниҳолсан

Бахт тилайми?

Қизорди, олмадай бир киркалашди¹,

Қўтарди кўксини, толга суюнди;

Деди:

— Ўртоқларим ҳам чиқсин эркка,

Шунингчун тез етинг бизга кўмакка.

¹ Эркаланди.

1926 — 1927

ЕШ КУЧ

Күкраклари баланд, юксак тоғ янглиғ,
Хур табиат қўли блан ишланган сен ёш куч,
Энг қоронғи тунларда ҳам ўт ёқдинг,
Энг эзилган дилларга сен нур сочдинг.

Зотан, ўзинг курашларда уйғондинг.
Чин йўл топдинг шу тўлқиндан, денгиздан;
Ҳеч тинмадинг, илҳом олдинг вулқондан,
Сен кураш аскари қизил қондан —
Кўксинг узра қизил нишон тақдинг.

Сен қизил ўт, тилакларинг сўнмас,
Эски, чиркин ҳаётдан олдинг ўч!..
Эй, яшин сингари тўсиқ билмас
Комсомол қалбидан етишган куч!..

БИР НАШ'А

Меңнат уфқында бир шафақ парча,
Ишлади, дарди йүқ кичик холча,
Чарчади, оқдилар кумуш терлар,
Ухлади тинчгина ўпид еллар;
Фурбат оқшомларин унуган қиз...

Ишсевар, дилрабо, гүзал қизни
Лола — гуллар блан безакларкан,
Тезлатар, наш'али, ипак изни.
Зар кийимлар блан гүзалланган,
Сув уйғотар, севинтирап дилни.

Тунда ой нурини әмар сувлар,
Ялтирап юзлари кумушлардек,
Шунда қиз акси жонланар сувда...
Тотли, дилбар, ипак кулушлардек
Инжа шे'ри нашидадир бунлар.

Әй баҳор, ҳар нафас зилол қўйнинг
Қўшчининг ше'ри бирла жонланади.
Үйғониб шунда пок, ипак кўнглинг,
Қипқизил лолалар-ла қопланади.

Тинглангиз, ҳар нафасда жонланди,
Еш табиат, яшил кўнгиллар-ла...
Шунда руҳим севинди, шодланди,
Кулди ше'rim шу ғунча-гуллар-ла.

1928

БАҲОРГА ЕТГАНДА

Тонгда оппоқ булат хаёлимда,
Қипқизил лоладан нишон тақди;
Ёки дилдан кулиб ҳаёт узра,
Олтии илҳом сочиб қүёш боқди.

Кўк майин новдаларда қор — парлар,
Инжа руҳим-ла ўйнашиб қолди.
Инжа руҳим-ла ўйнашиб гуллар
Оқшом ойдинда ухлашиб қолди.

Учди капалаклар ва адашди,
Ма'сум яна гул шоҳида, ма'сум,
Ма'сумча... чаманлар сари оқди,
Ҳар майсада бир жонли табассум.

Гул кўлкаси гулхан каби қизғин,
Қизғин... яна сайдайди дуторлар...
Сайдайди... тубанларда баҳорлар...
Инжитмади кўнглимни-да бир кун.

Юмшоққина кўк парда ёпинган
Тоғлар, ана... Роҳатгина ухлар.
Чўпон ила қўй,— турна қаторлар
Кезмакда унинг бағрида тунлар.

БИРИНЧИ МАЙ АЛАНГАЛАРИ

Букун меңнат элида әркли башар,
Янги дүн'ёга янги йўл солади.
Ловалар юксалиб тубанлардан,
Четда — қуллар макони ерларда
Интиқом отли бир олов ёнади.

Утли ўчлар-да қўзғолар Шарқда
Қўкни тутгай оловли ис'ёнлар.
Отилар ҳар томонда вулқонлар.
Куч оларлар зафарли тўфонлар
«Маданиятга»¹ қарши ҳар қалбда...

Сийнаси қон... оқар... боқар ма'юс
Қора соchlар-да қирқилиб... номус...
Яна, номуси бусбутун барбод,
Яна, мажруҳ Хитой — гуноҳсиз қиэ
Этгусидир ҳазин-ҳазин бир дод.

Ана, Москва, хабарда: «Бўронлар...
Яна чет элда ўт ёнар» дейдир.
«Яна, қонларга ким қонар» дейдир.
«Ишчилар синфи ўт-олов қўйди,
Яна ёнмоқдадир кишан тахти...»

Яна фарб бургуги қанот ёзди.
Тинглангиз! Ҳинд элида қор ёғадир!.
Яна ҳарённи газ-булут босди,
Яна милтиқ заҳар, яшин сочадир.
Яна Лондонда шишалар синди.

Отиларкан у кучли вулқонлар,
Бўлаолмас тўсиқ ва портлашлар,
На яшин, на булут, на бургутлар.
Келгай албат ҳаётда шундай кун,
Ул қуёш сингари ёнар, порлар!..

¹ Маданият тарқатиш ниқоби остида жаҳонгирлик сиёсатини кўзлаган империалистлар назарда тутилади.

ҚИЗИЛ МОСКВАГА

На'ра тортганда шум, узун кечалар,
Меҳнат ичганда ҳар нафасда заҳар;
Энг буюк инқилобни аллалаган —
Юксал, эй, болғали, оловли шаҳар.

Ҳар темир қўлли ишчининг тилаги
Меҳнат блан, кураш блан юксалди.
У, ҳаётни асрлардан ўрганди.
Сен башарнинг уриб турган юраги!

Инқилобнинг қуюнлари кўкларга
Юксалдилар, отилдилар чақмоқлар.
Ҳар'ён қизғин, ёнар экан ўтларга
Сочилдилар милтиқлардан яшинилар.

Меҳнат кулди, кураш зафар қозонди.
Порлаб турган бир қуёшсан жаҳонда;
Қизил юлдуз наш'a сочар ҳар онла.
Битди, кетди, алдаш, тангри, имон-да.

Сўнма, порла, юксал баланд, эй қуёш!
Нефть эмади, кўмир қонлар кезади,
Шер қадамла янги ҳаёт тузади —
Нур қўйнида ҳар комсомол, ҳарбир ёш..



ҰТАРКАН

Ел учар чоқда майсалар деңгизи
Әғилар, рақс әтар, кулар кабидур.
Кече күлганды нозли Волга юзи,
Әтилиб, жилмайиб, гүзал күринур.

Катта күпrik баландди, сув чексиз
Ойнадан оқ күпик күриб турамиз.
Ваҳмалар дилда йўқ, кулиб турамиз,
Тўлгонар бир севинч блан дилимиз.

Кече ойдин, ҳаёт кулиб туради,
Волга әркин, ипак рўмоли блан
Буралиб, эркалаб ҳаёли блан
Инжা бир ше'р бўлиб оқиб туради.

НЕВА ХОТИРАЛАРИ

Сирли сен, чайқал, эй гүзал дилбар,
Шұх ва ўйноқ қиз альбоми янглие.
Күкрагингда ҳаёт деган ошиқ,
Күп аср сайраган ва түккан зар.

Дилда наш'a, құлымдаги най-ла,
Мен-да сайрай бутун тилакларни,
Жонлатай, сүзлатай вароқларни,
Эй гүзал, ўйнама, секин тингла!..

Қүйласа, ўйнаса менинг созим,
Оқса қүнглим-ла ўйнаган розим,
Эрка қўйнингга из чизиб кетсин,
Сен-ла тўлқинлациб, сузиб кетсин.

Тингла, мен бир қадар-да та'спри,
Оқишингла хаёл блан оқдим;
Юзларинг хол, боқишиларинг сирли,
Дилда япроқни елпитиб боқдим.

Сен ҳаёт шоири, асрларнинг
Сирларин шे'р-ила яшатгансан,
Ерни титратгучи курашларнинг
Үтларин кўнглинг ичра солгансан.

Бир замонлар... қуёш-да кулмасди,
Ғамгин эллар... севинч тўкилмасди.
Лабларингда ўсарди япроқлар,
Оҳ... улар, дил учун эгилмасди.

Эсди еллар, ҳаёт-да уйғонди,
Кучли түлқин сенинг қучоғингда,
Утли гуллар очиб ёногингда
На'ра тортиб, олов каби ёнли.

Ҳар томон қон, эсади бўронлар,
Шонли Аврорадан эмиб нурлар;
Яна товус каби қанот ёздинг —
Оқди қалбингда қипқизил қонлар...

Бу табиат-да бир чевар шоир,
Ҳар нафас юзларингга кашта тикар.
Инжа, шўх ел эсиб-да, ўйнашади
Тикса устингга-да қўёш чодир.

Хайр эй, севдигим шўх, ўйноқ қиз!
Лола бир жилмайиш-ла боқмоқдан,
Кетаман, соҳилингда оқмоқдан.
Хайр, эй, ой гўзал ва холдор юз...

БОЛТИҚ ДЕНГИЗИ БҰЙЛАРИДА

Нақадар кенг, гүзал қучоғынг бор...
Шұх қилиқ тұлқининг-ла биргалашыб
Келадур ўйнагим сузіб, қувушиб,
Сен-ла шоирлигим, ҳәётим бор.

Боладек ҳар қайиқни әркалашынг,
Меҳрибон, шод, азиз она кабидир;
Шоир илхом-ла ўйнаган кабидир,
Хеч сукутсыз, нашидалик туришинг.

Қучли тұлқиннларинг-ла мас'уд ўлур
Ел эсаркан у, кенг, гүзал қучоғынг,
Сув қуюнлар учар, тағын тұқилур,
Бу сенинг баҳтиәр, чечакли өнгінг.

Нақадар кенг, гүзал қучоғынг бор...
Шұх қилиқ тұлқининг-ла биргалашыб
Келадир ўйнагим сузіб, қувушиб,
Сен-ла шоирлигим, ҳәётим бор!

ХУЖУМ ГУЛИГА

Бу күнлар пок, ипак нурлар,
Нафис танлар-ла ўйнашди.
Отар тұлқин, денгиз эркин,
Чечак лаблар севинч очди.

Күриндінг чайқалиб, ўйнаб,
Оқыб оппоқ күпиклар-ла;
Инінб олтін шафақлардан
Кезиб юлдузли йўлларда.

Тушунчанг қўлда синмас соз,
Кўкар, чўлларда япроқ ёз.
Куларкан лолалар, гуллар,
Кўнгиллардан сочилин ноз.

Баҳор сен, ғунча — гуллар-ла
Очил, эркинча кўкрак кер!
Езай кўксингга диллар-ла
Чечаклардан тўқилган ше'р...

М. ГОРЬКИЙНИ ҮҚИРКАН

Алам блан эдинг ёр,
Тақдир сени эзаркан.
Дудоқлардан учиб зор,
Диллардан қон сизаркан.

Оҳ... шод она қўйнида,
Тингламадинг эртаклар.
Афсуски, ёшлиқ дамлар
Ўтди — кишаи бўйнида.

Баҳорда ёш япроқлар,
Ўйнарди, рақс этарди.
Ел-чалғиларни тинглаб,
Кунлар ғамгин ўтарди.

Алам сочарди излар,
Ма'юс боқарди кўзлар.
Лекин сирли кечалар
Чайқаларди денгизлар.

Зулм чиқиб саройдан
Очларни қамчиларди.
Ҳар асир нигоҳидан
Ис'ёнлар томчиларди.

Оғир, ҳазин оҳанглар —
Юракларни эзарди.
Турмушда ҳар севинчда
Ургумчаклар кезарди.

«Сув» лойланиб оқарди,
«Юлдуз» гамгин боқарди,
Оҳ... у тоқнинг оқиши,
Қалбларга ўт ёқарди.

Янги ҳаёт еллари
Баҳор бағрин кулдирди.
Қизил рубоб тиллари
Дилга наш'a қўндириди.

Қонли, ўчили оловлар
Ютди эски ҳаётни.
Қуёш каби яловлар
Порлаб ёритди қорни...

Замон олтин қуёшдек,
Сочларингни силади.
Маш'ал ёнган йўллардан,
Қўнглинг шуур тилади.

Ўн бир йилдир, сен эркин...
Юксалди кўп умидлар,
Дун'ё-дун'ё севинчлар,
Туткай жаҳонни бир кун.

ШАРҚ

Инглаб ўтарди кунлар...
 Пастга тушмай кўклардан,
 Чинор-миноралардан,
 Секин оқарди тунлар.

Қор чойшаплар ёпиниб,
 Кекса тоғлар ухларди.
 Йўқлиқларга ялиниб,
 Йўқсул диллар ингларди.

Жимжит эди кўчалар,
 Эркин дамлар соғиниб,
 Туман парда ёпиниб
 Кўринарди кечалар.

Толға-толға учарди
 Инглаб танбур овози.
 Кенг фазони қучарди,
 Дарсли кўнгилнинг сози.

Кенг чанг-тупроқ йўлларда,
 Кур'он ёдлаб азондан
 Ломомалар оқарди,
 Уйнаб тасбиҳ қўлларда.

Куюнли... кенг... қум — денгиз:
 Манзил овлоқ, йўл сўнгсиз...
 Юксаларди карвонлар,
 Кунлар қайноқ, ёниб кўз.

Харкун зилол саҳарда,
Оқ юзида бир парда.
Иўқсул қизлар, хотинлар,
Оғир оқарди сувга...

Мискин, ҳазин уйлардан
Юксаларди бир фар'ёд.
«Тангри» деган куйлардан
Ким завқ оларди? Ҳайҳот...

Шарқ эзилиб инграрди,
Епинганди тун... чодир.
Шароб ичиб бир шоир.
Сарой куйин куйларди.

Ҳаёт гўё бир ўрмон,
Бургут, арслон, йиртқичлар.
Тани тикон «зўр кучлар»,
Ўйнар, чопарди ҳар'ён.

У тунларда қонланди
Ҳар иўқсулнинг юраги.
Тутқич бермай ингратди
Бахтнинг баҳмал этаги.

Меҳнат яшиндек порлаб,
Тунни тилиб юборди.
Илҳом сочгач инқилоб
Қундуз, маш'алдек ёнди.

Ортиқ Шарқнинг бағрида
Гудоклар тортди на'ра,
Ҳарер севди-ёпинди
Қуёшдан заррин парда.

Турмушда ой, юлдузлар
Қучоқ ёзиб туралар.
Баҳмал чўллар қўйнида
Тракторлар кулалар.



ҲАМИД ОЛИМЖОН
Фото — 1926

Шарқ нурлар қучоғида
Озод меҳнат қилади.
Зулмат күксин тилади
Қонли кураш өнди.

Бу шафақли сағарлар
Хәёт блан қайнайлар.
Электр нурлари-ла
Төглар-қирлар порлайлар.

Эсган еллар куйларлар:
— «Ишла, терлар оқсиналар,
Яшаш, кураш ше'лари
Қулоқларга ёқсиналар».

Кутмайди энди диндан,
Хар ёш юрак бир даҳри,
— Йўқ пайғамбар, йўқ тангри,
Имдод курашчи эрдан.

Афсус, қўшни ерларда.
Езиқ бургут қаноти,
Заҳмат дўстин ҳаёти
Фарёд чекар қирларда.

Ба'зан ис'ён ўтлари
Бирдан порлаб кетади,
Эзилишлар битажак,
Бу бир давр ўгади.

Албат, бир кун бизнинг ўт
Маш'ал бўлар унларга.
Ғамгин юзлар эришар
Эркин, қувноқ кунларга.

Албат порлаб кўринар
Жўшиқин, темир у меҳнат.
Истиқболла қурилар
Синфезиз бир жамият.

БОЛАЛИК

Дун'ё экан...
 Чаманзорлар кечиб,
 Ошиб тоғлардан.
 Қүёшдан нур ичиб,
 Құм, үтлоқлардан
 Үйнаб... кулиб...
 Армон блан
 Утар экансан.

Бола әдик,
 Танлар олов,
 Қалб қайноқ,
 Құзлар үткір,
 Диллар соғ,
 Эркин-эркин ўйнардик...
 Ҳаёт блан
 Қайнар эди
 Күй, қишлоқ.
 Бир ёнда тоғ,
 Бир ёнда боғ...
 Сув сочарди...
 Гул очарди...
 Қенг күчалар...
 Узун йўллар...
 Порлар эди
 Шам' чироғ...
 Сув оқарди,
 Қўйнида
 Қўкрак кериб,
 Балиқ каби

Шүнғиб ётардик...
Қызлар ўтса,
Орқасидан
Олма отардик.
Нурли, ойдин кечалар,
Порлар эди күчалар,
Тұпланардик,
«Яшинмачоқ» ўйнардик.
Сүңг өзіншілдік.
Чумчуқ каби
Чирқиллашни
Ташлаб биз,
Роҳат-роҳат
Құзы каби ухлардик.

Күнлар ўтди,
Шаҳар бизни,
Олов күзли,
Темир танли
От блан
Күкрагига чақирди.
Ұзоқ кетдик,
Ийілда тоғлар,
Бир тегірмөн тошидек,
Чир айланиб қолдилар.
Ұ, кишинади,
Магрурларча бақирди.

Еш күнгиллар,
Поёни йүқ ҳисларни,
Ийілга сепиб,
Сүңг завқларга толдилар.
Ниллар учыб кетдилар.
Күп баҳорлар
Қанот ёзиб,
Тилакларга етдилар.
Биз шаҳарнинг кураш маршин
Үргандик.

Фақат ба'зан йўлларда
Телба сувлар оқалар.
Бизга қараб:
«Кел-кел» дейлар,
Қуёш эмиб боқалар.

Ёшлик эсга тушади.
Кўз олдимдан,
Болалигим
Қувлашиб ўтишади.
Хаёлларга толаман...
Оҳ... унларни эслаб,
Эслаб,
Бир нафас жим қоламан.
Лекин, яна
Шовқинларга
Қулоч ёзиб кираман,
Тўлқинларда
Ўйнаб, қайнаб
Чаппор уриб
Куламан.

ОЗОР ҚИЗИ

Хазардан юмшоқ бир ел эсиб,
 Бир баҳор хабари келтирди,
 Тингладим йўлларни мен тўсиб,
 Севинчлар ҳарённи тўлдирди.

У кунлар ҳаётнинг кўкида
 Булутлар кенг қанот ёзганди.
 Юлдузлар кўралмай борлиқни,
 Бир ворам япроқдек озганди.

Анордан сув ичган у юзлар,
 Ешиликда уч-тўрт кун порларди.
 Жовдираб кулганда ёш кўзлар,
 Чодралар: «кел, кел» деб чорларди.

Қуш каби қафасга ўралган
 Еш диллар:
 «Дон бер»деб йиғларди.
 Заҳарли ханжардек қадалган
 Аламлар бағрини тигларди.

Хазардан юмшоқ бир ел эсиб,
 Бир баҳор хабари келтирди,
 Тингладим йўлларни мен тўсиб:
 —«Чодранинг сийнаси йиртилди!»

У, мунис ёш озор қизлари,
 Оқ булут қўйнида чўмилди;
 Порлади у анор юзлари —
 Қайгининг кўзлари юмилди.

Тұпланиб юлдузлар кезалар.
Ҳар куни нефть оққан йўллардан.
Ва ўтли, болғали қўллардан
Бир кўмак, бир имдод сезалар.

Бундан сўнг ҳар минут тонгида,
Фабрикка денгизлар оқади.
Инқилоб ҳар дилнинг онгига...
Бахт қуши қанотин қоқади.

Тингладим, ёқимли куйларни,
Мен ўплим турмушнинг юзидан.
Иўлладим бир тўплам гулларни,
Уларга, ёш ўзбек қизидан.

1929

КИШ

1

Оқшом... Борлық оқ денгиз
Тұлқинсіз ухлар...
Юлдуз гүё олтын қыз
Жимликни тинглар...

Паст-паст уйлар, деворлар
Оқ күйлак кийган.
«Муз төғи» дек у томлар
Тинчликка чүмгап.

Тамға каби таниқли,
Хар ерда бир из...
Узоқларда жилади
Үч-түрт хотин-қыз.

Ой ҳам заиф бокади,
Юзи қаварған.
Ма'юс, секин оқади,
Гүёки толган.

2

Қуёш ҳамон ухтайли,
Хар'ен булутлар.
Тарқалмагая оқшомғи
Майин сукутлар.

Ұчли-кучлы учади
Бүрон — шамоллар,
Кор — ун тұзіб кетади.
Титрайди толлар...

«Муз төғ»лардан чиқади
Бир алла сози,—
Ең гүдакни юпатган
Она овози.

Олмазорлар очғанлар,
Құпик чечаклар.
Хар новдада чўзилган
Оппоқ ипаклар.

3

Муз сийнасин тилади,
Ү, зар игналар,
Парча-парча синади,
Садаф тұгмалар.

Кирап иссиқ бир оқин,
Қорлар эріттар...
Хар ер булоқ... ёз яқин...
Сув оқиб кетар.

Күк юзини тутганда
Олтин пардалар,
Баҳор блан яйрайлар
Гүдак новдалар.

Қирлар олтин сувларни
Тұймай ичади.
Күкда оппоқ булутлар
Тинмай күчади.

1929

Оқ пардан ташлайди
Юмшоқ бахмаллар.
Сүнг ўсмоққа бошлайди
Күк, юмшоқ парлар.

Мен йўлларда кетаркан,
Ўйнаб қарайман.
Илҳомимнинг сочини
Аста тараиман.

ЧҮЛЛАР

Нам күрмайин, қақраб бу чүллар,
Асрларни күтиб олганлар.
Юрак — ташна, тил — йүқ, ястаниб
Хар ўтганга түниб қолганлар.

Минглаб йиллар, меҳнат боласи,
Бу ерларда роҳат күрмаган;
Үйнаб, нафас олиб, ёзилиб,
Эркин қулоч отиб юрмаган...

Узоқларда жонсиз күринган
Овуллар ҳам йиғлаб ухлаган.
Саҳар туриб шўрли хотинлар
«Тангрим...» деган тўлиб йиғлаган.

Энди, бу ерларда ҳар нафас,
Аламларни завқлар сиқади.
Поезд учган чоқда бекатлар,
Алвон рўмол ўраб чиқади.

Шу дилкаш дамларда мен яйраб,
Лаззатга ғарқ бўлиб кетаман.
Кенг чўллар кўксига диллардан
Завқ блан эсдалик битаман.

СИЕБ

1

Күкдан
Харкун

Олтин олов түкилди.

Жимжит ҳар түн
Фовға блан сүкилди.
Мудраган,
Ухлаган

Ҳар ер жонланди.

Қиши кетди,
Қор битди,
Ҳар новда
Оқ, пушти
Чечаклар тақиб,
Ҳар қүнгил
Үнларга завқ блан боқиб,
Баҳмал күйлаклар-ла
Күклам бошланди.

2

Биз шод, қувноқ,
Сиёб сари оқамиз,
Ҳар томонга
Севинч блан боқамиз.
Бир ёнда:
Ёйилган
Күйлар, құзылар,
Кезади,
Үтларни эзади,

Бокъанда
 Унларга
 Хаёл чўзилар...
 Бир ёнда:
 Етади
 Вайрона мозор,
 Бағрида
 Юради
 Бир гавда:
 Истайди
 Кечмишдек вафоли бир ёр.
 Ястаниб ётади
 Вайрона мозор.
 Биз бир тўлқин —
 Сиёб сари оқамиз.
 Ёш дилләрга
 Олтин чечак тақамиз.

3

Сиёб,
 Гүё,
 Тўлган, кулган юзлардек,
 Кўтарилилар ҳар нафас.
 Ўйнар,
 Истамас қафас,
 Тўлқинлар ўтишади.
 Сезгир, зийрак кўзлардек,
 Баланд-пастга тушади.
 Ағдарилиб,
 Кашта тикиб,
 Тез-тез ўтиб кетади.
 Қим билади,
 Балки, кунда,
 Балки тунда,
 Қим қайларга етади.
 Қанча йўлни
 Енгиб, сўнгра

Ким, қайларга сингади.
 Кичик күпrik...
 Устунларга
 Сувлар ўзни уради.
 Оппоққина,
 Құнғириоқли,
 Күмуш чечак бұлади.
 Күпrik кичик...
 Лекин тетик...
 Оғирликни сезмайди.
 Бирни унга,
 Бирни бунга,
 Ҳар тарафға йұллайди.

Занжир каби,
 Уланишиб,
 Йигит-қызлар ўталар.
 Эпчиллари,
 Тез шошилиб,
 Чопибина кеталар.
 Ба'зилари
 Құрқа-құрқа,
 Сүңг соҳилга еталар.

Күлкалари,
 Ба'зан кулиб,
 Ба'зан титраб
 Үйнайди.
 Узун соchlар,
 Мажнун толдек,
 Эгилмакдан түймайди...
 Букун сайил,
 Үйнашалар
 Еши қызлар.
 Еши йигитлар
 Гүёки сел,
 Ҳам тошалар,
 Үзоқ қочган сукутлар.

Сайнىл,
Лекин,
Қурбон-да йүқ,
Гам — узок,
Янги, ўтли
Нұллар учун
Күйлмайди
Дин тузок.
Хар дил — хурсанд,
Хар юз — кулган,
Сажда қилмай тангрига.
Англаган ул,
Бош әгмайди
Унинг хони амрига.

Эсади ел,
Юксакларда
Хилпирайди рўмоллар.
Эгади бел,
Тубанларда
Сувга сероб
Еш толлар.

Ҳамма хурсанд
Үйин... кулги... роҳат...
Соз... мусиқи... ҷаъади...
Ҳар ҳисни-да
Қитиқлайди,
Ҳар дилдан сир олади.
Кенг бир довра
Уртасида,
Бир гўзал қиз ўйнайди.
Қўзни сузаб,
Қошни кериб,
Тинч турганни қўймайди.
Майда-майда
Қадам ташлаб,
Қўшиқлар-ла
Қайнайди.

1929

4

Буқун сайил,
Еш юракда
Қолмагандир
Қайғы ҳеч,
Эй, қайдасиз:
Уйғун,
Илҳом,
Кетмаймизми,
Бүлди кеч!

ХОЙ, ЯХШИ ҚИЗ!

Хой, яхши қиз,
Яқинроқ кел,
Бир-икки сүз сүзлайин,
Шу ҳолингдан
Та'сир эмган
Күнглимдан ше'р куйлайин.
Равшан, нурли
Күмкүк күзинг
Хали күпни күрмаган.
Кулча юзинг
Қаррилардек,
Кат-қат бўлиб сўлмаган.

Тола-тола
У соchlаринг
Күёш блан ювилган.
Пок сийнадан
Сутлар эмган,
Хой, ойдинда
Туғилган —

На қайғи-ғам,
На кўзда нам
Ва на стам
Сезмайсан.

Ҳаёт блан
Қайнаб тошган
Кўнгилни ҳеч
Бузмайсан.

Киприкларинг
Ипак каби
Кўтарилиган,
Пир-пир этиб туради.
Пастга тушгач,
Кўзларингга
Парда каби бўлади.

Момиқ қўлинг
Шимарилган,
Юпқа кўйлак кийгансан.
Евъ кўкрагинг
Кўтарилиган,
Сен яшашни севгансан.
У, шўх, зийрак
Кўзлар блан
Ҳар томонга қарайсан.
Ширин-сучук
Сўзлар блан
Қарашларни тарайсан.

Отанг — онанг
Сени жондан
Ва виждондан
Севади.
Лекин, афсус...
Англамасдан
Сенга қадаҳ беради.
Фақат, сен ҳам толпинасан,
• Шодликларга тўласан.
Гўё, эркин
Бир қуш бўлиб,
Шоҳдан
Шоҳга
Кўнасан
Ичма синглим,
У — бир заҳар,
У — бир ўлим сувидир.

Бир кўл бўлган
Ў, ҳаётнинг,
Сўнг юпаниш йўлидир.

Агар ичсанг,
Баданларинг
Олов бўлиб ёнади
Кўкракларинг
Қисилади,
Кўзларинг ёш олади.
Сўнгра бир дам ҳушдан кетиб
Жинни бўлиб қоласан.
Эҳтимолки,
Сен абадий
Курашлардан толасан.
Қичқир-ҳайқир!
Отанг — онанг,
Энди сени тингласин.

Қадаҳларни
Тез улоқтири,
Улар бир оз ингласин.
Бўлмаса қоч,
Замон сенга
Кенг бағрини очгандир.

Унда юзинг,
Бир ой каби,
Бир кун каби
Тўлади.

У юзларда
Сенинг баҳтинг,
Истиқболинг
Кулади.

УЗБЕКИСТОН

1

Қуёш чиқар, тўр ёяр,
Оқар олтин тутунлар.
Кўчалар қизар, куяр,
Шундай бошланар кунлар.

Фижиллар кичик эшик,
Чиқар қизил кашшоғ қиз,
Ёмғир ювган япроқдек,
Жонли, тирик ва тетик.

Яйраб яшнаб кетади,
Үйнаб нурли кўзлари;
Мактабинга кетади,
Порлаб анор юзлари.

Йўлдошларин кўради,
Сўрашади, кулади.
Муаллима — ёш хотин,
Уни жондан севади.

2

Шаҳар... Ҳар юмшоқ сахар
Қўйлар блан уйғонар.
Аламиллар бағрига
Севинч тикандек ботар.

Шалоладек шағиллаб,
Шовқин-сурон қайнайди;
Машиналар ўйнайди,
Ениб, порлаб, гуруллаб.

Букун байроқлар яна
Қизил карвон кутади.
Күчаларни тұлдириб,
Пұлат отлар ўтади.

Соқолига оқ тушган
Дәхқонота минбарда:
Чопган,
Хөвлиққан,
Шошган...
Сүзлар бир зум
Бир парда:
— «Биз, сиз блан биргамиз,
Мұштумзұрлар йүқ бўлсин.
Биз кўплашиб келамиз,
Бу уларга ўқ бўлсин».

3

Зарафшон асир букун,
Хөвлиқмайди, тошмайди.
Қирғоқлардан ошмайди,
Бўйнини эгмиш бутун.

Ҳар томонда ишчилағ
Тошларни синдиради.
Дарёни тиндиради,
Темир тан курашчилар.

Духоба қирғоқларда,
Янги дун'ё яралган.
Игна — сарғиң иплар-ла
Электр зафар чалган.

Тұғонларда ёзилған:
«Құмлиқларга оқмайсан,
Буржуйларни боқмайсан»
Зарафшон нурға тұлғая.

4

Мармар каби салқын туи...
Күзгудек тинік, ойдин.
Дала яйраб ётади,
Янграғай күй, чиқмай ун.

Жұра құлда кетмөні,
Сув очғали кетади.
Оқолтиннинг гуллари,
Чүллаб уни кутади.

Сувлар келади ана,
Кутуриб мастдек, тошиб,
Паст марзалардан ошиб,
Жұра севинар яна.

5

Тинди ойнинг нурлари,
Хұrozлар овоз солди.
Адолатой үйғониб,
Барғ кесгали йўл олди.

Құчоқ-құчоқ баргларни
Тұплади катта боғдан.
Севинчлар қалдирғочдек,
Учарди сўл ва соғдан.

Үйда ипак қуртлари,
Бир хашарни күтгандек,
Очлик йилин ўтгандек,
Пиншиллар, ҳовлиқарди.

Адолатай келарди
Полвон каби дам тортмай.
Новдаларга күмилиб
Чарчамай,
Толмай,
Ботмай.

6

Фабрика — улуг бир қалб,
Бутун ҳислар бирлашган,
Сезги-ҳислар улашган,
Хамма бир оғиз, бир лаб.

Парралар айланади,
Ериғ, эркин диллардек,
Пиллаларнинг қиллари,
Бир-бирга бойланади.

Қизил ўтлар ёнади,
Ҳаркун янги учлар-ла,
Унинг бахти, завқига,
Тер тўқканлар қонади.

7

• • • • • • • •
• • • • • • • •
• • • • • • • •
8

Кўчалар олов ва чанг...
Яктағини ёпиниб,
Йигит сўзлайди кулиб;
— «Қовун келади, кетманг».

Аста-секин жилади,
Бир арава узоқдан.
Чўзилиб қўшиқлари,
Одам чиқар ҳарёқдан.

— «Чўллаб қолдик, ташнамиз,
Ташлаб кетинг биттани».

• • • • • • • • • • • • •
— «Хўп, берайин жон блан,
Ол пичоқни, сўй, қани».

Тўрдор қовун карсиллаб,
Қантдай эриб кетади:

— «Эшмат ака, албатта,
Истагига етади».

1930- 1932

ҰЛКА САФАРБАР

Япроқлар
Сариф әмас,
Япроқлар
Ериғ.
Япроқлар
Ориғ әмас,
Япроқлар
Тетік.
Ойна каби
Зилол сұвлар
Оқаётір тек.
Оқаётір, зилол сұвлар
Ювиб қалбларни,
Довруқ солған
Құшиқлари
Қучиб лабларни.
Тұлған Норин
Күчалары
Оқолтин блан,
Тупроқларга
Титроқ беріб
Чопар грузовой,
Кохозидан
Букун
Келган
Ботир
Болтабой,
Шу қайнаган курашлардан
Ұлса-да қайтмас!
Муштумзұрга
Хеч ён босмас,

Сра сир айтмас;
Тўлқинларда
Ганграб қолган
Қайиқдай ботмас!
Киприкларга
Дам бермасдан
Ҳар кечалари,
Бешйилликни
Тўлдиromoққа
Сўз берастир.
Миясида
Кучли бир зарб
Бонг ураётири.
Райпарткомниг
Эшигига
Қизил карвоилар.
Рапорт блан
Келиб дейлар:
— Утмасин онлар,
Асримизнинг минутлари
Бўшга кетмасин!
Басма-баснинг
Паймонлари
Иzsiz битмасин!
Сим қоқингиз.
Сталинга,
Хабар берингиз!
Эшитдиринг.
Москванинг
Ишчиларига,
Салом ёзинг,
Фабрикларнинг
Урдуларига,
Бешйилликни
Биз тўрт йилда
Тўлдиражакмиз!
Режамизнинг
Шу раҳмсиз,
Ўткир учини,

Муштумзўрнинг
Кўкрагига
Аямай қадаб,
Большевикнинг
Бу пахтазор
Водиларида,
.Ҳар кўсакни
Бир ўқ каби
Кулдиражакмиз!
«Будённий»нинг
Колхозига
Букун шу аскар,
Узоқларни
Босиб келган
Шу ўртоқ.
Раҳбар.
Соқоллари
Қор каби оқ
Шу ботроқ
Падар
Шу баттарин,
Шу шовқинли,
Шу зарбдор денгиз,
Шу комсомол.
Шу қаҳрамон,
Шу чилвирсоч қиз,
Эрта кунги
Бахт белгиси,
Шу порлоқ юлдуз.
Пахта тўплаш
Фронтига
Бўлиб сафарбар.
Бешайилликни
Тўлдирмоққа
Сўз берәётир.
Комсомолга
Дадил туриб,
Аҳд этаётир.

1930 — 1932

«Охунбобо» колхозининг
Ибрат эрлари,
Янги колхоз
Оқимиға
Құчоқ очади.
Еппалашиб,
Биргалашиб,
Ұсіб,
Қуришиб,
Бундан сүнгра
Муштумзұрнинг
Ұстсан ерига,
Елғиз
Колхоз
Чироғлары
Ериғ сөчади.
Чақмоқ каби
Юксал,
Яшна,
Уч узоқларга,
Кенг жаҳонга
Донг тарқатган
Эй, азамат шер!
Эй, большевик исми блан
Нафас олған эр!
Михлар каби,
Қадаб күзни
Душман әқларга —
Тұғонларни тупроқ қылиб
Ұтиб кетабер!

ҚИШ ҚҰЧАСИДАН

Иұллардан завқ блан келаман,
Хар'ён — жим...

Севинчим

Енаркан қүнглимда... еламан...

... Жиламан...

Үйларим тарқоқмас,

Күзларим ерларға тиқилған,

Диққат-ла түнаман.

Хаёлім

Қарорсиз тез оқмас.

Оппоқки,

Шу қадар бу қорлар...

Бошлайман,

Тубандан — юксакка интилиб,

Авайлаб одимлар ташлайман.

Ҳамаёқ шу қадар оппоқки...

Ғачирлар ерларда қорлари,

Хар тили шу қадар чахчахки...

Бошлайман,

Авайлаб одимлар ташлайман.

Дараҳтлар шу қадар оппоқки,

Оқ булат күклардан әнгандай,

Новдалар, шу қадар оппоқки,

Булатда чүмилиб тингандай.

Қорлардан йўл очиб келаман,

Шу совуқ жонлилик бергандай.

Қонларим

Соф ҳаво әмгандай,

Оппоқ қор устида жиламан.

Иұллардан, завқ блан келаман.

ИККИ ТОМЧИ ҚОН

«Эҳтимол келажак — шонли тарихнинг
Қизил қанотини кўраолмасмиз.
Қизил қанотидан шонли тарихнинг
Қувват, ором олиб кулаолмасмиз.

Эҳтимол, бизларнинг темир қонимиз
Учли оқишилардан балки тўхтарлар.
Эҳтимол, бизларнинг юрак-жонимиз
Кучли урушларга кўпларни чорлар.

Сезамиз: титраган ҳар бурчаклардан,
Янги бўронлардан хабар келадир.
Дард блан ҳайқирган шу бўронларда,
Келажак кунларнинг юзи куладир...»¹

Шундай ёзган эди ўнбир йил бурун
Бизнинг юраклардан оққан икки қон.
Қора кафандарга томиш олдидан,
Бизнинг юракларни ёққан икки жон.

Берлин кўчалари йўқотиб уни:
Бўрон бурчаклари мотам қилганда..
Берлиннинг у, иблис, олчоқ левлари
Суяклар устида базм қўрганда.

Лекин асримизнинг битта бурчаги,
Шундай қонлар блан хўб бўялгандир.

¹ Милитаризм ва уруш оловини ёқучиларга қарши курашган
Карл Либкнехт ҳам Роза Люксембург назарда тутилади.

Ҳар тупроқ,

Ҳар темир,

Ҳар чўян букун,

Шу каби қонларга ўзни солгандир.

У қонлар, ҳали ҳеч тўхтаган эмас,

У қонлар, Берлиннинг миллион очлари.

У қонлар, ҳали ҳеч тўхтайин демас,

У қонлар. Берлиннинг яланғочлари.

Битмас кўнгиллардан ўн бир йил бурун,

Бизнинг юраклардан оққан икки қон.

Қора кафандарга томиш олдидан,

Бизнинг юракларни ёққан икки жон

ТЕМИР ҚОНУН

1

Ўзбекистон,

Яйра,

Қувон.

Қайғидан

Кенг бағрингда зарра бўлсин

Асар йўқ.

Бир полвоннинг

Мадад сочган

Отидан,

Яшин кўзли

Бир паровоз кетидан.

Юзмакдасан:

Йўллар — ўткир.

Одимлар — нур.

Армон — ҳур,

Томирларда

Тебранган

Жон,

Айтар:

— Юр.

Қарашлар — тўқ...

Бу зўр оқин.

Бу — бир ердан учган ўқ,

Кетаётир.

Утаётир.

Жон кўрмаган

Чўллардан;

Оғир,

Мүшкүл

Иўллардан.

Порлаётир

Юракларда

Лахча,

Нур.

2

Кўрсин

Буқун,

Юрагига боғлаб олганлар тугун,

Бу ҳайқирган кетишни,

Тўғонларни

Тупроқ қилиб ўтишни.

Туйсин,

Секин,

Ўзоқларда ҳарбир тун,

«Яқиндаги»

Йўлдошларин,

Юракдаги тутунин.

Кўрсинларким,

Қулаётир

Деворлар.

Олов тушган чордевордек

Тинмасдан

Улаётир:

Деворларни яратган,

Тирноқ блан юракларни қонатган

Сўфи чоллар

Улаётир.

Юксакларга минмасдан

Деворлар-ла,

Чоллар-ла

Цириқ, узун чинорлар...

Бу бир ҳукм.

Замон —

Босган

Қалблардан

Шундай олов чиқарған,
Вайрон,
 Тарқоқ,
 Хайрон,
 Күркөк
 Кишлоқлар.
Чумолидек бир уяга
 Оқаётир.
Бир уяга бирға қон ташиб,
Бир уяга бирға жон ташиб,
Бир әшикни бирдан қоқаётир.
Яшил,
 Юмшоқ
 Үтлоқлар,
Күкрагида боқаётир
 Оқ булат.
Кураш қызғин,
Хар томчи қон
 Сочиб ўт...

3

Ана,
 Отда
 Оловларга
 Күмилиб,
Олов сочган шу'лаларга чўмилиб,
Энаётир
 Бир уяга... қон ташиган
 Бир йигит,
Баланд — юксак тоғлардан
 Ағдарилган
 Тош каби,
Эски, чурук қулбаларни
 Бузәётир,
Метин пўлат тош каби.
 Учаётир,
Қанотлари оловланиб,
 Үт сочиб.

Қора-қурум

түнларда-да,

Оловланган қанотлар-ла

Иўл очиб.

Кулаётир

Чиғриқлардан

Омон ўтган

Бир чигит:

Учаётир,

Бир уяга... қон ташиган

Бир йигит

Олиб қувват

Бу енгучи

Чоғлардан.

4

Сезаётир.

Бу кетишнинг кучида,

Бу ўтмишнинг,

Бу ютишнинг
Учида,

Сийнасига

Тракторнинг босганин:

Сийнасини

Ерлар каби,
Қўпорганин,

Очганин;

Сезаётир,

Сўнгги дамнинг ўнга қадам
Босганин —

Улаётир,

Муштумзўр.

Енаётир,

Ғазаб блан,
Ўч блан,

Тутайётир.

Сўнгги ис'ён,
Күч блан,

1930 — 1932

Учаётир.

Шу ўчишда кечаётган
Чилчироқ,
Йироқ,
Узоқ,
Күп узоқ

Күрган ҳузур:

— Кечаётир —

Оғир

Ва зўр

Бир давр...

Кулаётир,

Чиғриқлардан
Омон ўтган

Бир чигит:

Учаётир,

Магур, пўлат отларда
Бир уяга... жон ташиган

Бир йигит.

БИЗ ЕНГДИК

Шу кучли,
 Бўлмаса
 Электр
 Оқмаса
 Трактор
 Олий сур'атларга
 Ўлканинг бағрида
 Тоғлардай гердайиб
 Донбассда
 Кўмирлар қўйнида
 Кенг Памир бағрида;
 Экскаватор;

Шу оғир машиналарсиз:
 Азамат
 Зарб блан
 Тиргизиб
 Утмаса эгар,
 Гигант гавдалар
 Гар тўқмаса зар.
 Зарбачи
 Бутун қалби-ла
 Усмаса эди;
 Ваҳш саҳросида
 Тупроққа
 Ботмаса

1930 — 1932

Шу оғир,
Шу мағрур машиналарсиз,
Жаҳонларга
Жоң киргизган
Тарих бетидан,
Шу пұлат,
Шу чүян
Машиналарсиз,
Бир ёлгиз
Пұлчи-дай
Битажак
Эдик.
Орқага
Айланиб
Тарих — ғилдирак,
Онасиз,
Инграган
Шүрли гүдак-дек,
Севгисиз,
Наш'асиз,
Кучсиз,
Мадорсиз,
Бир келиб,
Бир кулиб
Кетажак эди.

—
Қуламаса
Қалин пахса,
Қора деворлар,
Томиридан чиrimаса
Асрлик толлар,
Якка қалбга
Қарши бирдан
Оқмаса қишлоқ,
Муштумзўрнинг
Юрагини
Еқмаса қишлоқ,

Оракларга
Бирлик сүвнін
Оқизмасайдик,
Қаттиқ,
Кескин курашлар-ла
Саноат қониғ
Үрта деңқон
Томирига томизмасайдик.
Миллионларни
Сұра-сұра
Яшнаса
Күлдік;
Якка,
Елғиз
Кулбалар-да
Кора-оқ байроқ:
«Омоч! омоч!»
Дея ҳар чоқ
Хилпилласайди;
Қалбимиз ҳам
Курашларда
Үнглар қалбидай
Муштумзұрга
Омон тираб
Бир гулласайди,
Үнглар блан
Борса агар
Бирга партия,
«Секин үсар
Бизга қараб
Муштумзұр»
Дея
Ишончсизлар,
Умидсизлар,
Үнглар қайигин,
Тұлқинларда,
Денгизларда
Ботирмасайдик;

1930 — 1932

Хужумларда
Маңкам туриб,
Синфий курашнинг
Қаттиқ,
Пўлат отларига
Утирмасайлик;
Магрур,
Метин одимлар-ла
Уса олмасдик.
Мудҳиш душман
Тоғларини
Кеса олмасдик.

Беиш йилликнинг
Уч йилига,
Энг кескин йилга —
Энг кескин,
Энг қат'ий,
Энг улуғ йилга —
Энг улуғ,
Энг ўткир
Килич бу йўлга,
Юракларни
Дадил ушлаб
Кирмасак агар;
Қўл кўтариб,
Бизга қараб,
Тоғлар,
Кишлоқлар;
Кўкрагига
Кўсак оскан
Юмшоқ
Утлоқлар;
Булутларга
Бош суқароқ
Дароз трубалар:

— «Биз тайёrmiz!
 Биз ҳозирмиз,
 Бизмиз сафарбар!

Зарбдор —
 Бўлар
 Бу кунларда
 Танларда
 Ҳар пар!»—

Деб довруқлаб,
 Ҳар кечалар,
 Ҳарбири саҳарлар
 Гумбирлаган товушлар-ла
 Қичқирмаганда,
 Ғилдираклар белларига
 Боғланган камар,
 Сур'атларга
 Тил киргизиб
 Бонг урмаганда,

Большевиклик қўшиқларин
 Ҳарбири заводдан,
 Юракларни
 Ўлчаб босиб,
 Ўйнатмасайдик;

Ҳар ишчининг
 Шуурига,
 Басма-бас сингиб.
 Ялқовликни томирлардан
 Иргитмасайдик;

Ҳисоб олиб
 Тупроқлардан,
 Темир тоғлардан,
 Нур тўкарак
 Қишлоқларга
 Ток-чироқлардан

Тилхатларга
 Қўл қўйдирив
 Олмасак эдик;
 Беш йилликнинг

Севгисини

Хар дүст юракка

Янги ҳаёт

Ишқи каби

Солмасак эдик;

Кенг ҳужумнинг

Болғасидан

Олов чиқариб,

Бир илоннинг боши каби

«Промпартия»

Бошларини

Мажақ-мажақ

Қилмасак

эдик;

Үткір, олмос одимлар-ла.

Уса олмасдик.

Жаҳонларга

Жон киргизиб

Фовға солмасдик.

Пўлат каби

Юракларни

Қаттиқ ушлашиб,

Тоғлар блан

Ма'дан учун

Хар он муштлашиб,

Ҳайкал каби

Гавда қурган

Хар юксак тошнинг

— «Чўён бер!» деб

Тепасида

Турмасак агар;

Қоронғунинг сукунатин

Үтла ёратоқ.

Ҳарбир тошнинг

Юрагини

Тинтув қиласроқ;

— «Күмир қайда»

— «Топшир бизга!»

Деб турмасайдик;

НЭПманларнинг
Думоғига

оқизиб заҳар,

Тупроқларнинг

Томиридан

Қора қон каби

Нефтларни

Саноатга оқизмасайдик;

Аср бўйлаб

Ухлаб ётган

Саҳро бағрига

Темир босиб,

Турксибларни

Турғизмасайдик,

Шу полвон,

Қаҳрамон

Беш йилликларсиз,

Соҳилига

Яқинлашган

Бир қема каби,

Юракларга

Кувват бериб

Уса олмасдик.

Ваҳшӣ,

Мудҳиш тўлқинларни

Тўсаолмасдик.

Биз енгдик!

Биз енгдик!

Енгажакмиз,

Биз!

Саодатчи —

Партиянинг

Ибрат байроғи,

Иўллар кескин

Сталиннинг иродасида!

1930 — 1932

Сталиннинг

Иродаси:

Бизнинг йўлими!

Жумла жаҳон

Ишчисига

Кўрсатажакмиз:

Қандай қилиб,

Одимларни

Ташламоқ керак!

Қандай қилиб,

Тарихларнинг

Кенг кўкрагида

Большевикча

Курашларни

Бошламоқ керак.

Бешйилликнинг

Энг азамат,

Энг қат'ий йили

Заводларни

Зарбдор этиб

Янгратажакдир.

Янги дун'ё

Бойлигиннинг

Пойдеворлари,

Электрик одимлар-ла

Қурилажакдир.

КАДР

Дарсхона жим...

Оғир устоз,

Үртоқ,

Муаллим,

Асарлари тепасида

Ленин, Маркснинг,

Құлға ушлаб тизгинини

Ақлнинг,

Ҳиснинг,

Құзларини ярқиратиб

Юлдуз юзидай,

Электрик лампалари

Тегида тинмай,

Стулларда

Саҳаргача

Үтириб, энмай,

Сатрларга

Қаттиқ боқиб

Диққат күзидай,

Мужодала

Қуввасида

Харбир ҳарфнинг,

Уругини топмоқ учун

Коммунизмнинг.

Кечакундуз

Тиришувга

Йұллаган одам,

Кичик китоб.

Тепасига

Езаётір аччиқ хотира:

1930 — 1932

«Оғир
Ва зўр
Талашларнинг
Узоқ умрида.
Иродангиз
Кўлларидан
Чиқмасин сра.
Мафкуравий
Курашларнинг
Хандоқларида,
Қилич,
Милтиқ,
Бомба
Бўлсин
Диалектика!»
Кўрсин
Букун
Кенг уфқлар
Ленин таққанин.
Билсин
Бу кун
Яшинн-ўқлар
Қайга оққанин.
Кечা,
Сотқин
Профессор,
Дорилфунун
Минбаридан
Лекция қилған.
Синфларга тўлиб
Юзлаб,
Минглаб студент.
Зўр қўшиндай
Усаётган
Минглаган
Кадр.

Диққатини

Михдай қоқиб

Тинглаган шуни!

Кечә,

Душман

Наркомпрос бўлмаларида.

Хони,

Сотқин

Юмушларга

Сигналлар урган;

Қизил стол

Тепасида

Қўлни кўтариб,

Қора тилак

Мехробида

Фотиҳа қурган.

Кечә,

Унда —

Қурилишда

Душман инженер,

Қурилажак зарур, янги

Гигант заводнинг

Фундаментин

Содда,

Чирик,

Бўш қилиб қўйган.

Кечә,

Унда —

Социал ўлка қал'асининг

Қўмир конида

Олчоқ техник,

Оқ инженер:

Машиналар,

Моторларни

Бузиб ташлаган.

Кечә,

Бизнинг мактабларда

Бир тўда душман,

Тоза, ўсгич,
новдаларни
Бузабошлаган

Улаётган синфларнинг
Тулки эрлари,
Ниқоб кийиб,
Бош күттарган,
Беркинган жойдан

Үқ узмоққа,
Куч тўплаган
Хар ифлос сойдан.

Ҳаёт-мамот
Учун борган
Кенг ҳужумимиз.

«Ким — кимни?» деб,
Фурсат бермай
Кенг жабҳа бўйлаб,

Муштумзўрни
Барбод қилган
Бизнинг ҳукмимиз

Ёрган
Яра
Юрагини
Харбир душманнинг,

Хаёллари
Пучга чиққан
Қора
НЭПманнинг.

Ҳужумимиз
Зарби блан
Синган
Инженер,

Тарих ҳукмин
Тингла!
Бажар!
Сўйла!

Хисоб бер!

Бу тақдирнинг қонунлари
Эмас бетамиз!

Ер ва сувнинг
Жиловини
қўлларда ушлаб,

Техниканинг
Иродасин
Тишлаб,
Олқишилаб,

Биз турмушда
Янги жаҳон
Қуриб борамиз.

Керак бизга,—
Ўзнинг кадр!

Керак бизга
Саноатда пишган ишчиладай,

Оғир кунлар
Кўкрак керган
Зўр курашчиладай,

Кескин, қат’ий курашларга
Ботир сафарбар!

Юраги,
Кўкраги,
Суяги блан

Улуғ ишлар
шарафиға
Ўзни бахш этган,

Бизнинг боғда
Биз-ла ўсиб,
Вояга етган,

Миясининг милтиғини
Постларда ўқлаб,

Оғоҳ,
Сергак,
Хуш'ёр
Турган
Қаҳрамон аскар.

— «Қани?

Деса —

— Бизга кадр!»

Гигант заводлар,

«Бергин!

Деса —

— Бизга кадр!»

Хам колхоз,

Совхоз.

«Кадр!» деса

Бонг урароқ
Партия, Цека,

Чанқов блан

«Кадр» деса

Пахтазор ўлка,
Тайёр турган,

Керак кадр:

Яратгучи,

Үзгартучи,

Курашгучи,

Ботир,

Моҳир,

Уста,

Муқтадир,

Керак кадр!

УЛИМ ЕВГА

Агар душман

Узи

Таслим бўлмаса,

Узи,

Евуз кечмишига

Кулмаса,

Узи,

Сассиқ алаф бўлиб

Сўлмаса,

Узи,

Кора тарихининг қилмишларини

Ўз қўли-ла

Жаллод каби

Яниб юлмаса.

Бўлар тор-мор,

Этилар хор!

Бўлажакдир

Бир сиқим ҳам

Тупроқларга зор!

Минг бўялиб

Ниқобларга

Биқиб кирса-да,

Ниқобларда

Аччиқ кулиб

Нидо урса-да,

Бир тўда эзилган,

Сиқилган душман,

Ўзига

Жаннатдан

Жой буюрса-да,

Оёқлар остида
 Қолдирап тарих,
 Ажаллар қўйнида
 Толдирап тарих!!
 Тақдиди шу,
 Зўр оқинга
 Тақдиди шу,
 Қизил тарих
 Кетга сурмоқ тилаб кўзи
 Қонга тўлганнинг;
 Тақдиди шу,
 Пўла,
 Чирик,
 Гаранг бошини.
 Пўлат,
 Метин қирғоқларга
 Тинмай урганнинг!
 Душман
 Кўпдан
 Ултиради қора курсида,
 Қути учган,
 Кон қолмаган
 Унинг тусида.
 Ҳукм бўлган
 Ӯлимларга
 Ўн тўрт йил бурун.
 Лекин, букуп
 Ӯлим хавфи ўраган
 Душман,
 Осонлик-ла жон бермагай
 Чиқармасдан ун.
 Ҳукмларин
 Донгги чиққан
 Пролетарнинг,
 Тоғ титратиб бораётир
 Диктатураси.

Душманларга ўлим бериб
Уч ҳарфнинг саси,
Сақлайётир Пролетар дастгоҳларини.
Сезгисини, Иродасин
Миллион ишчи, Кенг колхозчи.
Совурадоқ Азамат аскар,
Сўнгги дамга, Сўнгги учрашга,
Узил-кесил
Курашларга Мажбур душманинг
Газабини, Аччиини
Ииртиб никоб Ва оҳларини,
Сун'ий кулиш, Нигоҳларини!
Секин ва тек Жон бермоққа
Шуни яхши, Ҳозирмас душман,
Бу ўсишлар қаршисизда Қаттиқ билсинки,
Бу юксалини Бир эрик қорки
Даҳшат блан Шундай оқарки.
Қуёшлари Енгин бошлиб,
Из ҳам қолмас Унинг босган
Кўчаларидан;

Бу кулбозор

Унинг кечган

Кечаларидан

Хар замон

Эшиклар

очилиб секин,

Бир йигит,

Бир хотин,

Бир қиз

Олиб тин,

Чиқариб қўйнидан

Кичик бир қофоз,

Езилган,

Чизилган,

Сўзлар:

Қисқа,

Оз:

Бир тарих

Чиқариб

Мағрур бир овоз.

Сўзлайди

Ҳужжатлар тиллари блан:

«Ботулар,

Олтойлар,

Бўлароқ бир тан,

Шўрга қарши бир

Ташкилот қурган.

Қур'онлар.

Мажлислар...

«Миллий истиқолол»

Қўзғалиш,

Ис'ёнга

Йўл-йўруқ чизган...

Ромизлар,

Ботулар,

Ниқобга киргани,

Энг ёмон

Ашаддий

Зааркунанда,

Иккиюз!

Дўст каби

Қилса-да

Ханда.

Жаҳонгир итларга

Қул,

Малай,

Банда!!!»

Очилиб,

Епилиб,

Қароргоҳ эшик,

Диктатура

Одимлари

Оғир, юриб тек,

Буйруқлар

Қоғозда

Нидо уради,

Буйруқлар

Ток каби

Чопиб юради.

Душман бўлар

Тамом тору мор!

Билсинки,

Ҳар душман,

Ҳар Ромиз,

Боту,

Тавонининг

Тегидаги

Пойдевор қулаб.

Синфликдан

Битаётган

Ҳар вা�ҳший тикан.

Диктатура душманининг

Энг раҳмсиз қотили.

Уч ҳарфла

Ҳар душманга

Титроқ берган —

Г.

П.

У!!!

Ҳокимият қиличини

Қинларидан

Олган бу!

— Улим ёвға!!!

Бу — синфнинг,

Партиянинг.

Бу — тарихнинг

Иўли
Бу!!

ТАИЕР ТРАКТОР

1

Узун ва зўр
Кенг ишхона
Тўла
Одам-ла.
Хаёт қайноқ
— Ҳар ёнга боқ!
Қайнашлар
Қизғин,
Кўк кўйлаклар
Утмакдалар,
Тез
Бирин,
Кетин
Кечмакдалар
Пўлатларни кўтариб ишга,
Келмакдалар
Гурас-гурас
Порлоқ турмушга.
Филдираклар
Кўз тиндириб
Айланмакдалар.
Филдираклар
Тилларини
Тез учраштириб,
Филдираклар юрагини
Ювиг
Шошдириб,

Айланишнинг
 Сур'атларин
 Қувиб,
 Ошдириб,
 Сув сингари
 Оқаётир
 Қайиш камарлар.
 Томаётир
 Тешиклардан
 Нефть томчилари,
 Учқун бошлаб
 Болгаларапнинг
 От қамчилари,
 Кезаётир
 Корхонани
 Азамат оҳанг.
 Юракларни
 Пўлатларга
 Болғадай урсанг!
 Урсанг агар
 Томирлардан
 Олов чиқариб,
 Оловларинг
 ёлқин сочса
 Порлаб.
 Куч олиб,
 Электрик лампасида.
 Шу комсомолдай,
 Тракторнинг
 Мурватларин
 Кўздан кечирсанг,
 Тўхтаб қолган
 Темирларга
 Ҳаёт ичирсанг.
 Қайнаб,
 Шошиб олишмоқда
 Буюк юрак қон,

Тұлаётір

Корхонада

Промфинплан.

2

Тақири-тиқири

Кечәётір

Юк вагонлари —

Кечәстір,

тақири-тиқири

Узун үқ каби.

Паровознин

ёзіб қўйған

Үт кўзларига:

Қат'ий йилнинг кўкламига

Тайёр

Трактор!!!

Бекатлар — зич,

Жуда қайноқ,

Одам-ла

Тўла,

Паровозлар

Ендириб ич,

Муздай изларда

Сузмакдалар

Пўлат, оғир,

Толмас қадам-ла.

Уйдан-уйга

Югурарак

Бригадачи.

Тиними йўқ,

Дам олмасдан

Ҳеч кундуз,

Кечи,

Филдиракни
Яна тезроқ,
Бир айландирса,
Саҳроларга
Темир босиб,
Ерни қондирса.
Тикилмакда
Уён-буён
«Манзил қайда»
Деб,
«Хой машинист!
Паровозни
Тезрак ҳайды!»
Деб.

Тақир-тиқир,
Кечәётир
Юк вагонлари,
Тақир-тиқир,
Кечәётир
Узун ўқ каби;
Паровознинг
Уқдай ёнган
Лахча кўзлари.
Мияларга
Аниқ,
Қисқа
Сўзлар қоқади...

Тракторлар
Пахтазорга қараб оқади...

Янги кўклам
Байрамига
Тайёр
Трактор,

Тракторнинг

Тепасига

Маҳкамроқ ўлтири!

Ўлтири!

Қўпор!

Далаларнинг

Кўкрагини ёр.

У меҳрибон

Сийналардан

Олтинлар чиқар!

Ҳайда тезроқ,

Тупроқларнинг

Боши айлансин,

Бос қаттиқроқ,

Муштумзўрнинг

Тили боғлансин.

Трактор-ла

Қўпор ерни,

Қўпор қалбларни.

Қўпор,

Тинма.

Марзаларни,

Қисқа лабларни.

Мустақиллик

Ургуни:

Чигитларни

Соч!

Ағдар ерни,

Трактор-ла,

Пахта йўлини оч!

Оч!

Пахтанинг донларини

Яна!

Кўпрак

Соч!!

Соч!

Пахтазор денгизларга

Етмасин қулочи!!

Сочма ўқдай
у,

Қадалсин

Душман юракка.

Тиқажакмиз

Муштумзўрни

Тор,

Берк бурчакка.

Пахта блан

Ииқилажак

Хар олчоқ

Душман.

Ҳеч муштумзўр

Утаолмас

Бу имтиҳондаи.

Янги кўклам

Курашига

Ҳайқир,

Трактор!

Қаттиқ ўлтири,

Бу трактор

Устига зарбдор.

Тупроқларнинг юрагини

Қўпор,

Ағдар,

Ёр!

Тракторнинг

Хар винтини

Бил.

Иҳтиёт қили!

Колхоз,

Пахта

Ва трактор —

Буни онгла,

Бил!!! —

Йиртқич ёвга

Ўлим берган

Энг дов юракдир.

Тракторнинг

Ҳар винтни

Бир чопар от қил!

Тракторнинг

Ҳар қўшиғин

Ерга ҳаёт қил!

Шу йўл блан —

Беш йилликнинг

Кескин йўлидан

Биз ўтамиз,

Ғалабалар,

Юксалишлар,

Зафарлар блан.



ҲАМИД ОЛИМЖОН
Foto — 1928

СЕРГАК

Юр,
эй ўлкам,
Жаҳонларга
Титроқ бериб юр!
Мажруҳ,
Маҳкум
Синфларга
Улим сепиб юр!

Юр,
Югурсин,
Танларингда
Оқсан электр.

Юр,
Олғала,
Тракторга
Үлтири!
Айлантири!

Юр,
Пахтазор далаларнинг
Кўкрагини кер!

Юр,
сен блан бўлганларга
Яна мадад бер!

Юр,
Заводлар,
Фабрикларинг
Қувурларидан

Тутунлари,
Кўклар сари
Талашиб чиқсин.

Темирларнинг

Товушлари

Янграб ўлкада,

«Мусулмоний суратларни»

Гўрларга тиқсин!

Ҳар душман

Билсинки,

Биз ўсмоқдамиз,

Партия — ол байроқ.

Сталин — маҳкам.

Йўлбошчи юлдузлар

Ярқираб

Ҳар дам,

Бермасдан адашган

Унг,— «сўлларга»

Дам,

Большевик поездин

Отламоқдадир.

Сталин — йўлбошчи,

Партия — дадил,

Пўлатдан

Изига йўллар қўяроқ,

Зўр,

Полвон одимлар

Ташламоқдадир.

Қурилиш,

Курашла

Барча миллатлар:

Барчаси — биродар,

Барчаси — ўртоқ,

Бирлашган ҳар ишчи,

Колхозчига

Боқ!

Қўзғолди

Бир туркум

«Истиқлолчилар»

Құзғолди:

«Торгпром»

«Промпартия»

Ниқоби:

«Истиқлол»

— «Озодлик!»

Дея,

СССР

Құйнига

Пуанқара,

Чемберлен,

Чүқаев,

Қора,

Қопқора

Ажаллар чопари

Тилаклар била,

Бир илож ахтариб,

Құл солиб күрди.

Дардига,

Эм топмай

Қийналган,

Илон.

Эртанги

Улимни

Кутиб ётган

Жон,

Бир карахт

Қайф блан

Озроқ югурди.

Зарб еган

Синфлар

Улиш олдидан,

Жон бериш олдидан,

Бир бөш күтарди.

Уяси бузилган

Хаста жонивор.

Типирлаб,

Охири, гүр сари борди.

Азамат бешйиллик,
Кенг ҳужум блан,
Үлгучи бир синф,
Бир ваҳши гужум —
Душманнинг қалбига
Заҳар юбордик.

Тұхтатиб
Қутурған
Қулоқ наҳрини,
Зўр,
Эски дун'ёнинг
Юрагин ёрдик.

Юксал ўлкам!
Ев ёнларга
Титроқ бериб юр!
Бешйиллик-ла
Енгган синф
Шод,
Кулиб дейдир:

Бутун бир мамлакат,
Бутун бир ўлка,
Қўйнида
Ювароқ
Қалбларни бизим,
Қурамиз:
Чин дун'ё —
Социализм.

Бутун бир пахтазор,
Бутун бир води,
Бутун бир Фарғона,
Кенг,
Юмшоқ
Тупроқ;

Соф,
Бахмал
Бўшлиқлар,
Бағри оқ она,

Чұялар,
Темірлар
Күчиб бағриға,
Электр қуёши
Еқиб қалбыға,
Бир жойдан
Буюк қувват,
Мадад олади.
Бошлашиб
Күешга,
Зұр мусобақа
Бутун жаҳонларни
Ишга солади.
Қурароқ қалбларни
Қайтадаң бизим,
Юксалди
Чин дүн'е —
Социализм.
Буни биз құрамиз,
Бу күчлар — бизнинг
Ма'данлар,
Пұлатлар,
Нефтьлар ичида,
Усмоқда
Юраклар,
Тилаклар бизнинг
Бағрида
Пахтазор,
Порлоқ денгизнинг.
Қулоқликни
Қылдик,
Барбод
Ва хароб.
Бир латтадек
Титдик унинг
Бор ва йүғини.

Үчирапқ,
Юрагидан
Сүнгги чүғини.
Эңг сүнг даф'a
У бўлажак
Барбод
Ва ҳароб.
— Сўнгра оқтар,
Сўнгра қидир
Изларини топ!
— Йўқ!
Асло йўқ!
Муштумзўрлик
Йўқ бўлажакдир.
— Огоҳ!
Тинчлик,
Бўш
Хушсизлик
Чиқармасин сас;
Қат'ий енгиш
Келган чоқда
Тўхтамас
Нафас!
Муштумзўрнинг
Ураётир
Ҳамон юраги,
Оқаётир
Томирида
Қора қон ҳали.
Олчоқларнинг кўзларига
Тўлиб қонлари.
Пуанқара:
— «Уруш!»
Дея,
Бонг ураётир
Олдиндаги
Учрашларда
Даҳшат бор ҳали!!!

Күзларимиз

Аниқ,

Тұғри

Олсинлар нишой.

Қуроллансинг:

Құвват,

Ақл,

Сезги,

Томир,

Қоң!

Сигнал берди:

Тарих,

Синф,

Партия,

Замон.

Жабдаптарда:

Босиб,

Енгіб,

Қуриб,

Тузарал,

Хар душманни

Яқынлардан

Аниқ күрапак.

Харбиремиз

Бўлиб сергак,

ГПУ миздек,

Мияларни

Милтиқ каби

Үқламоқ керак!

Зафарларнинг

Пўлат,

Чўян рельсларида,

Яна янги

Сафарларга,

Олға!

Илгари!

Олға!

Тинмай,

Ва бурудмай

Чин дун'ё сари!

ТАРИХ ҚҰРГАНМИ?

Мана АМО,

Мана азамат,

Мана бу ташаббус,

Мана бу сур'ат.

Мана бу,

Қаҳрамон пролетариатнинг

Тер түкиб

Дүн'ёга

Келтирған иши.

Мана бу —

Құдратли

Меҳнат деганинг

Бағридан

Сут эміб

Етишған киши.

Эллик йил

Олдинги

Улкалардан биз —

Эллик йил!

Судралиб

Орқада қолдик.

Эллик йил

Орқадан сафарга чиқиб,

Қувиб

Үтмаклика

Иўл олдик.

Иўлчи юлдуз бўлди,
Порлатди
Ленин.

Бу кескин
Сафарнинг
Falaba йўлин —

Шу йўлни
Ун йилда
Босиб ўтмасак,

Ун йилда
Шу йўлни
Сувдай ютмасак,

Тишини
Қайраган
Дун'ё олдида,

Кучсизча
Бош блан
Жавоб берамиз.

Бош блан,
Тан блан,
Таналар блан,

Эзилган,
Титилган,
Эллар кетидан

Очқоқ кўчалардан
Узоқ терамиз,

Тонг турадир
Тоза,
Совук
Мармар ҳаво

Москва
Юзларига уради.

Қор
Тиззадан юқори,
Моторлар
Кетидан

Чопиб юради.

Бўрон,
Тўпалон
Жонсиз парларга
Совуқ шамолларда
Соврилган
Хирмон.
Ҳаёт жонли,
Ишга кирган йигитдай —
Чарчаш
Сра йўқ.
Осмон:
Тип-тиниқ,
Чизиқсиз,
Белгисиз
ёзилиб кетган.
Уйнаб,
Кувалашиб,
Инаётган қор
Гавдалар
Устига
Тез ёпишади.
Чумоли сингари
Автомоторлар
Бирининг изига
Шундай кўчаларда,
Шундай кунларда
Москва
Қурилгани киради.
Фақат Москвамас
Бутун СССР —
Шимолдан
Жанубга
Қулоч ёзган ер;
Шимол,
Жанубларни
Қўлга олган эр,

Яңги дун'ёларни
Барпо этади.

Биз, улуғ
Бир дүв'ә
Куришга,
Бутун жаҳонларга
Сўз бердик.
Бутун жаҳонларни
Ташвишга солиб,
Бутун бурчакларни
Титиб,
Уқиб
Куч олиб,
Бешйилликлар
Биносины
Чарчамай қурдик.
Бутун қарашларни,
Барча сезгини,
Бутун иродани,
Бутун севгини,
Бешйиллик
Сафарнинг
Изига бурдик,
Қўрқитмади
Бизни
Умидсизликлар,
Қийинликдан
Хуркиб
Қайтмадик.
Уфқлари қора,
Тақдири — ўлим:
Адашган,
Тойганлар
Йўлига кириб:
«Сур'ат....
Хадсиз
Кучли...
Кўтаралмаймис..»

Аравани Узоқ йўлга Кўп итаралмаймиз...

Бўлдик, Қурмаймиз» Деб айтмадик...

Меҳнат бўлди Бизнинг шараф. Бизнинг ирода,

Куч қўшилди, Ортди, Қувват

Бўлди зиёда.

Кетда қолди Бир замонлар Ҳарсанг тош-меҳнат.

Меҳнат бўлди:

 Қаҳрамонлик,

 Бирлик,

 Омонлик.

Барча бирдан Ишга ёпишдик.

Кулбалар ўрнига Гигантлар қуриб —

Қурмоқ Одатининг Ишқида пишдик.

Бутун оғирликлар, Бутун мушкиллар

Оч қолган Бисмиллах

Бир бўри, Қўпол айиқдай,

Бизнинг елкалардан Босмоқчи бўлиб,

Шунда Қулатмоқчи,

 Осмоқчи бўлиб,

Кучаниб,
Уриниб
Охир елкалардан
Үчи, зарби блан
Мана АМО,
Мана бизнинг томир,
Мана шу АМОлар,
Шарманда бўлмасдан
Умидсиз,
Биз мардлик,
АМОнинг
Бутун Москва
Бутун Москва
Бутун Москва
Шундан
Ана у цехнинг
Саҳнидан
Янги машиналар
Юра кетди-ку!

Кўрдилар.
Коллектив кучнинг,
Эндилар.
Мана бизнинг юрак,
Бизнинг жон,
Бизнинг қон,
Гигантлар блан
Жаҳонга боқдик.
Ишонмас,
Пуч юракларга,
Йигитлик
Товушларига.
Қулоқ солади,
Шунга уйғониб,
Шу блан ёниб,
Хаёт нури олади.

Янги машиналар
Дун'ёга келиб,
Бизнинг ироданинг
Наш'аси кулиб,
Янги машиналарни
Сура кетди-кул
Булар
Эртасига
Сафарга
Чиқиб,
СССР бўйлашиб
Кетади.
Шўро даласининг
Кўкракларида
Инқилоб қурғали
Етади.
Эски асрларнинг
Аравалари,
Тева карвоишли
Кўнғироқлари.
Бизнинг АМОларга
Йўл бўшатажак,
Бизнинг АМОларнинг
Отлари ўтган
Узун кўчалардан,
Сўнгсиз йўллардан
Асрлик ҳушсизлик,
Жимлик ботажак.
Мана шундай
Одимларни биз,
Йўлларга
Ботириб
Ташлаймиз.
Қувиб ўтмак
Ашуласини,
Бутун жаҳон бўйлаб
Бошлаймиз.

Бизга мазақ блан
Күз тиккан
Душмач —

Эшитсин
Үн йилнинг
Ашуласини,
Қаҳрамон кунларнинг
Кўкракларида,
СССР кўкида
Порлаган
Қувиб
Утмакликтининг
Зўр шу'ласини,

Бизнинг ироданинг
Пўлат буйруғи,
Бутун жаҳонларни
Ишга солади.
Бутун жаҳонларни
Ишга ҳам солиб,
Улардан
Утиб ҳам олади.
Янги ютуқларга,
Ғалаба сари.
Беш юзу ўнсаккиз
Гигант
АМО ни,
Қат'ий йил ичидаги
Ишга қўямиз.

Ҳечқандай
Бир тарих
Кўрганми
Буни,
Янги ютуқларга,
Ғалаба сари!

НИМА БИЗГА АМЕРИКА!

Нима бизга,
Америка?!

Нима бизга,
Унинг сур'ати.

Унинг тезликлиги,
Кучи,
Куввати.

Унинг шижаоти,
Унинг гайрати.

Мана биз
Шу қисқа муддат ичида
Шундай тезлик блан
Етдик-ки,

Шундай гигантларга
Кетдик-ки,

Ҳатто,
Уйлай олмас
Унинг фордлари;

Унинг раҳбарлари,
Унинг лордлари.

Булутларга
Бош чиқарған
Америка
Мана!

Мана ўша
Бадмаст гавда,
Қарри тантана.

Букун шундай:
Асаби
Бузилгац
Томири
Толган.
Гүштлар
Эриб тушган,
Бир суюк қолган.
Илдизи чириган
Бир чинор каби
Қаттиқ шамолларга
Бүйин эгади.
Булутлардан
Кулиб боққан
У мағур тана
Бир карра
Ерга тегади.
Заводда
Иш күрган
Бечора ишчи,
Эртанги
Қора кун
Тушин
Күради
Эртанги
Ишсизлик
Ашуласини
Оқшомги уйқудан
ёдлаб туради.
Ранги сүлгун унинг,
Дилида — алам
Юрагини
Эзаётир
Жуда оғир
Ғам.
Кеча
Корхонада
Бир шов-шув бўлди.

Ишдан қайтар экан
 Чарчаб,
 Бўшашиб,
 Станоклар
 Гўё
 Боқиб,
 Тўниб,
 Термилиб
 — «Эрта келма»
 Деган
 Бир қарааш қилди.
 Эртага,
 Машиналар тўхтайди.
 Эртага,
 Зўр завод
 Юрмайди.
 Эртага,
 Қорни оч,
 яланғоч
 Ишчи,
 Бир парча
 Нон сўраб
 Ҳарён чопади.
 Тарқалса
 Бир жойдан
 Бир овқат иси,
 Эзилиб,
 Қўзғолгач
 Орзу
 Ҳаваси;
 Боласи,
 Хотини,
 Қизи, синглиси,— оч бари.
 Овқатни
 Кимлардан,
 Қайлан топади?

Кечаси
У ширин
Хаёлга ботиб,
Кучини
Кимларга,
Нимага
Сотиб,
Юрган кунларига
Афсус қилади.
Балки, у
Эртанги
Забастовкада
Энг олдин
Инқилиб
Үқдан ўлади.
Балки, эртага-да
Бир парча ноннинг
Ҳавас,
Ишқи блан қулади.
Мана мен,
Эртанги
Ериқ кунимнинг
Қайдан келажагин
Биламан.
Эртанги
Бахтимнинг
Ашуласини
Мен ўзим
Қўл блан қиласман.
Эртанги
Ашула,
Эртанги
Достон,
Мана шу пўлатнинг
Оҳангги бўлар,
Сезги,
Шуурларни

Сафарбар қылған
Күйларда
Мана бу
Машина,
Мана бу
Күвват,
Мана бу
Фабрикам,
Заводим менинг.
Айланиб,
Ҳар куни
Бахт келтиради.
Ҳар минут,
Ҳар онда
Менинг юрагим
Шу бахтнинг
Ҳавасин
Эмиб туради.
Мана мен
Кучимнинг
Болғаси блан,
Уз синфим ишига
Олов бераман.
Бешйиллик
Қуйига
Одимлар ташлаб,
Минглаб йўлдошларни
Етаклаб,
Бошлаб
Янги дун'ё сари
Юраман!
Нима бизга
Америка,
Нима бизга
Унинг сур'ати!

Унинг тезликлиги,
Кучи,
Куввати.

Мана биз,
Узимиз
Сафарга туриб,
Ундан ўтиб кетамиз —
Яратиб
Заводлар,
Машиналарни.

Чўянни,
Пўлатни
Изларга солиб,
Ундан йўлимизга
Мадад,
Куч олиб,

Олий тилакларга
Етамиз!

Сибирь саҳролари,
Урал тоғлари.
Днепр сувлари,
Нефть булоқлари —
Бизнинг иродага
Бўйин эгади.

Бизнинг ироданинг
Пўлат зарбаси,
Қўл етмас жойларга
Қаттиқ тегади.

Мана мен
Америка сур'ати блан
Станок
Бошида
Пойга
Кураман.

Тўрт
Минут
Ичида
Қилган ишини,

Икки минутларга
Бўламан.
Шундай сур'атларни
Кувиб етдикки,
Шундай қадам бошлаб
Чопиб кетдикки,
Америка
Хаёл ҳам қилолмас уни.
Ҳар ишим,
Юришим,
Турмушим
Менинг,
Белгиси
Эртанги
Порлоқ баҳтимнинг!
Мана шу белгилар
Остида туриб,
Эртанги
Баҳтимни
Мен чақираман.
Пўлат рельсларда
Сафарга
Юриб,
Унинг амалини,
Отини
Атаб,
Албат келишликка
Мажбур қиласман!

МУДОФАА КҮНЛАРИДА

Бос,

Одимлар

Қаттиқ-қаттиқ

Ерларга ботсин —

Тракторлар

Фовға бошлаб

Ерни ёргандай.

Бос,

Тарихда

Улкан, улуг

Қадамлар отсин —

Енгган сиңіф

Зафарларга

Тұлиб борғандай.

Бос,

Душманнинг

Күкрагига;

Бос,

Юрагига;

Бос,

Қаттиқроқ,

Сұлаёттан

Ев тилагига.

Бос,

Узулсін

Хар душманнинг

Сүнг томирлари,

Құлдан чиқиб

Бойликлари,

Даври.

Ерлари.

Ларзалансин

Қулаётгай

Бир чолдевордай.

Бос,

Титрасин

Ҳар муштумзўр

Бир зах девордай.

Эй,

Милтиқни,

Милтиқ каби

Қўруғлаб турган;

Вужудларни живирлатиб

Даҳшат-ла

Юрган;

Эй,

Донбассда

Кўмир ялаб

Қаҳ-қаҳа урган,

Эй,

Шўролар даласида

Трактор

Бурган;

Эй,

Пахтазор

Водиларнинг

Наш'асин сурган;

Эй,

Дун'ёниг беллариға

Қизил боғлаган,

Эй,

Қурилиш қўргонини

Ҳирс блан

Қучоқлаган,

Эй,

Бағрининг сути блан

Ўзни оқлаган,

Синф учун,
Хар нафасда
Партия учун

Үткир,
Олмас одимларни
Маҳкам бос букун!

Эй,
Ишчининг иродасин
Барча
Жаҳонга

Санаб босган,
Қаттиқ
Пўлат
Одимлари-ла.

«Байналминал»
Марши каби
Тарқатган қўшин,

Кенг елкамиз
Бино қилган
Меҳнат тоғларин,

Кўз қораси
Орасида
Сақлаган қўшин,

Синф учун,
Хар нафасда
Партия учун,

Темир,
Толмас одимларни
Маҳкам бос букун,—

Зулм оқизган
Саройларни
Гўрларга тиқиб,

Русияга
Қизил байроқ
Хов,
Осганингдай,

Шўро шарқин
Кўкка чиққан
Тепаларида
Кўршерматлар,
Олчоқларни,
Парчалаб...
Инқиб.

Деникинлар,
Колчакларни
Хов!
Босканингдай.

Зўр қурилиш
Денгизида
Оқар
СССР.

Қуллиқларга
Нафрат блан
Боқар
СССР.

Улим оққан
Фарбда бу кун,
Харбир
Жаҳонгир:
Бир заҳарли
Илон каби
Урмалаб
Ҳарён,

Бир қуюндай
Узни уриб,
Тез,
Үён, бүён,
— «Уруш!
— Дун'ё!
Мустамлака!
— Даёшь
Уруш!»
дер.

Синф учун,
Хар нафасда
Партия учун,
Бомба одимларни маҳкам
бос букун!

Бизнинг танда
Тўхтамасдан
Кон
Юурганда,

Душманларга
Нафратимиз
Постда
Турганда.

Хар изимиз
Сергакликдан
Нидо
Урганда

Харбир олчоқ,
Харбир жосус
Зааркунанда,

Асар қолмай
Иzlаридан
Қизил ватанда,

Бомба тушган
Бир куйбадай
Портлаяжақдир.

Пролетар
Қўлларидан
Яшайиш эмган,

Еш ва баҳтли
Гўдак каби
Бир ҳаёт шимган

Янги дун'ё
Яратажак
Курра юзидан.

Пуанқара,
Хар оқ қочоқ,
Антанта
Бары!
Битта ифлос
Фоҳишадай
Ҳайдалажакдир.
Милтиғи,
Тўплари,
Бомба,
Газлари,
Бир улоқ
Бойқушнинг
Шум овозлари,—
Қуёшлар-ла
Бизнинг ўлка
Пойга
қурганда;
Хар изида
Бино қуриб
Олдин юрганда,
Ўзи учун
Ўлим бўлиб
Портлаяжакдир!
Синф учун,
Хар нафасда
Партия учун,
Нефть шимирган
Одимларни маҳкам
бос букун!
Жавоб учун
Букун ўлка
Олчоқ душманга —
Эй, уруш деб
Қутиручи
Жаҳонгир,
Сенга,—

Милтиқ
Отмоқ
Ургангани
Тирга бөради.

Жавоб учун
Харбир завод,
Харбир фабрика

Уприлишнинг
Үтагасин
Тўпдай ёради.

Далаларда
Тонг отқизган колхозчи ўртоқ,

Партияга
Содиқ бўлган
Ҳар дўст,
Кўнгли оқ —

Пахтазорлар
Кўсагига
Жон киргизади.

Беш йилликнинг
Тўрт азamat
Фидирагини

Айлантириб
Яна қаттиқ
Тез юргизади.

Жавоб учун
Душманларга
Мана букун
Мен,

Сафарбарлар
Онти блан
Постда қоламан.

Жавоб учун
Юрагимни,
Ше'рим,
Ишқимни,

Душманларга
Нафрат блан
Қўлга оламан.

1930 — 1932

Синф учун,
Хар нафасда
Партия учун,
Оғир,
Чўян одимларни
Маҳкам
бос букун!



1932-1941

*Толи'им шулким, ватанда бир гулистон танладим,
Бахтни топган эл блан жондош бўлиб отдим одим;
Йўлдан озганларга ҳечбир бўлмадим мен қайгудош,
Шул сабабданким, менинг бағримда жой олмиши қуёш
Шул сабабданким, ватанда бўлмадим илҳоми хор,
Шул сабабдан менга ётдирип баҳт талоғ этгун диёр.*

1932

БАХТЛАР ВОДИСИ

(Фаргона шे'ларидан)

Кўмкўк,
Кўмкўк,
Кўмкўк...
Кўклам қуёшидан
Кўкарған қирлар,
Пўлат яғринларни
Кўтарған ерлар
Кўмкўк..

Салқин саҳарларда
Уйқидан турган;
Булоқ сувларига
Юзини ювган,
Мармар ҳаволарнинг
Кўйнига чўмган,
Зилол бўшлиқларга
Кенг қулоч қўйган,
Мустақиллик
Ишқи блан
Ёнган далалар
Кўмкўк..

Уфқимизнинг ҳирсларини
Ўзига тортган,
Елкасига тарих билмас
Ғалаба ортган.
Улуғ йўлда толиқмасдан
Тез кетаётган
Бахмал қирлар,
Кенг бўшлиқлар,

Пахтазор ерлар
Күмкүк...
Тонг палласи ҳавас блан
Далага оққан,
Муздай совуқ шаббодалар
Танига ёққан,
Кетмонлари
Күн тиғида
Ярқираб боққан;
Рұзалари
Ұсиб,
Гуллаб,
Күсаклар таққан;
Бу — тоғларнинг этагига
Езилган гилам;
Соғ үпкаси
Тұлиб нафас
Олгучи бу дам;
Товушлари күйга тұлиб
Пишқирган дар'ё,
Хеч ғуборсиз сезилгучи
Бу тоза ҳаво;
Бутун борлиги-ла
Орзуга тұлған,
Хуснлари қип-қизариб
Етилган гүзәл,
Томирлари күчга тұлған
Бу ёш новқирон,
Яна янги ўлжаларга
Отланған
Карвон;
Зұр сафарга
Рух беришга
Ҳаводай даркөр.
Янги бешнинг нотасини
Олған бастакор;

Барча япроқлари
 Бирдай күкарған,
 Новдалари жонли,
 Бу ноәб баҳор,
 Қарашиблари нурға тұлған
 Бу улуғ води
 Күмкүк!..

Эй, Фарғона!
 Эй, большевик водисида
 Пахтакор — деңқон,
 Эй, ўлкамиз
 Томиридан,
 Жұшған
 Тоза қон,

Салом сенга!
 Эй, Қайнардан
 Чиқкан
 Қаҳрамон!

Салом сенга,
 Ўлкамизнинг күз қорасидай,
 Гард юқтирумай,
 Гуркиратиб
 Күкка күтарған;

Салом сенга!
 Полосонли
 Ҳайдар капитан!

Күмкүк...
 Күмкүк...
 Күмкүк...

Меңнат-шараф ва шон бўлған
 Водилар
 Күмкүк...

Ғўза гули блан
 Қалблари ўсган,
 Ғўза япрогила

Қалби кўкарған
 Водилар
 Күмкүк...:

Күмкүк водиларда
Пўлат излардан,
Кечаётир қора поезд
Учиб,
 Қарсилаб,
Электрик томиридан
Оққан қонлардан
Бутун ўлка
Шимираётир
Чанқаб,
 Ҳарсиллаб,
Бутун ўлка ишлайётир
Пишиниб,
 Терлаб...
Эй, Фарғона!
Эй, бўйнига
 Қора тўрва
 Осан жонлардан,
Эй, ҳар куни,
Гадойликка
 Тортган онлардан,
Эй, танларни
Шилиб ётган
 Ҳаром танлардан
Бир йўласи озод бўлган азамат ўлка!
Эй, ҳаққила
Бош кўтариб,
 Янги даврга,
Миллионларнинг кенг бағрига
Улғайиб кирган,
Эй,
Муштумзўр ўсган ерга
 Электрикдан,
Трактордан ,
 Комбайндан
 Қўзғалиш берган,

Бўла,
Юмшоқ,
Семиз,
Сероб
Сийналарида

Янги давр юрагининг
Ути кўкарган,
Юраклари тетик урган
Оппоқ,
Момиқ тан!
Кўмкўк... Кўмкўк... Кўмкўк...

Диллар
Ҳавас блан тўлади,

Юзлар
Севинч сепиб кулади.

Тўрт томони осмон блан
Уралган води

Кундан-кунга
Ҳусни ортган ойдек тўлади.

Кўмкўк... Кўмкўк... Кўмкўк...
Янги кунга чиққан

Води оёқларида
Оч ит каби,
Судралгучи
Давр ўлади.

Эй, Фарғона!
Мушкул куплар боласини
Тишида тишлаб.

Ювиб,
Тараб,
Севиб,
Ўпиб,
Куциб,
Опичлаб,

Эй, бахтларни балоғатга
Еткизган она!

Езилиб,
Етилиб,
Тұлиб әтади —
Еппасига
Янги кунга
Эришган Қува!..
Нафаслари тұлиб-тұлиб
Күлоч отади —
Үйқуни тарк этіб,
Керишган ува...
Күмкүк... Күмкүк... Күмкүк...
Дун'ёларни қойил қылган
Увалар
Мардchasига отни сурған
Қувалар
Күмкүк...
Бу ғолиб шторма тантанасидир.
Бу бизнинг
Сафарнинг
Зафар сасидир.
Дун'ё остин-устин бўлди,
Янги дун'ёнинг
Қараашлари ўткир,
Хужумлари зўр,
Енгилган дун'ёнинг бағрини босиб,
Юлдузга интилган
Бу давр мағрур,
Ишонч кўзи блан
Олға боқадур.
Күмкүк... Күмкүк... Күмкүк...
Йўлда катта довон бор ҳали,
Қизил соҳилларни
Маҳкам тутайик.
Шунда денгизларда
Сузмас ёт қайиқ;
Баланд чўққиларга
Кўтарилганда

Тоза нафасларни
 Тұла олайик.
 Эй, бахтли водининг большевиклари!
 Эй, үлкани
 Электрик дар'ёларига
 Еш боладек чўмилтмоқчи
 Бўлган фидокор!
 Эй, болага тоза кўйлаклар
 Кийгизучи ўртоқ пахтакор!
 Кўмкўк водиларни
 Кўз қорасидай,
 Асрал
 Баргларига
 Гард ҳам юқтирумай!

1933 - 1935

МАХОРАТ

(Пахта планини тұлатиши түйларига)

1

Тонг ёришиб,

Тонг ярқираб келади;
Күзга ҳам, құлға ҳам үзни сездирмай —
Оёқ босишлари қоронғилиқнинг
Акс этмас қулоқда бир оxaңг блан.
Ҳаво — нафасларда булоқ сувидай,
Шиша күмкүклиги,

Күк тиниқлиги,
Саҳар салқынлиги касб этар мағруп.
Қече йүқолади.

Тонг-чи?

Ярқираб,
Тұла ҳұсн блан, құчоққа сиғмай,
Ҳур-ҳур шамол блан тұлиб елади.

Дала —

Гүнчаларни очиб бирма-бир
Япроқлардан товуш беради.
Ҳаёт чақиради

Тұлиб ишқ блан.
Азон товушимас

Мени чақирган!
Е қўпол ва оғир

Дағал йұталиш
Гурзи түшкан каби түшмас елқадан,
Ҳечким құвламайды далага қараб!
Наҳор-чи —

Даланинг сочини тараб:

Сезилмай қистави ташқари кучнинг,
Келтирмай хаёлга қамчи заҳрини,
Биз ўнлаб,
Биз юзлаб,
Биз минглаб... шундай
Далага оқамиз экин оралаб...

2

Бу дала,
Бу кўклиқ

Кўп ошно бизга,
Киндиқ қони шунда тўкилган;
Бизнинг сяғимиз қотган шу ерда...
Жуда кўп насллар
Шу ерда битган;
Улим:
Чўлда товонларга қадалган тикан.
Мўккига ёпишган янтоқдай солда,
Одатга айланган,

Бир расм бўлган:

Бизнинг бобо,

Бизнинг уруғ,

Қавм-қариндош,
Бизнинг авлодимиз янчилиб ўтган.
Уларнинг бошлари чумчук бошидай
Шартта узилганда

Сўрмаган ҳечким:

Муштумзўр оёғи остида

Улар — қул,

Қафангадо,

Улимга маҳкум.

Уларни латтадай

Подадай,

Молдай

Қўлдан-қўлга сотганлар бирдай.

Биз мажбур бўлганмиз

Очлик,

Улимга!

Бизларни қилғанлар:

Хор,

Ожиз,

Гадой;

Құлаб чүкаётган йиқиқ деворни

Ұлим босаберган

Тошган дар'ёдай.

Зулм күланкаси бошдан кетмаган,

Қамчиси сингану

Занжири келган.

Кишани баттарроқ бир офат блан

Ұлим сиртмоини чүзабошлаган.

Нафас олмоқлиққа дун'ё бўлган тор;

Тиланчи,

Чойракор,

Мұхтож,

Мардикор —

Булар ма'носидир ҳаётимизнинг;

Фақир, қашшоқлиқнинг бадбахт совфаси,

Бу мушкул,

Энг оғир,

Буюк фожиа.

Ла'нат ижодидир у, жамиятнинг,

Асло, яшаш эмас,

Ұлим блан тенг,

Энг ариқ,

Энг қаттиқ,

Энг оч, қоқ ерда

Биз омоч сурғанмиз —

Қўлларда кишан;

Биз чигит тикканмиз —

Сочиб ерга дард.

Ҳосил-чи?

Шилиниб олинган биздан

Икки қат зулмнинг қамчиси блан.

Аччиғ ғазаб блан вужуд титраган:

—«Э новмид,

Беинсоф,

Худо бехабар!»

Жазо отрядининг товонларидан

Бизнинг пешонанинг қонлари томга...

Ҳеч қуёш кўрмаган бизнинг орқамиз.

Янада, биз фақир,

Кўмаксиз,

Якка.

Тириклилик,

Бола,

Оила,

Куни қолган фақат қўсакка!..

3

Үлка бўйлаб ғалаба қилган

Отлиқлари колхозчиларнинг

Донг чиқариб, кишиаб ўтадир.

Дун'ё-дун'ё ғалабаларда

Доҳий илҳомчимиз —

— Сталин сен-ла,

Йўлчи юлдузимиз,

Сенинг йўлинг-ла,

Емирилиш хавфидан тамом қутилган,

Барча ҳодисани,

Барча не'матни,

Чанқов эгаллашнинг завқига тўлған;

Ҳаёт саҳнасида шу янги одам.

Узи ижод этган му'жизаларнинг

Улуг тарихини

Дала қўксига

Большевистик рўзгор,

Бахтли оила,

Янги тартиб блан битади.

Бепоён чўлларнинг жиловларини

Бизнинг қўлимизга сен олиб бердинг,

Бизларни яроқлаб трактор блан,

Политотдел номли карвонбошилар,
МТСлар қуриб йўлларимизга
Тўла сабот блан ишга киргиздинг.
Шу юксак тоғларнинг
Этакларидан,
Улуғ дар'ёларни
Еқалаб кетган,
Уфқа улашиб,
Осмонга етган,
Шу гўзал мамлакат,
Шу олтин чўллар,
Қиличдай йигитлар,
Лочинданай қизлар —
Сенинг исминг блан оталиб,
Ҳечким синамаган,
Ҳечким кўрмаган,
Парранда учмаган,
Юлдуз кечмаган,
Энг улуғ сафарга
Иўлга чиқдилар.
Уйда,
Оилада,
Далада,
Қирда,
Оппоқ пахта битган сер унум ерда,
Озод меҳнат зўр жадал блан
Инсонни қайтадан кўкартирганда,
Ҳар минут сен ўзинг биз блан бирга!
Муштумзўрдан,
Муштумзўрликдан
Пахтазорни тозалаганда,
Бизга йўл бошлаган —
Бу—сенинг чоранг!
Ҳосилдор ерларга,
Бўстон чўлларга
Бизни хўжа қилган
Сенинг ироданг!
Водилар баҳтигининг сен байроқдори!

Энг илк қадамини ташлаган зарбдор,
Барча колхозчининг

Фахри,

Мадори,

Сен бизда энг буюк, олий пахтакор!
Тўла енгишида колективлашнинг

Бизга ишонч берган

У, улуғ номинг,

Бизни ҳавас блан

Куйига солган,

Чидам, сабот берган,

Сенинг илҳоминг!

Бутун мамлакатнинг кўзида баҳор:

Бутун диққат

Унга тикилган,

Бу муқаддас,

Ет қўл урнлмас,

Ҳар нарсадан олий меҳнатнинг

Покиза мевасин кўриб баҳтиёр.

Бутун ўлка оппоқ далада:

Дала — тўла,

Дала — оппоқ,

Оқ,

Ер ва кўкни пахта тутгудай,

Худди қор ёққандай далага!

Шуларнинг барига

Узимиз хўжа!

Шуларнинг ҳаммаси

Бизнинг қўл блан,

Бизнинг блак блан юзага келган.

Бу — бизнинг кучимиз,

Бу — қудратимиз:

Оппоқ пахта бўлиб етилган!

Фақирлик,

Қашшоқлик,

Муҳтоҷлик,

Хорлик,

Бу сифат энг улуғ сафар йўлида

Емрилиш йўлини кечган карвонга
Ортиқ мансуб эмас!

Бу ўтилган из!

Бу ортиқ орқада қолган бир манзил!
Олда — порлоқ,

Мукаммал ҳаёт;

Табиатни енгган озод иш.

Инсонга муносиб

Давлатманд турмуш,

Баҳордай барқ уриб тўлади.

Бу — маҳорат,

Бу — зўр тантана.

Бу — фақат, бизларга аталган бир шон,

Бу — тарих исмидан

Бизнинг кўкракка

Чексиз шараф блан

Тақилган нишон.

Йўлчи йўлда давом этади;
Тетиклик зўр босган изларда,
Забт ўлмаган юлдузларнинг

Нури кўзларда,

Жанг шундайин завқ блан тўла;

Табиатнинг ваҳший кучини

Онгли меҳнат тўла енгунча,

Муштумзўрдан,

Муштумзўрликдан,

Хусусий мулк фалокатидан,

Ла'нат салқитидан у, мишишатнинг

Инсон онгин бутунлай озод

Ва покиза қилганга қалар

Чидам,

Ғайрат,

Жанг,

Зарра бўшашибасга бўлган сафарбар!

1933 — 1935

Барча заруратла аслаҳаланган
Олға ўтар
Сафари отнинг.
Бу жанг-кўтаражак
Бош чўққисига,
Асл манзилига
Синфсиз ҳаётнинг.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИРАСИ

(*Вера Инбердан иқтибос*)

Мен кўрдим энг гўзал баҳор пайтини,
Япроқни кўқартган у, тонгларингни;
Меним бошларимга тегиб ўтдилар
Гулдаста қўллари бутоқларингнинг.

Баҳор боғларидан куй айтиб ўтган,
Зилол сувлар ҳали эсимда —
Чанқаб бориб сероб бўлганим —
Далангга қуёшлар тўшалган кунда.

Мендан сўра: доно қуртларнинг
Чарчамасдан, сра тинмасдан
Гўзал келинчакни кийинтиргали
Ипак тикишини энди биламан.
Сенинг хотирангни унутмас, асло,
Меним юракларим, Ўрта Осиё!

Узумзор жаннатни мен кўрдим,
Баҳор эртасида боғбон дер:
— «Қўзғол!»
Қишининг уйқусидан кўз очган новда
Талпинар шомолда:
— «Мана, мени ол».

Сунбул сочли парқи очилган
Лола лабли бир қизни кўрдим,
Кеча грензавод ўқишига қўйган;
Олдида микроскоп, узун киприги
Қарашдан тўсарди кўзнинг нурини.

Яқин бордим,

Гап ташлаб күрдим:

— «Салом,—дедим унга,—Москвадан». У ҳам жавоб берди:

— «Сизга ҳам мендан»

Қалдирғоч қошини яна чимирди,
Суҳбат очар эди илмдан —

Фандан.

Сенинг хотирангни унутмас асло,
Меним юракларим, Үрта Осиё!

Икки ўртадаги узун масофа,
Менинг кўзларимнинг нури-ла тўлган
Эй, Үрта Осиё,

Сенинг хаританг
Менинг деворимга ёпиштирилган.

Колхозчилар, шаҳарлиларнинг
Узун қаторида

Қуёш,

Шовқин,

Шон!

Гулловчи водидан,

Бол боғларингдан

Ўйнаб оқар экан эрка Зарафшон.

Чошгоҳ ҷоғи далада бўлдим,

Ловуллайди тепада қуёш,

Қум ёнадир, чўғ бўладир тош;

Ҳалқумлар қурийдир,

Ҳаво иссиқ, дим,

Чопиқдан бўшаган колхозчи бир зум,

Дам олиб ётади, кўлагада жим.

Ҳамма нарса сафарбар сенда,

Ҳарбиси ўз куйин куйлаб:—

Автомобил,

Арава,

Туя —

Пахта ташир ўлкани бўйлаб...

Қулочинг чўзилган Афғонга қадар;
Унда тамом бўлар бизнинг ўлкамиз,
Бир сиқим тупроғи олтиндан азиз.
Соқчи сергак турар чегарамизда;
Ильич чирогининг нурлари кўзда,
Меҳнат ва шодликнинг қўшиғи —
Меним қўшиғим ҳам тугалар шунда.

Сени унутолмас юрагим, асло,
Эй, Ўрта Осиё, Ўрта Осиё!!!

ОНТ

Кўк юзи ойнадай тиниган бир тонг,
Миллион-миллион қизил байроқлар,
 Лоласига ўлка бекинган;
 Гўзал бир буюклиқ, тантана!
Қаҳрамонлар ва нишондорлар
 Минбариға мамлакат минган.
 Улка куни тамом қутилган
 Ҳалокатдан, ўлим—қазодан;
Қасам такрор этган —

Онт ичган

Мағрур садо келар фазодан:
— «Менким, СССР
 Меҳнаткаш халқининг ўғлиман;
 Шимолдан — жанубга,
 Шарқдан — фарбгача
 Чўзилгандир менинг ватаним:
 Энг баланд учида Памир тоғининг
 Тикилгандир зўр байроғимиз:
 Қутбнинг қаҳратон муз саҳросида
 Шмидт деб аталган буюк тоғимиз.
 Қорақумнинг энг жазира маҳалла
 Ениб турган ўт қучоғидан
 Толиқмасдан ўтди бизнинг от;
 Осмонни тўлдириб ўз товушига
 Пўлат қушларимиз ёзгандир қанот.
 Улка осмонининг булат орқаси
 Текширилмоқдадир бирма-бир;
 Фазоларда тураган қоровул;
 Қенгаймақда юрт харитаси.

Ерда ёвлар этилган барбод;
Муштумзүрни этдик тору мор;
Қиличимиз дамига келган
Яксон бўлар,
Бўлар хору зор.
Бутун бурчакларда,

Ўлкада

Мустаҳкам қўрғонлар юзага келган!
Завод-фабрик блан,
Қолхоз-совхоз блан!
Тупроғимиз тамом бекилган.
Ўлкамнинг энг гўзал баҳори:
Гулга тўлган дала-тузимиз,
Шаҳарига, боғи, чўлига,
Дарёсига, наҳри, кўлига
Хўжайнимиз бизнинг ўзимиз.
Инсонликнинг шу ёшлигининг
Биз ўзимиз яратучиси;
Бизницидир бутун муҳаббат,
Биз ўзимиз унинг куйчиси.
Ўлка ишқи блан тўлгандир юрак,
Уникидир шараф,
Уникидир ҳаёт.

Унинг ёди тўлган юракка —
Ҳарқандай ваҳима элга ёт!
Яшнаётган ўлка ғурури
Этар дадил,
Этар қаҳрамон;
Қўрқитолмас ўлим;
Қўрқитолмас ёв,
Душман бунда топалмас омон!
Ялонғочидир қўлда қиличлар:
Бойқуш қўнмас ўлка боғига.
Қуроллидир нафратлар, ўчлар:
Қузғин келмас Ватан тогига.
Чегаранинг тиниқ кўкига
Душман булутининг солинмас доғи;
Колхоз чаманининг кўксига



ҲАМИД ОЛИМЖОН
Foto — 1929

Түшмас отларининг туёғи.
 Қўқимизда ҳатто бир юлдуз
 Учиб ўтмас чегара ёққа,
 Сезса бирор хавф шарпасини
 Юрагимиз турар оёққа.
 Душман ўқи тешиб ўтолмас
 Қўқимизда булатимиздан:
 Чегарада қуармиз албат
 Пўлат бир тоғ кўкрагимиздан.
 Ҳечбир душман минбаримизга
 Қадаёлмас у ифлос тифин,
 «Ватан гулзорига ҳечқачон
 Суқаолмас харом тумшуғин».

Қасам тугар,
 Кизил майдон жимири бир фасл;
 Акси садо кутар кучларимиздан
 Ватанпарвар буюк бир насл.
 Тўплар салют берар гумбурлаб:
 Ерни олиб қанот остига,
 Намойишни бошлар аэропланлар.
 Осмонга тикилар юраклар, жонлар,
 Ҳаракатга келар танклар;
 Отлилар кўтарар тоғдай кўкрагин;
 Юлдуз учар босган изидан;
 Аскарийлар.
 Ҳалоинқ —
 Үлка
 Қасамида қагтиқ мамлакат,
 Қилич келса қайтмас сўзидан.

БАҲОР

Ҳусн қўшиб ҳаркун ҳуснига,
Табиат чақирар ўз қучоғига;
Ҳаркун кийиб янги бир либос,
Чақирар ўзининг ёшлик чоғига.

Тинмай эсар ҳар томонга ел,
Қўймай сочар ўрикнинг гулини,
Дараҳт шохларини силкитар,
Үйготишга бошлар уни тун.

Булбул сайрап, чумчук чирқирап,
Хабар берар асли — зотидан,
Гулга қўниб қаттиқ сўйлашар,
Қиши пайтининг хотиротидан.

Тиним йўқ, ҳар нафас сеп ёзар,
Баҳор ечиб ўз тугунчагин,
Тонги куртак, оқшоми фунча
Саҳар туриб очар чечагин.

Дала юзин қоплар чечак — гул,
Кулиб чиқар ёриб ер тегин,
Зангкор кўзларига тўлар нур,
Шудринг блан ювар кипригин.

Янгидан жонланар коинот,
Ҳаёт бошлар колхоз ерлари,
Коллектив куч блан гуркирар.
Адирлари, чўли, қирлари.

Меднат завқи тутар ўлкани,
Саңар кетар чўпон тоғига,
Бириндики қазир, ер ҳайдар,
Бириндики гул ўтказар боғига.

Ҳар япроқни аяб ўстирап,
Ишққа тўлиб чиқар наҳорга,
Шоир бошлар юрак ше'рини,
Севгисини очар баҳорга.

Бағрингга торт, қучоқла, баҳор!
Жозибалар барчаси сенинг.
Ишга кирган, гуллаган чоғи,
Сен ёшлиги буюк ўлканинг.

Иўлга солар, тутар қўлимдан,
Бошимдадир сенинг хаёлинг;
Юракларда ёнар суратинг,
Гўзаллигинг, гулинг, жамолинг.

ДОН ЧИРОГЛАРИ

Тунда ўтдим, ташна күзларим
Чироғларга этилди банда;
Енардилар улар күкдаги
!Олдузларни этиб шарманда.

Еваар эди Дон чироғлари —
Қаршиисида юлдузлар хира,
Чироғларнинң ёлқын шу'ласи
Этган эди ойни аснра.

Тунда ўтдим ҳарер чароғон —
Ер ва осмон эди лахча нур;
Бу нур әмас, күкни қоплаган
Донни тутган әлдаги ғурур.

Бу — баҳтиёр саодатли әл,
Бу — қаддини күтарған үлка;
Бу — ҳосилдор ва момиқ тупроқ
Уз күкига ташлаган күлка.

Бу — Сталин номли зұр баҳтга,
Саодатга эришган умр.
Бучи, бутун СССР бүйлаб
Оққан блан тугалмас күмур.

Тунда ўтдим, яшнаган дала
Қаҳ-қаҳ уриб этарди ханда
Ва күкдаги миллиард юлдузлар
Тұнар эди бўлиб шарманда.

ДАР'Е КЕЧАСИ

Дар'ё гўзал... осмонда юлдуз.
Ой сузмоқда адир устидан.
Соя солган кўқдан оқ булат
Фазоларга ўз уйқусидан.

Кеча гўзал, дар'ё тинимсиз,
Ағдармоқда сойнинг тошини,
Далаларга чўзиб оёғин,
Қорлиқларга ўраб бошини.

Тоғлар боши қорга кўмилган,
Қор устида оппоқ бир тумон...
Тумон хаёлига қуялган,
Паға булат, феруза осмон.

Тинмай оқар, дар'ё пишқириб,
Қуйи кетар ойли тун бўйлаб;
Сой бўйидан, дар'ё тунидан
Водиларга ҳикоя сўйлаб.

Дар'ё тўлқин шамол қўйнида,
Порилламоқдадир чироғлар;
Еришмоқда унинг аксидан
Чўққилар, адирлар ва тоғлар.

Кечаке бўйлаб, дар'ё ёқалаб,
Ўтмоқдадир катта намойиш;
• Келмоқдадир баланд қирлардан.
Ер қўпорган портлашдан товуш.

Ер қўпориб баланд бақирган,
Қирдан тошар бир кучнинг саси;
Гидромантёр сувидан қочган,
Шагалларнинг сўнгсиз ғовфаси.

Сойда шамол... дар'ёда тўлқин...
Паром сузмоқдадир чайқалиб;
Ўтмоқдадир ишчи, уйғоқ тун,
Ер ва кўкка ғовфа, жар солиб.

Тун тинчини бузган зўр дар'ё,
Товланмоқда инсон қўлида,
Қурилмоқда буюк бир бино
Дар'ё ўтган ўлка чўлида.

Довул қоқиб ўтар уйғоқ тун,
Тайёр бўлар тонгда бош тўғон,
Чексиз шодлик блан югураг
Саҳроларнинг юрагига қон.

Пишқиручи ваҳший дар'ёга
Кўрсатилар тамом янги йўл.
Бош инженер завқ блан қўяр
Чирчиқ тутган бир қоғозга қўл.

Бўйин эгар дар'ё амрга,
Оқабошлар янги из блан,
Инженерлар, ишчи зарбдорлар
Мағрур кулар ёнган кўз блан.

Тун ҳам ўтар мазмунга тўлиб,
Ўнутилмас дар'ёга бу он.
Унуголмас буни ҳечқачон
Дар'ёдан зўр ва моҳир инсон.

ҚИЗ

1

Мардликларга тұлған ўлканинг
Даласида, қишлоғида ёз,
Күкда қүёш ва бир лочин қиз
Чаппор уриб этмоқда парвоз.

Пұлат қушлар ўраб атрофин,
Учмоқдадир булуңдан баланд.
Учмоқдадир қалдиғочдан тез.
Бутун ҳаво қүшиғига банд.

Қанотини қиз ёйған мағур,
Осмон ости сүнгсиз, тиниқ, кенг.
Арзандаси, фахри, эркаси —
Күкда учар юраги элнинг.

Эл биргадир күкда қиз блан,
Юрагини олған құлиға,
Ардоқлаган бўлиб жонини,
Кўзни тиккан қизнинг йўлиға.

Юрак ўйнар қинига сиғмай,
Осмонда қиз ва ёнар қүёш,
Эл тикилар ва севинчидан
Жовдирайдир кўзларида ёш.

Сўйла қүёш! Нималар бўлган?
Сен чиққанда биринчи марта?

Бўлганмикин ер узра бир кўз
Кўрмак учун сени осмонда.

Сен тўшаркан нурингни ерга,
Нима бўлган шу сўнгсиз олам?
Бўлганмикин байрам ва шодлик,
Босмаганми ер юзини ғам?

Одам ўғли кўз очар экан
Сени қўриб қадим осмонда,
Не бўлгандир, нелар кечирган,
Қандай сезги бўлгандир жонда?

Қўкда кўриб ўтнинг сайрини,
Ерilmаганмикин юраклар?!
Уз устида олов наҳрини...
Парча-парча бутун тилаклар!..

Дун'ё-дун'ё ваҳм бўлгандир
Сендан тушган бир ўт парчаси,
Сигингандир этиб бут, худо,
Топингандир юртнинг барчаси.

Унугандир эркак ва аёл,
Келганини дун'ёга қачон,
Сенинг блан ўз жаҳонини,
Шуқадарлик кўриб чароғон.

2

Парашютда ёнар алнга
Қизни қувган қуёш ўтидан,
Қиз сайд этар кўкда ва кўзлар
Чақмоқдек югурап кетидан.

Кўзлар сўрар бирн-биридан,
Савол берур юмшоқ тикилиб,
Билмоқ бўлар қандайдир бир сир
Ифо этар фикрини кулиб.

«Биласанми, ким у, ўша қиз,
Осмондаги ўша қалдирғоч?
Ўша құрқас ва ўша лочин,
Ўша дилбар, ўша чилвир соч?

Осмон әмас, ерда юришдан,
Этилганди бир умр маҳрум,
Чирик турмуш уни кишиңлаб,
Тириклайин этганди мархум.

Ҳаром әди қўшиқ, ҳаром күй,
Унга севги, гўзалик ҳаром,
Бир чор девор ва зах босган уй,
Ҳамдард әди битта пастак том.

Утар әди тор уйда куни,
Шу бўларми қиз учун одат?
Бир номарднинг содиқ чўриси —
Бўлмоқ эмиш унга саодат....

3

Эскиликни енгиб чиққан қиз
Кўкда қилар бахтли бир ханда,
Афсоналар, динлар, одатлар,
Ерда ётар бўлиб шарманда.

Парашютда ёнар аланга
Қизни қувган қуёш ўтидан,
Қиз сайд этар кўкда ва кўзлар
Чақмоқдек югурап кетидан.

БАҲРИ

Севинтирап хўп ажаб бир ҳол,
Қанот қоқиб учиб келган баҳт:
Шойи кўйлак ва гижим рўмол
Юборибдир унга пойтахт.

Баҳри шошар босолмай қадам,
Улчаб бўлмас унинг севинчин;
Типирчилар юрак тинмайин
Сиғдиролмай шодликнинг кучин.

Колхозда тўй, дутор, дўмбира,
Базм тинмас саҳарга қадар;
Баҳри қонмас ўйиндан сра,
Хўроз берар эртадан хабар.

Ҳамма хурсанд, ҳаммада шодлик
Етганига шундайин дамга,
Узатар Баҳрини колхози
Тошкентдаги катта байрамга.

Узатишар Баҳрини ҳамма:
«Биз учун ҳам қилинг саёҳат,
Шаҳарларни кезинг биз учун,
Омон боринг, қайтинг саломат!»

Тайёрланар Баҳри сафарга
Ўзин сезар қушдайин енгил;
Сандигини очиб бисотин
Титабошлар барин бирма-бир.

Марказда хўп маҳтамоқчиидир:
 «Пахта териб сигир олдим» деб,
 Кўрсатмоқчи шол рўмолини:
 «Ҳур меҳнатга қойил қолдим» деб.

Баҳри англар меҳнатнинг сирин,
 Бахт қидирав ҳалол меҳнатдан.
 Оппоқ пахта, коллектив ҳаёт,
 Қутултирав азоб, ғурбатдан.

Баҳри юрар далада доим,
 Ҳар гўзани этиб парвариш;
 Мардлик берар унинг кўнглига
 Эркин турмуш ва маҳсулдор иш.

Қуёш чиқар ҳар кун ярқираб,
 Баҳри тутар унинг қўлидан.
 Чиқар юлдуз, чиқар тўлиб ой,
 Бари юрар Баҳри йўлидан.

Тонгда тураг ҳаммадан бурун,
 Севиб очар далага қучоқ;
 Қучоғига тўлган оқ олтин
 Хирмонидан ўзи ясар тоғ.

Пахта териб ўтар узун кун,
 Ошиб тўлар унинг плани;
 Иши бўлар унинг овоза —
 Достон бўлар донғи ва шони.

Ҳамма олар ундан намуна,
 Туғар янги севги, муҳаббат:
 Эркак, аёл қилишар дарров
 Уни қувиб етишликка аҳд.

Хотин-халож тинглашар уни,
 Баҳри сўйлар қилган ишидан,
 Ниятидан, истиқболидан,
 Сўзлаб берар тўқ турмушидан:

«Пахта бериб оламан шойи,
Пахта бериб атлас ва кимхоб;
Пахта бериб оламан баҳмал,
Пахта бериб бойлик беҳисоб.

Пахта экиб соламан оқ уй,
Қўкрак очиб қуёш ва нурга;
Пахта бериб тўй қиласман, тўй,
Қашшоқликни ирғитдим гўрга.

Колхоздаги ҳур, ҳалол меҳнат —
Шудир баҳтим, шудир иқболим.
Шунга ишқим, меҳримни қўйдим,
Шунга келган ғижим рўмолим».

Севинтирап хўп ажаб бир ҳол,
Қанот қоқиб учиб келган баҳт:
Шойи кўйлак ва ғижим рўмол
Юборибдир унга пойтаҳт.

Баҳри кияр шойи кўйлакни,
Рўмолини ўтар севиниб;
Ойнасига қарап жилмайиб,
Ҳайрон бўлар ўзига тўниб.

Баҳри шошар босолмай қадам,
Үлчаб бўлмас унинг севинчин.
Юрак ўйнар ололмайин дам,
Сифдиrolмай шодликнинг кучин.

Баҳри жўнар тонг блан туриб,
Хурсанд бўлиб шу ширин дамга,
Баҳрини узатар колхози
Тошкентдаги катта байрамга.

1936

МОСКВА

Буюк пойтахтга кириб бораман,
Үйғоқ күзларимда эрир совуқ тун,
Қуёш ва юлдуздан яралган олам,
Зеҳним, хаёлимни этмишdir мафтун.

Кўксимга сиғмасдан талпишар қалбим,
Кириб бормоқдаман кўзни олмасдан;
Ҳирсимни қайнатган бу юлдузларким,
Кўзимга урилар бири қолмасдан.

Чанқаб тикиламан — таним, жоним кўз,
Пойтахт чироғи ёнар қаршимда,
Кремль бошида ёнучи юлдуз,
Чарақлаб порлайди менинг аршимда.

Мен блан биргадир, дўстлар, ҳамроҳлар,
Бу чироғ ёритар барчанинг қалбин,
Бу ерда учрашар жуда кўп йўллар,
Бу ерда дўст бўлар узоқ ва яқин.

Жаннат ўлкасини яратган инсон,
Ошиқар умрида энг баҳтли дамга.
Чегарадан келар қўриқчи, посбон,
Тарихда энг буюк оддий одамга.

Ҳаммаёқ интилар Москвага қараб,
Шу ердан қон олар қалбига ҳаёт,
Шу қуёш ўнгига айланар дун'ё,
Шу ердан бошланар бутун коинот.

Буюк пойтахтга кириб бораман,
Қайноқ күзларимда эрир совуқ тун,
Қуёш ва юлдуздан яралган олам
Зеҳним, хаёлимни этмишdir мафтун.

КРЕМЛЬ ЧИРОГИ ҚАРШИСИДА

Гүдаклик чоғимдан сенга ўргандим,
 Сей бўлдинг кўзимни очиб кўрганим,
 Ёдимда севмакка айлаган аҳдим,
 Ёдимда нурингни кўзга сурганим.

Ҳали бола экан менга узоқдан,
 Кўкар, юксал, дея айладинг хитоб,
 Қўлимни узатдим кун чиқар ёқдан,
 Йўлдошинг бўлур деб, бердинг бир китоб.

Сенга қараб юрдим ва ёниқ маш'ал
 Улуғ бир дун'ёни этдириди идрок;
 Қўзимга нур берди ва порлаб ҳар гал,
 Йўлларимни қилди хору хасдан пок.

Мени олиб учди узоққа еллар,
 Кўҳна бир дун'ёни қолдирдим ўтда.
 Зеҳнимни ёритдинг, янги соҳиллар
 Кўринди мен сузган буюк муҳитда.

Ёдимдан чиқмайди қадим Самарқанд,
 Ёдимдан чиқмайди қарри Регистон...
 Сенинг юрагингга юракни пайванд
 Этганим соатда ўқилган достон.

Узоқ йиллар ўтар, лекин умрбод,
 Барча айтганинг силинмас дилдан,
 Ҳали йўлдош экан қалбимга ҳаёт,
 Сенинг мақтовингни қўймасман тилдан.

Шунинг учундирки, ҳарбир сафарда
Бир келиб күрмаклик одатим бўлди,
Ҳарбир учрашганда шу ёниқ парда
Тўлқинга ташланиб ўйларга тўлди.

Улуғ Сталиннинг кўзидаги нур,
Салом, эй юлдузлар, ошиноларим!
Озод инсондаги энг порлоқ сурур,
Салом, эй сафарда, жангда раҳбарим!

ҚУЙЧИННИГ ҲАЕЛИ

Фозил Йұлдошға

1

Бу хаёл сүнгсиздир, осмон каби кенг,
 Бу хаёл тугамас ҳеч ұали-бери.
 Үнинг бойликлари умрларга тенг,
 Ҳамон белгисиздир бошланған ери.

У сра тұхтамас, тошар доимо,
 Қилиб бұлармикін уни қеч баён?
 Құлларда дарбадар, тоғларда танқо,
 Ҳар кеча янги сир бўлади аён...

Сўзсиз ҳикоялар, энг буюк сирлар,
 Бирдан тилга келар дар'ёлай тошиб,
 Юзлаб қабилалар, ўнлаб асрлар
 Үнинг осмонидан ўтар адашиб...

2

«Ошиқнинг фаҳмидир қоронғу кеча»,
 Қуёш уйқусига түйиб тургунча,
 Кўзи ёшлиқларнинг бордир йўлдоши,
 «Йиғласам ҳолимга йиғлар бирнеча...»

Айрилиққа тушиб йиғлар иккى ёр,
 Бириси янтизор ва бириси хор,
 Сабрлар тугади, синди косаси,
 «Фам блан сарғайди гулдайин дийдор».

Қирғоқларга урар дар'ё ўзини,
Осмон қуршамишдир тупроқ юзини.
Баҳорий даштларга, гул водиларга,
Ой Барчин тикмишдир қора күзини...

3

Бунда на уй бордир, на том, на девор,
Далада ўтади қиш, баҳор ва ёз,
Тоғларда йўлчини ажалдан сақлар
Кўллардан қоғолаб учиб чиққан фоз.

Инсон ўрганмаган ўтроқ ҳаётга,
Унингчун ватандир ҳар гулшан води;
Бугун қўниқ экан шу баҳор воҳа,
Эртага бир ерга кўчмакдир ёди.

Қарвон йўлга тушар юкларни ортиб,
Сукунат бузилар қўнғирофидан,
Қуллар уюр ҳайдар сурини тортиб,
Элчибой ошади булут тоғидан.

Далани тутади йилқилар, қўйлар,
Бахмалдан ёпилган ўтовлар, уйлар,
Қирқ кеча, қирқ кундуз тинмайин ўтар
Бойвачча ўғилга аталган тўйлар.

4

Оёқлар остида ястанар сойлар,
Қошларда чарх уриб айланар ойлар.
Қулларга амр этар қамчи ўйнатиб,
Экинни билмаган йилқичи бойлар.

«От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,
Урушда билинар марднинг сараси»,
Олтойчилик йўлда қолган шўр элнинг
Кўринарми юлдузининг қораси?

Қора булутдайин босиб келар ёв,
Аллар давра солар, отлари асов;
Эл чиқар, фар'ёди учар күк сари,
Қуллар ис'ён қилар құлида касов...

5

Күй күпdir аламлар бутун бир олам,
Уни ташучилар яшар саҳрова,
Күйларда қақшайды фақирлик ва ғам,
Күйнинг тингловчиси ҳайдайды пода.

Күй күпdir, құшиқлар шу осмонни
Беркита олади булутлар қадар,
Күй күпdir, құшиқлар миллионча жонни
Құзғота олади, муҳтарам падар!

Күй күпdir, ҳар юрак сақлайды армон,
Күй айтиб доимо қушлар чийиллар,
Күй берар юракка ҳордиқ ва дармон,
Күй айтиб учади беватан еллар.

Күй күпdir, ис'ёнкор дод кечасида —
Беномус этилди куйчининг қизи,
Күй күпdir, куйчининг пешонасида
Жазо отрядининг товонин изи.

Дорларга осилди жувоннинг эри,
Құшиқлар этилди мажруҳ ва бетоб,
Саҳрони қоплаган элнинг шоири,
Қолиб кетди үлда бекитоб.

6

Энди құшиқ ҳурдир, юраклар белог,
Қаддини күтарди үлка ва одам,
Құшиқлар мұл бўлсин тетик ва қувноқ,
Ота, замонимиз ғазалхон бир дам.

Далалар, сақролар, чұллар бахтиёр,
Күй айтиб яшайды манзиллар, әллар.
Тинмасдан күй айттар суюкли диёр —
Құшиқдан осмоңлар, тоғлар гумбирлар

Күй айттар булатлар ичидан ивсон,
Күй керак мардона, жувон ҳаётга,
Күй айттар лочинлар үлкәси — осмоң.
Ота, құшиқ айтган етап муродғай

ДУСТИМГА

Кўз тутади далада баҳор,
 Булоқлар қайнасин қўйнингда,
 Қутмакдадир эл туриб наҳор,
 Қарзи бордир сенинг бўйнингда.

Тонг отадир ўлкада ҳар кун.
 Ҳар кун чиқар ярқираб офтоб.
 Ҳар соғ саҳар, ҳарбир тиниқ тун
 Шараф бер, деб этадир хитоб.

Тонг бошланар далада, тоғда:
 Ўлка солур юрагингга нур,
 Ҳар ҳодиса, ҳарбир оддий кун
 Шараф бер, деб этадир мажбур.

Ҳарбир кунда бир буюк мазмун,
 Қуёш тўқар бошларингга зар,
 Тожихонлар тонги бошланган
 Фарғонадан Амуга қадар...

* * *

«Мұхаббат
Ул ўзи эсси парса,
Лакин ҳарбир үрак
Они әнгірта...»

Ходи Тоқтоти.

Ҳар юракнинг бир баҳори бор,
Ҳарбир қалбга ишқ бўлар меҳмон,
Ҳар юракда гуллар мұхаббат,
Бўстон этар уни бегумон.

Лекин Лайли бошига келган
Қора кунлар бизга ёт бутун;
Бизга ётдир Ширин бахтини
Поймол этган у қопқора тун.

ОФЕЛИЯНИНГ ҰЛИМИ

1

Орзунг бор күйлашга, лекин қалбингдан
Тарқалар бир ма'юс ва ғамгин сазо,
Құйнингда бир құчоқ оқ ва нафис гул.
Лекин, руҳинг тұла мотам ва азо.

2

Фойда йўқдир, гўзал, золим фалакдан
Қанча дод қилсангу, қанча шикоят,
Қанча ялворсангу қанча тўксанг ёш,
Барибир, аламга бўлмас ниҳоят.

Қанча ма'sум бўлсанг, қанча вафодор,
«Қордай оқ бўлсангу муз қадар тоза»,
Ҳеч замон кор этмас, шум фалак бадкор.
Уқилур севгингга қора жаноза.

Нега керак эди, шу чирой, шу ўт,
Шу ёниқ юлдузни кўзга яширмоқ?
Нега лабларингдан ҳусн олди ёқут,
Нега сийнанг бўлди қор тоғидай оқ?

Ҳусн балосига ким этди дучор?
Холбуки бусиз ҳам қанчалар алам,
Холбуки бусиз ҳам қизнинг бошида,
Сўнгсиз мусибатлар, дун'ё-дун'ё ғам.

Холбуки бусиз ҳам қийналарди жон,
Бусиз ҳам етарди фалокат, азоб.
Фақат гўзал эмас, ҳатто ҳунук қиз
Кўз очиб кўрарди ёлғиз изтироб.

Орзунг бор куйлашга, лекин қалбингдан
Тарқалар бир ма'юс ва ғамгин сазо,
Кўйнингда бир қулоқ оқ ва нағис гул,
Лекин, руҳинг тўла мотам ва азо.

Шундайин латофат, шу оқ кўкракка,
Наҳот муносибdir шу ғамгин либос,
Онанг шунинг учун суюнганими?
Наҳотки, шу сифат гўзалликка хос?

Жавоб бериб кўрчи, номард табиат,
Бунчалик гўзални нечун яратдинг?!
Ўзинг гуноҳкорсан, осийсан беҳад,
Нечун яратдингу ўтларга отдинг?

Ҳали севишмоқдан шумидир ма'но?
Фақат азоб бордир қисматда, наҳот?
Наҳотки, севигига шудир таманно?
Наҳот, гўзал учун фақат, фақат дод!..

3

Ҳамлет севар эди, унинг қалбини,
Гўёки икки чўғ, иккита оташ
Бўлиб ёндириарди кўзинг тун-куни,
У ҳам қилмас эди бу оташга ғаш.

Ҳамлет юрагига берарди ҳаёт
Сенинг у оташин, гулбарг лабларинг,
Жасур хаёлига боғларди қанот
Боғидан бир кезиб ўтганинг сенинг.

Фақат нетмак керак, бордир начора,
Севгучи юракни қуршаса бало?
Бутун олам күзга эса қоронғу,
Балоларга Ҳамлет эса мубтало?

Шубҳа оташида ёнар тафаккур,
Дун'ё бир ғамхона, «Дониё зиндан»
Ийқидир юракларни ёритгали нур,
Занжирдадир севги, қафасдадир жон.

Ишқий туғёнларга қайнаб юракдан
Чиқалмас бир товуш, бир сазо, бир ун,
Этмишdir ердаги оддий азоблар
Аллақачонларким, Ҳамлетни мажнұв.

Хосил бұлмас мурод, ҳечнарса насиб,
Қанча йигласанғу, қанча чексанг оқ;
Севгучи йигитни солмишdir йўлга
Тунда эртак айтган бир мудҳиш арвоҳ.

Жаннат, фаришталар, тоза малаклар,
Бир пулдир энг ма'сум ва энг пок ўпиш,
Дўзах ичра Ҳамлет ёниб алаклар,
Бутун олам кўринади гўё туш.

Кўнгил гулшанини қоплади хазон,
Йўқолди шуячалик бебаҳо севги.
Шу бўлди бокира, дун'ё кўрмаган
У ёқут лабларнинг қора тақдири.

Севги кўкларида учучи лочин
Аршидан йиқилди ва кўжна дун'ё —
Бутун армонларни кул қилган оташ
Узи бўлиб қолди севигига гадо.

ВИДО'

(Байрондан)

Жудо бўлмас эдилар улар,
Бадкирдорлар жудо этдилар.
Ортиқ, қалблар сақлайди жафо,
Осмондадир ҳақиқат, вафо.
Шодлик битди уларга мангу,
Ешлик хазон, яшашда оғу.
Айри яшаш деган ўй, хаёл
Бўлди заҳар, оғули бир ҳол.
Севгучилар қалбидаги фироқ,
Қунлар ўтар ўксиз ҳаётда,
Қайгуларни, асло аритмоқ
Мумкин бўлмас бу коинотда.
Айрилиқда ва лекин ҳамон
Жароҳатлар изи сақланур,
Шундай, довул уриб ажратган
Икки қоя зулмагда ёнур:
Шўрликларни сўнгсиз, беомон
Денгиз қаҳри ажратиб ётар,
Қалдироқлар уриб титратар,
Лекин ва на чақмоқ, на бўрон,
Ва на ўтда куйдиргучи ёз,
На қишдаги қаҳратон аёз
Бир замонлар иккита дўст — ёр
Юрагида бўлган муҳаббат
Изларини нобуд, тору мор,
Ҳалок эта олмамиш албат.

(Голдриджининг „Крестабль“ поэмасидам)

Алвидо' ёр! Агар шу бало
 Қисматда бор бўлса — алвидо'!
 Сен бераҳм бўлсанг ҳам аммо,
 Мен душманлик қилмасман — видо'!

Қучоғида ширин, осуда
 Ўйқу блан тўлиб ётганинг,
 Ёр ҳислари, асло кўзингга
 Бадном бўлиб учрамас санинг!

Агар қалбим уришларини
 Жиндак сеза олсайдинг — ион!
 Шунча ёмон кўрмакдан мани
 Бўлур эдинг ўзинг пушаймон.

Юрт кулса ҳам энди майлига,
 Зарба гали сандадир бу бор:
 Мен мубтало бўлган балода
 Сени мақтар, мен ман шармисор.

Майли қаро, осий бўлай ман,
 Ҳақ ҳам берай қарғамоқ учун,
 Аммо, мени қучиб ўрганган
 Қўллар блан ўлдирмоқ нечун?

Сен ишонким севги ўтини
 Елғиз йиллар сўндираолур,
 Аччиғ ғазаб икки юракни
 Ажраталмас ва ожиз қолур.

Шу сезги сенда ҳам сақланур,
 Севиб ёнмоқ қисматдир менга,
 Бир ўй блан юрагим ёнур:
 Энди доим ётдир мен сенга.

Уликларга аламли фар'ёд,
 Оҳ, нақадар мудҳиш бу таққос?
 Иккимиз ҳам ҳаётмиз, ҳайҳот
 Кунлар ўтар беваларга хос.

Ширин тиали шод этган чоңда
Қизимишни әркалар экан,
Қизим, отанғ сендан узоқда,
Дея имо қылганингда сан —

Пайқаганда ма'сума буни,
Уни үпү шу онда бедод
Севгинг ичра жаңнат топғанни
Ва хайрихоҳ бўлғани эт ёд.

Агар қизда, ташлаб кетганинг
Бир ер топсанг падарга ўхшаш,
Урабошлар юрагинг санинг
Ва қўзғолар манда ҳам шу ғаш.

Гуноҳимни биларсан, балки?
Мажнун бўлиб суйганим, холос.
Армонларим хазон ва сени
Суймак блан куйганим, халос.

Борлиғимни титратдинг, ишон,
Киборликни севмас бу мағрур
Рұҳим сени дерди ва бу жон,
Энди ундан албат ажралур.

Ҳамма битди — сўзлардир абас:
Мен айтгандар ундан ҳам ёмон,
Лекин қалбга биз ҳоким эмас,
Унда орзу чексиздир ҳамон.

Алвидо' ёр! Сандан узоқда,
Ҳарбир мунис нарсадан маҳрум,
Қалбим азоб деган тузоқла,
Бундан ортиқ бўларми ўлам?

ПУШКИНДАН

(1830)

Тикиламан күрганда, дардол
 Идрокимни йүқотиб ва лөл:
 Ягона күз менинг бошимда,
 Ой юзингиз ёнар қошимда,
 Агар тақдир күрмаса малол,
 Эга бўлса эдим юз кўзга,
 Бари блан қарапдим сизга,

ЖАНУБ КЕЧАСИДА

Сен бўлмасанг шу оч тўлқинлар
Кўринмасди сра кўзимга,
Сен бўлмасанг ўзимнинг кўнглим
Кирмас эди айтган сўзимга.

Сен бўлмасанг этмасди курсанд
Сув устида сузиб юрган ой.
Хамиша шўх, доимо баланд,
Юлдуздаги жон ёқар чирой.

Қарапаринг тинчимни олиб
Чертиб кетди қалбим төрини,
Шундан кейин сездим юракла
Шунча кучлик ўтнинг борини.

Айтиб берчи, шунча севганлар
Бўлганмикин менча баҳтиёр;
Айтиб берчи, қайси қиз бурун
Севиб бўлган умид блан ёр?

ХАЕЛИМДА БҮЛДИНГ УЗУН КУН...

Хаёлимда бўлдинг узун кун,
 Сени излаб қирғоққа бордим,
 Оч тўлқинлар пишқирган тунда
 Топиб бер, деб ойга ялвордим.

Ишон бунда, сени доимо
 Эсга солур чиройли тунлар,
 Шўх юлдузлар, салқин саҳарлар,
 Эсга солур баҳтиёр кунлар.

Толиимнинг ошиноси сан,
 Сен севгимнинг кўкарган боғи,
 Сенинг блан бирга иқболим,
 Ишончимнинг сен вафо тоғи.

Мени қуршар салқин бир ҳаво,
 Сув устидан тун қуюлади,
 Шунда қанча-қанча гапларни
 Эсга солиб ой ҳам тўлади.

Қеча жимжит, ёлғиз тўлқинлар
 Пишқиради билмай тинимни,
 Ҳийлагар ой, сеҳргар дилбар,
 Солиб қўйдинг ёдимга кимни?..

ЧИМЕН ЭСДАЛИКЛАРИ

Тогда юрар оху бир жувон,
Сочимни тарайди шаббода,
Меняга бугун яқиндир осмон:
Булутлардан теппамда пода.

Қашқатоғнинг ярқирап қори,
Енбағирда жудди чумоли,—
Үрмалайман ва борган сари,
Очилади бу ҳолнинг фоли:

Бунда гулнинг энг асллари —
Бахмал гилам алвон поёндоz,
Табиатнинг бор фасллари:
Баҳор ва ёз қаршимда пешвоз.

Қояларда асрлик достон,
Дараларда оппоқ мангу қор,
Чўққиларда оташ саратон
Енбағирлар бинафша баҳор.

Гўзалликда туганмас булоқ,
Шамолда ўйнайди шалола,
Баҳор юрар кўчиб тоғма-тор,
Қўлларida лола пиёла.

Иўлларимда зангори кўллар,
Ойна каби тиниқ ва бежон,
Мен умримда кўрмагав гуллар,
Ном қўйишда ожиздир инсон.

Бу гўзалдир, бу ажаб бир ҳол,
 Ҳам ваҳшидир, ҳамда осуда,
 Бўлмасинми шонр тили лол
 Шамол учиб ўйнаса сувда?..

Болалигим тутди ва бир бор,
 Булоқ узра ётдим узаниб,
 Ва сая'атга бермасдан озор,
 Ҳовуҷ-ҳовуҷ сув ичдим қониб.

* * *

Кеча. Саҳро. Уйқу ва шовқин.
Кеча чўқкан узоқ уфққа.
Теразадан тўниб қарайман,
Кўзим чўмиб қоронғилиққа.

Теразадан тўниб қарайман:
Уйқу босган сўнгсиз саҳрони,
Уйқуда ер, уйқуда осмон,
Кўринмайдир юлдуз нишони.

Бошламишдир ўз ҳаётини
Саҳронинг устига чўкиб тун,
Жимжитдир ўйланиб ётгандай,
Кундузини этганди якун.

Саҳро ётар сўнгсиз, тептекис,
Саҳро ётар ажиб туш кўриб.
Ундан ўтар тинмай поездлар,
Утар оташ юраги уриб.

Поезд чопар, масофаларни
Қамраб босар оёқ сстигг,
Давонлардан, қирлардан ошар,
Тоғлиқларнинг тушар пастига.

Поезд ўтар тунни оралаб,
Күшдай учар, учар бехатар,
Поезд ўтар қардош халқларнинг
Дўстлигидан берарак хабар.

ХОЛБУКИ, ТУН...

Шағирлайди бетиним дар'ё,
Шағирлайди ваҳм тўлган жар,
Шағирлайди қоронғи дун'ё,
Шағирлайди води, даралар.

Шағирлайди... Бермайди уйқу,
Хаёлларим бўлар паришон,
Бир изланиш бошланар менда,
Тушунчамга яна кирап жон.

Холбуки, тун — бунда одатда,
Бутун борлиқ ухлардай сокин,
Бутун ер осмонга ўраниб,
Олар каби кундузидай тин...

Сойга тушдим, кўкда чиқди ой,
Нур ёғилди оқ булутларга.
Нурга тўлди дара, тўлди сой,
Нур ёғилди қоронғу жарга.

Кўзларимда ёнар учқунлар,
Зилол сувга ой эди сирдош,
Ялтиради, доим товланар,
Ой нурига чўмилгучи тош.

Кўзни тикдим, парқув булутлар,
Кўчар эди зилол ва тоза.
Лочин каби самолёт учар,
Учар эди солиб овоза.

Тикилганди күзим қоғозга,
Құлларимда югурап қалам,
Күршамишди уни ҳаяжон,
Бир интилиш, бир орзу бу дам.

Шағирларди осмон ва ҳаво,
Шағирларди бутун коинот,
Шағирларди бетинним дар'ё
Шағирларди дар'ёда ҳаёт...
Ҳолбуки, тун...

ҚОРА ДЕНГИЗ БҮЙИДА

Еғин әртасы

Букун кун бўлади: тоғ тепасида,
Япроқлар ялтираб турипти,
Юлдуз йўлга чиқиб саҳарда,
Келаётган кунни кўрипти.

Букун кун бўлади: хурмо баргларин
Силкитмоқда енгил шаббода,
Букун кун бўлади: равшан ва бедор,
Ғубор йўқдир зарра ҳавода.

Букун кун бўлади: денгиз чайқалар,
Тўлқинларда сра йўқ тчним.
Сув бўйида туриб интизор,
Кун йўлига тикиламан жим.

Кунга бўлган ишқим қуёшга —
Топинганлар ишқидан буюк.
Кун бўлади: мармар ва зилол,
Кўринади поёни йўқ кўк.

МИЗИМТА ДАР'ЕСИ

Узоқ кетдим мизимта бўйлаб,
Дар'ё менинг ҳамроҳим бўлди.
Узоқ кетдим ва чанқоқ қалбим
Дар'ё айтган қўшиққа тўлди.

Инжудайин оқарди зилол,
Водиларнинг бу гул чиройи,
Тиниқликнинг мангу тимсоли,
Дараларнинг бу гўзал эйн.

Бу ферўза, эриган мармар,
Бу ялтироқ сўнги йўқ симоб,
Синар эди устида чил-чил,
Кўкда туриб ёнучи офтоб.

Тошқин эди, пок ва мулоийим,
Тиним билмас, мангу зангори,
Равон, ма'sум, гўзал ва доим
Бокирилик бўлмишdir ори.

Қўринарди юксак тоғларнинг
Булатларга ранг берган қори,
Оқар эди дара, сойларнинг
Қизлигини сақлаган ёри...

СОФИНГАНДА

Қабутардек юрак уринар,
Нече кундир сенсиз яшади.
Мана күрким, энди ҳар нафас
Вужудимда ўт туташади.

Нече кундир йўқолди тинчим
Ва уйқуга этдим алвидо',
Нече кунлар, неча соатлар
Хаёлингга айладим фидо.

Утар экан туилар ва куплар,
Айрилиқда ахтариб висол,
Ва тонгларда якка ҳам ўйчан
Кезар экан паришон ва лол

Борлиғимни исмнингни айтиб
Чулғаб олар бир гўзал хаёл,
Уша жилва ва ўша оташ,
Уша кўзки, сузгун, хаёлкаш
Уша имо, ўша ишора
Этабошлар юракни пора.

УЛКА

Мен дун'ёга келган кунданоқ
Ватаним деб сени, уйғандим,
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукаммал қондим.

Қулоғимга номинг кирганда
Қумлиқ каби ташна боқурман,
Сенинг жаннат водиларингдан
Наҳрлардай тўлиб оқурман.

Билсияларким, йўлдошим бўлмас,
Қўзда ёши блан кулганлар,
Тиллари бор, ўzlари ҳаёт,
Лекин, юрак-бағри ўлганлар.

Ҳар айтганинг буюк жангнома.
Қайга десанг қайтмай кетурман,
Қўзларимни юмасман асло —
Дар'ё каби уйғоқ ўтурман.



ҲАМИД ОЛИМЖОН
қизи ҲУЛКАР блан
Фото — 1938

1937

ХУЛҚАРНИНГ ШЕ'РИ

Қизимга

Мұҳит узра қанотингни ёз,
Оқ қүшларнинг ўлкасида юр.
Даста-даста гуллар келтирсін,
Шұх ва қувноқ дүстларга буюр.

Уфқларда сайр этгін мудом,
Қуёш келиб сувга чўкканда...
Ой булатлар орасидан шом
Этак-этак шу'ла тўкканда...

Тўшаб алвон-алвон гиламлар,
Сенинг блан яшнасин баҳор,
Сенинг блан хуш бўлсин дамлар,
Сенга доим шодлик бўлсин ёр.

Сени кўрса очилсин гуллар,
Сени кўрса ёнсин булбуллар,
Сени кўрган бари топсин жон,
Сен юрган ер кўрмасин ҳазон.

ҮРИК ГУЛЛАГАНДА

Деразамнинг олдида бир түп
Үрик оппоқ бўлиб гуллади...

Новдаларни безаб ғунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини
Ва шаббода қурғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг totини.

Ҳар баҳорда шу бўлар такрор,
Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади,
Қанча тиришсам ҳам у беор
Еллар мени алдаб кетади.

Майли дейман ва қилмайман ғаш,
Хаёлимни гулга ўраймач;
Ҳар баҳорга чиққанда яккаш,
Бахтим борми дея сўрайман.

Юзларимни силаб, сийпалаб,
Бахтинг бор деб эсади еллар,
Этган каби гўё бир талаб,
Бахтинг бор деб қушлар чийиллар.

Ҳамма нарса мени қаршилар.
Ҳарбир куртак менга сўйлар роз,
Мен юрганда боғларга тўлар
Фақат бахтни мақтаган овсз:

«Мана сенга олам-олам гул,
Этагингга сиққанича ол,

Бунда толи' ҳар нарсадан мұл,
То үлгунча шу үлкада қол.

Умрида әч гул күрмай йиғлаб
Утганларнинг ҳаққи ҳам сенда,
Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб
Кетганларнинг ҳаққи ҳам сенда...»

Теразамнинг олдида бир туп
Үрик оппоқ бўлиб гуллади...

БУТУН ОЛАМ БИР ОППОҚ СИЙНА

Хайрлашди... Үзіда йўқ шод,
Сув бўйига келиб ўлтирди,
Кўкка кўкрак кўтариб кунод
Ой қўйнида ўзини қўрди.

Қўзи ойдан дар'ёга қочди,
Сўйламоқчи эди ҳикоя,
Сувга қараб лабини очди
Ва кўринди жилвагар соя...

Дар'ё худди зилол ойина,
Тасвири бир қиз бўлган эди:
Бутун олам — бир оппоқ сийна,
Икки қора кўз бўлган эди.

У жим бўлди, бир лаҳза бетин,
Ихтиёрин қўлига олди,
Сўйламоқчи.... ва ундан олдин
Соя туриб сўз бошлаб қолди.

Ойинага тикиб кўзини,
Таниб қолди гўзал ўзини,
Ўзи эди сувда уринган,
Ўзи эди ойда кўринган.

Уялдию ҳеч гап айтмайин,
Уйга қараб секин қўзғолди.
Сув бўйида, ойдинда, майин
Битта шоҳи рўмолча қолди.

ТУННИ ИЗЛАШ

Унбеш кунга түлганида ой,
 Күкка чиқыб тунни ахтарди,
 Орқасидан баланд осмонда
 Олам-олам юлдузлар борди.

Тундан ҳечбир асар чиқмади,
 То ботгунча қилса ҳам тинтув...
 Дун'ё ёруғ эди ва ҳатто
 Ялтиради сойда қора сув...

Тополмасдан ой тунни, охир
 Узи ботди. Юлдузлар бир-бир
 Учиб ўтди ва ортиқ қуёш
 Блан энди ялтиради ер...

ДАР'Ё ТИННИҚ, ОСМОН БЕГУБОР

Бахтим борки, ҳар нарса гўзал
Кўринади менинг қўзимга,
Водиларгá қуёш тўккан ҳал,
Шунинг учун сархат сўзимга.

Айбим йўқдир, гул водиларда
Бадбинларни хушлай олмасам,
Қўкка қараб туриб саҳарда
Шод ўтарман деб ичсам қасам.

Оппоқ қордир тоғларнинг тоши,
Дар'ё тинниқ, осмон Бегубор,
Шу ердадир ўлканинг боши,
Сув бўйида менинг уйим бср...

Бу ўлкада қалбларнинг тоза
Ва поклари келиб учрашар,
Одам топган бахти овоза
Қилиб гуллар, булбуллар яшар.

ҚОЗОҒИСТОН¹

Қозғистон — күп наслларнинг
Армон блан кўрмай кетгани,
Қозғистон — бу боболарнинг
Гадойликда хаёл этгани.

Қозғистон — бу ма'мур ватан,
Бу улуғ халқ әркин олган тин,
Бир ўлкаки, бутун тоғи кон,
Тупроқлари сап-сариқ олтин.

Қозғистон — бу қатламлари
Ма'дан блан тўлиб ўтган ер,
Бу — Эмбанефть, бу — бойлик фақат
Бу — хазина, Балхаш ва Реддер²...

Қозғистон — бу, олтин, кумуш,
Бу баҳт блан тўлиб оққан сой,
Қозғистон — гуллаган турмуш,
Бу дун'ёни қоплаган буғдой.

Бу — саодат, бу — деҳқонларга
Мангу хатлаб берилган ерлар,
Бу тоғларни, дала-даштларни
Жойлаб ётган йилқи, уюрлар.

¹ Бу ше'р—1937 йил 28 марта Қозғистон Советлар қурултойини табриқ қилганда ўқилган эди.

² Эмбанефть. Балхаш, Қараганда, Реддер — Қозғистондаги катта саноат марказлари.

Қозоғистон — бу қарри Жамбул
Түқсон йиллаб кечган бир умр,
Қозоғистон — бу Қарағанда —
Қазган блан туганмас күмир.

Қозоғистон — бу китобхон эл
Бу янги онг, бу савод, бу хат,
Қозоғистон — бу чақмоқ каби
Яшнаб чиққан бир гүзал сан'ат.

Бу эзилгав, мазлум Шарқ учув
Саодатга, бахтга ишора,
Қозоғистон — бу Кузанбоев,
Омонгелди, раққоса Шора.¹

Бу әрк олиб юксалган элвинг
Гул баҳори, ҳосилдор ёзи,
Қозоғистон — бу жаһнатга тенг,
Бу — Қулашининг ипак овози.²

Қозоғистон — күплаб насллар
Армон блан кўрмай кетгани,
Қозоғистон — бу боболарнинг
Гадойликда хаёл этгани.

Бу — удақдос — бу — иттифоклом.—
Ҳарбир тонги бошлар янги кун;
Қозоғистон — доно доҳининг
Қўли блан битилган қонун.

Кўп яшасин, қўкларга қадар
Қўтарилисинг, бу элнинг боши,
Олатовнинг бошида порлар
Сталиннинг баҳт күёши.

¹ Қозоғистоннинг отоқли кишиларн.

² Қулаш — Қозоғистоннинг севимли сан'аткори, СССР ҳалқ артисткаси.

Бу баҳт блан насллар яшар,
Бу баҳт блан ҳаёт паровон.
Йиллар турсин, йилларча турсив
Бошимизда Сталин омон.

БАХТИМИЗ ТАРИХИГА

Қанча бўстонлар вабо айёмида бўлди ҳазон,
Зўр жаҳаннам ичра ёнди қанча номус, қанча жон.
Не қўёшлар ўртаниб тош бағридан топди ўлим,
Неча дар'ёларни ютди ўт бўлиб ёнгучи қум.
Лекин иқболи чиқолмай битди тақдир шомидин,
Қанча оғулар қуйилди элга қайғу жомидин.

Бенаво, танҳо Фузулий зор бирла оҳида
Уртаниб қоврилди доим қайғу оташгоҳида.
Ҳам Навоий бир умр айрилмади Фарҳодидин,
Барча оламни ўтантирди унинг ҳар додидин.
Ҳам қаро кунлар қаро томуғида ёнган китоб,
Қайғу йўлдошинг бўлур деб доимо қилди хитоб.

Ахтариб ўтди жаҳондин ҳечбири баҳт топмади,
Баҳт баҳори ҳечбирин устига баҳмал ёпмади.
Қимки баҳт ахтарса қайғу бирла зор олди ҳақин,
Қим яшаш истарса унларга ўлим келди яқин.
Қанча ёрзу, қанча армонлар куйиб бўлди адо,
Қанча эрлар бир умирлик ғам блан ўтди гадо.

Охири ман ўсган эл яксон этиб ғам тоғини,
Барча тилсимларни очди, топди роҳат бояни.
Бир ватанким, бунда йўқдир дард ва ҳасратдан
нишон,
Бир ватанким, ер ва осмонида одам топди шон;
Бир ватанким, ҳар гулистонида мангудир баҳор,
Бир ватанким, бунда элнинг баҳти мангубарқарор.

* * *

Шу кунларда қутб олинди.
 Музлар таслим бўлиб ялинди,
 Москвадан Америкагача
 Тахти равон бир йўл солинди.

Кўк йўлидир, унда қаноти
 Синмас бўлган лочинлар учар.
 Лочинлари блан ўлка ҳам
 Ерни ташлаб осмонга кўчар.

Қўдрати зўр эл учун осмон
 Худди ердай осойиш бўлур.
 Бирнеча йил мобайнида кўк
 Одам блан албатта тўлур.

ДУН'Е ГҮЗАЛ КҮРИНҮР СЕНГА

Келтиради рашкимни доим,
Гулга қүнгән асал арилар,
Аллақандай түйилар менга,
Яшаручи хушбахт қарилар.

Агар,— дейлар,— күнгил ёш эса
Оқсоч ўзи бир ҳусн бўлур,
Кўкраккача тушган оқсоқол
Кўзларингга нурдай кўринур.

Дун'ё гўзал кўринур сенга,
Ўзи қанча эски бўлса ҳам,
Яшараркан бутун табиат,
Ўз эгаси қўйганда қадам.

* * *

Розимасман бир ёш томса күзимдан.
 Розимасман сал ранг кетса юзимдан,
 Иўл ошсаму, сал яшашдан адашсам
 Розимасман унда тамом ўзимдан.

Боғим бору, гулзоримда гулим кўп,
 Ҳар ёқда гул, шохларда булбулим кўп.
 Мен кўрмаган гулзор қолмас жаҳонда,
 Гулзорларга баҳтим берган йўлим кўп.

САВОЛ

Қийинтирсам сени баҳорга,
Юлдузларни ўрасам қорга,
Олиб келиб олдингга қўйсам,
Ҳам юлдузни ҳам сени сўйсам;
То тонггача сўйласам эртак.
Чечак териб этак ва этак,
Оғингга келтириб тўксам,
Сени мақтаб ағёрни сўксам,
Шунда сенинг кўнглинг тўлурми?..
Айтганларинг бажо бўлурми?..

ДҮМБИРАНИНГ МАҚТОВИ

Абдулла шоирга

Сүз бошлайин энди яхши ёмондин,
 Күзларимнинг нури бўлган дўмбирам:
 Сен қўлимда, кезиб ўтдим жаҳондин,
 Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам.

Сендан ҳечбир мумкин эмас совушим,
 Сен тоғларда кезган чориқ ковушим,
 Сенинг блан баланд бўлди товушим,
 Билагимнинг зўри бўлган дўмбирам.

Сен бор экан билинмас тўқ ва очим,
 Сен бўлмасанг, парвоз этмас қулочим,
 Сенсиз экан доим ёзиғдир сочим,
 Қуллиғимда чўри бўлган дўмбирам.

Гулзоримда сен булбулим Ҳалима,
 Соғинганда юрагим қийма-қийма,
 Сен бўлмасанг бағрим бир қонли кема,
 Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам.

Айланса-да рангим сариф сомонга
 Сени чалдим, хор бўлмадим ёмонга,
 Қариганда етлим яхши замонга,
 Ёвларимга бўри бўлган дўмбирам.

Сен бор экан ҳар иш келар қўлимдан,
 Сен бор экан ҳайиқмасман ўлимдан,
 Минг ўргулиб толи топган элимдан,
 Ўтирганда сўри бўлган дўмбирам.

Сенинг блан сўз бермадим ман ёвга,
Сенинг блан бирга бордим ҳар овга,
Сен дингғиллаб олиб бординг Масковга,
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.

Ҳурмат блан сени қўлга олурман.
Минг яшариб чертиб-чертиб чалурман,
Ҳали яна Сталинга борурман,
Гулзоримнинг ҳури бўлган дўмбирам.

Сен нур тўла менинг ойли тунимсан,
Сен омборда қоплаб қўйган унимсан,
Сен колхозда топган ёруғ кунимсан,
Душманимнинг гўри бўлган дўмбирам.

БАХТ ТҰҒРИСИДА

Ҳаркимга бир «нони-насиба» —
Паррандалар ўз ҳаққын тилар.
Құпни күрган қари дун'ёда
Бахт ахтариб күплар үтдилар.

Күплар үтди, күпгина одам
Таний олди дүзахни, үтни,
Дув'ё деди, күзни очдию,
Лекин күрди фақат тобутни.

Шодлик истар эди барчаси,
Лекин келиб қучарди мотам,
Хурсандликка зор дийдаларда,
«Шодлик мен» деб кулар эди ғам.

Бахт ахтарар ва қора тақдир
Мазах блан қилас ҳақорат,
Дун'ё-дун'ё армон ва орзу
Гадойликда бўларди ғорат.

Мотам ва зор, азоб ва қайғу
Гадойликнинг кўҳна йўлдоши,
Инсон қалби устида ётар,
Асрларнинг муҳтоҗлик тоши.

Бахт топилмас ҳечбир замонда,
Эл қул бўлса, бўлса ялонғоч,
Жаннатларни яратган одам,
Натижада ўзи қолса оч.

Кувонч шулким, толи' ёр бўлиб,
Бахтни топган элни кўролдим;
Асрларнинг қайғусин қарғаб,
Шодлик ва баҳт куйини чалдим.

Элим яшар осойиш ва шод,
Ўлкам ўзи янги бир жаҳон;
Узбекистон номли бир жаннат,
Боғларида ором олар жон.

Баҳт қайнайди соф булоқларда,
Дамларимиз ўтар беозор,
Шаҳарларда, боғлар, тоғларда,
Элни қучган мангу бир баҳор.

ПУШКИН

1

Эсини таниди ва кўҳна дун'ё
 Унинг юрагига чангл ташлади:
 Ердаги аламлар, қайгулар, ғамлар,
 Фар'ёдлар ўтида ёнабошлади.

Дун'ёвий азоблар ёндириди қалбин,
 Омонсиз ёв бўлди, золим фалакка,
 Итоатсиз бўлди, ис'ёнкор, бедин,
 Фақат, ғариб қолди, ўртанди якка.

Юз ўғирди сарой, кошоналардан,
 Тарихий жумбоқни шундай этди ҳал,
 Аҳли киборлардан, подшолардан
 Үғри деб ном олган Пугачёв афзал.

Бисюк дар'ё каби оқизиб ўғди
 Пойтахт остида битганлар бошин,
 Бутун Русиянинг зори, фифони,
 Банди деҳқонларнинг аламли ёшин.

Балоларга пешвоз тутди у, жонни,
 Бир оташ ёнарди жўшқин қонида,
 Дўзах Русияда топди хазонни.
 Куйиб адo бўлди ғам тўфонида.

2

Фақат, ўлгунгача таслим бўлмади,
 Сўнги соатгача бўлди қувғинда,

Ишрат шоми эмас, ўшанинг дарди
Ватанин ёртап қопқора туңда.

Фақат шу берарди дийдаларга нур,
Фақат шу қиласарди дилларни равшан,
Ўша қувғин, ўша сургундаги хур —
Бўлмаса тоза ҳам хор эди ваган.

Жануб қуёшида қайнаган кунда
Буюк Элбруснинг ярқирар қори...
Подшодан узок, оғир сургунда
Тўлишарди рус ше'рининг баҳори...

3

Русия, Русия, шўрли Русия,
Аянч хўжаларнинг қашшоқ ўлкаси!
Қашшоқ хўжаларнинг юрти Русия.
Қалбингда икки бош қузғун кўлкаси!

Русия, Русия сўнги йўқ тупроқ,
Эй буюк вайрона, эй кафандадо!
Энг яхши фарзандинг этилмишdir оқ,
Эй бало тутқуни, кулфатда адо!

4

Ерга йиқилдию тортди бир фар'ёл,
Чунки юрагига бир яшин тушди:
Бутун Русия кўз тиккан жаллод
Дантес либосида келиб отиши.

Шундай якун топди фожи' муаммо:
Ажал очиб келди унга кенг қулоч,
Оппоқ қор қон эди... ва шоир аммо,
Мозор Русияда қабрга муҳтоҷ...

Арава ғижирлар тунда, похол-хас,
 Хашаклар ичига тобут күмилган:
 — Бу ўзи нима гап?
 — Ҳең нарса эмас,
 Пушкин деб аталган биттаси ўлган...

5

У яшрин күмилди. Үз азобида,
 Үлка осмонини зўр мотам тутди
 Ва бутун рус халқи ўз юрагида
 Шу буюк тобутни кўтариб ўтди.

СҮЛМОҚ БҰЛМАС ЭЛ БАҲОРИДА

Дун'ёларни тикка құпормоқ
Ути агар бўлса орида,
Евларини айласа тупроқ,
Сўлмоқ бўлмас эл баҳорида.

1938 - 1941

ШОДЛИҚНИ КУИЛАГАНИМНИНИГ САБАБИ

Шоирларни күп ўқиб чиқдим,
Билмаганим қолди жуда кам,
Ўқиб чиқдим, чувалди фикрим,
Кўравериб ҳаммасида ғам.

Фузулийни олдим қўлимга,
Мажнун бўлиб йинглаб қичқирди.
Ва Навоий тушиб йўлимга,
Фар'ёд блан ўрнидан турди.

Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Ахир қўйиб олдим Ҳофизни,
Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,
Йиглаб турган бир черкас қизни.

Шекспирдан сўрадим савол,
Жавобини келтирди Хайём:
«Чунки ғамга ошинодир ҳол,
Қайғи блан тўлиғдир айём».

Ўйладиму узоқ қолдим жим,
Сўнгра савол қилдим ўзимдан,
Дар'ё каби тошиб севинчим,
Ёш тирқираб келди кўзимдан.

Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одатим,
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламаклик зўр саодатим.

Чунки әлим қайғуни билмас,
Чунки йүқдир ватанда мотам,
Озод халқим бошига келмас,
Энди сра мусибат ва ғам.

Шунинг учун шодман бир умр,
Шунинг учун шодлик ҳамдамим,
Ҳаркун ортар кўзларимда нур,
Шунинг учун йўқ асло ғамим.

Мен биламан, душманим кимлар.
Сергак бўлиб боқдим йўлимга.
Чунки халқим барча тилсимлар
Калидини берди кўлимга.

ГОРЬКИЙ ҲАҚИДА

1

Қолмиш эди ҳаёт тубинда.
 Русияни қуршаганда тун,
 Бола экан ҳар чеккан жафо,
 Унга бўлди бир дорилфунун.
 Унга бўлди муҳтож, ялонғоч
 Русиянинг сирлари аён,
 Жангга кирди, унда ҳарбир оч,
 Қайғусини айлади баён.

2

Бир асрлик Русияни у,
 Елкасига кўтарди дадил,
 Кўтарди ул, кўтарди мангу,
 Буюк эди бу одамда дил.
 Умр бўйи эл блан бўлди,
 Гўдак экан уни кўрди хор,
 Ўлмай туриб яна туғилди,
 Бўлганида халқи баҳтиёр.
 Буюк эди, ҳаттоки тошлар
 Куйлаганда сезаолурди.
 Ҳайратидан кўзида ёшлар,
 Тоғлар каби жимжит қолурди.

3

Ростгўй эди, бу улуғ падар,
 Ҳақиқатдан асло қайтмади.
 Туғилгандан ўлганга қадар,
 Бир сўз бўлсин ёлғон айтмади.

Юрагида қайнар эди дард,
Евни күрса ўтдай тошарди,
Душманидир хоин ва номард,
Унга нафрат блан яшарди.
Шунинг учун ололмади тин,
Заҳар блан кесилди бу тил,
Тирик экан уйига яширин,
Олиб келди тобутни қотил.
Келтирдию солди буюк ғам,
Тилагига етгандек бўлди...
Шундай кетди бу улуғ одам,
Киприклари секин қуюлди...

Горький кетди, бу оғир ўлим
Бағримизни бир ўйиб кетди.
Горький кетди ва лекин у, шум —
Евга қарши ўч қўйиб кетди.

УЗБЕКИСТОН

Водиларни яёв кезганда,
 Бир ажиб ҳис бор эди маңда..
 Чаппар уриб гуллаган боғин,
 Ўпар эдим ватан тупроғин.
 Одамлардан тинглаб ҳикоя
 Ўсар эди шоирда ғоя.
 Дар'елардан куйлаб ўтардим,
 Эртакларга қулоқ тутардим.
 Ҳаммасини тинглардим, аммо,
 Үхашини топмасдим асло.

* * *

Ўхлаши йўқ бу гўзал бўстон,
 Достонларда битган гулистон —
 Ўзбекистон дея аталур,
 Уни севиб эл тилга олур.
 Чиройлидир гўё ёш келин,
 Икки дар'ё ювар кокилин;
 Қорли тоғлар турар бошида,
 Гул водилар яшнар қошида.
 Чор атрофга ёйганда гилам.
 Асло йўқдир бундайин кўклам.
 Тоғлардаги қип-қизил лола
 Бўлиб гўё ёқут пиёла,
 Булоқлардан узатади сув
 Эл кўзидан қочади уйқу.
 Далаларда бошланади иш,
 Бошланади ижод ва турмуш.

Кундан-кунга ўсади пахта,
Барг чиқади ҳарбир дараҳтда,
Олмазорлар гулин түкади,
Мева боғлаб шохин буқади.
Шаҳарларда ишга чиқиб эл
Одам блан тўлар Текстиль.
Ҳаммасининг бир истаги бор,
Ҳаммаси ҳам хурсанд, баҳтиёр.
Бу ўлкада ҳар нарса бордир,
Қўрмаганлар доим хумордир.
Аму блан Сирдан сув ичган,
Зарафшонни лойлатиб кечган,
Чавандозлар бордир бу элда.
Баҳор чоғи пишқирган селда
Аргумоқлар қўшиғи бордир.
Бу шундайин ажиб диёрdir.
Даласида ўсмас тиконлар,
Чўлларида чопмас илонлар;
Қуш учганда куймас қаноти,
Одам ўтса қуримас зоти;
Чанқов қолиб йўловчи ўлмас,
Ҳар бурчакда бошкесар бўлмас.
Кулбаларни келиб босмас қум,
Гўдакларни ютмас оч ўлим.
Одамга баҳт ва толи' ёрдир—
Бу шундайин ажиб диёрdir.

* * *

Бунда булбул китоб ўқийди,
Бунда қуртлар ипак тўқийди,
Бунда ари келтиради бол,
Бунда қушлар топади иқбол,
Бунда қорнинг тагларида қиш,
Баҳор учун сўйлайди олқиши.
Бир ўлкаки ҳуснга бойдир,
Унинг энг зўр кўзгуси ойдир;
Бир парча ўт бўлиб бунда кун

Пахтасига ишлайди ҳар кун.
 Ботирлари канал қазади,
 Шоирлари ғазал ёзади,
 Күйчилари ўқийди ялла,
 Жувонлари айтади алла,
 Пазандаси ёпади ширмон,
 Қарилари кутади меҳмон —
 Бу шундайин ажиб диёрdir.
 Бунинг қизиқ ҳикмати бордир:
 Москвада суюнган тоги;
 Гуржистонда севган ўртоғи
 Унга ҳусн ва ифтихордир;
 Узоқ Шарқда қўшини бордир,
 Шунинг учун тинчdir ул кўнгул.
 Шунинг учун осойншdir ул.
 Шунинг учун самонда ётмас,
 Шунинг учун совуқда қотмас,
 Евларига осмон тутундир,
 Шунинг учун бағри бутундир,
 Шунинг учун ёпинмагай ҳас,
 Шунинг учун кийинар атлас.

* * *

Шундай ўлка доим бор бўлсин,
 Шундай ўлка элга ёр бўлсин.
 Омон бўлсин оғайнилари,
 Омон бўлсин дўстларнинг бари.
 Доим бўлсин доҳиси омон,
 Шундай бўлсин бу бутун жаҳон.

* * *

Шафтгузор боғларни кўрдим.
 Гул кўкарган тоғларни кўрдим.
 Меҳр қўйиб ўпган сари оқ,
 Оппоқ бўлди бу, азиз тупроқ.

Водиларни яёв кезганда,
 Бир ажиб ҳис бор эди мен да

САМОЛЕТ

Болаларга

Осмонларни тұлдириб
Самолёт үтиб кетди.
Унинг кучли овози
Оlamни тутиб кетди.

Эй Ватаним қурған құш,
Тұхта, мани олиб кет!
Тұхта, бир хат берайин,
Қанотингга солиб кет.

Осмонларда менинг ұам
Битта лочин акам бор.
Хатимни бер, үқисин,
Үқисин такрор-такрор.

Ватанимиз ёвига
Омон берма — деб ёздим.
Орден олmasдан туриб,
Уйга келма — деб ёздим.

Осмонларни тұлдириб,
Самолёт үтиб кетди.
Унинг кучли овози,
Оlamни тутиб кетди.

ВАТАН

Болаларға

Шодлигим күкка сиғмас,
Битмас бахтим бор маним,
Мени баҳтиёр қилган,
Шу енгилмас ватаним.

Душманга омон бермас,
Харбир аскар отган ўқ.
Дун'ёда меникидай
Катта ва зўр ватан йўқ.

Езнинг ўқи, ҳечқачон
Аскаридан ўтмайди.
Нишон олса осмонни
Самолётга етмайди.

Шунинг учун қишлоқлар
Кун кечирад эркин, тинч,
Шаҳарларнинг қалбида
Кеча ва кундуз севинч.

ЛОЛА

Болаларга

Лола боқчага чиқиб
Кечга қадар гул терди.
Этак-этак тұплади,
Хар күнгидан мұл терди.

Сочига гул боғлади,
Чаккасига тақди гул.
Елкаларидан ташлаб
Гулға күмвлди буткул.

Сұнгра уйға келдио
Бирпас ётиб дам олди.
Қиприги юмулди-да.
Гул каби ухлаб қолди.

ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Май тұла косалар солар шовқин,
Янги йил ғыз қүчоғыға тортар,
Бормикан шу қадарли қувноқ туын
Юрагимда ҳамон әдас ортар.

Тушмаса юзга әеч ажиндан из,
Яна бир муддаоки, ҳал бұлса,
Бахтимиз борқо ғайын илдиз,
Умримиз бир аср тугал бұлса.

Яшнаса бу чаманда дилдорлар,
Севгіда сарғайышни билмасдан,
Қайғуни күрмаса гүзәл ёрлар,
Үн гулин бир гули очилмасдан.

Билмаса наслимиз надир қаримоқ,
Етмаганку замон әдем элликка;
Тушмасин әеч бирорта бұлсиян оқ
Енгилиш билмаган йигитликка.

* * *

Кел, әй соқий! Пиёланы тұлдир!
Йигит умримга янги йил кирди.
Шодлигим дүстларимга ма'лумдир —
Йилга йил кирса, әлга әл кирди.

Қадрига етмаганни бу оннинг.
Халқ ичинде юзи қаро бұлсиян!
Ҳам сафил, ҳамда у мохов била тенг,
Бутун оламга можаро бұлсиян!

Мардабо, янги йил, омон келдингі
Яхши күнлар кутар яна олда,
Күзимизга жақонни күрсат кенг,
Күрайик ҳарна бұлса иқболда.

ЧИРЧИҚ БҮЙЛАРИДА

Гулшан водиларда чақнайди кўзим,
Фикрлар дар'ёдек босиб қилас лол,
Ўзининг бағридан оқсан сувларнинг
Орқасидан қараб қолгандай Чотқол.

Чирчиқ бўйларида кезаман ҳайрон:
Кўзимга Аму ҳам, Сир ҳам кўринар,
Табият сирини ўргатар менга
Сувнинг ўйинида бир кимиёгар.

Элнинг ўғиллари, мардлар қошимда,
Мен сұхбат қиласман олимлар блан;
Табиятшунослар, ҳикматчи дўстлар,
Менга ўргатади ажойиб бир фан.

Бирининг қўлида чўлларга ҳаёт,
Бирининг қўлида дар'ё товланар;
Бирининг қўлида семиради ер,
Ва ҳар муз томчида оловлар ёнар.

Бу — Шарқнинг юлдузи—Ўзбекистондир,
Урта асрларнинг Осиёси йўқ.
Янги дар'ёларни севар ўлкаси,
Бағри шодимонлик, баҳт блан тўлиқ.

Сероб даласида пахта гуркирар,
Тоғларида олтин, боғларида бол;
Бутун қўшниларнинг кўзлари унда,
Шундай бўлмоқлиқни қиласди хаёл.

Қадим Шарқнинг ери ташна қовжирап
Катта Фарғонанинг сувига муҳтож,
«Мадорим кетибдир, ўғит бер!» дейди,
Чирчиқ азотига телмуриб у оц.

Навоий ўтказган ариқлар қурғаб,
Янги Навоийдан кутмоқдадир сув,
Чирчиқ бўйларидай кўкарсам деган,
Гиёҳсиз чўлларнинг кўксида орзу.

Ҳеч ажаб эмаским, Шарқнинг деҳқони,
Чирчиқ қурғанларни кўргуси келса,
Ҳеч ажаб эмаским, сувни кўрганда,
Кўз ёши қон бўлиб ерга тўкилса.

Мен шарқди шоирман, кўзининг ёшлари
Кўшиқ бўлганини кўрган куним бор,
Кўшиқ одамларни жангга ташлаган,
Кўшиқ кўнгиллардан кеткизган губор.

Кўшиқ одамларни Ленинга элтган,
Кўшиқ Салинини ахтарган йиллар;
Бу қўшиқ халқларни эттан биродар,
Занжир, кишанлардан қутилган эллар.

Ҳеч ажаб эмаски, Шарқнинг деҳқони,
Чирчиқ қурғанларни кўргуси келса;
Ҳеч ажаб эмаским, сувни кўрганда,
Кўз ёши қон бўлиб ерга тўкилса.

Негаким, дардларга даводир бу сув,
Бу нурлар қиласи кўзларни равшан,
Чирчиқли шоирда бордир бир армон:
Бутун Шарқни озод кўролсан деган.

Чирчиқ бўйларида ёнар чироғлар,
Қаршимда зўр дун'ё очади чирой.
Қалбимдан оқмоқда бир дар'ё қўшиқ,
Қор босган тогларнинг тепасида ой...



*Иигирма иккинчи июнь саҳари
Чиқмас кишиликнинг асло ёдида.н.
Қочиб қутулоғмас ҳеч фашист ҳали
Ma'сум гўдакларнинг аччиқ додидин.*

1941

ҚҰЛИНГГА ҚУРОЛ ОЛ!

Хаёт қайнаб тонг тумонида,
Күз илғамас әл ўрмона,
Зёр ұлканиң қайноқ қонила
Хукм сурар сафарбар бир ҳол,
 Құлингга қурол
 ол!

Күрсин десанг жақонни күзим,
Үссин десанг бөгімдә узум,
Умид блан ўстирган қизим
Десанг агар, бұлмасин увол,
 Құлингга қурол
 ол!

Бұлсин десанг дун'е сенга кенг,
Қолсин десанг құлингда эркинг,
Бұлай десанг сен одамга тенг,
Бұлмай десанг ёвларга ҳаммол,
 Құлингга қурол
 ол!

Олай десанг фашистдан қасос,
Құлингга ол қилич ва олмос,
Яғринингга винтовкани ос!
Қолмай десанг айтишганда лол,
 Құлингга қурол
 ол!

Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол,
Кўлингга қурол

ол!

Жон юртингга босиб келган ёв
Тоғларингда қилолмасдан ов,
Сен қувганда пиёда яёв
Қочсин десанг гўё қорамол,

Кўлингга қурол

ол!

ҒАЛАБА ҚҰШИГІ

Фашизм одамизод учун қора дөң келди,
 Қуёш нурига қарши чанг блан тұзон келди.
 Үлакса устидаги құзғұн блан зоң келди.
 Елғиз менинг ватаним бахт ўстирар боң келди.

Күндүзни тун деб ўйлаб сарқадға келди ўғри,
 Құршапалак охири оташға келди тұғри.
 Тушар доим әсимга — ўзбек мақолидир бу:
 Кім аввали мұшт күтарса, албатта, құрқоқ келди.

Гитлернинг ичда қылған қарғишини билардик,
 Ер тағида илоннинг изғишини билардик,
 Соғыл деб ўйламасин, ҳар ишини билардик;
 Үрмонда бўри блан шер олишар чоң келди.

Душманнинг тепасида ёзиб пўлат қулочин,
 Қалхат блан олишгай осмонда зўр лочин.
 Тарихнинг ҳукмидир бу: бизникидир зафар чин,
 Қутурган селга қарши осмон бўйи тоң келди.

Хозир бўлсин фашизм ер тағида чиришга,
 Мана биз кўкка учдик, тепасидан қиришга,
 Одамзод гувоҳимиз, қойил қолсан бу ишга
 Душманларни ер бирлан яксон қиласар чоң келди.

ЙИГИТЛАРНИ ФРОНТГА ЖҰНАТИШ

Поезд гайёр жұнамоққа,
Вокзал тұла йигитта;
Она буқун узатады
Үз үғлини фронтта.

Хайр, үғлим, оқ үйл бұлсия,
Хайр, күзим қораси,
Билким, жанғда билинади
Мард йигитнинг сараси.

Бола экан тиіш чиқардым
Евларни тиісласин, деб.
Тоғдай оғир билак бердим
Душманни муштласин, деб.

Яна икки күз ҳам бердим,
Ев келганды күргали.
Оёқ бердим лозим келса,
Ев устига юргани.

Ақл бердим, ёв бостанда
Енғышта үйл топсия, деб.
От ҳам боқдым, моврид келса,
Жаңгта миниб чопсин, деб.

Мана буқун буюк халқинг,
Сени чақырди жаңгга!
Фашист деган бир аждақо
Ев келипти ватанга.



Шоирнинг онаси КОМИЛЛА ОПА
ва қизи ҲУЛКАР
Фото — 1942

Сталиннинг номини айт,
Болам, мард бўл, жангга кир.
Душманни қув элимиздан,
Кетидан елдай югур.

Қўқдан келса, қилич блан
Оёғини қирқиб ол;
Ердан чиқса, қўндоқ блан
Аблаҳнинг бошига сол.

Ҳамла қилса гавдасини
Танк блан мажақлаб ўт,
Қўкка чиқиб ўлим ёғдир,
Қолсин бегўр, бетобут.

Хужум чоги чекилма ҳеч,
Тулкини шер бўлиб бос!
Тирноқ блан бағрини йирт,
Қўлингни дор қилиб ос.

Агар жангда иш бермасанг,
Олмасанг ботир деб ном,
Гитлерни енгиб қайтмасанг
Берган сутларим харом.

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсни,
Хайр, кўзим қораси.
Билким: жангда билинадн
Мард йигитнинг сараси.

Йигит қасам'ёд қилади
Милтиқни олиб қўлга,
Паровоз ҳам қичқиради,
Поезд тушади йўлга.

Она йўлга тикилади:
«Болам, йўлинг бўлсия оқ...»
Поезд кўздан йўқолгунча
Тикилади у узоқ.

Х А Т

Эсимдадир йигитларни
Шердил қиласар сўзларинг.
Хотиридма, газаб блан
Ениб турган кўзларинг.

Ватан учун жангга бор деб,
Милтиқ бердинг қўлимга,
Жангга кирдим Сталинни,
Сени жойлаб дилимга.

Ойлардурким, олишаман
Мен одамхўр ёв блан,
Унинг қонли туёғидан
Тоза бўлсин деб ватан.

Ухламайман тунлар бўйи,
Икки кўзим осмонда,
Шитир этса хас, сезаман,
Қулогум ёв томонда.

Окоплардан ёв чиқади
Оч бўридай улишиб,
Орқасидан ажал қувган
Тентаклардай кулишиб.

Даҳшат блан бир ўтаман
Тепасидан бургутдай,
Ёмғир каби ўқ ёғдирсам
Тўкилади у тутдай.

Юрагини яшин каби,
Доим ёриб ўтаман,
Дар'ё бўлиб тошаману
Ўз қа'римга ютаман.

Қонлар кечиб ёв келади,
Кўзлари қон, фаҳми йўқ
Сенинг учун ўқ узаман,
Фазабимнинг раҳми йўқ.

Вабо каби босиб келар,
Ба'зан менинг йўлимга,
Қора қонга беланади
Найза олсам қўлимга.

Жаңгга кирган мард йигитнинг
Бўлмас асло армони,
Уни кўрган душманларнинг
Қурийберса дармони.

Улим блан олишаман,
Енгиш нима, биламан;
Фашистларга келган қирон.
Менинг ўзим бўламан.

Ҳисоб эмас ҳужум чоги,
Қўёш каби қизмасам,
Нафасимдан олов пуркаб,
Ёв сафини бузмасам.

Она, мендан хавф қилма ҳеч,
Дадил бўл, айла бардош,
Ватан учун жанг қилучи,
Мард ўғлингнинг боши тош.

Пешонамни силагансан,
Қўймайман ўтга солса,
Қилич солса тўғралмайман,
Ўлмайман ўқ қадалса.

Онт ичаман, ер юзида
Қолса фашист деган ном,
Она, ўзим иқрорманким,
Берган сутларинг ҳаром.

Ватан учун жангга бор деб,
Қурол бердинг қўлимга,
Жангга кирдим Сталинни,
Сени жойлаб дилимга.

БҮЛ ОМОН!

Бор ўғил, бор, жанғга боргил,
 Сен йигитлар боши бўл,
 От қўйиб майдонга киргил,
 Мардлар йўлдоши бўл.
 Халқнинг ёвларга отган
 Бош ёрар бир тоши бўл,
 Бор ўғил, сен доҳимизнинг
 Бир азиз қўлдоши бўл,—
 Қаҳрамоним, арслоним,
 Меҳрибоним бўл омон!

*

Уз қўлинг бирлан яратган
 Бўстон чўл бўлмасин,
 Муҳташам олий саройлар
 Бир ҳовуч кул бўлмасин.
 Бу онангнинг кўзда ёши
 Қайтадан кўл бўлмасин,
 Евни қувгил юртимииздан
 Халқимиз қул бўлмасин.—
 Қаҳрамоним, арслоним,
 Меҳрибоним бўл омон!

*

Евга сан ўткир қилич сол,
 Бағрини қилғил яро,
 Ерда ҳам осмонда қувлаб
 Бошига сол можаро.

Ол қасос, ерларга янчыб
Қил уни мотамсаро,
Евни енгган паҳлавоннинг
Номи кетсин халқ аро.—
Қаҳрамоним, арслоним,
Меҳрибоним бўл омон!

МОСКВАНИ МЕН БИЛАМАН!

Түн бошланар... фашист деган ялмогиз
Ва қутурған одамхўрнинг кўзи қон,
Одамзодга ўлим ортиб устига,
Калхатлардай учабошлар кўк томон.

Евга қарши қўзғолади Москва,
Шаҳар кечган тинчлик, ором баҳридан,
Ҳар ерда бор бир улуғвор нишона
Москванинг ғазабидан, қаҳридан.

Ғазаб блан қўзғолади бутун халқ,
Тебранади қари чоллар, оналар,
Ёв ташлаган бомбаларнинг изидан
Чопишади жасур, қўрқмас болалар!

Тўда-тўда қиручилар ҳавога
Қўтарилар «мехмонларни» кутгани,
Ғазаб блан чайқалади дар'ёлар,
Ёвуздарни ўз қа'рига ютгани.

Булутларнинг орасига яшриниб
Келаётган қузғунларни тутар нур;
Жим-жит турган майдонлар ҳам очар ўт,
Учиб келган ўғриларни ютар гўр.

Қўқдан ерга мукка кетган душманга
Қабр бўлар ҳарбир чуқур, ҳарбир ғор,
Зўр келганда қочмоқ ҳам бир ҳунар деб,
Қутулганлар қочабошлар шармисор.

Москвани мен биламан... тер түкиб
Зўр шаҳарни қурганларни кўрганман;
Одам тўла кўчаларни айланиб,
Жангчиларнинг қаторида юрганман.

Эсимда бор дўстлар блан бирликда
Москвадан Минскийга ўтганим,
Совуқ қишида оқ финларни емирган
Ботирларни вокзалларда кутганим.

Москвани сен билмайсан, қонхўр ёв,
Москвада сенга ёлғиз ўлим бор.
Чуқурларда, горлиқларда чирийсан,
Қабрга ҳам, тобутга ҳам бўлиб зор.

Москвани қўриқлайди бутун эл,
Кўкрагимиз осмонида зўр қалқон.
Шуни билким, жон учун жон оламиз,
Шуни билким, тўкамиз қон учун қон.

Лекин сени асло тирик қўймаймиз,
Лекин сени қўймаймиз бу ватанга,
Узоқ-яқин, она-бола, йигит-чол —
Ҳаммамиз ҳам киришдик қонли жангга!

ПОЧТАЛЬОН

(„Учрашув“ коми киносценарияга әзилгак күшик)

Хат келтирдим, хат келтирдим,
Мен осмоннинг отида.
Хат келтирдим севганингдан
Қабутар қанотида.

Хат келганды тинчир жон,
Хат жуда азиз меҳмон.
Узоқ йўллар яқин бўлар,
Хат бўлса, бўлмас ҳижрон.

Ватан учун жангга кетган
Жонингдан келтирдим хат.
Томирингда юриб турган
Қонингдан келтирдим хат.

Хат ёзипти, онажон, деб,
Қаҳрамон кўрар кўзинг.
Омон бўлсин меҳрибон деб,
Яшнаб турган юлдузинг.

Хат ёзипти отанг, онанг,
Уғлим омон бўлсин деб.
Үнга қарши келган ёвнинг
Ранги сомон бўлсин деб.

Богингдан, гулзорингдан,
Хат келтирдим ёрингдан,

Йұлларингга қараб қолған
Күзлари хумморингдан.

Бирга-бирга ўйнаб ұсған
Меҳрибонлардан салом,
Үртоқлардан, ошнолардан,
Жонажонлардан салом.

Хат келади сизларга ҳам,
Хат сизнинг йўлингизда,
Азаматлар, паҳлавонлар
Ғалаба қўлингизда.

ҚАДАХ

(Яңғы ашы)

Құлымдаги шароб тұла пиёла
 Қипқизилдир гүё баҳорғи лола.
 Қипқизилдир ботаётған күн каби,
 Қипқизилдир гүё қизларнинг лаби.

Дүстим, уни мана сенга узатдим,
 Сенинг учун бутун бир түй тузатдим.
 Сенинг учун тахт ўрнатдим ёнимда,
 Исминг ёзиқ буқун ёпган нонимда.

Ол ичайлик, ғойибона бұлса ҳам,
 Қанот бұлса узоқ-яқын нима ғам?
 Хаёл эса тездир ҳарбир қанотдан,
 Орзу эса учқур ҳарқандай отдан.

Ол ичайлик, ботирларнинг номига,
 Шароб қуйиб бутун дүн'е жомига.
 Ер юзини ифлослардан ювгали,
 Фашистларни Берлингача қувгали.

Евни тамом қуриғали дүн'ёдан,
 Ваҳшийларни күммак учун бекаған,
 Ғалабамиз, шодлигимиз, доғимиз,
 Учун, дүстим, кел ичайлик иккимиз.

1942

ГВАРДИЯЧИЛАРИМИЗГА САЛОМ

Салом сизга ватандошлар, мард ҳамшаҳарлар,
Қутлуғ бўлсин ҳаммангизга улуғ фахрий ном.
Қутлуғ бўлсин доҳи ўзи топширган байроқ,
Оталардан, оналардан, дўстлардан салом.

Сиз аслда туғилгансиз шараф-шон учун,
Памир бўйлаб лочин каби учкансиз отда.
Фарғонада дар'ёдан зўр канал қазгансиз,
Зарафшоннинг олтини бор сизнинг қанотда.

Бўкун жангда қиласар экансиз ёвни яксон,
Найзангиздан учар экан душманлар боши,
Минг ваҳшийни тўғтар экан ҳар қиличингиз,
Шод бўламиз яқин келиб енгув куёши.

Баҳодирлар яшасин деб қувонади эл,
Қиз-келиnlар ботиримиз соғ бўлсин, дейди,
Саҳар туриб тилак тилар ота-оналар,
Кўкраклари орден тўла тоғ бўлсин, дейди.

Қани, шерлар, олға ҳамон, ғалаба томон!
Душманларни даҳшат блан қувинг беаёв,
Бу дун'ёга келганига бўлсин пушаймон.
Узбекистон мардини ҳам билиб қўйсин ёв!

ШАРҚДАН ФАРБГА КЕТАЕТГАН ДҮСТГА

Бор, Фарбга бор, баҳодир йигит,
 Дүстларимиз элдан ажралди,
 Ев құлида ёнди шаҳарлар.
 Қадрдонлар беватан қолди.

Сен халоскор одамсан, дүстим,
 Элимизнинг қүёшида сен
 Естуғини Гитлер құрытган
 Одамларнинг күз ёшида сен.

Қон ичидә қутирган жаллод
 Ҳар қишлоқда бир дор қурипти.
 Дорға қараб бораётган чол:
 «Тезроқ кел!» деб кутиб турипти.

Зұр жангларда ёвни тұзғитиб
 Үлганларнинг үзи йүлингда,
 Үрмөнларга, уйини ташлаб,
 Қетғанларнинг күзи йүлингда.

Номуслари хұрланған қизлар
 Зор ынғлашиб сени кутади.
 Келинларнинг күзи йүлингда,
 Тез келсин, деб зардоб ютади.

Отасидан жудо бұлғанлар
 Сени излар күчаларда зор,
 Оналари сен деб ынғлаган,
 Душманлардан тортганда озор.

Днепрнинг тошқин сувлари
Шевченконинг ёшидир букун,
Шу дар'ёга келиб чўкипти
Украинада чиқадиган кун.

Белоруснинг қонли бағрида
Бир зўр ёнғин тутаб ётипти,
Элни севган ҳарбир одамнинг
Юрагига минг ўқ ботипти.

Боргил тезроқ, баҳодир дўстим,
Кун чиқишдан кун ботишга бор:
Тунни доим қуёш қувади,
Қардошларни зулматдан қутқор.

Нафасини ёв бўғиб ётган
Кенг далалар изингга зордир.
Олучазор, мевазор боғлар
Сен бормасанг қора мозордир.

Сен бормасанг баҳор бўлмайди,
Очилмайди боғларда гуллар,
Қарағайлар барг чиқармайди,
Үрмонларга келмас булбуллар.

Украинанинг далаларида
Лола эмас, кўкаради қон,
Сен бормасанг баҳор бўлмайди,
Бу йил экин экмайди деҳқон.

Тезроқ боргил, халоскор дўстим,
Ёвларни қув, дўстларни қутқар;
Эл дилидан кетсин қайғу-ғам,
Баҳор келиб кетганидай қор.

Ёв эсидан оғгунича қув,
Қочган душман мағлуб, шармисор,
Қувган одам ғолибдир мутлақ,
Ҳам кетади кўнглидан губор.

Кечаларни бўридан арит,
Кундузларни ўғридан халос,
Ёв енгилган ҳар тепаликка
Меҳнат ва баҳт байроғини ос!

МЕНИ КУТГИЛ

(К. Симоновдан)

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил, жуда интизор,
Кутгил, ёмғир зериктирганда,
Мени кутгил, ёққанида қор,
Атрофингни ҳарорат қоплаб.
Еру күкни чанг тутганда, кут.
Бошқаларни узатган дўстлар
Кечагина унутганда, кут.
Хат келмасдан узоқ ерлардан,
Юрагингни қилганида қон,
Кутгил, сенла бирга кутганлар
Зериккандан чекканда фифон.

* * *

Мени кутгил ва мен қайтармен,
Бўлса ҳамки, рангинг за'фарон,
Еринг қайтмас, умидингни уз,
Деганларга тилама омон.
Майли, ўғлим, синглим, волидам,
Аза очсин мен йўқ туфайли.
Кутабериб сабри тугаган
Еру дўстлар, ошнолар, майли,
Лирилиққа беролмасдан тоб,
Аччиқ-аччиқ ичсинлар шароб.
Қўзларингга тўлса ҳамки, ёш
Фақат сен кут ва айла бардош.

* * *

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Улимларни қолдириб доғда.
Иши ўнгдан кепти десинлар
Кутмаганлар мени у чоғда.
Ет туюлар кутмаганларга,
Бундай ажиб толи'инг санинг.
Кута-кута мени офатдан
Омон сақлаб қолаолганинг.
Қандай омон қолганлигимни,
Ёлғиз сенга айтарман, сирдош,
Кутаолдинг мени сен фақат,
Буюк эди сендаги бардош.

НИХОЛ

Сен ўтказиб кетган ниҳол
Ўсиб бўйингдай бўлди.
Новдалари барг чиқарди,
Боши гулга кўмилди.

Боғимизда гул кўп жуда,
Жуда ҳам кўп ниҳол бор.
Лекин уни ёрим эккан,
У энг азиз ёдгор.

Қачон сени кўргим келса,
Тикиламан ўшангга,
Кўп нарсалар айтган каби
Қараб туради манга.

Саволимни тушунгандай,
Силкинади у секин,
Софинибсан бечора деб,
Энтикиб оламан тин.

«Зориқтирмай келсангчи бир
Интизор қилдинг бунча...»
Деб япроқлар тебранади
То чарчаб ухлагунча.

Қуёш чиқиб иситса ҳам
Сендурсан деб ўйлайди.
Тунда ой кезиб ўтса ҳам
Сендурсан деб ўйлайди.

Агар шамол құзғаб қолса
Титрашади, келди, деб,
Ерга қадар әгилади,
Айтганларим бүлди, деб.

Ноәб йигит, босиб ўт, деб,
Тұқилади йўлингга.
Гул барглари учишади
Тушайин деб қўлингга.

Елғизгина ниҳол эмас,
Бутун боғ изингга зор.
Интизордир сенга тамом
Олмазор, олучазор.

Ниҳол эмас, боғ ҳам эмас,
Мен сенга интизорман.
Кўзларимга суртмоқ учун
Жиндак гардингга зорман.

Мен гуллардан, боғлардан ҳам,
Софинганман ортиқроқ.
Эртароқ кел, юрак-бағрим,
Евни енгиб кел тезроқ.

СЕВГИ

Бир тутам гул тутиб боқдинг кўзимга,
Дедингким: «Эсдалик бўлсин буни ол...»
Ўзимни йўқотдим, не дединг менга?
Тутганим гулмиди ва ёким хаёл?

«Бутун ёшлигимиз жангдадир букун,
Жангда ечилоқда севги қисмати,
Жангдадир йигитлар, жангдадир қизлар.
Ҳавода учади маҳбублар хати.

Агарда қайтмасам шу мендан ёдгор»
Дединг-да кўринди кўзларингда нам.
«Агар севар, бўлсанг унутма зиндор...»
Узун киприкларнинг устида шабнам.

Менга не керакдир бу ёлғиз қолиш,
Сенсиз ололмасман асло мен нафас,
Улимдан оғирдур сендан ажралиш,
Торгина қалбимга кенг дун'ё қафас.

Орқангдан қолмасдан жўнадим жангга
Қўзи кетган каби қўйнинг изидан,
Гўё қуёш ойни кузатганидай,
Ут бўлиб орқангдан кезмакдаман ман.

Сен оташ ичиди урасан жавлон,
Душман қолмасин деб севган элимда.
Мен ҳам қасос олиб тўкмакдаман қон,
Элим ва ёримнинг номи дилимда.

Мен ёвни қираман жангда беомон.
Сени алтараман бир нафас тиямай.
Бир құлда қиличим, бир құлда қурол,
Севгучи қалбимда нола қилар най.

Сенга юборганим оташин бұса,
Енгил шаббодадек учар ұавода,
Жанг бүлган жойлардан лабингни излар
Ва ба'зан дарбадар кезар самода.

Балки учрашмасмиз биз энди мангу,
Бұсамиз ҳам қолар балки саргардон,
Лекин севиішгәнлар қайтмас үлимдан.
Лекин мангу қолар иккى томчи қон.

Дун'ёда албатта бир үлмоқ борку!
Хеч ажаб әмасдир үлсак жанг аро.
Ев блан курашда оқса қонимиз,
Бұлмай эл олдидә юзимиз қаро.

Үлимдан қүрқмаган әрлар қонидан
Жуда табаррукдир қизарса тупроқ.
Уша қон дүстларнинг ёритиб юзин,
Зафар йўлларини қилса ойдинроқ.

Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз,
Фалаба тўйида бўлармиз биз ҳам;
Азиз дўстлар блан учрашиб, хандон
Қадрдон элларга қўярмиз қадам:

Гўзал Украина далаларида
Яна аввалгидай табиат гуллар,
Буюк Русиянинг ўрмонларида
Бизларни ёд этиб сайрап булбуллар.

Буғдој бошогидай кўкка интилиб
Мен шунда тупроқдан кўтарарман бош.

Сенинг қонларингдан ўсар қизил гул,
Еқутта айланар сойлардаги тош.

Дун'ёни ёритар бизнинг севгимиз.
Иккимиз ҳеч қачон ўлмасмиз асло.
Еру-дўстларимиз, севган элимиз,
Биздан ризо бўлиб топар тасалло.

ЯҚИНЛИК

Йигит урушга кетди,
Орқасида ёр қолди,
Юраги ўт ичида,
Кўзлари хуммор қолди.

Булбул кетди, гул қолди,
Ўргага тушди ҳижрон,
Йигит ҳам соғинади,
Ёр бағри лоладек қон.

Кунлар ўтади секин,
Йигит кетади узоқ...
Лекин ёрга туюлар,
Аввалгидан яқинроқ.

Ёр фақат хат ёзади,
«Тушимда кўраман» деб,
Йигит ёзар: «сен учун
Жонни ҳам бераман» деб.

Йигит дер: «сен учун ҳам
Евга отар ўқим бор»—
Ёр унинг келишига,
Боғини қилар гулзор.

«Мен жангда»— дейди йигит.—
«Сен менинг ёнимда сен».
Унга жавоб ёзар ёр:
«Сен менинг жонимда сен».

Каптарлар олиб учар,
Икки томон хатини,
Гүё қўшгандек бўлиб,
Икки ёр тоқатини.

НИГИТ

Күкда парвоз этса лочин, ерга киргай зөвлар,
 Кишнаган от ўтса чўлдан қўзғолур тупроғлар,
 Қонга тўлгай жангга ботир кирса сўлу соғлар,
 Сол қилич ёв бошига, қирғинга келди чоғлар.

Бағримизни қилди қон, ёвдан жаҳонни пок эт,
 Эл чекар доду фифон, ёвдан жаҳонни пок эт,
 Шер юрак эй қаҳрамон, ёвдан жаҳонни пок эт,
 Зоф агар қолса тирик олам танин тирноғлар.

Ёвни учратган замон сен эсидан кетгунча ур,
 Ҳам жаҳаннам комига ул беомон етгунча ур,
 Етти пушти бу жаҳондан мангалик кетгунча ур,
 Қилмасанг шундай агар, кетмас кўнгилдан доғлар.

Сен томирлар ичра қон ҳам жонимизга жонсай,
 Қилмасанг ҳам уйнимизга энг азиз меҳмонсан,
 Ҳам ватанга, ҳам элинга, доҳингга қурбонсан,
 Сен омон келган кунинг ерга эгилгай тоғлар.

Ёвни енгу эртароқ кел, хўп соғиндик ўзимиз,
 Қалбимизда мунтазирдир энг муқаддас сўзимиз,
 Кеча-кундуз интизормиз, йўлларингда кўзимиз,
 Сенга зордир гул, чаманлар, бўстонлар, боғлар.

1943 - 1944

ЖОМ

Совет Армиясининг жангч исига

Елга олиб аждодларнинг энг муқаддас номини,
Ўзбекистон сенга тутди бу муҳаббат жомини;
Сталиннинг номи блан сен буни ол қўлингга
Ва лиммо-лим қилиб тўлдир ғалаба шаробини.

ШИНЕЛЬ

Ранггинг тупроққа ўхшар,
Сен ўхтайсан кигизга,
Бормасдим сени кийиб,
Ерим бўлажак қизга.

Марғилонда тўқилган
Йўл-йўл шоҳи бекасам.
Минг марта яхши эди
Ичмаганимда қасам.

Лекин сени устимга
Катта бир ғам кийгизди,
Синглим, қариндошларим,
Отам, онам кийгизди.

Сени кийгач йўл олдим
Конли жанг бўлган ёққа,
Тушдим ёшлигим ўтган
Дар'ёлардан йироққа.

Канал қазган қўлларга
Автомат милтиқ олдим,
Кириб янги йўлларга
Ўзимни ўтга солдим.

Таққаним белбог эмас,
Қаттиқ камар белимда,
Ерим тиккан қийиқча
Қолаберди йўлимда.

Кигиз кийим, сени мен
Ёримга алиштирдим,
Йўлимга қараб қолган
Зоримга алиштирдим.

Тошга бош қўйганимда,
Ястиқ каби туюлдинг,
Ботқоқда ётганимда
Гўё тўшакдек бўлдинг.

Урганиб қолдим сенга,
Еқиб қолдинг танимга,
Пушаймон бўлдим ҳатто,
Кечикиб кийганимга.

Шунингчун бир нафас ҳам,
Сени асло ечмайман,
Доимий йўлдошимсан,
Сендан асло кечмайман.

Агар урушда ўлмай,
Үйимга қайтсам омон,—
Барибир, сени ташлаб
Хўрламайман ҳетқачон.

Уйимнинг энг тўрига
Осаман қилиб ёдгор,
Шоҳи тўн кийганда ҳам
Қарайман такрор-такрор.

Агар улғайса ўғлим,
Кийгизаман унга ҳам,
Тушмасин деб қайталан,
Элимнинг бошига ғам!



ҲАМИД ОЛИМЖОН
Фото — 1941

РУСИЯ

Русия, Русия, азамат ўлка!
 Эй, осмон сингари бепоён ватан!
 Тұлдирған чөгда ҳам жақонни нурға
 Қуёш құчаолмас сени даф'атан.

Шамолдан тез учған поездлар ҳам то
 Шимолга етгүнча кетади ҳолдан,
 Қиша ҳам жанубға етолмас ҳатто,
 Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан.

Қаноти толиқмас лочинларинг ҳам,
 Неча бор қўнарлар сенда учғанда;
 Гўёки бир ёниб яна ўчған шам —
 Сени қучолмайди яшин кўчганда.

Узун дар'ёлар ҳам камар бўлолмас,
 Қўшилиб чулғанса сенинг белингга.
 Дун'ёда ҳечбир ҳалқ тўғри келолмас,
 Менинг билишимча, сенинг элингга.

Бало-офатларни енгиб ўрганганды.
 Мұхаббатнинг улуғ, юрагинг кенгдир.
 Сен қардош элларга энг монанд ватан:
 Унда уруғлар ҳам ҳалқларга тенгдир.

Невский ухлаган буюк бешикда
 Үйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас.
 Пушкин пайдо бўлган ҳарбири эшикда,
 Навоий шарафи яшар муқаддас.

Күрганда бўлганман чуқур сукутда
Ленин яшаб турган пичан ўтовни;
Пўлат қиличингни кўрганман ўтда,
Сталин Москвадан қувганда ёвни.

Қаҳратон қишингда, баланд осмонда
Учиб бораётган қуш ҳам музлайди;
Жасур ўғилларинг қор ва бўронда
Жаҳон тақдирига нажот излайди.

Сенинг кўз илғамас майдонларингда
Жаҳанинам қўрқажак жангларни кўрдим,
Бир карра ёв ўтган ўрмонларингда
Кўмидан ҳам қаро тонгларни кўрдим.

Меҳринг қаршисида муздир офтоб,
Лекин офтобингда қорлар эрийди,
Муқаддас қаҳринингга беролмасдан тоб,
Тупроғинг остида фашист чирийди.

Оғир қурол блан солган овозанг
Ларзага келтирап арзу самони,
Сен дар'ё бўйида олиб борган жанг
Тамом ўзгартирап оби-ҳавони.

Ингитлар сен учун жангга кирганда.
Ботирлар осмонда берганида жон,
Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,
Сенинг енгишингга келтирдим имон.

Русия, Русия, менинг ватаним,
Мен сенинг ўғлингман эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улғайди таним.
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

ҚАМОЛ ҚИЛИНГАН ШАҲАР ТЕПАСИДАГИ ОЙ

Гўзал ой, сенга бир гап
Демакка кўп ҳайронман.
Бемаҳал тўлганингдан
Тоза ҳам пушаймонман.

Бурун сени кўрганда
Очиларди баҳримиз,
Энди кўринақолсанг
Кўзғолади қаҳримиз.

Чунки, биз шаҳримиздан
Чироғни ўчиригандиз,
Уйимизни ҳатто ер
Остига кўчиригандиз.

Безовтадир элимиз,
Юртимизга кирган ёв,
Шубҳа қиласиз, дарҳол,
Бемаҳал юрса бирор.

Шаҳримизни ёрниб
Қилганда ёвга ошкор,
Кўзимизга гўёки
Бўласан сиртмоғу дор.

Кумушдай нурларингдан
Тўкилар қора хатлар,
Шу замон тепамизда
Учабошлар калхэтлар.

Еввойи ёв қутуриб
Қилар уйларни вайрон,
Улим ёғдирар тинмай,
Бағримизни қилиб қон.

Шунинг учун ҳозирча
Бўлмаганинг яхшироқ.
Шаҳримиз тепасида
Тўлмаганинг яхшироқ.

Ўйин, кулги бизда йўқ,
Юракка дард ютганмиз,
Бошимизга ғам тушиб
Шодликни унугланмиз.

Бир нафас ҳам ором йўқ
Ҳаттоки, қурту қушда,
Қизлар эрга чиқмайди;
Эрлар бўлак ташвишда.

Бир чоғлар тепамизда
Сен бўлганингда пайдо,
Боғларга чиқар эдик
Бўлгали сенга шайдо.

Еримизнинг юзини,
Биз сенга ўхшатардик,
Саҳаргача тикилиб,
Сув бўйида ётардик.

Сендан бошлар эдилар
Қизлар эртак айтганда,
Қарар эдилар сенга
Ер узоқдан қайтганда.

Уша кунларни қумсаб,
Ухламаймиз тунлари,

Шириң әртакқа ўхшар
Ұша күнларнинг бари.

Ұша күнлар келади,
Ұша күнлар күп яқин:
Әртаги тонг күринар
Бугунги тонгдан ёрқин.

Ана ўша күнгача,
Тишингни қўй тишингга,
Шунда юзминг қиз блан
Хабар қиласиз сенга.

Унда бутун дун'ёни
Нурга кўмсанг майлига,
Ҳатто кундуз куни ҳам
Кезиб юрсанг майлига.

Унда нуринг тегматан
Бирорта ин қолса ҳам,
Қаттиқ жанжал қиласиз
Еқангдан тутиб маҳкам.

СЕН ТУГИЛГАН КУН

Букун сенинг түгилган күннің,
Букун уйнинг түлади гулга.
Нима қиласай? Мен узоқдаман,
Хаёл блан тушаман йўлга.

Унтўққизга чиқасан бугун.
Узоқдаман. Йўқ менда тоқат.
Оғир жангага кетаётib ҳам,
Елғиз сени ўйлайман, фақат.

Сенга томон толпиниб қалбим
Бир қуш бўлиб учар ҳавога:
Мен кетидан қарайман ҳайрон
Икки кўзим тўниб самога.

Эшикка чиқ шу соат сен ҳам,
Мени эслаб осмонга бир боқ:
Юлдуз тўла кўкка бир қара,
Ҳавога сол бир нафас қулоқ.

Ётогингга қўна олмасдан
Парвонадир бир қуш бошингда:
Чарх уради кўкда у танҳо,
Нималардир сўзлар қошингда.

Қутлаш учун келганлар, майли,
Орзуларин айтиб бўлсинлар,
Ҳамма сенга тилак тиласин,
Шароб ичиб маст бўлсин улар.

Шундан сүнгра сен қадаң ушлаб,
Хұммор күзла боққыл самога,
Тингла, қүшнінг әзгу орзусин,
Қулоқ бергін, майин навога.

Қүш дейдіки: «Әй тұлишган қызы,
Жанғда юрган өрнігдан салом.
Сенинг учун урушга кетган
Номусингдан, орнігдан салом».

Қүш дейдіки: «Ешиңг ҳечқаочи
Үн тұққыздан ошмасин асло,
Йигит сени жуда соғынған,
Ерим — дейди — шошмасин асло.

Ұнтаққыздан ошмай тур, гүзал,
Йигит сендан шуни сұрайди.
Йигит сени меҳр, садоқат
Ва ишқ гули блан ұрайди.

У келади, албат қошингга,
Әлга шодлик олиб келади,
Әлга шодлик, омонлик ва баҳт
Олиб, довруғ солиб келади.

Сени тиінмай эслайди өрніг,
У доимо содиқдир сенға,
Ұнтаққыздан ошмай кутиб тур,
У лойиқдир муҳаббатингга».

«Шошилма» деб қүш сұзлар яна,
Парвонадир қошингда ҳамон:
«Қызға бундан яхши фасл йўқ,
Ұнтаққыздан ошма ҳечқаочон!»

Етогингга қайтасан сен маст,
Күрган каби гүёки бир туш.
Менинг қалбим бўлиб кўринар
Сенға шунча сұзлар айтгап қүш.

ФАЗАЛ

На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра ҳол бўлсам,
Лабинг япроғидин томган-ки, гўё қатра бол бўлсам.
Бутоғингга қўниб булбул каби хониш қилиб тунлар,
Упиб фунчангти очмоқлиққа тонг чоғи шамол бўлсам.
Бўйингни тарқатиб оламни қилсан маству мустағриқ,
Узимнинг сан'атимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.
Сенинг бирла қолиб бу маству-лол оламда мен ёлғиз,
Узимни ҳам тополмай, майлига, охир хаёл бўлсам.
Агар боғингда гул бўлмоқ менинг-чун нораво бўлса,
Қиминг бор розиман қасрингга ҳаттоким, дувол бўлсам.
Бошим ҳеч чиқмаса, майли, маломат бирла бўхтондин,
Рақиблар рашикига кўкрак керай, майли, қамол бўлсам.
Кезиб саҳрою водилар етишсам бир висолингга
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли, увол бўлсам.

ИНТИЗОРЛИК

(Жангчига)

Иўлларингга интизор
Ранглари за'фаронлар,
Ёвнинг асоратида
Хор бўлган бағри қонлар.

Ерда ётган дон бунча
Кутмайди баҳорни ҳам.
Ҳечким бунчалик кутмас,
Энг суюкли ёрни ҳам.

Ота-она интизор
Соф-омон келишингга,
Интизор бутун ватан,
Душманни енгишингга.

Сен енгмасанг бир умр,
Дар'ёларда оқар қон.
Сенга ва фақат сенга
Интизор бутун жаҳон.

УЧРАШУВ

Изингни ўпади соғинган ерлар,
Меҳру вафо блан қарайди сенга.
Йўлингга чиқади Барчин келинлар,
Қадим достонларни солиб эсингга.

Сочлари оқарган, тугаган бардош,
Йўлингга чиқади ранги за'фарон.
Бошини силайсан кўзларингда ёш,
Ҳали қуриласдан чаккангдаги қон.

Фашистнинг бағрини тешган найзангни
Бирма-бир суртарлар ўз кўзларига,
Орёл шаҳри учун сен қилган жангни
Йилларча сўзларлар ёшу қарига.

Изингни ўпади соғинган ерлар,
Меҳру вафо блан қарайди сенга.
Йўлингга чиқади Барчин келинлар,
Қадим достонларни солиб эсингга.

УКРАИННИ ҮИЛАГАНДА

(Павло Тичинадан)

Теразамда қават-қават муз,
Осмонда ой сузади сокин.
Оғир, жимжит чўкиб ётар тун,
Үйқу келмас. Вокзалда-ёлғиз

Паровозлар солади шовқин.
Ухлалмасдан қўзғолдим, нега?
Е бомбалар портламоқчими?
Снарядлар дод солмоқчими?

Муз қоплаган теразаларга
Осколкалар ёғилмоқчими?
Ҳеч нарса йўқ. Ва сайёralар
Орасида учмоқда ер ҳам,

О, ватаним! Ичаман қасам,
Қамиш қомат хонимлар қадар
Бежонмассан, менинг волидам.
Налар кечди онанинг ҳоли?

Налар бордир пешонасида?
Йўқ, йиги йўқ ўғил сасида,
Дуо қилмас гўдак мисоли,
Ёнмоқдадир ғам найзасида.

Украина, оҳ Украина!
Бу тунларда сен ўзинг бедор.
Узинг ғамли, сен ўзинг бемор.
Қора тунда, чақмоқ ўтида
Янграб ёвга тикмоқдасан дор.

Бутун фикрим — хаёлим сенда.
Украина! Эй әрк қүёши!
Оғингінде үғлингнің боши,
Жароҳатинг азоби мәдә,
Бошимдадир қайғунинг тоши.

Ахир нега чекмайия газеб?
Тупропингда туғилған бұлсам,
Эмған бұлсам сутингчи мен ҳәм,
Нега бермай азобингга тоб?

Бұлған бұлсанғ жонимга малҳам?
Мен ўзимни тутиб олғанда,
Аста-секин чиқариб овоз,
Күйчинг бўлиб чолганимда соз,

Ишқинг бирдан ўтга солғанда,
Мажнун бўлиб айтған бұлсам роз?
Мен ўйлайман Украинамни,
Ўз уйим деб қилганим йўқ ғам,

Қайғиртирмас кичкина кулбам.
Днепрни, бутун халқимни,
Авлодимни ўйлайман ҳардам.
Хафа бўлма, додимга броқ,

Оғриғанда онанинг жони,
Чиқмайдими бола фифони?
Сенсиз унга ўлган яхшироқ
Ва лозимдир тўкилса қони.
Жим... секинроқ... мени хаёллар

Олиб кетди сенга, онажон.
Ухлалмайман... жимжит ҳар томон.
Фақат тинмай солмоқдадир жар
Паровозлар вокзалда ҳамон.

Қурол ташир улар бетиним,
Танк, замбарак менинг әлимга,
Күч ортдириб менинг белимга.
Мен уларни кузатаман жим,
Далда бериб ғамгин дилимга.

Сен ёвларнинг бошини учир,
Эй жонажон даҳшатли қурол,
Одамхўрлар элидан ўч ол,
Жаҳаннамга жонини кўчир.
Ҳаммасига қиёмат кун сол!

Гўдакларнинг недур гуноҳи?
Она, унга нима қилдинг сан?
Сийнасига юлдуз тилинган,
Бокира, пок қизларнинг оҳи
Унга охир бячмасми кафанд?

Ана шўрлик бир бола бежон,
Яп-ялонғоч ётипти қорда.
Она блан отаси дорда.
Бу ваҳшийлик бўлган ҳукмрон
Қай замонда, қайси днёрда?

Сен ҳам тутдинг ёвнинг бўғзидан.
Жонини ол, бўғабер маҳкам.
Гўрга кирсин қонхўр, муттаҳам.
То тиз чўкиб ялинмас экан,
Ҳеч нарсадан қайтмагил сен ҳам!

Кўнглим шунда топар тасалло...
Осмонда ой сузади сокин.
Оғир, жимжит чўкиб ётар тун...
Кўзларимда уйқу йўқ асло...
Паровозлар солмоқда шовқун.

ШАРҚҚА КЕТГАНДА

(«Эвакуация» сериясидан)

Енғинлар ичидан чиқарди одам,
Бомба ташлар эди фашист бесүроқ.
Гүёки бу дун'ё бўлмиш жаҳаннам,
Кўзларда оташу бошларда тупроқ.

«Қўшнилик расмини бузардинг доим,
Шунингчун кўнглимиз эди кўп ғашда.
Сенингла дўст бўлиб вафо кўрди ким...
Яхшидир ўлмоқлик сенла курашда».

Хотинлар, эркаклар ғамли, асабий;
Чуваб чиқар эди отлиқ, пиёда.
Уяси бузилган чумоли каби
Чуваб чиқар эди сўнги йўқ пода.

«Сен блан ҳаттоказ бир гўрда ётмөқ
Улуғ жиноятдир одамизодга.
Сенда ҳеч ҳаёй йўқ. Сен блан иноқ
Бўлмоқчи бўлгнлар қолди уятга».

Чуваб келар эди очу ярадор,
Гиламдек тўшалар йўллар узра қон.
Келар агрономлар, дәҳқонлар ночор
Қилиб ўзи эккан экинни пайҳон.

Ҳалқумлар қуриган, гангиган бошлар,
Бир қадам тупроқ ҳам эди кўп талаш.
Чуваб келар эди қарилар, ёшлар...
Одам ва ҳайвонлар аппа-аралаш.

Тупроққа беланган, дийдалар нолон,
Еру осмонни ажратар аранг,
Қүёшни беркитаоларди тұзон,
Хатто дар'елардан чиқар эди чанг.

Бошларда сочлар ҳам оғир сезилар,
Малол келар эди бир қават күйлак.
Оғир сезиларди күзга киприклар,
Худди йұлни тұсган қалин ўрмондак.

Биروف боласини йўқотиб шайдо,
Биروف жудо бўлган қариндошлардан.
Юзларча деңгизлар бўларди пайдо
Ота-сналардан оққан ёшлардан.

Бола онасини топаолмасдан
Кўрар одам тўла дун'ёни холий,
Она ҳам чирқирап эди тинмасдан
Инга илон кирган чумчук мисоли.

Чуваб келар эди сонсиз-саноқсиз,
Ҳечким билмас эди қайга борарин,
Ажабо, шунчалик бола, хотин-қиз,
Шунча сарсон бўлиб топарми бир ин?

Иўл босар эдилар чарчаб, толиқиб,
Барчанинг кўзида жиққа-жиққа ёш.
Куннинг қизигида осмонга чиқиб
Уларнинг ҳолига йигларди қуёш.

Шарқдан Фарбга эмас, Фарбдан Шарқ томон
Оқиб келар эди поёни йўқ сел.
Сел эмас, оқарди дар'е дар'е қон,
Қон эмас, қон бўлган неча-неча эл.

Қадрдон далалар дея «қаёққа?»
Савол сўрар эди ёшу қаридан:
Тупроқ ёпишарди яланг оёққа,
Экнилар тутарди этакларидаи.

Олдиндан қўзғолган қудратли шамол,
Тинмай тўсар эди уларнинг йўлин:
«Қаёққа борасан, шу тупроқда қол!»
Дея тутар эди уларнинг қўлин.

Туғишиган дар'ёлар, ошно ўрмонлар
Йиғлаб сўрар эди «айтинг, қаёққа?»
Жавоб айтишликини билмасди улар
«Кетамиз кўз кўрган, бош оққан ёққа!»

«Барибир биз энди қайга борсак ҳам,
Бир бурчак топилар секин ўлгани;
Ва лекин гўдаклар кўзига бир дам
Фашист кўринмаса бизга бўлгани».

«Майли қарамаса ҳечким уларга,
Зориқтиреца ҳамки ярим парча һоп.
Малол келса ҳамки уй эгасига
Бирдан босиб келган шунчалик меҳмон».

«Бўламиз ҳарқандай хўрлиққа рози,
Ҳарқандай офатга берамиз бардош.
Мос келар ҳарқандай тошу торози,
Ва лекин фашистга эгмаймиз ҳеч бош».

«Наҳотки, йўқ бўлиб кетса шунча қон,
Фашист ҳоким бўлса бизларга, наҳот?
Ҳечқачон, ҳечқачон, ҳечқачон!
Қуёшни енголмас қора зулмот!»



21 Ҳ. Олимжон



А. А. ФАДЕЕВ ва
ҲАМИД ОЛИМЖОН
Фото — 1941

С О С О¹.

1937

1

Она ўз ўғлини севади фақат,
Фақат севадио эртак айтади.
Ота юрагида аламлар қат-қат,
Эрта кетадио кечин қайтади.

Ясантироқчиидир Сосони, лекин,
Эртага етмайди бугун топгани.
Она касб этмишдир мұхтожлик мулкін,
Бугун адo бұлар кеча ёпгани.
Она бечоранинг ёлғиз меҳри бор.
Кечалар баҳт тилар, тилар узун күн,
Вояга етсин деб ёнар, интизор,
Дун'ёни севгига тұлдирса мумкин.
Тилаклар тилайди, армонлари мұл,
Лекин дуосини ким қилас қабул?
Асрлар қайғуси она сасида,
Не бордир Сосонинг пешонасида
Асло билолмайди,... Хира нигоҳи
Шунда чүзилади тоғлиқлар сари,
Гүёки күкдаги оппоқ, мангу қор
Ва'да этган бўлади баҳор.

¹ Сосо — Иосифнинг әркалаб айтилгани. Ешликда ўртоқ
Сталинни революцион ишчилар Сосо деб ҳам атар әдилар.

2

Нақадар бахтлидир она бечора!
Наҳотки шу ўғил, шу жигар пора,
Шу бир эт парчаси, шу бир қошиқ қон,
Шу чумчуқдай юрак, шу кичкина жон
Ўзига жаҳонни сиғдирап бир кун?
Жаҳондан жаҳонлар туғдирап бир кун?
Наҳотки асрлар, йилларча жафо
Чеккан одамларга шу этар вафо?
Наҳотки дун'ёни қуршаб олган тун
Унинг қўлларида топажак якун?
Ва ма'сум онанинг куни тўлганда,
Бахтиёр бир кунда у, туғулганда,
Сўнгизис хақирлиқлар, кулфат, азоб, ғам
Денгизига чўккан у ғарид олам
Турмадими экан ўрнидан тикка?
Жаҳон бахти бўлган шу буюк одам
Қандай сиғди экан тор бир бешикка?
Ҳали яланг оёқ ўйнаб юрганда,
Кўз очиб дун'ёни янги кўрганда,
Уни кутармиди чигал тугунлар?
Она деб айтишни билмаган кунлар
Унинг юрагида нелар бор экан?
Ма'сум юрагига нелар ёр экан?
Юксак тоғлардаги оппоқ, мангуд қор
Сўйлаб берармиди элларнинг зорин,
Олдида бўронлар дард этиб изҳор
Титиб кўрсатарми қуллар мозорин.
Тоғлар, водиларда гўзал Гуржистон,
Уқиб берармиди бир ғамли достон?

3

Жафо дийдаларга бўлиб қайғудош,
Сосо узоқларга олиб кетди бош.

4

Она кўз тутади, ютади қайғу,
Она кўзларига жаҳон қоронғу,

Сосодан дарак йўқ, қайдадур ўғил,
Қайси эллардадир, қайлардадир ул?
Қайга ғойиб бўлди суюнган тоғи,
Қайга ғойиб бўлди ёнган чироғи?
Муқаддас иштиёқ блан шу муштоқ,
Тоқати тоқ бўлган шу соchlари оқ,
Ожиз кўзларига қуюлмасдан тун
Жигар порасини кўрарми бир кун?
Соко узоқларга олиб кетди бош,
Соко баҳт бергучи, Сосодир қўёш.
Сосони излайди ҳамма ёқда тун,
Сосони қувлайди қамоқ ва сургун.
Она кўзларига тунлар чўқади,
Она ўртанади, ёшлар тўқади.
Ҳаммани билади она бечора,
Ожиз юраклари пора ва пора.
Фироқ оташиди куяди жони,
Куяди жаҳони ва хону мони,
Йўлга қарайдию... фақат англайди:
Сососи ҳозирча келаолмайди...

5

Она армонлари кетмади увол,
Она тилаклари бўлмади поймол.
Она чеккан озор, она қилган зор
Ҳақир бир дун'ёда бошлади баҳор.
Фақир юракларда барг отди кўклам,
Аччиқ ёшларлаги ғазаб ва алам
Дун'ёни ботирди ўз тўфонига,
Зулм аҳли қоришди қора қонига.
Ватанинн улғайтди салмоқли йиллар,
Баҳт олиб юксалди миллатлар, эллар,
Она миясида яшнади чақин,
Она юрагига кун келди яқин:
Чуқур бир муҳаббат, меҳр сасида
Соко пайдо бўлди остонасида.

Она ҳеч ўртамма, она бўлма лол,
Инглаб боққанларинг этилди ҳалол.
Ешликдан фироққа ташлаган ўғил,
Фироқда бағрингни ёшлаган ўғил
Ҳақир инсонларга баҳт бериб келди.
Эзилган жонларга баҳт бериб келди.—
Бағрига босаркан жаҳондай жонни,
У тамом унуди бутун жаҳонни.
Шу жаҳон олдида жон берса агар,
Она севинарди беҳисоб йиллар.
Қанча ўйлари бор кекса бошида,
Буюк тоғ тургандай, лекин қошида
Бир ҳаё босдию, тамом бўлди лол,
Шундай қизиқ кечди энг баҳтли бир ҳол.
Юраги ўйнайди, титрайди лаби,
Улуғ бир дар'ёга тикилган каби,
Унга боққанида кўзлари тинар,
Ўзининг ўғлидан сўзга тортинар.
Она ўзида ўйқ, тўнади ма'сум.
Сосонинг юзида юмшоқ табассум,
Тўхтамай кулади, ғамхўр, меҳрибон,
Ениқ кўзларида жувон бир жаҳон.
Онаси олдида, лекин у бир-бир,
Сўзлаб ўлтирмади қилганларини,
Зотан онаси ҳам энди кўпдандир
Яхши билар эди бунинг барини.
Она билардики, энди ҳар наҳор
Бутун Ватан бўйлаб тўлишар баҳор.
Сосонинг ишига бир далил бўстон —
Она кўзларида гўзал Гуржистон.
Шунингчун шод эди, шунингчун мағрур,
Шунингчун ёнарди кўзларида нур.
У силаб онанинг қор соchlарини
Ипларча баҳтиёр ҳаёт баҳш этди.
Сўнгра хайрлашди ва ўша куни
Адо этмоқ учун ўз бурчларини
Пойтахтга қараб, у жўнаб кетди.

БАШАР ҚУЕШИГА

И. В. Сталинга

1937

Мөн бир қора тунда туғилдим,
Туғилдиму шу он бүғилдим.
Мен туғилиб күз очган дун'ё
Хароб эди, бузгун бенаво;
Вайронада изилларди ел,
Менга қондош, жондош бұлған эл
Гадо эди, қашшоқ эди, хор,
Қалби тұла нафрат, алам, зор.
Үмрида ҳеч шодликнинг сасин
Тинглалмаган, баҳт остонасин
Одам бўлиб асло кўрмаган.
Севинч блан ошно бўлмаган
Ўлкада тун кўтарди умр —
Гўшаларга тушмас эди нур.
Мамлакатнинг тожин кийган хон
Шу ондаёқ бўларди ҳайвон.

Эрк деганлар кўтарди зулим,
Баҳт излаган топарди ўлим.
Ҳарбир қонун ва ҳарбир асос
Замирида ётарди қасос.
Ҳар томонда фитна, интиқом,
Қаҳрамонлар кетарди беном.
Бешик-бешик бўлиб тўлқинлар,
Тун устига чўкарди тунлар.
Эл яшарди парча нонга зор,
Бутун ўлка улуғ бир мозор.

Мева бўлмас қуруқ дараҳтдан,
Нишон бўлмас мозорда баҳтдан.
Гар чиқмаса толи' қуёши,
Силанмаса ғам чеккан боши,
Эл қутилмас ўлим, қазодан,
Куни чиқмас мотам, азодан.
Ҳаёт топса севинч деган от
Гулга тўлур бутун коинот.
Осмон бўйи тоғда эрир қор,
Қанотини урганда шунқор.
Қўқда парвоз этганда лочин
Жаҳон ёзур унга қулочин.

Инсонликка бўлиб бир қуёш,
Суюклими, сен кўтардинг бош!
Асрларча инграган жаҳон,
Ахир келиб сенда топди жон.
Гадоларга сен бердинг ҳаёт,
Номсизларга ўзинг қўйдинг от.
Сен кўрсатдинг ёруғ дун'ёни,
Бутун бўлди етимлар нони,
Сен одамнинг тинглаб сўзини
Булоқларнинг очдинг кўзини.
Умр бўйи бўлган интизор
Элнинг баҳти сенда барқарор.
Сен элимнинг кўздаги нури,
Сен элимнинг топган сурори,
Сен суюнган буюк тоғимиз,
Сен бизларнинг жаннат боғимиз,
Паноҳимиз, ишончимиз сен,
Омолимиз, қувончимиз сен.
Бахтимизнинг номи сен ўзинг
Саодатга бошлар ҳар сўзинг.
Асрларнинг излагани сен,
Қалб ичида гезлагани сен.
Ерга баҳор лаби текканда,
Колхозчилар чигит экканда,
Кушлар иссиқ томон учкали,

Фарғонага қараб күчгали
Ватанини этганда канда;
Бухорода чевар Тожихон,
Бахт үйига бўлганда меҳмон,
Ғўза янги чиқарганда бош,
Сенсан уни асраран қуёш!

Сен төғларни йиққан баҳодир!
Сенинг ўзинг ҳар ишга қодир,
Сен умрлар эл ечалмаган
Саволларга жавоб бергучи;
Сен бир падар, гўдак одамни
Бахтга қараб бошлиб юргучи.
Бутун олам сенинг қўлингда.
Бутун олам сенинг йўлингда.
Қутбларда айтилур отинг.
Осмонларда сенинг қанотинг.
Номинг блан чайқалур кўллар,
Номинг блан гул бўлур чўллар.
Номинг блан йўқолур зулим.
Номинг блан йўқолур ўлим.
Елғиз бахтни ўрганиб башар,
Саодатда доимо яшар.
Сен тарихнинг томирида қон,
Сен оламнинг танидаги жон,
Толиимиз, истиқболимиз,
Жон қушимиз ва омолимиз,
Суюклимиз, бўл доим омон.

1924-нчи ЙИЛНИНГ 21-нчя
ЯНВАРИДА САМАРҚАНД
1938

Самарқандда ўлмаган-ку ул?..

Хотиримдан чиқмас ўша кун,
Хаёлимда жонланар бутун...

Қорда эди бутун бир жаҳон,
Ётар эди лайлак қор ёғиб.
Бошларида булат ва осмон,
Туар эди минорлар оғиб.
Ҳоким эди ер ва кўкда қор.
Қорда эди мадраса, минор,
Қорда эди новда ниҳоллар,
Қорда эди майдонга қараб
Чопа-чопа келучи чоллар.
Қишлоқлардан боғлар оралаб
Келучилар усти қор эди.
Ҳали чиммат ичра моралаб
Елучилар усти қор эди.

Зўр ҳаяжон юртнинг баридаги
Бир қайғу бор ёшу қарида.
Одам кимни йўқотди экан?
Кимга экан бу оғир мотам?
Ким бағрига ўқ отди экан?
Қайдан келди бунча буюк ғам?
Одамизод қайғирар кимга?
Бу азанинг қаҳрамони ким?
Келганмиди дардларга эмга?

Вафот этган қайси бир ҳаким?
Одам блан зўр майдон тўла:
Бунда бор-ди фаранг, амиркон,
Ўзбек, қозоқ, хитой ҳам бунда,
Бунда эди рус, афон, юнон,
Ҳаммасининг боши эгилган.
Ҳаммасига зўр мотам келган.
Ҳаммасида, ҳаммасида ғам,
Ҳаммасининг юзида мотам.

Зўр таажуб ичида бир чол,
Уз ўғлидан қиласидан савол:
Ким ҳам бўлди бу одам, ўғил?
Бутун бир юрт кимни кўмамиз?
Самарқандда ўлмаган-ку ул?
Қўрмаган-ку бизнинг халқимиз?
Нега барча дийдасида ғам?
Қўча-кўйни эл босди тоза,
Ҳатто Темур ўлганида ҳам
Бўлмагандир бундай жаноза!

Ленин ўлган. Ундай одамни
Кекса дун'ё бир кўрди, холос!
Тарих билмас бундай бир дамни,
Бундай мотам бўлмагани рост.

Кўп эскидир олам ва унда
Кўп буюклар ўтгандир, броқ,
Броқ Ленин тарих сўнгинда
Буюклардан чиқди буюкроқ.
Қўз илғамас қопқора тунда
Ўқиб чиқди олам китобин,
Ва тинглади қамоқ, сургунда
Ҳарбир очнинг қилган хитобин.
Марксдайин зўр бошни топди,
Сталиндай йўлдошни топди.
Бир жанговар элни топди ул.
Кувладилар сургунга, аммо,

Яна құзғаб янги муаммо,
Русияга қараб чопди ул.

Минг йилларни қийнаган жумбоқ
Унинг ақли блан топилди:
Чирик, қонхұр тузумнинг шучоқ
Эшиклари тақ-тақ ёпилди.
Хароб бұлған хүр бир дун'ёни
Бұронлардан олиб үтди ул,
Зулмга қарши құзғолди қони,
Бир үт ёқиб шу он этли кул.
Йұлға солди үзи бұлиб бош,
Ва одамга баҳт берди үша,
Очларга нон, кийим, усти-бош,
Ерсизларга ерни ҳамиша.

.
.

Ана үша солди бу ғамни,
Ана шуни олди — бу ұлим.
Ленин кетди, бутун оламни
Қайғыларга солди бу ұлим...
Хар қанчалик мотам унга оз,
Оlam-олам ғам ҳам унга оз...

Қайғи бордир эл қарашида,
Қайғи бордир зүр йұлбошічидан
Жудо бұлған элнинг бошида.
Денгиз каби чайқалар майдон,
Денгиз каби оғир ұансираар
Тұлқинлардай тинимсиздір жон,
Тұлқин каби юраклар урап.
Қор қуюлар тинмасдан ҳамон,
Қуюлар у күп, бениҳоя,
Бошлар узра булат ва осмон

1924-нчи йилнинг 21-нчи январида

Солмиш эди оғир бир соя,
Оғир эди қалблардаги зор,
Қуюларди бамисоли қор.

Хаёлимда жонланар бутун,
Хотиримдан чиқмай ўша кун..

ЖАНГЧИ ТУРСУН

1942

Дар'ёнинг ёқасида
Неча кундир борар жанг.
Бугун яна не қилар?
Турсуннинг боши гаранг.

Зўр жангларнинг шиддати
Килди уни ганг ва лол,
Қўрқиб қолди у, ҳатто,
Қочмоқни қилас хаёл.

Бугун унинг ротаси
Атакага киради.
Лекин жангчи Турсунга
Жон ширин кўринади.

«Улиб кетсам бўлмайди,
Қочганим яхши тезроқ...»
Жангчи Турсун қочишга
Улгуролмайди броқ.

Почтальон онасидан
Келтиради унга хат.
Рота ҳужумга тайёр,
Буйруқ кутади фақат:

Хатни секин очади,
Уни титроқ ўрайди,
Онанинг сўзларидан
Барғ каби қалтирайди.

«Үғлим, сендан хүшхабар
Келарми, деб күз тутдим.
Лекин, күп жойни ташлаб
Кетипти, деб эшиздим.

Шунда бутун танимни
Ендириб, қаҳрим келди.
«Тұхтагил!» деб ҳайқирдим,
Тилемігә заҳрим келди.

Қаёққа чекинасан?
Борми кераксиз еринг?
Не учун одам бұлдинг
Келмасаң душманга тенг?

Сенингчун бутун әлни
Оғир уят тутсінми?
Сени күрганда қуёш
Юзини беркитсінми?

Күчадан үтганингда,
Ерга қарасынми әл?
Икки күзінгга қараб
Тупроқ түзғитсінми ел?

Күзінг түшганды, Аму
Илондек тұлғонсінми?
Зарафшон уятингдан
Явтоқ каби ёнсінми?

Иигит бўлиб, дун'ёда
Шу учун юрганмидинг?
Үз юртидан чекинган
Ботирни күрганмидинг?

Халқинг учун тұккали
Иўқми бир қошиқ қонинг?

Ватаннинг тұпроғидан
Шириң эканми жонинг?

Ватандан бошдан оёқ
Қочиб үтмоқчимисан?
Үз туғилған ерингдан
Чиқиб кетмоқчимисан?

Сүңг қаёққа борасан,
Қаердан топасан жой?
Саргардон құлни ҳатто,
Топа олмагай худой!

Ет әлларда хор-сарсон
Гадой бүлмоқчимисан?
Қабр учун керак ерни
Қарзга олмоқчимисан?

Үғлим, бу оғир күнлар
Бир күн үтиб кетади,
Лекин құрқоқнинг ша'ни
Минг йилларга үтади.

Шунинг учун жангда мард
Бүлганинг яхши менга,
Қочиб тирик қолғандан
Үлганинг яхши менга.

Орқанға қарама ҳеч,
Евни бурда-бурда қил!
Агар ўқ текканда ҳам
Олдинга қараб ииқил.

Уртоқларинг устингдан,
Майли, сакраб үтсінлар.
Ев агар аждар бўлса,
Ушани ҳам ютсінлар.

Яна бир дүстингга айт,
Сенинг ённингда борсин.
Қон бўлган кўйлагингни
Олиб, менга юборсин.

Мен уни бутун элга
Фаҳр этиб кўрсатаман.
Шаҳар, қишлоқлар бўйлаб
Уни кийиб ўтаман.

Ҳамма десин: «Бу ўтган
Бир ботирнинг онаси.
Ватан учун ўлипти
Унинг ёлғиз боласи...»

Рота жангга киради,
Тұрсун бошида зўр юк.
Дун'ёла ҳеч сўз борми
Она сўзидан буюк?

Милтигини кўтариб
Боради Мажнун каби,
Она сўзларин айтиб
Пичирлаб турар лаби.

Бирдан бошланган ҳужум,
Она сўзини дейди.
Оёғи остида қум,
Она сўзини дейди.

Үқларнинг йигисидан
Учар она фар'ёди,
Бомба портлашларидан
Эшитилади доди.

Лойланиб оққан дар'ё —
Онанинг кўз ёшидай.

Бошин эгиб дарахтлар
Туар ғамгин бошидай

Она оғир ва хафа
Құринади Турсунга,
Құзини очолмайды
Боқа олмайды кунга.

У найза санчишади,
Санчиди олға томон.
Ұлим нима билмайды,
Құринмас күзига жон.

Немиснинг ўлигини
Босиб ўтиб боради.
Найзага қалпоғини
Осиб ўтиб боради.

Ҳамон чопиб боради,
Ва лекин күкраги қон,
Оғриқни ҳеч сезмайды,
Сра қилмайды фифон.

Минг еримдан тешсанг ҳам
Энди құрқмайман, дейди.
Ичган блан қонингга
Асло түймайман, дейди.

Үт ёнган күзларига
Тикилган каби ҳамон
«Тұхтама! — дейди она,—
Чоп,— дейди,— олға томон!»

Оғайнилар, ўртоқлар,
«Санч!» деганга ўхшайды.
«Тұғрингдаги фашистни
Янч!» — деганга ўхшайды.

Найза санчар маст каби,
Найзаси қипқизил қон,
Құлдаги милтиғи қон
Ва кийган кийими қон.

У, ерга йиқилади,
Үқдай учиб бораркан.
Тоғдай оғир қулайди,
Күш сингари енгил тан.

Танидан булоқ каби
Тинмай қон тирқирайди.
Тирсагига тиралиб
У атрофга қарайди.

Анча узоқ кетипти,
Фашист ҳам бўпти тамом
Уфуқ ҳам қизарипти,
Қуюлабошлапти шом.

Жангчи дўстлари энди
Дар'ёдан ўтмоқдалар.
Барчаси тўпланишиб,
Кўприкни тутмоқдалар.

У жуда хурсанд бўлиб
Тупроққа қўяди бош.
Бошлари қипқизил қон,
Гўё ботучи қўёш.

Улдими, ухладими?
Энди барибир унга.
Ўйқуси ўлим каби,
Ўлим ўхшар уйқуга

Эркаланиб ётади
У Ватан тупроғида,
Еш бола ётганидай
Онанинг қучогида.

РАКСАНАНИНГ КҮЗ ЕШЛАРИ

1944

Кичкина бир тугунчак
Раксана қўлларида,
Айланади қуюндак
Шаҳрихон йўлларида.

Кезар тинмай дарба-дар,
Ҳеч кимга айтмас аҳвол;
То шомдан тонтга қадар
Давом этади бу ҳол.

У тинмасдан қийшиқ, тор
Кўчаларга киради.
Топгандек яна озор
Чўлларга югуради.

Қўлида бир тугунчак,
Қаттиқ босган бағрига.
Сўйлагил, эй келинчак,
Бунча чопасан нега?

Гоҳ сойда, гоҳ кўчада,
Кезиб нелар қиласан?
Бу зимзиё кечада
Нималар қидирасан?

Лекин ҳечбир гап кирмас
Раксана қулогига.

Чопади, олмас нафас,
Боқмас сўлу соғига.

Қўлида бир тугунчак,
Уни яширмоқчими?
Ё бир умр қуюндақ,
Дарбадар юрмоқчими?

Уни ҳеч ким кўрмайди,
Ҳамма ундан бехабар.
Барибир тополмайди,
Излаганда ҳам агар.

* * *

Қаттиқ уйқуга қониб
Ётади тун қучоги;
Сора сачраб уйғониб
Кетади саҳар чоғи.

Оғир қисиб нафаси
Чиқади ташқарига:
Раксананинг хонаси
Очиқ ётипти, нега?!

Хонада йўқ ўзи ҳам.
Сора тамом бўлар лол,
Ҳамма сир унга мубҳам
Келтиради зўр малол.

Не воқиа ўтипти?
Бу нима гап, бу не ҳол?
Қаёққа ҳам кетипти,
Бизнинг мусофири мөҳмон?

Гангиб қолдими боши?
Шўрлик қолди қаёқда?
Йўқ-ку ҳеч қариндоши,
Юрти ҳам кўп узоқда!

Ва ёки ўртамизда
Емон бир гап ўтдими?
Еки айб кўриб бизда,
Уйни ташлаб кетдими?..

..Е соғиниб элини
Бўлдими юраги қон?
Ажабо, қайга кетди,
Бизнинг мусофири мөҳмон?

Сора бутун ҳавлини
Турғизади оёққа,
Ҳаммаси Раксанани
Чиқишар изламоққа.

* * *

Ниманидир излайди
Раксана ҳамон тинмай,
Майин-майин бўзлайди,
Кўнглида бир ғамгин най.

Ариқ, жарлардан ошиб,
Қарайди деволларга.
Юра-юра адашиб,
Суянади толларга.

У билмайди не гаплар
Ҳавлида ўтганини,
У билмайди қўшилар
Уйғаниб кетганини.

Сора кўтариб ғавғо
Чиққанини ҳам билмас.
Дун'ёда ўзни танҳо
Сезади у шу нафас.

Қўлидаги тугунчак
Унга энг зўр қадрдон.

Дүн'ё, ҳазина, чечак—
Бари бир пул шу замон.

Суяниб букилади
Дала оғочларига.
Тонг нури тұқилади
Паришон соchlарига.

Турап ҳечнарса сезмай,
Оғир қараашлари ҳам.
Тик турап ғам қушидай
Ингичка қошлари хам.

Кипригини ҳұл қилган
Шабнамми ва ёки ёш?
Жувонга нима бўлган?
Ким экан унга йўлдош?

Не алам босган уни?
Улфат бўлган қандай ғам?
Бағрига босганини
Қўра олмас қуёш ҳам.

* * *

Оҳ, Раксана, бағрингга
Нимадир ул босганинг?
Не мушкул иш бошингга
Яна ёғилди санинг?

Бу ёлғиз—танҳоликни
Топдинг қайси китобдан?
Яширасан нимани
Ҳаттоти офтобдан?

Сенинг учун шу қадар
Азиз бўлган нима у?
Нега лабларинг титрар?
Ҳамроҳинг қайси қайғу?

Наҳот одамизоддан
Уни шунча яширанг?
Кечиб бутун ҳаётдан
Тунларда якка юрсанг?

Ва сен учун наҳотки,
Бир сирдош топилмади?
Сўйлагали дардингни
Бир йўлдош топилмади?

* * *

У, атрофда бир овоз
Эшитганга ўхшайди.
Қалб ипларини бир соз
Хўп чертганга ўхшайди.

Маст каби қарайди жим,
Нотаниш қишлоқларга.
Кетиб хаёли бир зум
Анча узоқ ёқларга.

Иўлга тикилар экан
Кўзи тамом тинади,
Жондан ҳам ортиқ севган
Элинни соғинади.

У элни эслаганда
Қисилар нафаслари.
Торайган бўлиб яна
Қалбининг қафаслари.

Хонадонига бирдая
Фашист бўлганда эга,
Партизанликда қолган
Эри келар ёдига.

Ўтади кўз олдида
Қўкка чиққан тутунлар.
Қичкина Вова блан
Қишлоқдан чиққан тунлар.

Эй, онам кўмилган ер,
Нега бунча йироқсен?
Кул бўлсанг ҳам барибир
Мен туғилган тупроқсен.

Эй ўғлим туғилган эл,
Қандай қилай соғинсам?
Етармидим мен енгил
Хаёл қушидай бўлсам?

Лекин мен етолмайман,
Бошимга тог йиқилган...
Ҳеч нарса деёлмайман
Бу кеча... Вова... ўлган...

* * *

Оппоқ тонг туманида
Кимлардир изгишади.
Қўп сирлар гумонида
Баланд-пастга тушади.

Раксанани излашар —
Улар олдида Сора.
Жонсаракча сўзлашар
Қилиб минг хил ишора.

Қаерда ҳам қолди, дер
Бизнинг мусоғир меҳмон?
Ҳаммаси ҳам афсус ер,
Тополмасдан бир нишон.

Чарчамай изламоқдан,
Сора ичади қасам,
«Таом ўтмас тамоқдан
Раксанани топмасам».

* * *

Раксана кўзларини
Тикади тугунчакка.
Ёш ювиб юзларини,
Доди чиқар фалакка:

«Сени мен қандай қилиб
Тупроққа топширамен.
Сўнгра тириклай ўлиб
Қандай қилиб юрамен».

Сойнинг катта тошига
Бош уриб сувлар куйлар.
Раксананинг бошига
Келади минг хил ўйлар.

Уни босар талваса,
Яна ортади зори:
«Бу ерда қайдা бўлса
Християн мозори».

Мусулмонлар боламни
Қўярми ўз ерига.
Е тақдир, мунча мени
Улоқтирдинг сен нега?

Раксананинг лаблари
Нималардир пичирлар.
У, мозорга киради,
Қўнглида қанча сирлар.

* * *

Қаршиисига мозордан
Пешвоз чиқади бир чол,
Қошлари ҳам оқарган,
Кўкрагигача соқол.

Қўлида бир тугунчак,
Раксана турар титраб,
Тили тутилган андак,
Лайтолмайди бирон гап.

Салом,— дейди,— жон қизим;
Ерга эгилади чол.
Бир нарса сезгандай жим
Ва бермас ҳатто савол.

«Боламни ол, отажон,
Муқаддас мозорингга;
Билки, келдим, бегумон,
Паноҳ тутиб мен сенга».

Чол йиғлайди, милдираб,
Қўзидан келади ёш;
Киприкларида кўлоб,
Тугалар сабру бардош:

«Билсанг, менинг ҳам ўғлим
Қолди сенинг ерингда.
Бор менинг ҳам бир қабрим
Сенинг севган элингда.

Бу уруш кўп халқларнинг
Озорини ҳам қўшди,
Тақдирини қилди тенг,
Мозорини ҳам қўшди».

Болани икки қўллаб
Оҳиста олади чол.

Гүёки чанқаб, чұллаб
Хұп үпади бемалол.

«Бу тупроқ энди сенга
Она қизим, ёт әмас.
Украинани ҳам менга
Хечким бегона демас».

Күз ёши булоқ-булоқ
Чол нимадир үқийди.
«Е омин, энди тезроқ
Душманай үйк бўлсин» — дейди.

* * *

Бир тұда одам блан
Бўлиб тоза овора.
Мозор бошига бирдан
Етиб келади Сора.

Раксанани бу ҳолда
Қўриб қолади ҳайрон:
Зўр изтироб бор чолда,
Йиғлар мусофири мөҳмон.

Сора ўзини билмай
Раксанага ташлайди.
Ҳамма ўзин тутолмай,
Бирдан йиғлайбошлайди.

Йиғи-сигиларини
Эшитмайди ёш гўдак.
Ва юмиб лабларини,
Етади гўё чечак.

Чечак эмас у асло,
Очилмаган бир ғунча,
Уни урипти бало
Гул бўлиб очилгунча.



ҲАМИД ОЛИМЖОН фронтда
Фото — 1943

Ётади манглайи кенг,
Жон йўқ киприкларида,
Қимирлаш йўқ боланинг
Момиқ билакларида.

Ётади у беозор,
Езиб қулочларини.
Фақат шаббода зор-зор
Тараиди соchlарини.

Раксана қарайди-да
Ҳасратлари ошади.
Тонг қушлари ҳавода
Учишиб йиғлашади.

Вовани қўядилар
Улар қора тупроққа,
Сўнг яна бошлайдилар
Увуллаб йиғламоққа.

Уларининг бошларида
Учади кўп кабутар,
Раксана ёшларида
Акс этади бехатар.

О, Раксана, эй санам,
Ютдинг заҳар-заққумлар,
Осиёда бўлди нам
Ёшларингдан кўп қумлар.

Ажаб эмас безавол
Бу қумларда гул унса,
Манзил топса bemалол
Хаёт қушлари қўнса.

* * *

Коронгилиқ йўқолиб,
Тонг тамом ёйлади.

Дүн'ё нур ичра қолиб,
Қуёш блан тұлади.

Одамлар уйларига
Қайтишадилар шунда;
Ва гүёки әч нарса
Үтмагандай бу тунда.



HOMAJIA

КОМСОМОЛ КЕЛАДИ

1929

1

Күн қизиқ,
Харённи ўт босган,
Аланга юзларни ювади.
Райкомга улашган күчадан
Комсомол қўшини келади.

Бир аскар сингари кийинган,
Маҳкамлаб боғлаган белини,
Шу куннинг баҳтила севинган,
Англаган ва севган йўлини.

Ҳарбири юракли ва дадил,
Оловдан, тўфондан қайтмайди.
Ҳарбири баҳордай кулган дил,
Ваҳмага ўзини отмайди.

2

Зўр қўшин райкомни тингларкан.
Қайнайди, тўлқундай тошади.
Оловли юраклар қўшиғи,
Минорлар бўйидан ошади.

— Тинглангиз, биз темир сафлар-ла,
Уруш — жанг қўйнига кетамиз.

Еш, пұлат күчларни күрсатиб,
Шу қизил шаҳардан ўтамиз.

3

Мусиқа ўйноқи оқанғ-ла
Ел қаби шаҳарни ўйнатди.
Кенг шаҳар, денгиздек тебраниб,
Тұлқинни бағридан узатди.

Очилди казарма қучоги,
Үт танли ўғиллар, қызлар-ла,
Чұр қаби порлаган юзлар-ла,
Яшнади бу кураш ўчоги.

Биз, бекор туришни севмаймиз,
Дарвишдек паришон кезмаймиз.

Биз кучли, коллектив, йигилиб,
Үйинни, күлгини бошлаймиз.
Ҳарна бор, даврага ташлаймиз.

4

Биз энди казарма қўйнида,
Учинчи кечани кутамиз.
Иҳтимол, саҳарни яшнатиб,
Курашга жабҳага кетамиз.

5

Қўнгиллар кечадек тинчланиб,
Ёзилиб, барқ уриб ухларди.
Шу'лалар боқарди учланиб,
Кенг сарой мадорсиз, мудрарди.

Штабдан бир сигнал чалинди,
Маконни ёвларни босгандек.

Е тилак эрини осгандек
Шошилиш, бир ғавғо ўйнади.

— Түр,
Құзғол,
Ухлама!
Бу онанг эмас:

— Ухла,
Тинң әт құзим,
Роҳатлан,—
Демас.

6

Биз ҳозир күчани тұлдириб,
Самарқанд шаҳридан чиқамиз.
Үйғотиб, борлықни күлдириб,
Ленин күчасидан кечамиз,
Ердаги олтын соч ва порлоқ,
Юлдузлар нурини ичамиз.

Шаҳар ҳам у юмшоқ еллар-ла.
Танларни әркалаб құяды.
Бұлутлар бағрида ой, секин..
Хаёлли...
... ва оғир кезади.

Юлдузлар бир лахча ўт каби,
Ҳарёнла қызыл хат яратиб,
Ва ба'зан учқунлар таратиб.
Құкларда балиқдек сузарди.
Ұнг томон, тоғлар-ла гердайған,
Узоқда Зарафшон оқади.
Мавж уриб, күпіриб, күриниб,
Куёшдай ялтираб боқади.

Сүл томон: ям-яшил кийинган,
Япроқлар ўйнашиб ётади.
Уларга шаббода бир қўниб,
Сийпалаб, аллалаб кетади.

Тоғларга «қизиллар» беркинган,
Сездирмай эмаклаб шувади.
Чумоли сингари ўрмалаб,
Тоғ қизи — какликдек йўргалаб,
Ҳарбири зафарни севади.

«Душманлар» сўл-ёқни ўради,
Уларга тез олов ташлангиз.
Ўқларни дўл каби ёғдириб,
Газлардан бўронлар бошлангиз».

Сел каби тўсиққа берилмай,
«Душманлар» босишиб келади.
Қуондек довриқлачуволиб.

• • • • • • • • •
• • • • • • • • •
Кўмондон ҳайқирди шер каби:
— «Олингиз дўппини бошлардан,
Ҳой, кўкрак кўтаринг тошлардан»—
Тинмасдан ўйнарди лаблари.

7

Кишлоқнинг майдони лиқ тўлган,
Юраклар курашга тепади.
Қуёшнинг тигифда терлаган,
Танларни кўйлаклар ўпади.

— «Шу тоғлар, тошларга бош қўйиб
Англадик кўп мубҳам сирларни.
Тўлқинли достонлар, биз туйиб
Оқиздик қуёшда терларни.

Шу пўлат кучлар-ла ҳарон биз,
Еш, қизил Ватани сақлаймиз.

У ўтли қўмондон сўзлари
Қалбларга ўрнашиб қолдилар.
Курашнинг у олов юзлари,
Дилларда янги соз чалдилар.

МУСТАКИЛЛИК БИЗГА БЕРИЛГАН

1931

Гриша,
Бу ерга
Үнбир йил бурун,
Үрмөн
кесиб ўскан
Кишлоқдан келган.
Қийин бўлган турмуш,
Умр кечириш;
Қийин бўлган
Кимсасизга
Яшаш,
Кураш,
Иш.
Қийин бўлган
Кишлоқ сўрган
Бир бой қўлида,
Еш умрининг
Кирчиллама,
Бўйдоқ йилларин,
Азоб ютиб
Беҳудага,
Бўшга
кечириш.
Лаззатин
Тотмайин
Ҳаётнинг бир кун.

Сұлгуси,
келмаган
Еш бечоранинг —
Үн гулидан
бир гули
Очилмай бурун.
Үгай она бұлған
Унга кенг қишлоқ.
Зилол сувлар,
Бахмал гуллар,
Күкламғи ўтлар.
Кенг бўшлиқда
Яшай олмаган.
Кенг кўчалар,
Кўм-кўк ерлар,
Қалин ўрмонлар,
Соҳилсиз кўк,
Тоза ҳаво,
Салқин кечалар,
Мададсиз йўқсулни,
Сиқа кетганлар.
Үгай она бұлған
Унга кенг қишлоқ.
Ташлаб кетган
Овқат ахтариб.
Ташлаб кетган
Нон топайин деб.
Тарк этканлар
Үгай онани
Кўп Гриша,
Кўплаб Мишалар.
Ташлаб кетган
Нон топайин,
Уй қурайин, деб.
Ташлаб кетган
Дун'ё кўриб,
Тинч юрайин, деб.

Қолган кетда
Зумрад қишлоқнинг
Кенг қирлари,
Силлиқ сойлари.
Қолган кетда
Жингалак сочли
Ёш қызлари,
Тұлун ойлари.
Қолган кетда
Кесилмай ўрмон,
Қолган кетда
Күролмайин жон.
Қолган орқасида
Кунлар,
Кечалар,
Олиб кетган узоқларга
Поездлар уни.
Тұплаб күкрагига
Эрқаклигини:
«Кел,
Қўй энди,
Ташлаб кетаман шуни» деб.
Халтасин
Елкага қўйиб,
Чиққан қишлоғидан
Гриша туни.
Олиб кетган
«Ҳув!» деб бошини
Оқизиб кўзлардан
Ииги, ёшини.
Қолган орқасида
Кунлар, кечалар;
Қолган
Юлдузлари
Тўниб...
Ойлари
Сўлиб...

Салқын ўрмоналари
Сочини юлиб...

Юрган шаҳарларда
Гриша шунда.

Бир неча күн
Хизмат оқтарған.

Тополмаган,
Иш қиғынн бұлған.

Құчалар — тор,
Бинолар — юксак,

Трамвайлар,
Машина,

Мотор,
Қайноқ турмуш

Хафа бұлған яна,
Гриша,

«Нега келдим.
Шу шаҳарига?!

Пұловчисиз.
Хамроҳсиз, ёлғиз

Нега чиқдим.
Шу сафарига?!»

Ҳайрон бұлған,
«Қайға борсам» деб!

«Бошларимни
Қайда ёрсам» деб.

Ахир топған
Завод эшигин,

Кирган секин,
Күрқиб, тортиниб,

Қараб турған —
«Хизмат борми?» деб.

«Қонларим күп,
Күчим яхши,

Ишлайман итдай.

Үрмөнларни

Кесиб ўсдим;
Худли бургутдай».

Қабул бўлган

У кун заводга,

Бир неча ой

Эшик шипирган.

Үрганалмай завод кўйига

Қанча кунлар
Хўмрайиб юрган.

Үргатганлар

Уни ишга, заводга.

Үргатганлар

Машин бурушга,

Үргатганлар

Завод ичидা

Моторларга

Тегмай юришга.

Қийин бўлган

Ишга ўрганиш,

Машинларни

Бузиб ташлаган,

Үрганалмай

Хафа ҳам бўлиб,

Вақт бўлган-ки,

Кўз ҳам
Ешлаган.

Кечкан кунлар

Шундай кўнгилсиз;

Бир-икки йил

Шундайин ўткан.

Ба'зан қишлоқ эсига тушиб,

Үпкалари
Тўлиб ҳам кетган.

Мана,

Бу кун Гриша бошқа,

Бошқа одам бўлган;

Хатли,

Саводлы,

Үй күрган,

Ұғилли...

Хотин — ишчи...

Ұғил мактабига кетади.

Орқасидан қараб,

Изига түнгач.

Кечмишлар

Саф тортиб үтади.

Кетда қолди

У қора күнлар.

Кетда қолди

Очиб, битлиқиб...

Кетда қолди

ўлиб, сарғайиб.

Битлар

Вабо каби

Босған он.

Кетда қолди

Йүқолиб, ғойиб.

Хаста кулбалардан

Тарқалған фифон.

Илишликка

Жанда топмайин,

Яланг оёқ

Иил ва ой саин.

Сотиб томирини,

Сотиб қонини,

Сотиб соғлигини,

Сотиб жонини,

Бир парча ной учун

Юғурған түнлар

Шундай енгилдилар,

Бир-бир битдилар.

* * *

Гриша

Бу кунда

Гигант АМОнинг,

Станок бошида туради.

Шу гигант,

Азамат,

Зўр қурилишнинг

Наш'а, қизиллиги

Юзга уради.

Заводни қурғанлар ичida,

Гриша

Тинмасдан ишлаган,

Кеч демай,

Тун демай,

Чарчадим демай,

Ҳарбир винтни,

Ҳарбир моторни

Асраган,

Тишида тишлаган.

Гриша

Тузилган

Зарбдор тўданинг,

Штурм чоғида

Олдида юрган.

Кўз юммайин узоқ кечалар

Станоклар бошида турган.

* * *

Мана бу кун

Катта штурм;

Ўпирлишга

Ҳамла қиласиз.

Уят-доғи

Тушган юзларни

Катта ҳужум блан

Ювамиз.

Бир мушкул,
Тоғ каби
Босмоқда елкадан:
Эритиши цехининг
Печлари
Құйылған мұлжалда
Битмаган.

Цех учун берилған
Муқаррар план.

Ұзининг номусин
Оқлад үтмаган.

Етмаган — күч,
Етмаган — ишчи,

Ишсизлар шаҳарда
Хең топилмаган

Шундай шаҳар.
Шунча кенг жойда

Битта ҳам бүш одам бўлмаган.
Инженер оз.

Техниклар камчил,
Устоз одамларга

Муҳтожлик катта.
Бутун корхоналар

Яна бир марта

Бошдан оёқ
Бир-бир титилди.

Бутун заводларга
Ишчикуч сўраб.

Шошилинч
Мактублар битилди.

Телеграф симлари
Чарчади,

Хабар қила-қила
Ҳар ёққа.

Исиб,
Қизиб кетди телефон.

Жавоб келди

Хар ёқдан бу кун.
«Бизда йўқ ортиқча,
Бекорчи одам,
Ҳайма банд,
Иш — ҳадсиз,
Қаҳат ҳар қадам»
— Шторма!
— Ҳамла!
— Ҳамла
Упирилишга!

Ҳамма
ёрдамга!
Олдин юрди
Гриша шунда...
Уртоқларни
Ишга чақирди.
Кечалари заводда қолиб.
«Хужум!»
«Хужум!»
Дея бақирди.

Шторма,
Ҳамла,
Мусобақа!!!
Кучларни тўплашиб,
Ушлашиб бирга.
Зарборчилик
Юлдузи кулди.
Бутун завод,
Зарбдор тўдалар,
Азамат кучларни
Чўянга бўлди.
Эритиш цехининг
Темир печлари,
Пўлатларни
Ишга ташлади.
Пўлатларни
Мумдек эритиб,

Эриган чўянлар
Социализм
Олдин борди
Олдингилар
Кулди шунда
Илғорларнинг
Гриша
Сафида туриб.
Ибрат байроти,
Кўқсида юриб.

* * *

Шунинг учун
Кизил нишон олган,
Кўкрагида
Меднат иссиқлиги
Заводга келганлар
Гриша
Келганларга
«Бузилса бир винти
Бу бўлса
Бўйнидан ишсизлик
Гришага
Меҳнат қаҳрамонининг,
Уради.
Гришага
Сўйлаб олади:
Шу машинанинг,
Юзага келса,
Капитал Америкасида,
Бўғизлаб турган,

Эртаси қоронғи
Неча кун
Биз бўлсак,
Ўзимиз тузатиб юрамиз.
Орзунинг,
Ишга солишликка
Шунинг учун
Борганча
Мустақиллик
Ҳавасни,
Ўзимиз
Ўзимиз,
Социал юракка
Сталиннинг исми — бизники,
Күнларда
Шу исмдан

Бечора ишчи —
Инженер кутади.
Ўзимиз қурамиз,
Кучнинг борича.
Қудрат етади.
Хар куни
Бизнинг ирода
Кенгайиб кетади.
Бизга берилган!
Қувватни,
Бутун мурувватни,
Меҳнатга оламиз.
Шу ишнинг меваларини
Соламиз.
Ишонч беради.
Елкага чиқсан
Кўкракда порлаб туради.
Иигитлик олиб.

Биз тағин

Илгари юрамиз.

Хар нафасда

Уни ёд қилиб,

Яңги дун'ёларни

Курамиз,

ШОҲИМАРДОН

1932

1

Салқин шамол,
Бирдай еллиб-еллиб турадир;
Салқин шамол, бирдай еллиб,
Ҳилпингучи байроқчани кўзга урадир.
Шунда — қабри... тоғ бошида бўлган қурбоннинг,
Энг қайнаган нафасида тўхтаган қоннинг
Ранги блан бўялган байроқ
Тоғ бошида еллиб турар Шоҳимардоннинг.

Кўз олдига қутирган бир тарих келадир:
Кўринадир интиқомнинг қонли лавҳаси:
Шоҳимардон муштумзўри, бойи, мулласи—
Улаётган наслларнинг қора тўдаси,
Аччиқ заҳар тўкиб, совуқ куладир.
Тоғ бошида қонга ботиб, шоир ўладир.
Тоғ бошида бир умрга паймон тўладир.

Үтган кунлар эсда бор ҳали:
Тўхтамасдан, чанг чиқариб, отлар ўтадир,
Тебранишиб соявонлар ўтаберадир.
Нафас олмай муздай суви Шоҳимардоннинг
Ваҳший куйларига тошлар ўйнатиб,
Доим, шовқин блан кетаберадир.
Үтган кунлар эсда бор ҳали:
Дилдор табиати, соғ ҳавосида,
Мармар сувларида Шоҳимардоннинг,
Бир парча нон учун, зор бўлган инсон,
Тақдир ёзмишига ис'ён қиладир.

Ис'ён қиладилар: бутун умрга
Кўйдор ариқлардан кечалмаганлар;
Ис'ён қиладилар: Шоҳимардоннинг
Даво сувларидан ичалмаганлар.

Утган кунлар эслада бор ҳали:
Гўзал табиатли Шоҳимардонни,
Ваҳмга, ўлимга, қоронгилиққа,
Ургимчак уйига чирмаб ташлаган
Дўзах ваҳми блан сўрабошлаган
Қора юракларга, ифлос кучларга
Отларга ортилиб, арава тўлиб,
Текин, беҳудага ҳаёт келадир.
Ваҳмга, ўлимга ўралган жонлар,
Нажот ахтаручи нажотсиз қонлар.
Чирик дараҳтларга, қуруқ шоҳларга
Алам бойлаб, ийғлаб, сифиниб,
Йўқ илоҳ олдида ҳайкалдек тиниб,
«Шунга ҳам шукур!» деб бўйин эгадир.
Ўзни шўрли билиб, кўп пешоналар,
Сассиқ бурчакларга, мозор бошига
Қора чироғ ёқиб, ерга тегадир.
Қора зулукларнинг остонасидан
Тупроқ олиб кетиб, баҳт қидирадир.
Бир кафт тупроқ блан барча фалокат,
Барча шўрликлардан чиқмоқ бўладир.

Шундай қилиб, қурийдир ҳаёт,
Шундай қилиб, мардикор, батрак
Ажрамишдир парча нонидан.
Ўз уйига ўзи бўлиб ёт,
Ажрамишдир сўнг чопонидан;
Шундай бўлиб, тиланчи, абор.
Шундай бўлиб, оёқ ости, хор;
Қамчи тегларида бутун ни'матни...
Барча гўзалликни яратган шоир
Ўқиб эшитмайдир ўз ғазалини.

Қорға күнлар эсда бор ҳали:
Сойларнинг сувлари ўйнаб оқадир.
Юлдуз кўринадир тоғ тепасидан,
Юлдуз нури блан йўл ёритадир,
Дар'ё ёқасидан, сойнинг пастидан.
Мана шоир!
Қоронгилиқ босган жойларни
Юлдуз бўлиб ёритмоқчидир.
Ургимчак қийнаган пок юракларнинг
Дарди, аламини аритмоқчидир.
Эртага: ўн йиллаб эзилган батрак
Бир йўласи колхоз бўлмоқчи;
Уни эзганларни ўзи тугатиб,
Ниҳоят, инсондек ҳаёт қурмоқчи;
Эртага ўлимдан қўрқмасдан Сарви;
— «Паранжимни ташлайман,—
Дейдир —
Зор қолсин сигиниш тупроққа, тошга,
Майлига,
Мозорлар ғижиниб кўрсин,
Бошимда ўлимдан қоровул турсин,
Янги ҳаёт бошлайман» —дейдир.
Эртага, пионер авлиёларнинг
Аламларин йўқотмоқчидир;
Мактаб тепасига, клуб бошига
Қизил байроқ ўрнатмоқчидир:
— «Эртага, барчамиз, тоғ тепасида
Қўрқмас юракларга байрам қиласмиш,
Қақроқ саҳроларга, чанқоқ ерларга,
Сувлар чиқарамиз, ҳаёт берамиз!»
Қоронги кучлари Шоҳимардоннинг,
Захак деворлари ўлим сезадир.
Юксак тоғларига зилзила берган
Янги бир оҳангнинг кучи кезадир.

Деворлар тагила гап чўзиладир:
Шивир-шивир, фасот, иғбо, ғаш!

Караҳт қуртлар хуруж қиладир:
Қора қанот ёйиб фитна, ўч алдаш.

Эй, сен шоир, эй Ҳакимзода!
Эй, юраги дард блан тўлган!
Қора кучлар, авлиёларнинг
Чироғини ўчиromoқ бўлган!
Бутун ғазаблари караҳт кучларнинг
Сўнги хуруж блан талваса қилди:
— Қон! — дея
Қўзғолган қора аломон,
Ўлучи ўч блан жаҳлга минди.

Тоғлар тепасида қуёш тўладир,
Яшнаб етиладир, ёниб куладир.
Ўйчан кўзлар блан қадам ташлаган,
Тоғ бошидан,
Шоир тушиб келадир;
Куннинг қизғинида, ҳур-ҳур шаббода...
Тоғ бошидан, тош қиррасидан,
Олдидан, орқадан, чапи-ўнгидан
Улим уни ўраб оладир.
Бўйнига ташланар бири ўлимдай,
Қўлга чилвир солар бири зулумдай,
Бомба тушган каби, портлаб ўрнидан
Юрак чиқиб кетар қинидан.
Ўлим тезлигига томирларда қон
Қутуриб югурап мияга томон...

Ширин хаёл блан келгучи, ноҳас
Тошга йиқиладир, чорасиз... шундай.
Кўзи қоронғилаб, тўлучи тундай.

Дараҳт кесилгандек қирқилган тандан
Тирқираб қизил қон оқадир,
Энг сўнги кучини, ўчини тўплаб,
Шоир, сўнг мартаба ма'сум боқадир.
Нурсиз қолди шоирнинг кўзи,

Юрак урушлари тұхтади.
Бұғозлардан қовур чиқмади:
Томирларда ҳәтт отига
Бир қатра қон бұлсин, оқмади...

Бугун катта тантана әди:
Қонсираган күзлар, зах босган юзлар,
Ҳалокат судраган қопқора излар:
«Бизни күрдингми?» деб, ҳамла қиладир.
Ҳавоси сасыган қора кечмишни
«Ғанимат беш күн» деб, чүзмоқ бўладир.

2

Сувлар оқар әди, Шоҳимардоннинг
Тинир әди ҳар куни юзи.
Сувлар оқар әди... Қарши кучларнинг
Тушар әди кўзига-кўзи.
Ерсизлари, ватансизлари,
Батраклари Шоҳимардоннинг
Кўрсатарди ҳар кун буюк иш,
Муштумзўрни енгиб юксалган
Колхоздаги зўр ғолиб товуш:
— «Қани кел!
Юзма-юз бир гаплашайлик,
Кўзлар-кўзга қаттиқ тикилсин.
Бошдан кечиргани, у, ўлик кўзниңг
Қўрқинч бир туш каби эсига келсин:
Сени йўқотмасдан илож йўқ сра!
Сен бизга ҳечқачон кун бермас эдинг;
Ҳолбуки сен — битта,
Биз-чи — жуда кўп!
Фақат биз, чўридай, қулдай тер тўкиб,
Хуноб, зардоб бўлган фақат биз эдик!

Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:
Мана кел, сен ўзинг тоғ бағрига боқ:
Шу кўмкўк қирларга ҳирсни ташлаб кўр!

Тоғларга чирманиб жим оқаётган
Жаннат ариққа ҳам сўнг марта қарал
Қора бир тарихдан беради хабар.
Тиниб ўтаётган суви соғ унинг,
Бизнинг кўзимиздан оққан ёш қадар.
Шуларнинг ҳаммаси бизнинг елкада.
Бизнинг суякларда ўсмаганими?
Бизлар эмасмидик сайисхонада,
Моллар, отлар блан баробар ётган?
Сенлар эмасмидинг, шу кўкликларда
Бизга заҳар бериб, лаззатни тотган?

Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:
Чумоли сингари ҳечбир тинмайин
Тишларга тишлашиб дон ташиган биз!
Қуёшнинг тиглари ба'зиде майнин,
Ба'зиде жазиллаб тамға босгандা,
«Ҳой, одам, ўлдингми, қолдинг?» демайин,
Умрида бир карра ҳол ҳам сўрмайин,
Сен эдинг тўнғиздай ёғ босган, семиз!!
Сендан инсонликнинг келмасди ҳиди,
Оғир жафоларнинг гувоҳи бизмиз;
Бизнинг ўлимдан ҳам мотамли эди,
Сен учун, ноҳасдан ўлган бир ҳўқиз!

Аччиқ-аччиқ бир гаплашайлик:
Сизни йўқотмасдан илож йўқ срағ
Мана бу — адолат!
Бу улур ният!
Сизга жой қолмади ўлка кўксида.
Бизда ҳарбири қадам — зўр зарурият!»

Салқин шамол,
Бирдай елпид-елпид турадир.
Салқин шамолларда енгил елпинган
Қабр байроқчаси кулган бўладир;
Бутун Шоҳимардон бўйлаб кеча ва кундуз
Сувнинг қўшиғида тог бешигида

Инсоний турмушнинг ҳусни тұладир.
Кечә-кундуз бўйлаб, одангни бузмай,
Сойнинг суви каби қўшиқни узмай,
Коллектив ҳаётнинг енгган довруғи,
Юраклар, онгларни тинтуб қиладир.

Азоб, уқубатла эскини енгган,
Янги юракларда қон югурадир.
Бунда — баробарлик,
Бунда — инсонлик,
Чиндан туғуштанлик,
Хурлик,
Адолат;
Яшнаб, қурбон этиб кўринар
Ильич чироғлари ушлаган ҳолат!

Вағиллаган товуши келадир...
Нафас тўлиб,
Тиним, тўхтовсиз,
Оҳанг чўзиладир чексиз, ўлчовсиз,
Қулоқ битган каби бўладир.
Гектар-гектар саналган ерда
«Ҳакимзода» колхозчисининг
Тўқ турмуши кезиб юрадир;
Гектар-гектар
Саналган
Ердан,
Вағиллаган товуш келадир...

ОТА ҲАЁТИДАН

1934

— «Умр ўтган,— дейдир,— афсус!» дейдир тоя,
«Афсуски бир сөек қўйилган гўрга,
Қолган умр — жуда оз, қисқа,
Шўрлик умр қисқа шу қадар
Кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлгудай;
Кўз энди тўлмагай қайтадан нурга...»
Чол чаркоқ кўзини тикиб турадир:
Ҳаёт ғунчалари ўз баҳорини
Ўз қўллари блан безашга машғул;
Бари ўз ҳуснини,

Ўз топганини,
Ҳаммаси ўзининг яратганини
Бир ўртоқ баҳорга ташимоқдадир.
Табиат шу қадар ҳодисага бой:
Гўдаклар бор, тонгда туғилган;
Қарилар бор, соchlари оппоқ,
Кечак ёшликлари қўлдан берилган —
Фақат яшарадир барчаси бирдай,
Ҳаммаси ишлайдир,
Бу иш шундайки,
Янгидан ёшликлни қайтиб берадир.
Гул ҳидини сочиб тоза тонг
Шабнам сувларига чўмадир.

Меҳнат баҳорида очилмоқда гул;
Бари ма'сум, бари озода,
Барчаси ҳусндор, суклар киргудай
Юрак ёрилгудай бўладир чол ҳам,

«Товба!» дейдир, ёқа ушлайдир;
«Товба!» дейдир, лабни тишлайдир.
Хангуманг бўладир,
Бошига сиғмайдир шўрликнинг бу ҳол.
Узоқ ўйга чўмиб,

Хўрсиниб,

— «Умр ўтган,— дейдир, афсус» — дейдир ҳол.

Чол,
Мулкободда энг қари одам,
Ҳеч роҳат кўрмаган битта бечора;
Чойракор, мардикор, етим, қул, чўпон...
Иҳтиёж, машаққат, уқубат ва қон...
Мана турмуш ўйли,

Бари кўргани;

Барча кечиргани, роҳати, кайфи...
Чолнинг ўзи узун бир тарих,
Тўқсон йиллик узун бир умр,
Мияни ёргудай хотиралар зўр.
Унинг кўз ўнгига шу кўчма қумлар
Кўчганлар неча бор ўз манзилидан;
Адашиб ўзининг юрти — элидан,
Шамол ва бўрондир бинокорлари,
Шуларга боғлиқдир номус, орлари,
Шулардан топилар дўсти-ёрлари;
Шулардан чиққандир кўп дарбадарлар,
Бошкесар, бетийиқ ва оқпадарлар.

Чол,
Мулкободда энг қари одам,
Унинг умри ушбу қишлоқда
Бутун эшикларни бирма-бир қоқкан,
Тўқсон йиллик узун бир умр,
Азоб-уқубатда лойланаб оққан...
Уз узун умрининг гул баҳорини
Фақат энди кўрди, энди билди чол;
Энди топган бўлди гул наҳорини
Унга ҳаёт берди, севинтирди ҳол.

Мулкободда катта суд-эди,
Титиларді бутун юраклар,
Титиларди ер, титиларди қир,
Титиләрди бутун күкраклар.
Мулкободда бутун тераклар
Титрашарди сұнги мартаба;
** Күч берарди барча тилаклар
Сұнғи марта: «ким—кимни?» дея.
Хұжайинлар блан күришди,
Бир-бирига тикилди күзлар;
Күзи блан еб құяр бўлди,
Оловланди, чўр бўлди сўзлар
Юракларга қаттиқ ёпишиди.
Узи топиб берди, ўзи узатди
Хұжайинин узоқ ёқларга;
Узи изларини кузатди.
Алам берди ёвуз оқларга.
Узи очди барча сирларни,
Узи бўлди энг катта гувоҳ;
Қор қилмади, шифо бермади,
Хұжайин кўксидаги оловланган оҳ.

Жанг ичида қишлоқ бирма-бир
Тоза бўлди ҳашаротлардан;
Тоза бўлди ва пок этилди
Муштумзўрдан, харом зотлардан.
Мулкободда колхоз тузилди,
«Дзержинский» деган ном блан;
Үюшдилар барча чойракор,
Барча беер, барча ўртаҳол.
Томир блан, юрак, қон блан,
Шараф блан, улуғ шон блан,
Юрт ичида донг чиқардилар
Пахта деган буюк ном блан.

Баҳор келди, баҳор кетидан,
Баҳорни узатиб, баҳор кутди тол;

Гүё ажин кетди қари бетидан,
Яшаргандай бўлди, тетикланди чол.

Уни яшартарди ҳарбир му'жиза,
Куч берарди ҳарбир янгилик;
Тетикларди ҳар янги ижод,
Ҳар ғалаба, ҳарбир «кўргулик».
Англалмасди, бўларди ҳайрон,
Келар эди хаёл ёрдамга,
Бўлар эди бир дам паришон,
Тўнар эди ҳарбир одамга.
Кўринмасди ҳечнарса кўзга,
На ибодат,

На тоат,

На дин,

Эртасига ортарди умид,
Кечмишига ғазаб.

Нафрат,

Кин.

Унинг кўз ўнгига чопиб, жар солиб,
Шовқин-сурон блан оқар бир дар'ё,
Кўз олдида ўғил-қизлари,
Невараси, кўзи қораси —
Қарашлари ширин, сўзлари майин,
Уларнинг юзлари тиниқ, сувдайнин:
Мана бу чинакам янги бир дун'ё.

Чол олар ўтганни эсига бир-бир:
— «Бир қулнинг ўғлисан, сен ҳам Норқўзи!»
— «Уйи йўқ, жойи йўқ, ётоғи йўқ бир
Сифинди онанинг сен қизи эдинг».

—« Сенинг ота-онанг умр бўйида
Бир қарич бўзни ҳам янги кўрмаган».
— «Сенинг онанг эса ямоқ ямашнинг
Энг буюк чевари бўлган қишлоқда».

Кун ботиб, тун ёяр ўз соясини,
Қоплар ер юзининг баландин, пастин;
Чол бошлар умрининг ҳикоясини,
Бир-бир сўйлаб чиқар барчасин.

Тинглайлар бир кулиб, бир хафа бўлиб,
Чол қиласар уларга панди-насиҳат,
Ба'зида ўзи ҳам ўксис, хўрсиниб,
Кўнглида беркитар катта бир ният.

Суҳбат қизиб, жанжал қўзғолар,
Гаплашарлар ишдан ва кучдан,
Даладан гапирав бири кўпириб,
Бири бошлар ўйиндан, ўчдан.

Чақирав суҳбатда мусобақага
Энг кенжаси, энг кексасини;
Ҳазил қиласар, қитиққа тегар,
Пичинг ташлаб, гапга чол кирав:

«Сендан қолармидим, ютулиб.
Уял, бола, ҳали кўп ёшсан,
Питирларсан ўзинг тутилиб...»

Қизартирав чолни Норқўзи,
Аламини келтирав бирпас;
Мазаҳ қиласар, гангратиб қўяр,
Чол қолар ололмай жиндайин нафас:

— «Тишинг тушган, соқолинг оппоқ,
Кўзларингда нур ҳам энди оз:
Кетарсан кўзингни чирт юмиб,
Кетарсан лопиллаб ушбу ёз...»

Кеч кирадир чол ҳаётида;
Оқарди умрининг соchlари...

Утиралмас бир жойда босиб,
Харкун бир айланар қишлоқни.
Құлда таек; қараб түймайин
Үтиб келар марза, ўтлоқни.
У, тутоқдан, ҳаётга ташна,
Томоғи қуриган,

Халқуллари қоқ.

Умид узолмасдан шунча нарсадан
Қарайдир чол

сокит,

Оғир,

Тинч,

Уннинг күзи жиқ ёшга тұла:
Ҳам йиғи бор,

Ҳам шодник,

Севинч.

Умид узалмайды шунча нарсадан:
Гүё бутун дун'ё уннинг құлига
Мен сеники, дея киргандай:
У, ўзини хұжа ҳислайдир.

Илож бўлса бутун кеттганни
Қайтарсаю, ўз ҳаётини
Гўдакликдан бошласа секин,
Янги ҳаёт бошлаб, олса тин.

Ғазаб блан ёнар кўзлари,
Чолни қуршар оғир бир азоб:
Тутаб чиқар ҳарбир сўзидан,
Буюк бир рашиқ, буюк изтироб.
Улим кўринадир бечора чолга;
Чол биладир, кафан бўладир.
Чол биладир, тобут кетидан
Кўча тўлиб одам юрадир.
Броқ...
Яшагуси келадир.
Чол ўйлар тинмайин ҳар кундуз, кеча.

Яшасам — деб ғишин қўйишган
Шу буюк иморат битгунча...

Дун'ё унга қимматга тушган,
Уни эзган бутун фалокат;
Улим бўлиб унга ёпишган
Ҳамма хўрлик, ҳамма ҳалокат.

Азоб ўти ёндирап уни,
Қўрқар шўрлик кўзин юмишдан,
Қўрқар у, ўзидан ҳар туни
Ухлайман — деб мукка кетишдан.

Чол кетарми яшаб тўймайнин,
Улим кўрсатарми тахтини?
Судраб кетармикан қўймайнин,
У, кўрмасми янги баҳтини?

Ачинтирап ана шу ҳолат,
Яшаш нима, энди сезганда;
Энди орзу, энди ҳар ҳавас,
Қулоч ёзиб, озод кезганда.

Бир ўлимнинг ҳикояси

Ўлимларни кўп кўрганди ул:
Эсларди у, уйлар куйганин;
Эсларди ул, хоналар вайрон,
Талон-торож, барбод бўлганин.
Қўз ўнгидан кетмаган ҳали,
Уша баҳор... дала кўкарган,
Ҳаёт ортиқ жонланган бир пайт.
Бўй бермасдан, оғир ҳансираф,
Курашарди одам блан ер:
Курашарди ваҳший табиат,
Олишарди бор кучи блан
Меҳнат бўлиб буюк баҳодир,
Колхозчилар уй-жойни ташлаб,
Кургандилар далада чодир.

Ишлардилар барча тинмайин,
Ишлардилар кундузи-туни:
Құшу ҳұқыз, барча жонивор
Ағдарарди дала күксини.
Арафа кун, әртага байрам
Санчиб чиқар күкрагига гул;
Биринчи Май, әрта зүр ҳаёт,
Шодлик блан ёнар ҳар күнгүл.

Сағар турар, оқшом ухламас,
Кийинтирап она болани,
Олиб чиқмоқчилар байрамга
Ясантириб ҳатто далани.

Чиқмоқчилар тұлдириб план,
Бу, уларда әнг катта тилак,
Чиқмоқчилар қозониб зүр шон,
Шу ишқ блан ёнарди юрак.

Пайдо бўлди кутмаган чоқда
Тепаликда иккита одам;
Индамасдан босарди йўлни,
Телба каби қўярди қадам.

Қеларди... Бошлари эгилган,
Бир нарса бор эди қўлида бирин;
Бир сўз ҳам айтмасди тиллари,
Айтталмасди жимликнинг сирин.
Чолга келиб, тўхтаб тикилди,
Икки қўллаб узатди уни;
Чол, қўлида юмалоқ бир бош,
Ҳаёт умри қуридию ул,
Таниб қолди шунда ўғлини.
Титраб кетди бутун борлиғи,
Гўё тамом йўқотди ўзни;
Қопқоронғу кўзига олам,
Тикка-тикка осмонда қуёш;
Ағдарилди бошига зўр тоғ,

Миясими чўлғаб олди ғам,
Юрагида синди буюк тош,
Ўздан кетди.
Юзин босди нам.

Иифилганди барча ёш-қари,
Ёш бор эди кўзида барин.
Чол ётарди ерда узаниб,
Қучоқлаган бошин гавҳарин.
Мотам бўлди шунда арафа,
Улим этди шодликни заҳар,
Улим этди тилларни соқов,
Улим этди қулоқларни кар.
Ўзига келди чол; ҳамма жим,
Чиқмас эди ҳатто бир нафас.
Тикиларди бири-бирига
Сезиларди шитир этган хас.
Сўйлар эди бўғиқ бир товуш
Қодирбойнинг букун қочганин:
Сўйлар эди, қочиш олдидан,
Заҳарини йиғиб сочганин.
Сўйлар эди, оқшом масчитда,
Бўлган эмиш махфий бир йигин;
Ичилганниш намоз деб, қасам
Активларни этишга қирғин.
Жар бўйида ўғил калласи
Топилганниш зовур остидан;
Ҳеч тинмасдан, ўша Қодирбой
Тушган экан унинг қостидан.
Улимтик бир ҳуруж, талваса,
Туюларди оғир ва мудҳиш;
Тинглардилар барча энтикиб,
Сезмасдилар бу ўнгми, ё туш?
Юрак тўлган ғазаб, нафрат, кин,
Қолган эди бир ўзи якка.
Сўз йўқ эди ифо этгали,
Товуш ҳам келмасди кўмакка.
Оғир бир жимжитлик, салобат
Блан улар тушдилар йўлга.

Оғир бир изтироб ва қайғи
Булат соясидай қуюлди чүлга.
Чол олдинда... Үглиниң бошин,
Қетар эди босиб күкракка,
Қетар эди оғир жимликда
Узни сезиб ёлғиз ва якка...

Чол күзида ўзгарар ҳар он
Қишлоғининг чиройи, туси;
Қунлар ўтар тинмай бирма-бир
Ортар чолнинг ҳаркун севгиси.
Ҳурсанд бўлар ҳар кўрганига
Ўтар унинг ухламай туни; „
Коҳҳоздаги ҳарбири ғалаба,
Бовлар чолнинг кекса кўнглини.
Чол кўзидан ўлим ғамини
Қувиб чиқар шодлик тўлқини,
Тунда ётар у, сергак, уйғоқ
Тарқ этгандай бўлиб уйқуни.

Ҳирсга тўлиб кўрар ўз авлодини
Юрагида шодлик, нур, севинч;
Қарайди у, атрофига жим
Қари кўнгли энди тамом тинч.

Чол кетар ҳаётнинг давонин ошиб,
Болалар қолмаслар газзоб,
Дарбадар;
Қизи ҳам берилмас ёшлайин эрга.
У, ўлгач, ҳаммаси мерос талашиб,
Душман бўлишмаслар бутув умрга,
Янгидан бир мерос пайтига қадар.

Тиркалмас янгидан ғам устига ғам
Бир кося,
Бир пақир,
Бир сопол товоқ
Ортиқча кўрилмас оға-инидан;
Мотамга қўшилмас янги бир мотам.

Тинмасдан ишларлар ари сингари,
Барининг оғзида келтирган боли;
Чол кетар яшашнинг давонин ошиб,
Қафангә ўралар оппоқ соқоли...

Ҳаёт сойларида сув оқар тошиб,
Янги қирғоқларни қамраб олгали...

ИККИ ҚИЗНИНГ ҲИКОЯСИ

1935—1937

Кириш

Кеч пайтида ўз уйларидаң
Бирга-бирга чиқиб икки қиз,
Дар'ё сари келиб ва секин
Қатта тошга чўқадилар тиз.

Зйол сувнинг ойинасида
Иккисининг акси жонланар,
Сув тагида, мармар тошларда
Икки ўйноқ жоду кўз ёнар.

Бири тортуб боғлар рўмолин,
Бири қадар чаккасига гул,
Бирин сочин тарайди шамол,
Бири сочар атр ва сунбул,

Сув бўйида узоқ ўлтирас,
Оқ булутлар бошларда соя.
Бир-бирига айтишар дар'ё
Тарихидан икки ҳикоя:

Биринчи ҳикоя

Дар'ё бўйи, тог этагида,
Үтган экан чиройли бир қиз,
Ошиноси сув ва шаббода,
Усган экан танҳо ва ёлғиз.

Бир новқириң эшитиб номин
Келган экан узоқ эллардан,
Юрган экан шунда дарбадар
Уни сүраб эсган еллардан.

Бермас экан қыз ҳеч нишона,
Барча уни бир күрмакка зор,
Йўқдир унинг кимсада иши,
Хушлар ёлғиз кўнглини баҳор.

Дар'ё муштоқ экан юзига,
Оқар экан уни изланиб.
Тўйиб қараш учун кўзига
Чопар экан ичидан ёниб.

Чирчиқ тошиб кўкламда доим,
Босар экан экин-тикинни,
Ва кўтариб қиёмат қойим,
Олар экан шулардан кинни.

Қора либос кийиб ғам блан
Булат тўқар экан ёшини,
Тошқин дар'ё ўз аламидан
Кирғоққа уаркан бошини.

Тўшаб баҳмал, кимхоб гиламлар
Безатаркан кўксини кўклам,
Қизни кўрмак учун дун'ёни
Гул остига кўмаркан ул ҳам.

Кутар экан уни мукаммал
Оқ булатлар ёйиб соясин,
Чуғурлашар экан ялинини,
Қушлар ўқиб қыз ҳикоясин.

Ёмғир ёғар, эрир экан қор,
Очиларкан тонгнинг лоласи,
Ва етилиб тўларкан баҳор,
Бошланаркан булбул ноласи.

Дала узра бутун гүзәллик,
Чиқмас экан фақат ўшал қиз,
Телба бўлиб изиллар қушлар,
Излар экан осмонда юлдуз.

Кўринмаскан йигит севган қиз,
Қалби ёнар, севгиси асил,
«Чиқарми,— деб — дар'ёга ёлғиз?»
Кўтган экан йиллар муттасил.

Йигит кутар, чиқмас экан қиз,
Сувдан сўрар экан аслини,
Ҳар кўргангага бир-бир ялиниб
Суруштирап экан наслини.

Қизни кўрса очилар ҳаво,
Еришаркан тун ҳам кўзидан,
Бир қарашда сойдаги дар'ё
Адашаркан юрган изидан.

Бошлинаркан сувларда қуюн,
Қўпар экан дар'ёда бўрон,
Қурир экан сув ўйинида
Қанча ёстиқ, қанча ширин жон.

Қиз гўзалдир, йигит паҳлавон,
Хўжакентда овози кетган,
Тоғни урса қиларкан талқон,
Булутларга қулочи етган.

Оғайнимиш тоғ блан дар'ё,
Қизиқ эмиш сирлари фоят,
Бу иккиси ҳақида ҳамон
Юрар экан шундай ривоят.

Тоғ ётармиш мангаликка жим,
Ухлар эмиш туни ҳам куни,

Дар'ёда йўқ жиндайин тиним,
Асло билмас эмиш уйқуни.

Тоғдай буюқ, дар'ёдай уйғоқ,
Қыз ётармиш ётоғида жим,
Йигит кезар излаб дарбадар,
Билмас эмиш жиндайин тиним.

Тун ёришар, отар экан тонг,
Шом қюолар экан аzonга,
Баҳор кетар, күрки — гулини
Алиштираш экан хазонга.

Кетар экан хазон, қайтар гул,
Йигит излар экан ёрини,
Излар экан оёқ остига
Түкмак учун оху зорини.

Водиларда, дараликларда
Чүкиб ётар оппоқ, мангү қор,
Умр бўйи эримас сра,
На саратон, на жавза, баҳор.

Осмон бўйи тоғлар боши оқ,
Баробардир унга жавза, ҳут,
Қюлса ҳам қуёш қўйнига
Асло кетмас бошидан булат.

Йигит кезар тоғлар бошида,
Оёғида бир жуфт тоштавон,
Қорлиқларга қўниб кечаси,
Саҳар туриб ошаркан давон.

Қорлиқларнинг баланд учиға
Тегар ёлғиз унинг оёғи,
Нишон қолар экан изидан
Тушган каби арслон туёғи.

Далааларда йиғар үтін, хас,
Фарқ құлмасмиш надир тун ва кун.
Сув бўйида олармиш нафас,
Қайтар эмиш ой чиқмас бурун.

Йигит излар қиз висолини,
Етишмакка қандай чора бор?
Ва ниҳоят дар'ёга тоғни
Ағдармоққа берганмиш қарор.

У дар'ёга тоғни ағдариб
Кўрсатмоқчи эмиш кучини;
Ва дар'ёни тоққа кўтариб
Олмоқчимиш қиздан ўчини.

Жанг ичидә йигит ва дар'ё
Пишқиравмиш бири-бирига,
Емғир шовлар, шамол гувуллар,
Табиятнинг бундай сирига.

Йигит отар тоғни дар'ёга,
Сув чопармиш осмонга қараб,
Тўлқинлардан учармиш чақмоқ,
Ер остини зарба оралаб.

Бўлган эмиш қиз шунда пайдо,
Сув бўйида мисли офтоб,
Бутун дар'ё бўлиб ойина
Акс этганмиш жаҳон боб-боб.

Қизнинг кўзи яшин сингари
Йигит бағрин пора ва пора
Қилган эмиш, ва йигит ҳайрон,
Тополмасдан дар'ёга чора.

Тоши тушиб йигит қўлидан,
Чақмоқ учар қизнинг кўзидан,
Бағри ёниб, боши айланиб,
Йигит кетган экан ўзидан.

Хікояни тамом құлди-да,
Остидаги каттакон тошни,
Қараб чиқди ва ҳайрон қолиб,
«Офарин» деб чайқади бопни;

«Қызни күргач йигит құлидан
Түшиб кетған ўша каттакан
Тош шу экан» — деди ва секин
Үртоғига қаради кулиб.

Қизгина ұам кулгига тұлиб,
Атроғига назар ташлади,
Сұнгра қызық бир ҳикояни
Кула-кула айтабошлади.

Иккінчи ұқоя

Телба дар'е шу тошқынлиқда,
Оқар әмиш қанча асрлар,
Оқар әмиш ва муз қалбіда,
Ҳисоби йүқ қадимги сирлар.

У қоялар, дараликлардан
Бошлар экан ўз ҳәётини,
Осмон бўйи баланд тоғлардан
Пастга қараб сурар отини.

Кўз ёшидек тоза томчилар
Қилас экан дар'ени пайдо,
Дар'е бўлса, гул водиларни
Этар экан ўзига шайдо.

Нима учун бу бунча тошқин,
Бу дар'енинг яратгани ким?
Уни бунча ажойиб этган
Қайси доно, қандайин ҳаким?

Буни билур қайси бир одам,
Еча олур жумбоқни кимлар?
Қайси құлда очилар экан
Дар'ёдаги мубҳам түлсімлар?

Дар'ё блан күч синашгали
Күрган экан күп одам ўйин.
Түлсімларни очолмай, ахир
Әгиб экан янгидан бўйин.

Бу синашда дар'ё остига
Чўккан экан қанчалаб жонлар,
Шунинг учун сув шағалида
Эштилар зору фигонлар.

Чопа берар тошлар құлатиб,
Писандига илмас кимсаны,
Муз сингари салқын ва лекин
Олов блан тўлиқдир тани.

Дар'ёдаги ҳарбир қатрада
Бўлар эмиш оловдан нишон,
Шунинг учун у чопганида
Кирап эмиш тошларга ҳам жон.

Лекин сувда сир қолаберган,
Машаққатлар қилолмаган кор,
Чирчиқдаги бузғун қўл этган,
Замонларнинг меҳнатин бекор.

Дун'ёда бу Чирчиқ сирини
Билар экан ёлғиз бир одам,
Доноликда якка-ягона,
Москвада яшар-кан у ҳам.

Ғам-аламлар босган дун'ёни
Бахтли қылмоқ экан шиори,

Қолмасин, деб жаҳонда яшар
Инсонларниң озори-зори.

Дун'ёмыздың ерлігін қүеш
Елгиз унинг күздеги нури,
Халигача бұлмаган әкан
Одамзоддинг бундай ғамхұри.

Унинг сүзи бир дақиқада
Қилар әкан ер остиң шаҳар.
Әтар әкан тошларни олтин,
Қилар әкан тупроқни мармар.

Ҳарбир сүзи ўзи бир олам,
Дар'ёларни денгизге ташлар,
Әтар әкан узоқни яқин,
Карвонларни қутбга бошлар.

Құқда учган аэропланлар
Бұлар әкан унинг сүзидан.
Әл юрмоқда баҳтиәр әкан
Буюқ бир тоғ бұлып изидан.

Бутун юртни күз қорасида
Қилар әкан доим парвариш,
Бутун үлка мәҳрини қўйиб
Урганаркан мактабида иш.

У юрганда қиларкан парвоз
Қўкни ўраб осмон поездлар,
Ошиқаркан уни кўришга
Гўшаларда миллиардлаб кўзлар.

Ана ўша, ёриқ жаҳонга
Сталин деб овоза бўлган.
Бахтпарвардан бизнинг дар'ега
Яқинларда бир одам келган.

Бир одамки, доно, билимдои,
Илмларни сув қилиб ичган
Жаҳонгашта ер юзида бор
Дар'ёларнинг баридан кечган.

Келасолиб тўплаган элни,
Мақсадини айлаган баён.
Изҳор этган дар'ёнинг сири
Бўлганини ўзига аён.

Сўзлаб берган ҳарқандай мушкил
Иш бўлса ҳам қилолганини,
Дар'ёларни чаппа ағдармоқ
Халқ қўлидан келолганини.

Машинларни кўрсатган бир-бир,
Ўқиб берган турли китоблар
Ва пишқирган дар'ёга қараб
Ташлаб қўйган ҳархил хитоблар.

Тушиб қолган эл жонсаракка,
Ҳар томондан ёғилаберган,
Келганларнинг энг сарасини
У ишчилар сафига терган.

Ишчи бўлиб келгай одамлар
Тўлдирганлар дар'ёни, сойни,
Ўзи келиб юртнинг каттаси
Қориб берган биринчи лойни.

Шундан бери дар'ё бўйида
Тинмай ишлар эмиш халойик,
Тирикчилик бўлсин озода,
Бўлсин дея инсонга лойик.

Билмас эмиш уйқуни тунлар,
Қўяр эмиш ҳарбири бир тош

Ва дар'енинг муз қучогида
Яратармиш янги бир қүёш.

Солар эмиш улар зўр тўғон,
Қилар эмиш сув йўлини банд.
Ва жиловсиз телба дар'ени
Кўтарармиш тоғ бўйи баланд.

Сўнг тоғ бўйи юқориликдан
Ташлар экан уни ер сари.
Ва сув кучи блан тебранар
Экан ёриғ дун'енинг бари.

Жаҳон бўлар экан чарогон,
Машиналар айланабошлар.
Тунда кезар экан далани
Тўда-тўда бўлиб қуёшлар.

Тинчир экан дар'ё, тинчир эл,
Бўлмас экан сув тошганда дар,
Искандардан, Қирғиз қулоқдан
Қолмас экан ҳечқандай асар.

Ҳар шўхлиғи телба дар'енинг
Тўланмаскан ўлимлар блан,
Изламаскан она ўғлини
Улдими, деб дар'ё лабидан.

Бўлмас экан сув тошқинида
Қанча-қанча асов ўлимлар.
Бўлмас экан сув ўйинида
Адо бўлган тақдирин шумлар.

Феруза водилар ва бахмал
Далаларда янги бир жаҳон
Пайдо бўлар ва унда ҳатто,
Бўлар экан жаннатдаги жон.

Товук катагидай уйлардан
Чиқар экан юрт бутунига,
Қулбалардан қутыларкан халқ,
Қуёш кирап экан тунига.

Бұлар экан унда ҳар нарса,
Бұлар экан ҳар мурод ҳосил,
Үмр бүйі ғам чеккан одам
Бұлар экан мақсадға восил.

Хурсандлиги бир оқар дар'ё,
Ҳар гүшада толи' булоғи,
Шундай юртда яшаганларнинг
Қолмас экан юракда доғи.

Ҳарбир томчи, ҳар қатра суви
Бир умрлик дардларга дармон,
Бир үлкаки, уни ҳар қайды
Күрмаганлар қиласкан армон.

Гул очилиб булбулни йұқлар.
Булбул ишқни тараңнум қилар,
Гулзорида анвои қушлар
Одам топған бахтни олқышлар.

Эл шод яшар ва бу үлкага
«Бахт дар'ёси» құярлар исм,
Очилгани шу бұлар сувга
Асрларча беркинган тилсім.

Шундан сүнгра Москвадан келған
Одам юртда бор халқни қарлар.
Ва бутун эл дар'ё бүйіда
Бахт байрами қилар эканлар.

Қирқ кечаю қирқ кун тамоша,
Қирқ кечаю қирқ кундуз үйин

Бўлар экан, бутун табиат
Бошлар экан саодат куйин.

Эл тўпланар экан бир нафас,
Ва Москвадан келган билимдон
Сўрар экан: қалай, халойиқ,
Ҳечбиравда қолдими армон?

Армонимиз йўқдир, деяр эл,
Ешлар чиқар хурсанд кўзидан
Ва барчаси бирма-бир келиб
Билимдоннинг ўпар юзидан.

Сўнг

Ҳикояни айтиб бўлди-да,
Енгил сезиб ўзини жуда,
Уртоғига кулиб қаради,
Ва тарқалган сочин таради.

Бир нафасга хомуш ўлтириб,
Сўнгра гапни бошлади кулиб:
— Қандай, дейсан, баҳор маҳали
Хушинг борми, шунда боргали?

Билимдонни кўрармиз,— деди,—
Бирга ишлаб юрармиз,— деди,—
Балки биз ҳам кўп қаторида
Шундай бахтли бўлармиз,— деди.

Қиз гулини сувга ташлади,
Ва ўлтириб ўйлайбошлади,
Қанча гаплар кўнглидан ўтди.
Қанча гаплар фикрини тутди.

Кўп хаёллар келди бошига,
Сўнг шубҳалар — барин унуди,

Ва әрталаб улар қошига
Бормоқликка қилдилар қарор,
Ва кулишиб баҳор ва баҳор
Үйларига қўйдилар қадам...
Қелар эди қорайиб кеч ҳам.

Дар'ё бўлса, пишқириб ҳамон
Оқар эди жарда беомон.
Чор атрофда эсарди еллар,
Ва боғларда қушлар чийиллар.

ОЙГУЛ БЛАН БАХТИЁР

1937

I

Болалик кунларимда,
Үйкүсиз тунларимда,
Күп эртак эшитгандим,
Сүйлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар:
Ўзи учар гиламлар,
Тохир-Зуҳра, Єрилтбаш,
Ойни уялтирган қош,
Үт боғлаган қанотлар,
Беканот учган отлар,
Бахтиёр блан Ойгул,
Қиз бўлиб очилан гул,
Сўйлагучи деворлар,
Бола бўп қолган чоллар...
Бувимнинг ҳар қиссаси,
Ҳарбир қилган ҳиссаси
Фикримни тортар эди,
Ҳавасим ортар эди.
Тинглар эдим бетиним
Узун тунлар ётиб жим,
Сезаолардим кучин,
Кўпи ёлғон, кўпи чин.
Аммо, Ойгул-Бахтиёр
Эртагини у такрор
Қилар эди ҳар кечин:

II

Жамбил деган томонда,
Жуда қадим замонда,
Куллар ис'ён қилдилар.
Жангга кириб қүшинлар,
Урушиб ою кунлар,
Дун'ёни қон қилдилар.
Тинчлик тугаб оч элда,
Мамлакат қолди селда.
Даҳшат ичра ёниб хон
Ҳар томон қилди фармон.
Тұхтамай довул қоқди,
Майдонларга ўт ёқди.
Ұз ҳолинга қилиб ор,
Тикиб қатор-қатор дор,
Құзларига тұлиб қон,
Замбараклар бүшатди.
Тани заҳарга ботди.
Жамбил эли күп замон
Тұғолон бўлиб ётди.
Бир ғазаб ичра жони,
Жамбильнинг золим хони
Кечар элнинг қонида.
Кулларнинг ис'ёнида
Утарди ою кунлар,
Қонга ғарқ бўлиб тунлар
Чайқар оғриқ бошини,
Очлар тўкиб ёшини
Олишарди куну тун,
Яланғочлар ҳам бутун
Берарди майдонда жон —
Талаб қилиб ҳақ ва нон.
Асло қўрқмай ўлимдан,
Уч оларди зулмдан;
Сра қилмай андиша
Чопарди қўлда теша;
Бирави ушлаб касов,
Саваларди келса ёв.

Болтаси бор бирининг —
Үллим келмас унга тенг.
Агар дуч келса шу çoқ
Ағдаарди бўлса тоғ.
Чўри бўлган отинлар,
Қул аталган хотинлар;
Кумушдай оппоқ соқол
Кўкрагини босган чол,
Ёш гўдаклар, жувонлар,
Новқирон паҳлавонлар
Жон оларди бериб жон.
Ва қанча-қанча қурбон
Ётар эди қоқ ерда,
Танлари бурда-бурда.
Утиб юзлаб-минглаб йил,
Бундай тарихни Жамбиш
Кўрмаганди умрда...

III

Ис'ёнчи кекса Дархон
Қулларга бошлиқ эди.
Қизи Ойгул ютар қон,
Қўзлари ёшлиқ эди.
Ота-бала иковлон
Қуллар учун бериб жон,
Хонни ўлдирмоқ учун,
Қўтариб элнинг кучин
Кезардилар ис'ёнда,
Минг алам, минг фигонда.
Ис'ён, бостирилган кун,
Дархонни қилиб тутқун
Саройга келтирдилар.
Ясов тортиб қўшинлар
Совлат блан турдилар.
Сўнг золим хонга улар
Танитдилар Дархонни:
«Шу бошлаган ис'ённи

Шудир Дархоннинг ўзи,
Мана бу Ойгул қизи...
Тикиларди золим хон.
Тикилар эди Дархон.
Ендиргудай жаҳонни,
Қул қилғудай ҳар жонни
Ўт бор эди кўзида,
Зўр талваса юзида
Ва хон ташлаб кўз қирип
Сўради бирин-бирин:
«Қани сўйлагил Дархон,
Не фойда берди ис'ён?
Кимлар ўлди, ким омон?»
Дархон сўз бошлаб деди:
«Мен ва қизимдан бошқа
Ўлмаган қул қолмади,
Кириб шунчалик ёшга
Кўрмовдим шунча қонни,
Шунча зору фифонни.
Эл хону монин буткул
Сен ўт ёқиб этдинг кул.
Жамбил эди бир бўстон
Қылдинг уни гўристон
Сендей қонхўр золимдан
Қолмасин деб бирар зот,
Бош кўтардик, зулмдан
Бўлмоқчи эдик озод.
Лекин бу гал бўлмади,
Аммо тилак ўлмади:
Бир кун сани йиқармиз
Ва қабрга тиқармиз».
Хон қовоғини уйди,
Булутлар ёмғир қуйди,
Яланғочлаб қилични
Қулнинг бўйнига солди.
Боши кетган қуш каби
Дархон типирлаб қолди,
Ерлар қонга бўялди.

IV

Имо қилди золим хон,
Сарой бўш қолди шу он.
Қулнинг гўзал қизига
Яқин келди. Юзинга
Улгундайин тикилди.
Қизнинг олдида бу хирс
Кўрсатиб ёввойи ҳирс
Ерга қадар букулди;
Кўзида ҳийла кулди:
«Чўри қиз, энди менга
Хотин бўлирсан» деди.
«Хашаматли саройда
Отин бўлирсан» деди.
Қиз живирлаб бадани —
«Севмайман,— деди,— сани.
Йўқ. Бўлмасман, ўйлама.
Бундай сўзни сўйлама.
Сен отамдан айрдинг,
Қанотимни қайнординг.
Қўзғолон қилиб ўлган
Шунча қуллар номидан
Нафратим бордир санга.
Ўзинг ўйлаб кўр танга:
Сен одам эмас-ку сан,
Хайвондан ҳам паст-ку сан,
Хотин бўлмасман асло.
Келса бошимга бало,
Уни сендан кўрарман.
Доим қарғаб юрарман.
Тақдирим ёр бўлса-ю,
Фурсат қулай келса-ю
Сени агар ўлдирсам,
Танингга ханжар урсам;
Дун'ёда энг бахтиёр
Одам бўлардим номдор».«
Золим хон хўп тутоқди,
Ғазаб ўтида оқди.

Күтуриб қаҳри келди.
Илондай заҳри келди,
Жаҳлига чидолмайин,
Ҳеч сўз дея олмайин,
Жаллодларни чақириб,
Ииртқичларча бақириб,
Ундан ўчини олди,
Қизни зинданга солди,
Бир ёмон ўйга толди.

V

Золим хон саройида
Кекса бир қул бор эди.
Куни ўтар қайғида,
Ҳар нарсадан хор эди. (—
Уни дердилар Тарлон.
Улдирилганда Дархон
Тоқати ҳеч қолмади,
Асло чидай олмади.
У қайнаган қонини,
Фар'ёд чеккан жонини,
Қўймоққа топмади жой.
Хира бўлди кўкда ой,
У гўё бир буюк тоғ —
Юзида минг йиллик доғ.
Чунки зиндан тагига
Ташланган бизнинг Ойгул.
Фаш солар юрагига,
АЗоблар уни буткул.
Бу золим хон Ойгулни
Улдирав, деб албатта,
Қайғиси эди катта.
Ахир у топди йўлни:
Уйқуга кетганда хон,
Ойгулни қутқармоққа
Қаттиқ қасд қилиб Тарлон
Йўл солди зиндан ёққа.

VI

Бордию арқон солди,
У зимзиे чуқурдан,
Қабрдай құрқинч ўрдан
Ойгулни тортиб олди.
Бутун атроф қопқора,
Шундай мудҳиш тун өра
Ойгул блан қул Тарлон
Бўлдилар йўлга равон.
Иккави ҳам жим эди.
Ахири Тарлон деди:
«Қизим, сени золим хон
Улдиражак беомон.
Мен сени қутқармоққа
Олиб келдим буёққа.
Фақат не ҳам қиласдим?
Нима қила билардим?
Мен ҳам қулман, қанотим
Сеникдай қирқилган,
Менга ҳам ўша золим
Қиласар ишини қилган.
Шунинг учун ўч олиб
Бу ишини бузаман,
Сени сандиққа солиб
Дар'ёга оқизаман.
Агар ўлмасанг, бирор
Сув бўйида қилиб ов
Сенга дуч келиб қолур
Сувдан чиқариб олур.
Бир кунингни кўрарсан.
Ўйнаб-кулиб юрарсан!»
Азоб ичра ёниб жон,
Қора кунда қул Тарлон
Қизга қайғудош келди;
Ғамига йўлдош келди.
Қони қочиб юзидан,
Қизнинг қора кўзидан
Ёмғир каби ёш келди.

Секин түшди сандиққа,
Сандиқ ҳам тиққа-тиққа
Бўлиб Ойгулни олди —
Хипча бели буралди.
Тарлон яна нон солди,
Нон демаки, жон солди.
Атрофга кўз ташлади,
Сандиқни дар'ё томон
Сўнгра судрай бошлади.
Уйқуда эди ҳар'ён,
Сувга ташлади уни.
Ойгул ҳам оқиб кетди
Ва қулнинг юрагини
Ут бўлиб ёқиб кетди.
Бир чақмоқ чақиб кетди.

VII

Уйқудан уйғониб хон
Ойгулни сўрамади.
Зиндонга ташланган жон
Не бўлди ҳам демади.
Ичдан севиниб Тарлон
Юраркан ўён-буён,
Ҳеч нарсадан бехабар
Қўзи кўр, қулоги кар
Бўлиб кўринар эди;
Тинмай уринар эди.
Тинчлик эди саройда,
Қиз бўлса катта сойда,
Сув юзида бетиним
Оқиб борар эди жим.
Ойгул шу ҳолда уч ой /
Муттасил оқиб борди.
Қанча дара, қанча сой,
Уни узатиб қолди.
Лекин ҳечким тутмади.
Ҳечбир савдо ўтмади

Ва фақат тугаб нони
Пича қийналди жони.
Уртаниб аламидан,
Шу ҳолда кетиб борди.
Ахири Жаржон деган
Бир юртга етиб борди.

VIII

Жаржоннинг даласида,
Дар'ёнинг ёқасида,
Бир чол ўтин терарди,
Доим шўнда юрарди.
У бир кун жуда хорди,
Озгина тин олгали,
Бир оз эркин қолгални
Дар'ё лабига борди.
Ва шу чоқда қари чол
Бир нарса кўриб қолди.
Ховлиқиб бўлди хушҳол,
Қақайиб туриб қолди.
У йўқ эди ўзида:
Бир сандиқ, сув юзида
Лопиллаб келар эди,
Тўлқинда елар эди.
Олмайин иккι кўзин,
Ечинасолиб дарҳол
Сандиқ кетидан ўзин
Дар'ёга ташлади чол.
Бирласда тутиб олди.
Қирғоқ сари чиқарди.
Сандиқни очмоқ учун
Сарф этди бутун кучин.
Сра очаолмади,
Тоқати ҳеч қолмади.
Энг сўнгра ўроқ солди,
Тешдию ҳайрон қолди:
Эски сандиқ ичиди
Бир қиз кўринар эди.

Унда қийналиб жуда
Ха деб уринар эди.
Содданинг тили қотди.
У ўзини йўқотди.
Оғир бир ўйга ботди:
«Эҳтимолки, бу қиз бир
Савдогарнинг қизидир.
Эҳтимолки, бир суқсур,
Бир парининг ўзидир.
Чўкиб балки кемаси,
Бу қиз кетгандир оқиб,
Дар'ё бўйлаб улоқиб;
Эҳтимол, бир онаси
Қолгандир бағрин ёқиб.
Сўйласангчи, ҳой одам,
Нега ҳеч урмайсан дам?»
Дея чол қизга айтди.
Ойгулдан жавоб қайтди:
«Агар сандиқни ёрсанг,
Омон-эсон чиқарсанг,
Сенинг қизинг бўлурман,
Жуда ҳам бой қилурман».
Ташвишга солиб бу ҳол
Жуда ҳайрон қолди чол,
Лекин ҳеч ишонмади.
Кўнгли гапга қонмади.
«Эл олдида очай,— деб,—
Ёмон бўлса қочай»,— леб
Сандиқни кўнгли содла,
Бозорга олиб кетди,
Кун бўйи терган ҳама
Ўтини қолиб кетди.

IX

Бозорда қари чолни
Үғри дея тутдилар.
Ура-сурга шўрликни
Подшо сари элтдилар.

Подшо ҳам ғазаб блан
«Бу нима» деб сүради,
Соқчилар бир гап блан
Атрофини ўради.
Чолнинг тили тутилди,
Қўрқди, ўпкаси тўлди,
Секин: «бilmайман» деди.
Бўздай оқарган эди.
Сўнг подшо қиличини
Ялангочлаб бир солди.
Бечора чолнинг тани
Шу он бекалла қолди.
Қўшинлар питирлашиб
Сандиқни тез очдилар,
Жонли бир нарса кўриб
Тура-тура қочдилар.
Сандиқдан бир жонивор
Қоматини кўтарди,
Чинордайин бўйи бор,
Одамга ўхшар эди...

X

Ойгул туриши блан
Сарой чараклаб кетди,
Ҳамаёқ бўлиб равшан,
Ўйлар ярақлаб кетди.
Ой деганда юзи бор,
Кун деганда кўзи бор
Бир гўзал қиз қаршида,
Бебаҳо эди жуда.
Қалдирғоч қошларидан,
Тўниб қарашларидан
Ҳаёт сочилар эди,
Гуллар очилар эди.
Подшонинг ақли шошди,
Үт ичидা туташди.
Ҳар томонга югурди,

Дам ўтирди, дам турди.
Бундай гүзәл юлдузни,
Бунчалик барно қизни
Асло күрмаган эди,
Ишрат сурмаган эди.
У чандон яқин келиб,
Еб қўйгудай тикилиб:
«Сен менга теккин» деди.
Қиз ундан жирканарди,
Ичи ўтда ёнарди.
Подшодан қиласарди ор,
Ўзини сезарди хор.
Ишлатиб у бир ҳийла,
Топиб қулай васила,
Қетмакка қилди қарор:
«Майли, тегайин сенга,
Буининг учун сен менга
Қирқ кун мұдлат бергайсан;
Озгина тин бергайсан.
Жуда ҳам ҳолдан оздим,
Сандиқда ўлаёздим!»
Подшо сра күнмади,
Қиз дегани унмади.
Ахири қиз уч кунга
Қўй деб ёлварди унга.
Ҳамон бўлмади рози:
«Барча тошу тарози
Бир кунга чидай олур,
Ўйнаб ғаминг тарқалур.
Сўнгра тўйни қилурмиз,
Эру хотин бўлармиз».
Қиз гўё кўнган каби
Подшога индамади.
Подшо ҳам қизга энди
Ҳечбир нарса демади.
Қўшилиб қирқ қизларга
Ойгул ташқари чиқди,
Кўзи тиниб бўзларга

Шүрликни қайғи йиқди.
Ичидан ёна-ёна
Чүмилмоқни бақона
Қилиб, Ойгүл қызларны
Дар'ёга олиб борди.
Қирқ қызлар бириң-бириң
Ечина бошлар экан,
Айтиб бир-бириң сирин
Пичинглар ташжар экан,
Юзи гул, сочи сунбул —
Бизнинг қайғули Ойгүл
Бироз ўйлаб турди-да,
Құзини чирт юмди-да
Ұзини сувга отди;
Шу ондағұ ү ботди.
Ойгулни Жайхун балиқ
Олди-ю ютиб кетди.
Томоғидан қылчалик
Оп-осон ўтиб кетди.
Қирқ қызлар саросима —
Чувиллашиб қолдилар:
«Нима гап, нима, нима»
Дея шовқын солдилар.
Ҳаммалари ноилож,
Ба'зилари яланғоч
Саройга югурдилар
Ва подшога билдириб
Дириллашиб турдилар.
Подшо ҳам чапак уриб
Дар'ёга чопиб борди.
Зир югуриб ахтарди.
Лекин унда кимса йўқ.
Дар'ё ҳам силлиқ-силлиқ
Хар кунгидай бетиним
Оқиб борар эді жим.
Подшо энди хўп нолон,
Нима учун бир кунга
Муҳлат бердим деб унга;

Улгудайин пушаймон.
Ичини ит тирнади.
Зиёда бўлиб дарди,
Ер ва қўкни у яниб,
Ўз ўтига ўртаниб,
Юриб қизни ахтарди.

XI

Гўзал юрт Сусамбилда
Бир подачи бор эди,
У машҳур эди элда,
Номи Бахтиёр эди.
Гўзал эди ва чинор
Қоматига эди зор.
Қўкраклари бутун бир
Офтобни яширади.
Танларида бир умр
Ут ловиллаб турарди.
Қиличдай ўткир эди,
Рустам каби зўр эди.
Аммо элда хор эди,
Камбағал ночор эди,
У доим боқиб пода
Юрап эди саҳрова.
Чўлларда яшар эди,
Қирлардан ошар эди.
Қалбида минг турли доғ,
Кўз ёши булоғ-булоғ
Сув ёқалаб бораркан,
Ҳар томонга қааркан.
Балиқ овлаб дар'ёда
Юрганларга йўлиқди.
Шу чоқда унинг содда
Кўнгли бироз тўлиқди.
«Жиндай нон борми?» деди.
Балиқчи тантি эди:
«Йўқдир берар нонимиз,
Лекин куяр жонимиз.

Майли, шу сафар тұрға
Чиққанин ол ўзингга.
Узун умринг бор бұлсин,
Бола, баҳтинг ёр бұлсин».
Рози бұлди Баҳтиёр.
Ва толиига шу бор
Жайхун илиниб қолди.
Улкан балиқни олди,
Икки ҳұқызы ортиб,
Олдиндан ўзи тортиб,
Үйга томон йўл солди.
Ховлиқиб толиб келди
Үйига олиб келди.

XII

Ота, деди у, дарҳол
Ҳозир бұлди қари чол.
Ва ота-бала икков
Балиққа солдилар дов.
Отаси пичоқ олди,
Үғли ойболта солди.
Балиқ қорнин ёрганда,
Пичоқ белга борганда
Чол бирдан чүчиб қочди.
Бахтиёр ғазаб сочди.
Балиқ қорнида шу он
Тебраниб уён-буён
Ойгул күзини очди.
Ва Баҳтиёрни күрди,
Бошига қон югурди.
Қора күзлари ёниб,
Бир муҳаббат үйғониб.
Қалби жизиллаб қолди,
Қизарди бегап қолди.
Танасини қуршаб ўт,
Қипқизил, мисли ёқут,
Титрагучи лаб қолди.

Хайронликда күп замон,
Жим қолдилар учовлон.
Охирида қиз туриб
Уларга та'зим қилди,
Чолга қараб эгилди.
Улар яқин келдилар,
Ким эканин билдилар.
Ойгул: «Нон борми?» дели.
Подачи танти эди:
«Нонимиз йўқdir билсанг,
Озгина сабр қилсанг
Балиқни пиширармиз,
Биргалашив еярмиз».
Ойгул унга, хўп, деди.
Чолга гапи кўп эди:
«Ота, қабул қилсангиз
Үғлингизга тегайин.
Сиз ҳар нарса десангиз
Мен бўйнимни эгайнин».
Чол довдираб ҳангуманг
Жавобига қолди танг:
«Қизим, бизда ҳеч пул йўқ.
Молу дун'ё буткул йўқ.
Қандайни тўй қиласмиш?
Сени нима биламиш?»
«Мен дун'ё сўрамайман,
Бой одамга бормайман.
Сиз хоҳласангиз агар
Бошингизга тўкай зар»...
Чол рози бўлган каби
Ҳечбир нарса демади.
Бахтиёрнинг юраги
Гупиллаб урар эди.
Бу ажиб учрашувдан
Барча хурсанд эдилар.
Жайхунни қайноқ сувдан
Олиб бирга едилар.

XIII

Кеч ҳам кирди. Дала, чүл
Туманга ботди буткул,
Чол дарров чўкиб ётди.
Бахтиёр блан Ойгул
Суҳбатида тоңг отди.
Қулларнинг ис'ёнидан,
Ўлганларнинг қонидан,
Отаси солган фироқ
Бағрини ёққанини,
Сўзлаб чиқди у узоқ
Сандиқда оққанини.
Сўзлади золим хондан,
Эртак айтди Жаржондан,
Балиққа ютилганин,
Тўрларга тутилганин,
Молу дун'ёни демай,
Подшоларни хоҳламай,
Подачини деганин.
Узоқ элдан келганин,
Сўзлаб ўлтириди Ойгул
Очилиб мисоли гул,
Шодлигидан Бахтиёр,
Қаرارди такрор-такрор.

XIV

Ойгул дар'ёда балиқ
Қорнида ётганида,
Икки катта ҳалқалик
Гавҳар топувди унда.
Қадрини билган эди,
Эҳтиёт қилган эди.
Тонгда у йўқлаб ҳолни,
Арз этди ушбу ҳолни.
Чол ўзини унугтири
Ойгул гавҳарни тутди:

«Мана бунинг бирини
Бозорга сотиб келинг,
Билиб унинг сирини
Олтинга ботиб келинг».
У, бозорга жўнади.
Юрса йўли унади.
Чол ушлаганча гавҳар
Бозорда юрар экан,
Харидор сўрар экан,
Битта катта савдогар
Хабардор бўлиб қолди,
Чолга ёпишиб олди.
Гавҳарга чангаль солди.
Бир сандиқ олтин бераб
Чолни жўнатиб қолди.
У ҳам тезгина эриб
Сусамбилга йўл олди.
Лекин уста савдогар
Деяр эди ҳар сафар:
«Бахтим ёр бўлиб агар
Яна битта шундақа
Тополса эдим ҳалқа,
Етти иқлимнинг божи,
Божи блан хирожи,
Қимматига сотардим.
Бир умр еб ётардим».
Шунинг учун кўп хижил
Кезар эди элма-эл.

XV

Яна кунлардан бир кун
Ойгул чолни чақирди,
Тагин бир ҳалқа берди.
Чол ўзида йўқ бутун,
Бозор томон югурди.
Дуч келиб у савдогар
Яна сўради гавҳар.

Чол «бор» деди, у бу бор
Эди жазман харидор.
Чолни қўймай ҳолига,
Олиб чиқиб ҳолига.
Икки сандиқ олтинни
Наҳт бериб олди уни.
Олтинни отга ортиб,
Ўзи кучаниб тортиб,
Сусамбилга бошлади,
Девдай қадам ташлади.
Олтинларнинг барини
Тўплаб, ёшу қарини
Чақириб, гўзал Ойгул
Яшнаб мисоли бир гул,
Бахтиёри ёнида
Оташ ёниб қонида
Каттакон кенгаш очди,
Лабларидан дур сочди.
Сусам бил тарихидан,
Эзилганлар ҳолидан,
Подшоларнинг зулмидан,
Хўжаларнинг молидан
Сўзлади жуда узоқ.
Охири деди: «Броқ,
Бу ҳол узоққа кетмас,
Орзулар беиз битмас,
Сусам билда биз янги,
Бир дун'ё қурмоқчимиз.
Ҳар камбағал кўмакчи,
Бўлсин содиқ соқчимиз.
Бундай бир юртни фақат
Эзилганлар қуурлар.
Сўнг улар қават-қават
Соз уйларда турурлар».
Бу сўз ёшу қарига
Мос бўлиб тушди жуда.
Эртаси тўда-тўда,
Гурас-гурас бўлиб эл,

Келаберди боғлаб бел.
Хотинлар, ёш болалар,
Барча амма-холалар
Келабердилар ишга.
Ойгул янги турмушга
Бошлаб, ошу нон берди.
Жонсизларга жон берди.
Етимларга парвариш,
Есиrlарга ҳақ ва иш;
Болаларга саройлар,—
Гўзал озода жойлар.
Ҳар қадамда бир бўстон,
Ҳар ерда бир гулистойн.
Эллар учун чаман боғ,
Ҳар ерга қайнар булоқ
Бино қилди кунма-кун
Ҳаркун бир гўзал якун.
Жиндай фурсат ичидা,
Куннинг эрта-кечидা,
Ҳар ёндан елабериб,
Элчуваб келабериб.
Миллион одам тўпланди.
Боргани сари кўпланди.
Камбағал ва қулларнинг
Жонидан севган ери,
Сусамбил жаннатга тенг
Улка бўлди охири.
Озод эди бунда иш:
Бу ўлқада ҳар емиш
Ороchlарда пишарди.
Танларга яқин қуёш,
Болаларга усти-бош
Гулзорда етишарди.

XVI

Ой деганда юзи бор,
Кун деганда кўзи бор,
Гўзал, доно Ойгулни,—

Бу барно баҳор гулни
Эл севар эди жондан.
Ва бутун хону монда
Ойгул ҳимоясида,
Бахтиёр соясида
Сусамбильда эркин, шод,
Яшар эди халойиқ.
Хаёл қилишга лойиқ.
Уни бутун одамзод
Хаёл қилишга лойиқ.
Ойгул ўз ўлкасини
Сақларди тинч, саранжом,
Соқчилар севиб уни,
Керак бўлса берар жон.

XVII

Сусамбил соқчилари
Чегарада бир қари
Чолни тутиб олдилар
Ва шубҳада қолдилар.
Қаландарга ўхшарди,
Лекин ёмон юрарди.
Хўп қора эди ичи.
Қаландар кийимида
Бўлса ҳамки, қиличи,
Қўринарди ёнида.
Уни маҳкам тутдилар,
Ойгул сари элтдилар,
Ойгул блан Бахтиёр
Адолат айлаб шиор
Қилдилар уни сўроқ,
Подшолардан яхшироқ.
Ул ҳам секин Жаржонда
Зўр подшо эканини,
Сўзлаб берди ва қонда
Етилиб ўсганини.
Сўнгра арзи ҳолини,
Бошлиди саволини.
Чол кўп нарса ўйлади:

Күлга тушдим тайин деб,
Ойгулни алдайин деб,
Фақат ёлғон сўйлади.
У дедики: «Бир кунга
Муҳлат олган ёримни
Кўлдан бердим ва унга
Қўрбон қилдим боримни.
Ерга отдим торимни,
Тугақтириб зоримни,
Мисоли бир қаландар
Излаб келдим дарбадар.
Сен мени демасмисан?
Ойгулим эмасмисан?»
Кўзида ҳийла кулди
Ва ёлғондан букилди.
Халойиқ шу аснода
Инғилиб тўда-тўда
Тўпланиб қолган эди.
Подшо кўзи қон эди.
Шунда чиройли Ойгул,
Яшнаб мисоли бир гул
Ундан бир сўроқ қилди,
Тарашадай қоқ қилди:
«Неча хотинингиз бор?
Ростини айтинг, зинҳор?»
«Қирқ хотин бордир менда» —
Деди беор, шарманда.
Эл қаҳ-қаҳлаб юборди.
Золим подшо шу дамда
Фикрини қонга қорди.
Қиличини чиқарди,
Ойгулга қараб борди.
Аммо халойиқ шу дам
Уни тутдилар бардам.
Утмасдан жиндайин зум
Оғзига тиқдилар қум.
Золим подшо шу замон
Қабрга бўлди меҳмон.

XVIII

Ойгул күнгли бегубор
Хурликни айлаб шиор,
Ҳам йўлдоши, ҳам ёри,
Ёнида Бахтиёри,
Яшаркан Сусамбильда,
Қайғи йўқ экан дилда,
Жамбилини ўйлар эди.
Қул чолни сўйлар эди.
Қулларнинг қасосини
Олурман, деб аҳд қилган.
Хонликнинг асосини
Бузурман деб жаҳд қилган
Ис'ён қучоғидаги
Чоғларини эсларди.
Гуноҳсиз қалвидаги
Доғларини эсларди.
Зиёда бўлиб дарди
Кўз олдидан ўтарди:
Оч қулларнинг ис'ёни,
Жамбилининг қонхўр хони,
Отасининг қиличда
Тирқираб қолган қони.
Кўкка чиқиб фифони
Утдай туташиб ичда...
Энг сўнг Ойгул, Бахтиёр
Қилдилар шундай қарор:
«Жамбилга ўт очамиз
Хоннинг қонин сочамиз».

XIX

Ойгул туриб эрта тонг
Қўшинларга урди бонг.
Соқчиларни уйғотди,
Бошлиқларга сўз қотди.
Қуролларни олдирди,
Карнай-сурнай чалдирди.

Бир нафасда, қүшинлар
Сағ тортыб йиғилдилар.
Қирқ кунликка ош ва ион,
Отларга беда ва дон,
Қүшинларга кийимлар,
Дори-дармонаңлар, емлар
Олдириб гүзәл Ойгүл,
Яшнаб мисоли бир ғул,
Бахтиёрни Сусамбил
Юртiga күтариб бош,
Шу кун берди юртга ош.
Қүшин бошида ўзи,
Чарақлаб қора күзи,
Мардлар сингари Жамбил
Томонига бошлаб йўл,
Тўп бўшатиб жўнади.
Иўлма-иўл ва кўлма-кўл
Манзилларда тунади,
Яна туриб жўнади.
Гўзал, чаман боғлардан
Қуш бўлиб учиб ўтди,
Осмон бўйи тоғлардан
Бургутдай кўчиб ўтди.
Қанча қурғоқ чўлларни,
Дар'ёларни, кўлларни
Ута-ұта охири
Жамбилга яқин борди.

XX

Жамбил хони роҳатда,
Ишратда, фарогатда
Яшар экан Жамбилда,
Не бордир Сусамбилда
Сра ҳам билмас эди.
Кечакундуз маст эди.
Ойгулни банду зиндан
Қилган чоғидан бүён

Хабар олмаган эди,
Эсга солмаган эди.
Құл қызини зинданда
Чириб кетган деб ўйлаб,
Ва лекин ҳар замонда
Хуснидан әртак сүйлаб,
Махтаб гүзал Ойгулни,
Қарғади Дағхон құлни.
Тарлон бўлса Жамбила
Минг армон блан дилда,
Ҳамон қул юрар эди,
Қаттиқ кун кўрар эди.
Ойгулнинг аҳволидан,
Сусамбилинг ҳолидан,
Хабардор эди ўша.
Унга қайғу блан зор,
Юз ҳақорат, минг озор,
Ҳамдам эди ҳамиша.
Сусамбилига қочмоқни
Хонга уруш очмоқни
У хаёл қиласар эди,
Эл буни билар эди,
Чорасиз юрар эди.
Шу чоқ минглаб қўшини
Блан Ойгул йўл босиб,
Ухламай куни-туни,
Ҳар ерга ялов осиб,
Келар эди дувиллаб,
Бўрон каби гувиллаб.
Дар'ёларнинг устидан,
Учиб ўтганда оти,
Қушдай сирғаниб сувдан,
Езилярди қаноти.
У тўхтамай йўл босди,
Хув деганда чўл босди.
Бир оқиб кетиб келди,
Жамбилга етиб келди.

XXI

Яшнаб мисоли бир гул,
Ер кўкни овозаси
Тутиб келганда Ойгул,
Жамбилнинг дарвозаси,
Очилмади. Шунда ул
Дарғазаб қилич солди,
Дарҳол қайтариб олди:
Қулуфлар шарақ-шарақ
Ўйнаб очилиб кетди,
Зулфинлар худди тупрок
Бўлиб сочилиб кетди.
Отларнинг туёғида
Дарвозалар бўлди кул,
Ҳар тўп қўйган чогида
Саройлар қулаб буткул,
Зўр қўшин кириб борди.
Савалаб уриб борди.
Жамбилнинг хон, беклари
Қуён бўлиб қочдилар.
Чуқурлар, горлар сари •
Қучогини очдилар.
Соқчилар золим хонни,
Бу ажойиб ҳайвонни,
Оғилда ушладилар,
Ўлгудай муштладилар.
Ранги бўлса ҳам самон
Паст келмас эди ҳамон.
Бутун эл қаҳ-қаҳ солди,
Хон шарманда, уялди.
Эл турниб шу чоқ: «Ойгул!
Хонни ўлдир!»—дедилар —
«Бутун юрт ва барча эл
Сендан ушбуни тилар.»
Ойгул эл талабини
Қилиб ўлдирди хонни,
Бу ажойиб ҳайвонни.

Қилич солиб бўғзинга,
Қўйиб тўпнинг оғзиға
Ўққа қўшиб кўчирди;
Осмонларга учирди,
Ва кул қилиб тушурди.
Энди эски қул Тарлон,
Ойгулга тўғри келди.
Севинганидан шу он
Оёғига йиқилди,
Ойгул кўтариб олди.
Тарлон кўришиб қолди.

XXII

Кул Тарлон шодлигидан
Тўхталмади йигидан,
Барча ҳайрон эдилар.
Улар келиб Ойгулга:
«Бизларни Сусамбилга
Олиб кеткин,— дедилар.
Бу хонлардан куйдик кўп,
Беклардан ўртандик хўп.
Биз Жамбилда турмаймиз,
Бу ерларда юрмаймиз.
Бизни қўш ўз элингга,
Эл бўламиз биз сенга...»
Ойгулга аламини,
Барча чеккан ғамини
Эл айтиб йиғлар эди,
Сел қайтиб йиғлар эди.
Ойгул назар ташлади,
Шундай бир сўз бошлади:
«Золим хон қучди ўлим,
Энди сизга йўқ зулим,
Эл, осойиш яшарсиз.
Ва бекойиш яшарсиз.
Сусамбилни қўйинглар
Ва Жамбилни суйинглар,

Сизникидир тупроғи,
Сизники тожу тоғи,
Хон бўлмаса Жамбилда
Қайғи ҳам бўлмас дилда.
Мана бу ота Тарлон
Ҳаммангизга бош бўлур,
Сизлар учун берар жон
Ҳар ерда йўлдош бўлур».
Ойгулдан жаҳон-жаҳон
Эл барча рози бўлди.
Қалби шодликка тўлди.
Қирқ кечаю қирқ кундуз,
Барча эркак, хотин-қиз
Ўйнаб байрам этдилар.
Золим хонни йўқотиб,
Қайгуларини отиб,
Муродига етдилар.
Шундан сўнг бизнинг Ойгул,
Яшнаб мисоли бир гул,
Уз Бахтиёри сари,
Уз севган ёри сари
Сусамбилга йўл олди.
Эл карнай-сурнай чалиб,
Замбараклар бўшатиб,
Уни узатиб қолди.



ҲАМИД ОЛИМЖОН ўғли ОМОН батт
Фото -- 1943

ЗАЙНАБ ВА ОМОН

1938

Кириши

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон,
Севгисидан бир янги достон,
Бир зўр оташ, бир зўр аланга,
Икки қалбга туташгани рос.
Бир севгиким жон берур танга,
Ҳам Зайнабу Омонларга хос.
Бу севгида йўлбошлар вафо,
Ҳам вафони емирмас жафо;
Бунда асло қора кун йўқдир,
Бунда мотамсаро кун йўқдир.
Хазон қилмас Зайнабни замон
Ва оташда ўртанимас Омон,
Туши эмас балки ўнгида,
Дилдорини кўтар бегумон;
Бир қиссанки, бувинг сўнггида
Севишганлар топишгусидир,
Жонлар жонга ёпишгусидир.

• *Биринчи бўлим*

I

Шод ўтади Зайнаб кунлари,
Кўнгли баҳор кўкидай тоза,
Кўкда учган қушларнинг бари
Шодлигидан олар андоза.
У яшайди беситам, бе зор,
У билмайди қайгуни, ғамни,

Оёқлари остига баҳор
Түшаб қўйган алвон гиламни.
Бутун дала баҳмал поёндоз.
Лола очиб қаршилар тоғлар,
Гулга тўлиб сер ишва, сер ноз,
Унинг кўнглин хушлайди боғлар.
Ҳар томонда баҳордан нишон,
Даралардан чопар Зарафшон.
Қарайди қиз, бамисоли кун
Кўзларида бутун бир олам.
Ҳаёт тўла баҳорга мафтун,
Унга тамом бегонадир ғам.

II

Зайнаб ўсган элнинг мисли йўқ,
Зайнаб ўсган эл баҳтга тўлиқ.
Буни кўрган тез бўлар банда,
Буни инсон бир қур кўрганда,
Юрагида ҳеч армон қолмас,
Бунга жаннат тенглаша олмас.
Бунда қўшиқ айтган ариқлар
Қаршисида парилар йиғлар.
Қушларининг нағма-шавоси,
Водиларнинг мармар ҳавоси,
Эрта баҳор очилган лола,
Қоялардан учган шалола,
Бинафшалар, ранго-ранг гуллар,
Шиша каби зангори кўллар.
Ҳамишалик дилтортар кўклам
Ва табиат тўқиган гилам;
Қорга чўмган ҳайбатли тоғлар,
Шарқираган даво булоқлар
Ҳаммаси бор, ҳаммаси ма'мур...
Бунда ерга ойдан тушган нур,
Салқин тунда ўзи бир қуёш,—
Чўмилади, унга тогу тош.

Новдаларда туғилған күртак
Ҳар күн тұқыр янги бир әртак.
Бунда ҳамма, ҳамма нарса бор,
Бунда қызға толи' бұлар ёр.
Бунда орзу қозонади от,
Бунда севги ёзади қанот,
Құзғотади қызы ҳавасини
Чиройига ранг беради гул;
Бунда қызға севги дарсини
Үқитади әнг аввал булбул.
Зайнаб шунда туғилған эди,
Шунда тұлыб етилған эди.

III

Одам зоти дун'ёдаки бор,
Уннинг блан мұхаббатдир ёр;
Уни билмас юрак топилмас,
Уни билмас отлар чопилмас.
Севги... лекин бунда асрлар
Фожиаси соч ёзиб йиғлар;
Йиғлар ишқни емирған замон,
Йиғлар севиб ўтга тушған жон.
Севги қалбнинг биринчи майли.
Лекин замон асира Лайли
Естуғини бутун қурутған,
Коса-коса оғулар тутған;
Мажнунни у, ўтказған ёрсиз,
Фарқодни ҳам этған диёрсиз.
Бунда одам хүр бўлған кунлар,
Эрксизликдан чиққан якунлар
Оинада бўлған намоён.
Жилва қилған севгисиз даврон.
Замон ўтған, замонлар ўтған...
Одам янги замонга етған.
Ҳамон севги одамга йўлдош,
Ҳамон севги қалбларга сирдош.
Шудир баҳор, очилған лола,

Шудир дилни қийнаган нола;
Шудир сабза, бинафша қўклам,
Шудир қизнинг бошидаги ғам.
Шудир атр сочучи ра'но.
Шудир аччиқ ва ширин ма'но;
Шудир этган қиз қўксини оқ,
Ва йигитнинг кўкрагини тоғ.

IV

Зайнабнинг ҳам тоза, осуда,
Доғ кўрмаган ма'сум қалбидা,
Севги япроқ ёзиб қолипти,
Ва фикрига ғовға солипти.
Кокиллари унинг тол-тол,
Лабларида битган қора хол
Бир дун'ёга арзигудай бор,
Кўзлар ёниб ахтарар бир ёр,
Ер ахтариб боққанда қийғоч,
Коши бўлиб худди қалдирғоч
Атрофида ойлар чарх урар,
Теграсини юлдузлар ўрар.
Покизадир қизнинг тиласи,
Оппоқ қордай бўлиб кўкраги
Кўтарилар ҳамон юқори;
Ул ҳозирча севгининг зори,
Озоридан хабарсиз ва шод;
Севгидаги шодлик бирла лод
Унга ҳали тамом бегона,
Билмас ҳали у ёна-ёна,
Муродига етажагини.
Маҳкам ушлаб ёр этагини,
Кетарман деб ўйланар осон,
Иш битар деб ўйлар беғифон.
Шунинг учун Зайнаб ниҳоят,
Севиб қолли бирорни ғоят;
Кўнгил қуши талпиниб қолди,
Юрагида ўт ёниб қолди.

V

Үрик гуллар Зайнаб боғида,
Кўп йигитлар бор қишлоғида.
Кўп йигитга тушади кўзи,
Лекин шунга хайронки ўзи.
Кўнгли фақат Омонни дейди;
Шу юракни, шу жонни дейди.
Ва ҳолбуки бошқа йигитлар,
Ҳеч кам эмас, у яхши билар.
Агар биримайна ёйса қулочин,
Парвоз қилар кўкларда лочин,
Ҳаводаги қушларни тутар,
От чопганда яшиндан ўтар,
Фоз сингари қўнар кўлларга,
Сув оқизар саҳро, чўлларга,
Ҳаммаси ҳам қиличдан ўткир.
Ҳаммаси ҳам Рустам каби зўр.
Нега севди Омонни, нечун.
Зайнаб билмас қалбининг кучин.
Нега этди уни ихтиёр,
Билалмайди изоҳи душвор.

VI

Ва ҳолбуки ҳозир туну кун,
Ушандадир хаёли бутун.
Қайга борса ўша қошида,
Ўнтўққизга кирган ёшида,
Шамол теккан гул барги каби,
Унинг қалби дир-дир титради.
Севганини билади халос.
Фақат нечун? Қайдадир асос,
Ахир кимдир кўнгил қўйгани,
Қайси барно шунча севгани,
Нимаси бор, нимаси ёқар,
Қайси оташ қалбини ёқар.

Билмай туриб севганды шунча,
Ийл бошлади қайси тушунча?
Хечбирини ўлаб кўрмайди,
Хечбирига жавоб бермайди.
Унинг фақат бир асоси бор.
Шу асосга зўрдир э’тибор:
Эл сўйларкан доим ёмонни,
Атамайди ҳечбир Омонни.
Шунинг учун яшайди бедод,
Шунинг учун нафас олиб шод,
Баҳор каби тўлиб боради,
Ҳар кун гулдай бўлиб боради.

VII

Ярим оқшом, чумчуклар тинган,
Ҳамма қора либос кийинган,
Сойларда тун, саҳроларда тун,
Дараларда, водиларда тун;
Япроқларда тун ётиб ухлар,
Сойлиқларда тун қотиб ухлар.
Тун ўрмалар тоғ бошларида,
Тун Зайнабнинг қарашларида.
Лекин, ҳали ўтирап уйгоқ,
Олдидаги бир саҳифа оқ —
Қоғоз узра тинмай тикилар,
Қўз нурлари унга тўкилар:
«Сени, Омон, кўргандан бери,
Кўзларимга уйқи келмайди.
Сенга майл қўйгандан бери,
Хеч нарсага кўнгил тўлмайди...»
Ўйлаб-ўйлаб тўхтаб қолади,
Оғир-оғир нафас олади.
Ёзганларни ўқийди такрор,
Юрагида уйғонади ор.
Ва қоғозни йиртиб ташлайди,
Яна олиб ёзабошлайди:

«Севганимни қилмай ошкора,
Омон ўзи сўз очса зора,—
Хаёлида юрар эдим жим,
Фақат кутмоқ бўлмишди бурчим,
Ва ниҳоят сабр ила қарор
Тугадиу бошладим иқрор...»
Боз ўқиди, кўнгли тўлмади,
Яна айтганидай бўлмади.
«Ёзолмадим» дедида ўзи,
Рўпарада турган қофозни
Парчалади. У энди бу бор
Ёзмасликка айлади қарор.

VIII

Бир силкиниб ўрнидан турди,
Недир ўйлаб илгари юрди,
Атрофи жим, ҳамма уйқида;
Қўқдаги ой акс этар сувда;
Ёлғиз майнин, енгил шаббода
Води ичра танҳо тентирад.
Симоб каби тиниқ ҳавода,
Шитирлашиб япроқлар титрап.
Қиз чор атроф сари қаранди,
Тим-тинликда ўртанди, ёнди,
Бир оташин интилиш шу лам,
Юрагига бўлмишди ҳамдам.
У қайгадир кетмоқчи, фақат,
Билалмайди қайга эканин,
У шод, лекин ўшал муҳаббат
Парча-парча тўғрайди танин.

• * • * • * • * • * •
•
Унитди-ю, тўхталиб қолди,
Чигал ўйлар ичра йўқолди.
Ҳам ўтириб қолди фаромуш,
Қанча юлдуз кўзида ботди,

Ва ўрнидан құзғалиб жомуш,
Секин келиб жойига ётди.

IX

Секин келиб ётди-ю фақат,
Кипригини юма олмади.
Үйлай-үйлай тоқ бұлды тоқат,
Энди сра юрак қолмади.
Еки бирдан Омон құзига,
Уялмасдан қарай қолсами...
Ҳамма гапни унинг юзига
Шартта-шартта айта солсами?..
Юздан олиб бутун пардани,
Гапирса-ю «жавоб» бер деса,
«Айб қылмагин, таңладим сани,
Рози бұлсанг бирга юр» деса...
Нима бўлур шу пайтда ҳоли,
Нима бўлур шўрликнинг фоли.
Терга пишиб Зайнаб олар тин,
Йўқ, бўлмайди, бу ҳали қийин.
Ҳали бунга тил боролмайди.
Ҳали Зайнаб ўзининг дардин,
Дадил туриб ёра олмайди.
Тунии бутун уйғоқ кечирди,
Фикрлари топмай ниҳоя,
Хаёл уни қўкка учирди.
Тонг ёриди, тоғдаги соя
Ватанини сойга кўчириди.

X

«Сенсан, Омон, уйқусиз тунлар,
Юрагимни олган аланга,
Сен фикримни چулғадинг кунлар,
Сен лахча ўт ташладинг танга.

Кошки сени күрмагай эдим,
Тушмагайди күзга оташинг,
Яшар эдим беташвиш ва жим,
Юрагимни ёндирилас ғашинг.
Оқизарсан ҳали ёшимни,
Ут күзларинг қўймас саломат,
Булут каби қуршар бошимни,
Ҳали қанча-қанча маломат,
Ҳали қанча-қанча ҳасратлар,
Ёш қалбимга бўлурлар меҳмон,
Ҳали қанча қайгулар, дардлар,
Хиддат блан сўзон қилур жон.»

XI

Тонг сингиди оппоқ оқариб,
Зайнаб туриб, далага бориб,
Бутун гапни унугтан бўлди,
Сиқиқ қалби ҳавога тўлди.
Яратучи эркин, озод иш,
Даладаги осуда турмуш,
Кўклам каби кўкарған жонлар,
Шўх йигитлар, қизлар, жувонлар
Бўлди қизнинг дардига чора,
Хуррам бўлиб у бора-бора,
Отди дилда бўлган ғуборин,
Ва фаромуш айлади зорин.
То кечгача ишлади тинмай,
То кечгача юракдаги най,
Утга тушиб қилмади наво,
Дала бўлиб дардига даво.
Юрагига ҳеч ғаш солмади,
Оромига оташ солмади.
Даладаги бу қайноқ ҳаёт
Ҳавасига боғлади қанот.
Ва шодликнинг эшигин очди,
Қайгулари узоққа қочди.

Хар қадамда ортиб суури,
Қанча ерни ўйинга солди,
Ишлади-ю, ортди фуури,
Кеч кирганин билмайин қолди.

XII

Қүёш ботди, бир тұда қызлар,
Фам билмаган кулар юлдузлар.
Овоз қүйиб қүшиқ айтади.
Зайнаб блан хушчақчоқ Ҳури,
Адол блан яллачи Нури,
Асал блан ўйинчи Сора,
Сурма блан қувноқ Рұхсора,
Сарви блан дуторчи Гулнор,
Құндуз блан Сүқсур ва Анор,
Бирга-бирға қайтади хандон,
Бирга чақчоқ қилади чандон.

XIII

Тор күчанинг бошига келиб,
Зайнаб энди ўзга йўл олди.
Хар бирига чандон тикилиб,
Дўстларидан зўрга ажралди.
Чайқаб қолди у бошларини,
Иўлга тикиб қараашларини,
Кўча тўла одамни кўрди,
Ичкарига кирмайин турди.
Одамларнинг ҳаммаси тоғдан,
Тоғ бағрида бўлган улоғдан
Қайтган каби тўда ва тўда,
Сўзлашарлар ҳарбир тўғрида.
Гўё байрам, гўё янги йил,
Тарқагандай гўёки сайл,
Келардилар гурас ва гурас,
Бари эркин оларди нафас.

XIV

Омон кимдир, борми ватани,
Ким ҳам қизга танитар уни
Шод бўлсада хотиротидан,
Хабарсиздир ёрнинг зотидан.
У бўлурми севгисига тенг,
Ошиёни қайда бу қушнинг.
Зайнаб фикрин чувалтирган шул
Фикри-ёди шу блан машғул.
Ёмон отлик бўлса у агар,
Зайнаб кирав ерларга қалар.”
Бўлиб қолса сири ошкора,
Жароҳатга топилмас чора.
Сўнгра уни савдои дерлар,
Бир тагсизнинг гадойи дерлар;
Унда ёғар та’на тошлари,
То ергача унинг бошлари —
Хам бўлур-да, ҳеч юра олмас,
Эл ичида обрўйи қолмас.
Ва ёронлар бари беғараз,
Бундай дўстдан қилурлар араз.
Шунинг учун жимлик сақларди,
Шунинг учун ичида дарди,
Шунинг учун қийналса ҳам жон,
Севгисини тутарди пинҳон.

Иккинчи бўлим

I

Ичкарида ўзга ҳол эди,
Зайнаб учун ўзга фол эди.
Бунда қизнинг эркин ва тоза
Номусига ўқиб жаноза,
Ҳурлигини ер блан яксон,
Бағрин этиб лахта-лахта қон,

Күзларидан оқизиб ёшин,
Поймол этиб унинг қуёшин,
Қора турмуш соларди чангаль;
Қисматини этар эди ҳал.

II

Заҳар тўкиб қизнинг ошига,
Бу бечора Зайнаб бошига
Ўтмиш солган қора бир соя;
Бу — турмушдан ажиб ҳикоя,
Бу — инсоннинг ҳайвондан баттар
Хўр этилган чоғин эслатар...
Ундан Зайнаб хабарсиз ҳамон,
Уни асло эсламас бу жон.
Бу савдони кимнинг солганин,
Унинг баҳтин кимлар олганин,
Кимлар уни бу қадар ожиз,
Ва ҳуқуқсиз бечора бир қиз
Этиб, шўрлик бошига бало,
Солганини эсламас асло...

III

Ҳали Зайнаб чақалоқ кунлар,
Бошга тушди чигал тутгувлар:
Она уйи одамга тўлди,
У Собирга нишона бўлди.
Уч-тўрт хотин гўдак Собирни
Олиб келиб очдилар сирни,
Зайнаб блан Собирни мақтаб,
Ва иковни бир-бирга атаб,
Дастурхонда синдирилар нон
Ва фотиҳа кўтариб шу он,
Тарқалдилар... Зайнаб бешикда
Инглар эди оч қолиб жуда.
Собир эса ҳеч гап англамас,
Юрар эди йинн блан мас.

Ана шунда бу қора одат,
Қиз баҳтига урган эди хат.

IV

Ииллар ўтди, фақир хонадон
Мұхтожликка таслим әтди жон,
Ғамхонада қашшоқлик қулди
Ва оила тутдай түқилди.
Зайнаб қолди бечора якка,
Кимса келмас унга күмакка.
Нада ота, на она қолди,
На бир кулба, на хона қолди;
На бир паноқ, на бир ошиён,
На бир ғамхұр, на бир меҳрибон,
На бир сирдош, нада бир йүлдош,
На бир ўртоқ, на бир қайғудош...
Хеч кимсаси йўқ эли, ёлғиз
Тутқин бўлиб қолган эли қиз.

V

Ҳар даргоҳга бориб сиғинди,
Ҳар эшикда новдадай синди.
Эндигина кўкарған ниҳол,
Хазон уриб бўлмишди беҳол.
У ниҳоят топди бир паноқ,
Мурувватли бир кичик даргоҳ
Уз қаноти остига олди,
Тагларига иссиқ хас солди.
Анорхола оиласида
У, асранди қиз бўлиб қолди.
Ва шунга ҳам севиниб жуда,
Үтганларни унитган бўлди.
Аламларни қуритган бўлди.

VI

Қиз беради тақдирига тан,
Анорхола кулбаси — ватан.
Хуфтон ётиб, аzonда турап,
Эрта-ю кеч эшик шипирап.

Машаққатда ўтади куни,
Холдан кетиб шўрли қиз туни
Ярим карахт, мудрар, ярим оч;
Усти-боши йиртиқ-яланғоч
Кун кечиравар, ишлар тинмайин,
Қайгу тўла овози майнин,
Қизнинг ғамгин ҳолин англатар,
Қиз ичида оғир дард ётар.

VII

Офтоб йиқди қайғу тоғинни,
Ойлар ёқди тун чироғини.
Ўтди кунлар, ўтди замонлар,
Ўтди ғамга ғарқ бўлган онлар.
Лекин улар эсдан ҳечқачон,
Чиқа олмас ва хотирга жон
Берур унинг ҳар саҳифаси,
Эслаганда қизнинг сийнаси
Чуқур бир оҳ блан қўзғалур;
Оғир-оғир бир нафас олур.

VIII

Давонларни ошди амаллар,
Яшашдаги чурук тамаллар
Асосидан бир-бир бузулди:
Води бўйлаб колхоз тузилди.
Анорхола оиласи ҳам,
Колхоз сари қўйдилар қадам,
Ва бўй етган Зайнаб ҳам озод,
Эркин энди бошлади ҳаёт.
Колхоздаги мустақил турмуш
Ва маҳсулдор яратучи иш
Ғуссаларни айлади барбод,
Фақат шунда у қозонди от.
Шунда қадри-қиймати ортди,
Шунда иззат-ҳурмати ортди.

Атрофига гуллар сочилди,
Шунда унинг бахти очилди,
Фақат шунда сезди бегумон,
У ўзини ҳақиқий инсон.

IX

Бахт жаранглар қувноқ сасида,
На кулфати, нада зори бор.
Анорхола оиласида
Энди унинг э'тибори бор.
Энди уни камситмас ҳечким,
Энди уни етим деяр ким?
Зайнаб ўсар оқил ва доно,
Сўзларида мазмун ва ма'но.
Усганида беташвиш, беғам.
Бунча зийрак бўлмас эди ҳам.
Энди унинг ҳар нарсаси бор,
Энди унга ҳамма гап тайёр,
Одамизод гулистонида,
Саодатнинг баҳт бўстонида,
Орзуларга тўлиғдир кўнгил.
Ваҳимасиз осойишта дил.
Ўзинга бир йўлдошни истар,
Бир қадрдан сирдошни истар.

X

Зайнаб Собир кимлигин билмас,
Зайнаб ҳали ўз ишқида мас.
Лекин Собир уйида ҳар кун,
Шошилишча тўй тайёрганар.
Аммо Зайнаб кўксида ҳар тун,
Омонининг юлдузи ёнар.
Тўйдан фақат Анор хабардор,
Уни Собир онаси бардор,—
Бардор этиб йўлга солмишdir
Иҳтиёрин қўлга олмишdir.

XI

Тайёрланар тўй, лекин Собир
Бу тўй учун ажойиб бир сир,
Чунки она боғида у йўқ,
У ўзининг қишлоғида йўқ.
У, ўқирмиш дорилғунунда,
Ва онгларни қоплаган тунда
Юлдуз бўлиб учар эмиш у;
Яшин каби кўчар эмиш у.
Она унга уй қилмоқчиидир,
Дабдабали тўй қилмоқчиидир.
Шунинг учун йўлга кўз тутар,
Келишини интизор кутар.

XII

Зайнаб энди ўз асрорини,
Армонини, истак, зорини
Опасига этиб ошкора,
Қилмоқчиидир дарлига чора.
Фақат нетиб, қайси юз блан,
Қайси ҳаё, қайси кўз блан
Опасининг юзига қарап?
Тили сўзга қандайин борар?
Уят ўти ёниб юзида,
Бир изтироб зийрак кўзида,
Ёлғиз Ҳури сари толпинар,
Уни эслаб юраги тинар.

XIII

Чунки Ҳури Зайнабнинг бутун
Асроридан тўла хабардор,
Чунки унинг блан куну тун
Бирга бўлар. Ҳар нарсаки бор
Зайнаб унга сўйлар, сақламас,
Ҳечбир нарса йўқ Ҳури билмас,

Ҳатто Омон блан ҳам уни,
Таништирган шу Ҳури эди.

XIV

Ҳури, Зайнаб қош қорайганды,
Кеч қопқора чойшаб ёйганды
Ичкарига келиб кирдилар
Ва Анорга салом бердилар.
Құрар экан юзи қизарды,
Опасига яқынроқ борди.
Анор эса чеҳраси хандон,
Зайнаб учун бергудайин жөн.
Атрофиды парвона бүлар
Ва минг кара ундан ўргулар.
Ҳури бўлса қилиб тамошо,
Айтажагин этарди инши.
Лекин ундан олдинроқ Анор,
Сўз бошлади қулиб беқарор.
Икки қиз ҳам ҳангуманг қолди,
Зайнабдаги севинч йўқолди.

XV

«Рўзи азал қиз қисматида
Эрга тегмоқ одати бордир.
Бу насиба тақдир хатида
Езилгандир, оҳ блан зордир.
Бундан қуруқ қолган пешона,
Умри ўтар ёна ва ёна,
Қовушмоқлик қушларда ҳам бор,
Ҳамма излар бир йўлдош дийдор;
Бунга тўққиз ёшлиқ Оиша
Муҳаммадга теккани асос.
Бунга берар ўлим хотима,
Бу пайғамбар қолдирған мирос...

XVI

«Кўзи тирик экан отасин,
Бир яхши нияти бор эди,
Я'ни Зайнаб Собирга бўлсин —
Деган васияти бор эди.
Не учунки, у туғилганда
Собирга деб нон синдирилган,
Нишон бўлган, етиб тўлганда,
Собиржонга бўлсин дейилган».

XVII

Анор сўзлар ва Зайнаб қалби
Тол баргидай дир-дир қалтирас.
Ҳури қўйиб жон қулоғини,
Тинглар экан лаблари титрар.
«Энди, Зайнаб бўй етиб қолди,
Юртимизнинг мана энг олди
Иигитлари унга харидор,
Кўп лочинлар чиройига зор.
Лекин Собир ҳаммадан гўзал.
Кечак қилдик ҳамма гапни ҳал:
У шаҳардан келиш бланоқ,
Тўй қилмоққа айладик қарор.
Ишлар битди, битди-ю броқ...»
«Броқ...» дея тўхтади Анор,
Икки қизга бир қараб олди,
Атрофига бир назар солди.
Қиз қалбida бўғиларди жон,
Ҳури бўлса тамоман ҳайрон.
Яна сўзни бошлади Анор:
«... Броқ бунда бир андиша бор,
Чиқармаслик учун ёмон от,
Сақлаш учун номус ва уят,
То тўй бўлиб ўткунигача,
Келин бўлиб кетгунигача,
Боши очиқ чиқмас ташқари.
Шуни истар барча ёш, қари».

XVIII

Зайнаб тамом, тамом лол эди,
Сүз қотишига у беҳол эди,
Тирнар эди қалбини азоб,
Гүё хаста, гүёки бетоб,
У ичидан оғир тўлганар.
Ғазаб блан зоҳири ёнар.
Ва Анорга қарамас асло,
Оғир дардга бўлиб мубтало
Тун сингари бўғиқ ва сокин
Ўтиради, сирдоши локин
Оппа-очиқ туташар эди,
Дар'ё каби у тошар эди:

XIX

«Кечир опа, айтган андишанг
Қизни қуллик томон қайтарур.
Ляндиша деб сен урган тешанг
Уни қора қонига қорур.
Агарда қиз бўй етган эса.
Бир олдидан ўтмас бўлурми?
Ва уйига совчилар келса,
Ғозилигин кутмас бўлурми?
Балкида бир дегани борлир,
Балки этиб бир аҳду паймон
Вафосига гарав қўйиб жон
Арз этгани келгандир сенга.
Тез шошилган, елгандир сенга.
Энди бунга не чора бўлур?
Энди Зайнаб бечора ўлур...»

XX

Опасида ғазаб оташи,
Ва Зайнабда андиша ғаши.

Елқасида тоғдай оғир ғам;
Анор күзи ичра жақаннам
Оловлари тинмай ловиллар,
Ва таптига юраклар чүллар.
Хури ёқиб сүз гулжанини,
Үрттар эди Анор танини,
Яна Анор ўтдай тутоқиб,
Сүз бошлади Ҳурига бокиб:
«Нима дейсан, бунга Собирдан
Ортиқ йигит эр бўлармикин?
Бутун юртни ахтарса ундан
Афзали ҳеч топилармикин?
Нимага бу андиша бекор?
Нега унга тегмак бўлсин оп?
Ахир юртда қанча гўзаллар
Келишини зориқиб кутар.
У бу юртда энг зўр билимдон,
Пахта илмин ўқипти чандон.
Юртда барча пахта экканлар
Хирмонига червон қуюлар.
Ахир яна бир андиша бор:
У Собирга фотиҳа бўлган,
Васиятда уни ота зор,
Собиржонга бўлсин деб ўлган.
Поймол қилиб бўлурми буни?
Қайси номард истагай шуни?»

XXI

Ерда экан кўзининг иури,
Зайнаб ҳамон жим, фақат Ҳури
Давом этар савол-жавобда,
Жаранглайди чалғиси тобла:
«Тўғри опа, сенга ҳам қийин,
Бировга сўз бергандан кейин
Уҳдасидан чиқмоқ яхшилир,
Андишаманинг сабаби будир,

Зайнабнинг ҳам танлагани бор.
 Опа, фақат қизиши зинҳор!
 У Омонни севиб қолипти,
 Севиб қолиб, ва'да олипти.
 Опа, бу иш қизнинг ҳаққидир,
 Андишамнинг сабаби будир.
 Бунда йўқдир ҳечқандай гуноҳ.
 Зўрлик блан тегиб сўнгра оҳ
 Тортганнинг ҳеч фойдаси бўлмас,
 Қиз ҳам одам; у бир мол эмас,
 Сўзда турмоқ қиз учун ҳам фарз,
 Одамгарлик қиз учун ҳам қарз.
 Поймол қилиб бўлурми буни?
 Қайси номард истагай шуни?»

XXII

Ғазабида олам, олам ўт,
 Тушунчаси қопқора булут —
 Каби борган сари қуюлар;
 Анор гўё сочини юлар
 Каби бўлиб минар жаҳлга.
 Ҳамма гапни совириб елга,
 Ёргудайин Зайнаб бошини,
 Отабошлар та'на тошини:
 «Ортдирганинг колхозда шума?
 Эй шарманда, беномус, бебош.
 Бахт деганинг шумиди, ҳали?
 Ишлайман деб топибсан ўйнаш».

• • • • •

XXIII

Зайнаб шунда қалбига бирдан
 Яшин урган каби сапчиди,
 Ва бошини кўтариб ердан:
 «Жоним опа, тўхтагил! — деди —

Ялинаман, бунча туташма,
Ялинаман, бу қадар тошма.
Қилма опа, қалбимни пора,
Тұхта, бироз англасанг зора.
Опа, увол күздаги ёшим,
Увол ғамда хам бұлса бошим.
Опа, мени озгина қизғон,
Күкарғанда кул бұлмасин жон,
Ниятингга еткур, қулоқ сол.
Аламларинг кеткур қулоқ сол».

XXIV

«Беномус қиз, айт түғрисини,
Бахти қора! Эл номусини
Орсизларча поймол этганда,
Заррача эс бормиди санда?
Қайси шайтон йұлға бошлади?
Қай хароми ўтга ташлади?
Йұлдан урди қайси бир маккор?
Онғанин сўйлагил, беор.
Сенга буни кимлар ўргатди,
Қучогингда қай иблис ётди?

«Унбеші ёшда экан қуёвга
Берганлари ҳамон эсимда.
Қурбон бўлдим қайси бир ёвга,
Ҳамда менинг толим кимда?—
Билмас эдим, билмасдим асло,
Лекин, шукур, урмади бало;
Чимилдиқда кўрдим эримни,
Менга йўлдош қилдилар кимни?
Сўрамадим, бўлмади ишим,
Ҳечким блан йўқдир койишим.
Қолиб кетдик бутун умрга
Ва шукур ким, кирмадик гўрга.
Шундай ўтди етти пуштимиз,
Шундай ўтди барча хотин-қиз.

Шундай ўтди уруғ ва авлод
Ва ҳечбири қичқирмади дод.
Бизда одат мана шу эди,
Ва саодат мана шу эди.
Сен шарманда, энди бемалол,
Ҳаммасини қилибсан поймол».

XXV

Зайнаб турар, қора кўзидан
Жовдираган ёши тирқирап,
Қони қочиб оппоқ юзидан
Талвасада кўкраги урар.
Хури жимдир. Зайнаб бепоён,
Аламини қилгали баён —
Бир чимранди, силкинди боши,
Сўз бошлади кўзида ёши.

XXVI

«Тўғри опа, бутун бахтсизлик,
Хўрликларнинг боиси шудир,
Хотин-қизга хос бўлган қуллик
Шу одатда этмишdir зуҳур.
Бутун қизлар, бутун жувонлар
Чимилидиқда эрни кўрдилар.
Куя-куя кул бўлди жонлар,
Чўри бўлиб йиглаб юрдилар.
Чўри эдинг, қул эдинг баринг,
Роҳат кўрди қайси бирингиз?
Одам эмас, айиқ блан teng,
Ёвуз эди топган эрингиз.
Ҳар номардга чўкар эди тиз,
Эрксиз эди сизнинг ҳаммангиз.
Ҳаммангизнинг тақдирингиз қул,
Ҳаммангизнинг оллоҳингиз пул.
Ҳаммангизнинг булутда ойи,
Ҳаммангиз ҳам баҳор гадойи.

Кечдим, опа, шундай одатдан,
Тамом кечдим бу саодатдан.

XXVII

«Сен ўзингни баҳтли дедингми?
Опа, сен ҳам одам эдингми?
Чимилдиқда эрни кўрганда,
Тутқинлиқда бўлганда бандা,
Қанча ожиз, қанчалик хақир,
Қанчалик хўр, қанчалик фақир,
Бўлганингни билганимидинг ҳеч?
Чимилдиқда баҳорингга кеч
Тушганидан хабардормидинг?
Яшашингда инсонликка тенг
Бирор хислат, сўйла, бормиди?
Баҳт деганинг қайғу зормиди?
Кўзингни кўр, қулоғингни кэр
Қилиб ҳар кун ичганда заҳар,
Толи' шу деб юрарми беғам.
Шукур қиласидинг шунга ҳам?

XXVIII

«Шунинг учун қайтдим баридан
Ва уялиб ёшу қаридан,
Юришимдан фойда топмадим,
Эрк қидирдим, баҳт шунда дедим.
Шунинг учун эски одатлар
Улкасини айладим поймол,
Ва сен деган оқ саодатлар
Қора дедим ва топдим камол.

XXIX

«Ман ўзимни инсон билганда,
Гулга тўлиб баҳор келганда
Юрагимда ҳавас уйғонди,

Бир ажиб ўт бағримда ёнди;
Ва севгиға топшириб дилни.
Бир йигитта бердим күңгилни.
Уни ҳар күн күраркан тонгда
Бир ғулғула құпарди онгда.
Хеч нарсаны күрмасди күзим,
Эпақага келмасди сұзим,
Ишлар эдим ўзимни билмай,
Ва бетиним күңглимдаги най
Айттар эди уннег отини,
Куяр эди шунда ботиним.

XXX

«Опа, ўша севганим — Омон,
Опа, ўша ўртагучи жон,
Буни этиб сенга ошкора,
Етишгали қиларкан чора,
Иқрор бұлким, гуноҳим йүқдир.
Очиқ юриб топған кишимдан,
Ва беязин қылған ишиимдан
Пушаймоним ва охим йүқдир.

XXXI

«Нима қиласай, узоқ гапирдим.
Тушунчанғни ҳар томон бурдим.
Фараз шулким, қайтмай йұлымдан,
Келганини қилдим құлымдан.
Қанча яхши, барно бұлса ҳам,
Қанча олим, доно бұлса ҳам.
Собир учун мени қийнама,
Мени ўтга ташлама яна.
Менга ёлғиз Омонимни қўй.
Менга ўша ёмонимни қўй.
У, кам эмас ҳеч бир одамдан.
Мен ул блан узоқман ғамдан.

Инсоф келсин, опа, ўзингга,
Тутқин бўлиб ўсган қўзингга
Розилик бер, одам бўл сен ҳам,
Саодат топ ва бўлмагин кам».

XXXII

Юрагини бўшатди охир,
Дардларини юмшатди охир.
Зайнаб артиб кўзда ёшини,
Ва кўтариб эгик бошини
Опасига «жавоб бер» деди:
Анор ҳамон оташда эди:
— «Бўлмайдими Собир, тез гапир!
— Опа, бўлмас, жоним, гапим бир!
— Ё мени де, ёки Омонни!
— Нетай, тикдим йўлида жонни!
— У пасткашнинг зоти ким экан!?
— Опа, урма қалбимга тикан.
Уни мен ҳам билалганим йўқ,
Бу юмушни қиласланим йўқ.
Лекин ишонч блан тўлиқман.
Шу ишончим блан улуғман».
Анор асло чидай олмади,
Қолган гапга қулоқ солмади,
Узи бирдан шовиллаб кетди,
Ут сингари ловиллаб кетди:

XXXIII

«Кўринмагин, йўқол, кўзимга,
Йўқол, хотин бўлсанг ҳам кимга,
Энди менинг номимни айтма,
Расволикдан орқангга қайтма.
Даргоҳимдан чиқиб кет. дарҳол,
Энди сени кўрмаклик малол.
Қолганингда тоза шарманда,
Бўлганингда кўчага банда,

Шунда мени эсга олурсан,
Хизматимни эсга солурсан.
Энди расво бўлгунингча, хайр,
Ва бенаво бўлгунингча, хайр».

XXXIV

«Хайр, опа, келсанг ўзингга,
Рози бўлгин берган тузингга.
Бунча қарғиш ёмон эмасми?
Юрган йўлим баландми-пастми —
Опа, энди ўзим билурман.
Билганимни ўзим қилурман.
Эшигингда асранди бўлган
Қора кунлар хотирда қолур.
Опа, сенинг миянгта тўлган
Булат балки бир кун тарқалур.
Сўнgra ўзинг пушмон бўлурсан,
Сўнг қайғуда мутлоқ ўлурсан.
Эталмадим тузингни ҳалол,
Чорам йўқдир, жон опа, хушқол...»

XXXV

Зайнаб яна кўзида ёши,
Ҳам туташиб ичи ва тоши
Ғазаб блан ўрнидан турди.
Тиккасига ичкари юрди.
Иигиштириб бор бисотини,
Бўғозида тиқилиб тини,
Ҳури сари қилди ишора,
Зайнаб учун шу бўлди чора.
Ҳури икав уйдан чиқдилар,
Анор бўлса кўчага улар
Чиққанича қарғишлаб қолди...
Бутун элга ёйилди бу сир,
Ва эртаси қишлоққа Собир,
Келди деган хабар тарқалди.

Учинчи бүлмі

I

Борлық узра тушганды оқшом
Зайнаб қүйди далага қадам.
Бир-бір босиб, илгари елди,
Сой бүйніга яқынлағ келди.
Бутун атроф, оғыр сұкутда,
Елгиз Зайнаб юраги үтдә.
Бир гуваҳи сувлар шилдирап,
Бир гуваҳи күкда ой юрар.
Бир гуваҳи қолдузлар қатор
Туар қызининг дийдорніга зор.
Секин-секин из ташлаб Омон,
Яқын келди сүйгани томон
Ва күрдиким ажайиб бир әол,
Зайнаб туар қайғули ва лол,
Күзларыда ёши бор эди
Ва әгилган боши бор эди.

II

«Омон, менга үзінгни англат,
Очиқ гапири, сүзінгни англат.
Айби чиқди қылғав ишимнинг,
Құнғил беріб сүйған кишимнинг
Қымлигини билмай уялдым.
Уят эмас қояға бўялдим.
Бу оғатдан мени эт ҳалос,
Маломатдан мени эт ҳалос.
Үзинг кимсан, борми ватанинг?
Қайси элдан, зотинг ким санинг?
Сезгиларнінг агар бўлса рос,
Сўзла бироз ўз севгингга хос»

III

Омон узоқ ўйларга кетди,
Дашту саҳро, кўйларга кетди.

Эски қайғу, күдна ҳикоя,
Хотирига ташлади соя.
Омон узоқ-узоқ қолди жим,
Бўғиқ-бўғиқ нафас олди жим.
Охир боқиб қизнинг юзига,
Жон олгучи қора кўзига,
Утмишини айлади баён,
Ким эканин айлади аён:

IV

«Сенга энди нелар айтайин,
Қайдан бошлаб, қайдан қайтайин;
Кимни йўқлаб, кимни эсласам,
Кимни қўйиб, кимлардан десам,
Кимнинг айтсам сенга отини,
Баён қилсан кимнинг зотини.
Кечир, Зайнаб, ожиздир Омон.
Бу сўроғинг жон ўртар ёмон.
Бу сўроғинг жонни қақшатар,
Бу сўроғда қайғу, зор ётар.
Бу сўроғда олам ва олам
Омон учун ҳасрат блан ғам.
Кечир, Зайнаб, сўзлалмас тилим,
Кечир, Зайнаб, чидалмас дилим,
Бу ҳикоя тўкар ёшимни,
Ҳам куйдирар ичу тошимни.

V

«Кел бўлмаса, қулоқ сол сен қиз,
Бизнинг қадим, кекса дун'ёмиз
Она меҳри блан тўлиқдир,
Она меҳри блан улуғдир.
Ҳар гўдакнинг бир оваси бор.
Ҳар онанинг ўз боласи бор,
Она уни болам деб излар,
Бола уни онам деб бўзлар.

Ажал келиб бўққан чоғида,
Она ҳатто бало тогида
Излар экан ўз оворасин.
Ит йўқотгаҷ жигар порасин
Чок этармиш ўз ёқасини.
Ҳатто қушлар ўз чақасини
Иссиқ қанот остига олур.
Асрар уни, жонга жон солур.
Ҳатто қўнғиз ўз боласини
Оппогим, деб бўлар экан шод.
Оппогим, деб қилар экан ёд.
Ҳар бечора ва ҳарбир гадо,
Фарзанд учун қилгай жон фидо.
Ва ҳаттоким илон ҳам чиён
Жон порасин севар бегумон.

VI

«Гул очилар баҳор чоғида,
Ва тўлишар она боғида,
Она севмас фарзанд топилмас,
Фарзанд йўқдир онани севмас.
Фарзанд гулдир, она бир бўстон.
Шунинг блан жаҳон гулистон.
Ёлғиз бир мен онасиз ўтдим,
Ёлғиз бир мен заққумлар ютдим.
Ёлғиз бир мен она алласин
Тинглагали бўлдим интизор.
Ёлғиз бир мен онанинг сасин
Эшиталмай йиғлаб ўтдим зор.
Оналиклар саодатига
Бир ошкора суқ блан боқдим,
Ва туфурдим тақдир хатига,
Пешонамни ўтларга ёқдим.
Она номин эшиганимда,
Хўрсинардим, ўпкам тўларди.
Менинг кучсиз, ожиз танимда
Бир қалтираш пайдо бўларди.

VII

«Роса түккиз эканда ёшим,
Бир балога дуч келди бошим,
Оқсоч кампир бир сирни очди,
Сирни очиб қонимни сочди:
«Болам, айтсан ростини сенга,
Хечбир кимсанг йўқ...» деди менга.
Шоҳид топиб ёшу қаридан,
Зарафшоннинг қирғоқларидан
Топганини қилди ҳикоя:
«На ҳамшира ва на бир доя,
На бир ошно, на бир қариндош
На бир сирдош ва на бир йўлдош,
Бу дун'ёда бўлмамиш сенга»—
Дея ғамгин юзланди менга.
Оқсоч хотин йиглаб зорзор,
Боққанини айлади изҳор:
«Сени боқдим худо йўлига,
Топшираман яна қўлига,
Бўлса агар ўзи меҳрибон,
Паноҳида сақлагай омон.
Болам, энди юрт тинчиб қолди,
Элу ҳалқ ҳам эркин тин олди.
Агар юртни юриб изласанг,
Балки чиқар отанг ва онанг.
Ким билади, балки ҳаётдир,
Ва эҳтимол ҳаётга ётдир.
Ким билади, балки Зарафшон
Сенга ўзи берар бир нишон.
Дуо қилдим, бахтинг ёр бўлсин,
Манглайнингда тахтинг бор бўлсин».
Дея оқсоч қўлини очди,
Юзларидан иссиқ қон қочди.
Оғир эди бу бениҳоя,
Булут солди қалбимга соя,
Чиқиб кетдим шунда бош олиб,
Қўзларимга қонли ёш олиб.

VIII

«Неча күнлар юриб Зарафшон,
Бўйларидан изладим нишон.
Неча турли элларни кўрдим,
Изгириинлар, елларни кўрдим,
Ҳаммаёққа кўзим нигоюн,
Ёш ўрнига тўкар эдим қон.
Кириб кўрдим ҳар бир хонани,
Ҳар бир кулба, ҳар ҳамхонани,
Ҳар бир одам блан учрашдим,
Қирлар ошдим, тоғларни ошдим.
Дуч келганинг, лекин, бири ҳам,
Отанг мен, деб уралмади дам.
Неча-неча эркак ва аёл
Саволимга бўлиб қолди лол.
Зарафшонда яна югурдим,
Қирғоқларга ўзимни урдим.
Ва изладим ёна ва ёна,
Тополмайин ҳеч бир нишона.

IX

«Дар'ё каби мавж уриб тошдим,
Водиларда ёлғиз адашдим,
Ҳар кўргандан айладим сўроқ,
Аччиқ жавоб эшилдим броқ:
Ҳамма менга: излаганларинг,
Дедиларким, ўлганлар сенинг,
Юрт бошини зулум босгандা,
Офат блан ўлим босгандা,
Мұхтоҗликда ўлган, дедилар
Ва очликда ўлган дедилар.
Ҳар водини бир-бир изладим,
Етим қўзи янглиғ бўзладим.
Бошим узра қушлар чирқираб,
Чарх урдилар ҳолимни сўраб.
Чирқирашиб барча беқарор,
Эл жавобин қилдилар такрор.

Гулзорлардан, боғлардан ўтдим,
Бозорлардан, тоғлардан ўтдим.
Бутун юртни осойиш топдим,
Элу халқни бекойиши топдим,
Фақат дардга топалмай чора,
Бағрим эди пора ва пора.

X

«Сўз айтурга тилим бўлди лол,
Нега мендан сўрадинг савол?
Нега эски доғларни очдинг,
Доғ устига оғулар сочдинг.
Нега келдинг менинг ёнимга,
Ут ташладинг нега жонимга?
Туташгуси қалбимга оташ,
Жанг қилгуси оташ блан ғаш.
Шу оташда бўлурман хазон
Ва шу ғамда бўлурман хазон.
Одам эсанг етгил додимга,
Утганларни солма ёдимга.
Зарафшонда Омонни билган
Қари-қартанг одамлардан сўр!
Баҳор фасли эрта очилган,
Оппоқ гулли бодомлардан сўр.
Мажнун толнинг бутоқларида
Қушлар тинмай Омонни куйлар,
Сен сўймаган ёмонни куйлар.
Зарафшоннинг қирғоқларида
Топганлардан сўрасанг, сўйлар.
Айтиб берар унинг отини,
Айтиб берар асли, зотини.
Қутиларсан кўзнинг ёшидан,
Қутиларсан та'на тошидан.

XI

«Не дар'ёлар оқиб ўтдилар.
Қанча йиллар ўтиб кетдилар.

У ҳовлиқма, қадим Зарафшон
Бино этди кўп янги достон.
Водиларни, тоғларни ошиб,
Дарапарда ёлғиз адашиб,
Келиб қолди юртингга Омон,
Келиб қолди ранглари сомони.
Юрак бағри ёниб, тутоқиб,
Ҳар кўрганга сук блан боқиб,
Бунда топди бир янги замон.
Бул замонда ул бўлди Омон!
Шундан бери юртингда сенинг
У бўлгандир одам блан тенг.

XII

«Сен ишлаган колхозда ул ҳам
Топди ҳама дардига малҳам.
Эсдан чиқиб фифону фар'ёд,
Тақдиридан бўлгандир ул шод.
Омон топди бунда парча нон,
Нон демаким, Омон топди жон.
Дун'ё унга гўзал кўринди,
Ҳаётидан ма'нолар унди.
Юрагида ҳаваслар пайдо,
Орзуларга ул бўлди шайдо.
Бир юқори оламга боқди,
Шундай олий бир дамга боқди.
Ҳатто, билсанг, Омоннинг бу бор.
Кўнгли ишқни қилди ихтиёр.

XIII

✓ «Ол, деб, сенга қўлни узатдим.
Кўлни эмас, қалбимни отдим.
Кўз олдимда бутун бир жаҳон,
Сенинг блан бўлди гулистон. ✓
Ишқингда мен баҳорлар топдим,
Баҳор ичра наҳорлар топдим.

Наҳорларда очилди гуллар,
Оlam-олам гул бўлди чўллар.
Шундан кўрдим саодатимни,
Ma'қул қилдим бу одатимни.
Сўзлаб берсам ўз севгимга хос,
Сени жондан севганлигим рос.
Гар ишонсанг айтган сўзимга,
Сен бўлганда — менинг кўзимга
Ҳеч бир нарса кўринмас, халос».

XIV

Омон тинди. Зайнаб бошини
Қўтарди-ю артди ёшини.
Қалбидаги ҳар қанча гумон,
Тарқалганди мисоли тумон.
Қарашида ишонч бор эди,
Қисматига толи' ёр эди.
Бир қаноат қилганди пайдо,
Омонига бўлганди шайдо.
Икки кўзнинг қораочуғида,
Бутун олам топмишди макон.
Икки қалбининг қизғин чўғида
Бутун олам эди чароғон...

XV

Дар'ё тинмай соларди шовқини,
Қиз кўзидай қора эди тун.
Қиз қалбидай пок эди ҳаво,
Қиз қалбидай севгига даво.
Борлиқдаги шу нафис ҳолда
Япроқлар ҳам енгил шамолда
Шитирлашиб ўйин соларди.
Бир-биридан бўса оларди.
Бутун борлиқ жон қулоғини
Қўйиб тинглар Омоннинг сасин.
Икки дўстнинг баҳтили чоғини,
Икки ёрнинг оташ бўсасин...

XVI

Тун устига күн нури ётди,
Бир ажойиб гүзәл тонг отди.
Хури, Зайнаб туриб иковлон,
Собир томон бүлдилар равон.
Букун Зайнаб юришларида,
Юриш блан туришларида
Бир ажойиб мәрдлик бор эди.
Бир жасурлик унга ёр эди.
Чой устида ўтирап экан,
Хомуш туриб ўй сурар экан,
Собир күзи тушди эшикка,
Қизлар томон құзғолди тикка.
Ота-она қотиб қолдилар,
Таажжубга ботиб қолдилар.
Зайнаб секин сүзга киришди,
Ҳикоянинг бошидан тушди:

XVII

«Собир, ёлғыз сенга суяндим,
Эшил мени, бир ўтда ёндим,
Бошим узра синди оғыр тош,
Сени дея қавму қарындош
Ихтиёrim олган эканлар.
Ва кишанга солған эканлар.
Мен Омонга күнгил берувдим.
То ўлгунча ўшани девдим.
Севганимни билиб Омонни,
Оқиздилар бағримдан қонни.
Маломатга тамом күмилдим,
Ҳақоратда гүёки ўлдим.
Етсанг дея додимга зора,
Излаб келдим ўзингга чора.
Қылғыл, оға, дардимга лармон.
Құйғыл, оға, битта бечора
Тилагига етсин беармон;



ҲАМИД ОЛИМЖОН
йз дўстлари блан
Фото — 1943

Бу дун'ёдан ўтсин беармон.
Мен ҳеч сенинг тенгинг эмасман,
Омоним бор, сени демасман.
У кам эмас ҳеч бир оламдан,
Мен у блан узоқман ғамдан.
Қилмоқ керак ва'дага вафо,
Вафосизлар тортгуси жафо.
Баҳор пайти отлар чоппилур,
Сен деганда бир ёр топпилур.
Сен деганда ҳар қиз, ҳар жувон
Кўнгил берур, фидо қилур жон.
Қутқор мени, келдим ўзингга,
Муҳтождурмен сенинг сўзингга».

XVIII

Собир тамом ҳайратда қолди;
Бир изтироб, бир дардда қолди.
Ўртанди-ю ачинди жони,
Жони эмас бутун жаҳони.
Ачинди-ю тўлғонди бир бор,
Қизга боқди такрор ва такрор.
Онасига томон юзланди,
Юзланди-ю ранги бўзланди.
Юрагида бошланди бир ғаш,
Ғаш ичиди қизгин бир оташ.
Аччиқ-аччиқ бир сўз бошлади,
Ҳикматларни чизиб ташлади:

XIX

«Қариндошлар йиғсинлар эсиц,
Шу ҷоқҷача инсон сезгисин
Үйин, мазоқ бўлгани басдир.
Энди дун'ё бозор эмасдир.
Энди одам қулдек сотилмас,
Энди одам ўтга отилмас.

Энди унга қафас бўлмас жон,
Энди дун'ё бўлмагай зиндан.
Энди одам истар бўлса ёр,
Ўз севганин қилсин ихтиёр.

XX

«Менинг ҳам бир суйган гулим бор,
Менинг ҳам бир ўз булбулим бор.
Керакдирким қавму қариндош,
Рози бўлиб бирга қўшса бош.
Энди шундай одат керакдир
Ва саодат шундай керакдир.
Хоҳишларинг бўлмасин увол,
Ота-она истагин адо
Қилиб, сенинг эркингни поймол,
Этсам агар бўлайин гадо.
Бор, азизим, ёш кўнглинг тўлсин,
Бор, суйганинг ўзингга бўлсин».

XXI

Зайнаб унга хомуш эгилди,
Қадди унинг саломга келди.
Бўлиб ундан жаҳон-жаҳон шод,
Ҳури блан ҳурмат қилиб ёд,
Дарҳол туриб йўлга қайтдилар,
Ва Омонга келиб айтдилар.
Бирдан бўлди олам гулистон,
Зайнаб, Омон қалбидা бўстон.

XXII

Шу куниёқ бутун қишлоққа,
Қишлоқдаги эл бирла ҳалққа
Бу можаро бўлди овоза.
Ҳар бир қўра, ҳар бир дарвоза,
Бўлиб бундан тамом хабардор,

Сўйлардилар тақрор ва тақрор.
Сўйлардилар Зайнаб ҳолидан,
Сўйлардилар Собир фолидан,
Кўйганинни Анорнинг ҳалол,
Боққанинни Омонга иқбол.
Сўйлардилар эртанди тўйдан,
Тўй кечаси айтилур куйдан,
Қиласдилар тинмай ҳикоя,
Сўйлардилар кўп, бениҳоя.

XXIII

Ҳайрат блан қавму қариндош,
Йигилдилар қўшмоқ учун бош.
Бири хурсанд, бири аламда,
Не қиласин билмас бу дамда.
Бири тўқар эди кўздан ёш,
Қизларининг бу хил майлига,
Замонанинг бундай зайлита,
Барча бирдай ҳайрон эдилар,
Ҳайрону саргардон эдилар.
Бу ҳолларга барча қолиб танг,
Ҳайрон эди барча эсу онг.
Таажжубда тишлаб тишларин.
Билмасдилар қилас ишларин.
Ҳаммасида бир дард бор эди.
Эрклиларда ҳасад бор эди.
Ешликларин ҳасратда хазон
Қилган учун бўлиб пушаймон,
Ҳур қизларни оқлар эдилар,
Бир эҳтиром сақлар эдилар.
Адил туриб ёқлар эдилар.
Утганларни барча қилиб ёд.
Замонадан бўлардилар шод.

XXIV

Колхоздаги катта равотда,
Бир аломат шовқин бор эди,

Келардилар пиёда, отда,
Шундай катта сарой тор эди.
Бундан хабар топган барча эл,
Еғиларди гүёки бир сел.
Қутлаб Зайнаб, Омон түйини,
Ҳамма хурсанд келар эдилар.
Бир аломат түй бўларини,
Ҳамма яхши билар эдилар.

XXV

Кириб келди жимгина Анор,
Қовоғидан ёғар эди қор.
Улар Собир онаси блан,
Тўйхонада бўлишиб бир тан,
Бир бурчакдан ўрин олдилар,
Бир ноилож назар солдилар.
Бу иковнинг кўз қарашида
Минг-минг яшаб Ҳури юрарди,
Жавлон уриб тўйнинг бошида,
Юлдуз каби яшнаб туарди.

XXVI

Тўрга катта гилам солдилар,
Уйинчилар келиб қолдилар.
Чалғучилар бошладилар соз.
Қўшиқчилар солдилар овоз.
Ҳалимахон, Назирахонлар,
Надимахон, Каримахонлар,
Қушлай енгил учар эдилар
Оқ булатдай кўчар эдилар.
Оқшомгача бўлди тамошо,
Бутун юртга тўлди тамошо.
Келин-куёв — Зайнаб ва Омон,
Боқардилар ма'сум ҳар томон.
Хурсанд эди беҳад икки ёр,
Хурсанд эди икки баҳтиёр.

XXVII

Зайнаб блан Омон иковнинг —
Янги келин, янги күёвнинг
Бахти шундай бўлди барқарор.
Саҳаргача қизу жувонлар,
Дугоналар ва меҳрибонлар
Узатдилар айтиб ёр-ёр.
Икки ўртоқ, икки ширин жон,
Янги уйга бўлдилар меҳмон.
Гўзал эди дун'ё чунон ҳам,
Гўзал эди бу ажойиб дам.
Икки дўстга айтиб шараф, шон,
Оқар эди тошқин Зарафшон.
Олам сари сочиб янги онг,
Секин-секин ёришарди тонг.

СЕМУРГ ЕКИ ПАРИЗОД ВА БУН'ЕД

1939

I

Сарви қомат паризод
Ұсди ғамлардан озод,
Баҳор янглиғ очилди,
Гуллар каби сочилди.
Чиройидан овоза,
Элга тарқалди тоза.
Ҳар ерга достон бўлди,
Достонга бўстон бўлди.
Қўрмаганлар кўришни,
Қўрганлар ўлтиришни
Қилас бўлдилар орзу.
Барча тошу тарозу
Шу гапни ўлчар бўлди;
Сўзлар олтин-зар бўлди.
Шайдолар кўп беқарор,
Йигитлар бўлдилар зор.
Тун келди-ю шом кетди.
Уйқудан ором кетди.
Ҳамма бўлиб харидор
Қизиди катта бозор:
Элчилар ёғилдилар,
Катта ғавғо қилдилар.
Лекин у одам севмас,
Доим ўзи блан мас,
Новқирон паҳлавонлар
Элдаги новқиронлар

Унга асло ёқмайди.
Ошиқларга боқмайди.
Юрагида севги йұқ,
Қалби мармардай совуқ.
У одамлик қарзини,
Севгучининг арзини
Олиб орқага ташлар.
Шунча-шунча оташлар
Эшигіда сұнади.
Оташдан күл унади.
Баҳри очилмайди ҳеч,
Чеҳраси кулмайди ҳеч.
Элчи бўлиб келганлар,
Қизнинг сирин билганлар,
Ноумид қайтадилар,
Мардумга айтадилар.
Халқ ичидә Паризод
Чиқаради ёмон от.
Уз қизидан пушаймон
Бўлиб шунинг учун хон
Кеча-кундуз ўйлайди,
Ез блан куз ўйлайди:
«Эл расмини қилмаган,
Севги нима билмаган,
Қари қизни нетайин?
Чиқиб қайға кетайин?
Қайларга урайин бош?
Бунча совуқ, бағри тош
Қизни қайдан яратдим?
Ўзимни ўтга отдим.
Мен нимага ярайман.
Юрга қандай қарайман.
Бошимга бу Паризод
Балолар келтириди бот».
Қизини чақириб хон,
Шундай бошлади фиғон:
«Эшит, қизим Паризод,
Чиқарибсан ёмон от.

Сенинг бағринг тош әмниш,
Күзларинг бейш әмиш;
Асло севмас әмишсан,
Эрга чиқмам, демишсан.
Мен маломатта қолдим,
Зұр қиёматта қолдим.
Сенинг ёмон достонинг
Мени тупроқ блан teng
Қилиб уятта қўйди.
Мени бепичоқ сўйди.
Қизим, мен ҳам қаридим.
Гўрга томон даришим.
Ешиш етмишга борди.
Соқол-соҷим оқарди.
Юрак бағримни ўйдинг,
Мени номусга қўйдинг.
Отангга берма азоб.
Азобга қолмаган тоб.
Тош юрагинг юмшасин,
Эшиксин қалблар сасин.
Отанг ҳурмати учун
Кўрсат мардликнинг кучин:
Кел, бирорвга кўнгил бер,
Бир йигитга деб гул бер.
Бир оз андешага бор,
Мени ғавғодан кутқор!»

II

Паризод ўйлаб қолди,
Кўп узоқ бегап қолди.
«Майли — деди, у хонга,
Бир умид солиб жонга —
Ёлғиз бир шарт қўяман,
Бажарганин суяман.
Ховлида бор зўр чинор.
Чинор эмас у бир дор;

Билади жуда күп сир,
Яшар юз йил — бир аср.
Әши күпга кетади,
Боши күкка етади.
Үлкага жар соламан,
Ерларга зар соламан.
Шартим шуки, от блан,
Гүёки қанот блан,
Шу чинорга чиққанга,
Чиқиб уни йиққанга,
Сүзсиз хотин бұламан.
Гүзал отин бұламан.
Барча қаршимдан үтсін,
Мард үзини таптсін.
Агар шуида ҳам қалбим
Юмшамасдан қолса жим
Узіб олиб отарман.
Қассобларга сотарман».
Шундай дегач Паризд,
Хон бўлди поёнсиз шод.
Жарчиларни чарлатди,
Ҳарбирига сўз қотди,
«Юрга хабар берингиз,
Айтингиз ҳар бирингиз
Хон қизига ҳаридор,
Паризд ҳуснига зор
Бўлганларга баҳт кулди,
Биргалашиб тахт кулди.
Қўрқмасдан келаберсин,
Бахтини билаберсин.
Шарти шулким, от блан,
Гүёки қанот блан,
Зўр чинорга чиққанга,
Чиқиб уни йиққанга,
Паризд хотин бўлур,
Бир гўзал отин бўлур.
Айтинг, ҳарбир мард келсин,
Ҳарбир мард бедард келсин.

Синасин ўз бахтини,
Бахти құлласин уни.
Күрганлар олсин дармон.
Күрмаган қылсин армон».

III

Хареққа хабарчилар —
Тили узун жарчилар,
Чопа-чопа кетдилар
Бозорларга етдилар.
Карнай, сурнай чолдириб,
Суюнчилар олдириб,
Қылдилар катта э'лон,
Хабарлар кетди ҳарен.
Хоннинг хабарин олиб,
Ҳамма бирдан құзғолиб,
Зўр шов-шув бўлиб қолди.
Юртга гап тўлиб қолди.

IV

Эртасига барча эл.
Келаберди боғлаб бел.
Чавандоз, паҳлавонлар,
Барча соҳибқиронлар,
Отларни гижинглатиб,
Қамчиларни ўйнатиб,
Кела бердилар бари,
Каттакон чинор сари.
Бахмал жабдиқлар уриб,
Сулув қизлардай юриб,
Арғимоқлар чопдилар,
Ер ва кўкни ёпдилар.
Сўлиқларни тишилашиб,
Маст бўлишиб кишнашиб,
Дун'ё-дун'ё чанг-тўзон
Ичидаги осмон,

Келабердилар бари,
Каттакон чинор сари.
Чумолидай чувашиб,
Қир ва тоғлардан ошиб,
Сув бўйларида ётиб,
Юрганда ўқлар отиб,
Ошиқлар пода-пода
Бўлиб чўлу саҳрова,
Қела бердилар бари,
Каттакон чинор сари.
Хон қизин олмоқ учун,
Элга синаалмоқ учун,
Бахтим борми экан, деб,
Менга ёрми экан, деб,
Қела бердилар бари,
Каттакон чинор сари.

V

Етти кеча, етти кун,
Етти кундуз, етти тун,
Зўр чинорга чиқмоққа,
Чиқиб уни йиқмоққа
Ҳамма ҳезлаб кўрдилар,
Ўзни ўқдай урдилар.
Неча манман деганлар,
Илон пўстин еганлар,
Ииқилаберди бир-бир,
Макон бўлаберди ер.
Чинор ҳеч силкинмади,
Бир шохи ҳам синмади.
Қушдай учиб келганлар,
Шамол каби елганлар,
Ярим йўлда тиндилар,
Яна отга миндилар.
Яна ҳезлаб кўрдилар,
Ўзни ўқдай урдилар,
Мурод ҳосил бўлмади.

Күнгиллари тұлмади.
Илондай чирмашғанлар,
Чирмашиб тирмашғанлар
Яна қайтдилар кетга,
Чиқабердилар четга.
Қанча сулув аргумоқ,
Йиқилиб бўлди чўлоқ.
Қанча-қанча чавандоз
Бўлди тупроқ блан соз.
Кўпларнииг бели синди,
Кўпларниинг умри тииди.
Кунлар ўтди ва аммо
Ҳал бўлмади муаммо.
Зўр чинорга чиқмоқда,
Чиқиб уни йиқмоққа
Ҳечким эришолмади.
Жумбоқни ешолмади.
Келганлар бўлиб ҳайрон,
Кўплар бўлиб пушаймон,
Бир-бир тарқаб кетдилар,
Манзилларга етдилар.

VI

Бу ҳолларни кўриб хон,
Ютди лахта-лахта қон.
Паризод хуноб бўлди.
Хунобу бетоб бўлди.
Қиз берганни қарғишилаб.
Пешонасига муштлаб,
Яна ахтариб чора,
Хон ўртанди тобора.
Одамларни чақирди,
Ўт ичиди бақирди:
«Бу майдонга кирмаган,
Бизнииг шартни билмаган
Айтинг, яна ким қолди?»
Ҳамма одам жим қолди.

Оғир ўйга ботдиар,
Охир шуны айтдиар,
«Елғиз бир Бун'ёд қолди,
Уша бир беот қолди.
У бир чүпон бечора,
Бу ишга топмас чора.
Паризодга тенг бўлмас,
Қийимиға енг бўлмас,
Чинорга чиқолмас ҳам,
Чиқолмас, йиқолмас ҳам.
Хон ҳеч қулоқ солмади:
«Бу гаплар бари бекор.
Бу блан ҳеч битмас кор.
Қайда бўлса ҳам Бун'ёд,
Топиб келтирилсин бот!
Мен отимни бераман,
Қанотимни бераман.
Агар чинорга чиқса,
Ва чиқиб уни йиқса
Аҳмоқ, беэс бўлса ҳам,
Махов ва пес бўлса ҳам.
Менинг қизим Паризод,
Унга хотин бўлур бот».
Бун'ёдни тоғ тагидан,
Дар'енинг этагидан,
Топиб келтириллар бот;
Хон берди ноилож от.
Зўр чинорга қаранди,
Танини қуршаб ўтлар.
Ичида бир ғаш ёнди.
Чинор шохи булутлар
Орасида кўринди.
Бун'ёд фикр суринди.
Ёнидаги учқур от,
Чиқариб бир зўр қанот,
Кўкка қараб кишинади.
Бутун атроф халойиқ

Блан тұлыб кетди лиқ.
Хаёт умри қуриб хон,
Тикилар эди ҳайрон.
Не бұларкин, дер эди,
Заҳар-заққум ер эди.
Талвасада Паризод,
Чекар эди фиғон, дод.
Бун'ёдга ғайрат кирди,
Юрагига дард кирди:
Юриб баҳодирона,
Отга минди мардана,
Қаттиқ бир қамчин солди
Елғон эмас, чин солди.
От яшиндай құзғолди.
Үт сингари йўл олди.
Булутлар орасида,
Осмоннинг қорасида,
Езиб бориб қулочин,
Гүё бир буюк лочин
У чинорга ўтирди,
Гүёки ўқдай урди.
Чинор томири блан
Кўкарған ери блан,
Кўпорилди гувуллаб,
Шамол каби увишлаб.
Зўр шохлар ерга кетди,
Томир осмонга етди.
Ер узра тушиб Бун'ёд,
Бўлиб дун'ё-дунё шод.
Гўзал дуддул отида,
Отининг қанотида,
Кўзларида зўр ёғду,
Кулиб турар эди у.
Кўрсатгучига зўр иш
Эл сўзлар эди олқиши.
Юрак ёрилгудай хон
Хурсанд эди бепоён.

Паризод бўлиб беҳол,
Туриб қолган эди лол.

VII

Тўй бўлади дея эл,
Боса берди гўё сел.
Барча шошиқар эди,
Тўй деб ошиқар эди.
Қотиб қолган Паризод
Олдига келди Бун'ёд.
Секин қўлин узотди,
Калбига зўр тош отди.
Паризод бир эмранди,
Қош-қовоги чимранди:
«Гўфри,— деди,— сен ютдинг,
Совуқ қўлимни тутдинг.
Нима қилай, розиман,
Узимдан норозиман.
Бахтим очилмади ҳеч,
Айтганим бўлмади ҳеч.
Фақат, агар унасанг,
Унаб йўлга жўнасанг,
Яна бир шарт қўярдим.
Яна синааб кўрадим.
Шундан сўнгра умрбод
Сенга бўлар Паризод».
Був'ёд ҳам рози бўлди.
«Гәпир,— дея букулди,—
Гапинг бўлса айтабер,
Қўнглинг тўлса айтабер.
Ҳарбир ишни биларман,
Ҳарнимани қиласман.
Қўнглингни ололмасам,
Бир ором сололмасам,
Иўлдош бўлолмасман ҳеч,
Сен ҳам ундей ёрдан кеч».
Тикка туриб, Паризод
Шартин эшитди Бун'ёд.

VIII

«Кун ботарда бир ёвуз
Дев бор эмиш, ялмогиз.
Одамга душман эмиш,
Қон эмиш унга емиш.
Ҳар мусибат, ҳар օֆат,
Ҳарбир мудҳиш касофат,
Барча жабру жафолар,
Ҳамма дарду балолар
Үшандан келар эмиш.
Одамларни емириш
Блан бўлар эмиш шод,
Қўнгли ғамлардан озод.
Ўзи бало тоғининг
Ва оғат булоғининг
Бошида ўлтирагмиш
Қуну туну ёз ҳам қишиш.
Уни кўрган ҳар чаман,
Қўяркан тупроққа таш,
У тақилган ҳарбир гул
Тўкилар экан буткул.
Уни кўрган ҳарбир жон
Тез бўлар экан хазон.
Дар'ёлар қурур экан,
Балиқлар чурур экан,
Ундаи ҳаркун табиат
Олар экан қора хат.
Икки ою икки йил,
Юрсанг маҳкам боғлаб бел
Маконига борарсан,
Андомига қаарарсан.
Уртангизда жанг бўлур,
Икки олам танг бўлур.
Шуни жангда ўлдирсанг,
Ҳаётини сўлдирсанг.
Қўлинг блан одамзод
Балодан бўлса озод,

Девни ўлдириб агар,
Қайтиб келсанг безарар.
Шу куни түй бошлармиз,
Ғам-ғуссани ташлармиз».

IX

Паризод ерга боқди.
Бун'ёдни ўтлар ёқди.
Бўлиб хоннинг ҳоли танг,
Қотиб қолди ҳангуманг,
Қалаваси чуволди,
Бор умидя йўқолди.
Таажжубда ҳалойиқ
Кўзига ёш олди жиқ.
Бун'ёд узоқса боқди,
Чарвоқса, тоққа боқди.
Назари чўлга тушди,
Ҳув дея йўлга тушди.
Кўздан йўқолди шу он,
Тарқалди ҳамма ҳайрон.
Баланд тоғлардан ошди,
Дараларда адашди.
Водиларга кўз ёши
Тўкиб айланди боши.
Дар'ёлардан ўтди ул,
Яна узоқ кетди ул.
Юрти қолди узоқда,
Тушунчаси тузоқда.
Зўр бир ишга қўшиб бош,
Ўзига ўзи йўлдош,
Узоқ чўлларга етди.
Қайноқ кўлларга етди.
Поёни йўқ кенг саҳро
Үт пуркаб солди садо.
Оёғи остида қум
Етади уюм-уюм.
Бирор қўнат кўринмас,
Бирор жонвон уринмас.

Еңига түшиб қүёш
Куяр эди ичу тош.
Бошдан тер қуяр эди,
Оёғи қуяр эди.
Халқымлари бұлиб қок,
Тоқатлари бұлиб тоқ,
Қимирлар эди секин,
Зұрға олар эди тин.

X

Бир йилдан сүнг баногоҳ
Бир сирдағ бўлди огоҳ:
Поёни йўқ кенг чўлда,
Қайнаган қумлик кўлда,
Бир зўр дараҳт кўринди,
Ушанга кўзи тўнди.
Кўп толиққан бу одам,
Шу томон қўйди қадам.
Дараҳт қуриган эди.
Қуриб ҷуриган эди.
Эди минглар ёшида,
Унинг баланд бошида
Қуш уяси бор эди.
Ҳам зўр ҳамда тор эди.
Дараҳтга бир зўр илон,
Чирманиб, у ошиён
Сари заҳар сочарди,
Ҳам оғзини очарди.
Чақалар чирқирашиб,
Фар'ёд қилиб туташиб,
Онани кутар эди,
Қон, зардоб ютар эди.
Бағрини ўртаб бу дод
Яқинроқ борди Бун'ёд.
Ердамга фаҳми келди,
Қушларга раҳми келди.
Қиличини чиқариб,

Дарахт ёнига бориб,
Уша ёвуз илонни,
Хунук ва мудҳиш жонни,
Тўғраб ташлади шу он,
Қумлар бўлди қизил қон.
Чақалар омон қолди,
Анча омон жон қолди.
Чақаларни қутқариб,
Илонни қонга қориб,
Дарахтнинг соясида,
Уя ҳимоясида,
Узоқ уйқуга кетди,
Жонига ором етди.
Кун чошгоҳдан оққанда,
Қуёш тикка боққанда.
Қўзғолган каби бўрон,
Гувуллаб қолди осмон.
Яшин учгандай бўлди,
Пода кўчгандай бўлди.
Қўкни тутиб қаноти,
Бутун оламнинг оти,—
Семурғ қуш келиб қолди.
Бун'ёдни билиб қолди.
Чангалида зўр арслон,
Тумшуғида ботмон дов,
Кўзи ичидаги ўт
Оlamни қилиб нобуд,
Уясига қўнмасдан,
Бир оз бўлсин тинмасдан,
Бун'ёдинг боши узра,
Чиза берди доира.
Жаҳон бузиб ўкирди,
Қаҳ-қаҳ уриб бўкирди.
Емак учун одамни,
Торта берди у дамни.
Чақалари чирқираб,
Қўз ёшлари тирқираб.
Ялиндилар, қизғон деб,

У бир гуноҳсиз жон деб:
«Қизғон она, ўксизни,
Ўша қутқазди бизни.
Бўлмаса ўлар эдик,
Очилмай сўлар эдик.
Бизни ер эди илон,
Айрилардинг, онажон».

XI

Семурғ ўйланиб қолди,
Қалбини шафқат олди.
Кумнинг бағрига ботган,
Қуёшда куйиб ётган,
Бун'ёдга соя солди,
Қанот остига олди.
Қуш номли бу буюк зот,
Үндаги кумуш қанот,
Бутун борлиқни тутди.
Бор осмонни беркитди.
Бун'ёд салқин сояда,
Бундай зўр ҳимояда,
Етти тунни ухлади,
Етти кунни ухлади.
Уйғона бермагач у
Босиб тобора уйқу,
Семурғ дар'ёга кетди,
Хаял ўтмасдан етди.
Сувни шимирди чўллаб,
Қанотларини ҳўллаб,
Шу замон учиб келди.
Жаладай кўчиб келди.
Тўхтаб Бун'ёд қошида,
Бир силкинди бошида.
Бун'ёд уйғонди дарҳол,
Уни лол этди бу ҳол.
Бирдан туриб сесканди.
Кушни кўриб сесканди.

Одамларга ўхшаброқ,
Семурғ бошлади сўроқ:
«Икки минг йилдан бери,
Шу кенг саҳронинг ери
Бўлмишdir менга макон.
Мендан бошқа бирор жон,
Келолмади бунга ҳеч.
Кумлар кўчиб эрта-кеч,
Ватанидан ажралди,
Саҳро гиёҳсиз қолди.
Қуртлар сарсон бўлдилар
Учган қушлар ўлдилар.
Бунда фақат топди жон,
Сен ҳалок қилган илон.
Ҳеч ёғмади ёмғур ҳам,
Ер кўрмади зарра нам.
Қадам босмади инсон,
Доримади ҳеч ҳайвон.
Шунча йил ёлғиз турдим,
Ер ва осмонни кўрдим.
Сўйла менга, эй одам,
Бошингга тушди не ғам?
Зўр бир мардлик қилибсан,
Лекин бекор келибсан,
Тилагингни айт менга,
Не кўмак берай сенга?»

XII

«Мени гўзал Паризод
Жўнатди,—деди Бун'ёд,—
Дун'ёни ғамга кўмган,
Жафо-аламга кўмган
Девни бир кўрмоқчиман,
Кўриб ўлдирмоқчиман.
Одамларга баҳт бермоқ,
Баҳтиларга гул термоқ,

Элдан шиорим бўлди,
Номус ва орим бўлди.
Шуни қилсам Паризод,
Ерим бўлиб, қилур шод.
Қуш дедики: «Эй инсон,
Бекор бўлибсан сарсон,
Паризод хўп алдапти,
Қўрқинч йўлларга сопти.
Хоннинг қизи дев блан,
Ошно эди бурундан.
Емон кўрганларини,
Душман билганларини,
Йўллар эди ўшангага.
Дўст эмас экан санга.
Сен бу йўлда ўлурсан,
Аниқ, қурбон бўлурсан.
Девга бормай қўяқол,
Бошқа қизни деяқол».
Эсга келиб Паризод:
«Қайтмайман.— деди Бун'ёд.—
Шер изидан қайтмайди,
Эр сўзидан қайтмайди.
Уни кўмгунча уёт,
Улгани яхшироқ бот.
Шунинг учун бораман,
Нима бўлса кўраман».

XIII

Кушда меҳр уйғонди,
Қизғониш блан ёнди,
«Кел, эса устимга чиқ,
Менинг қанотимга чиқ.
Бир нафас ўлтиргин жим.
Бир нафас кўзингни юм.
Мен кунингга ярайин,
Сени олиб борайин.

Денгизлардан ўтганда,
Дун'ёни сув тутганда
Кўзларинг очилмасин,
Хаёлинг сочилмасин.
Ўзингни йўқотмагил,
Яна сувга отмагил,
Сени олиб борарман,
Курашингга қаарман,
Улсанг гуноҳ ўзингда,
Қўрқув билмас сўзингда.
Агар девни ўлдирсанг,
Ерни нурга тўлдирсанг,
Яна олиб қайтарман,
Офаринлар айтарман».
Қанотга чиқди Бун'ёд,
Кўзини чирт юмди бот.
Ва Семурғ қилди парвоз,
Дун'ёни тутди овоз,
Кув ботар томон кетди.
Тун ётар томон кетди.
Семурғ остида дун'ё
Айланган бўлди гўё;
У ўқдай учиб ўтди,
Яшиндай кўчиб ўтди,
Еру кўкка солди жар,
Шовқинига дун'ё кар,
Ҳезлаганда юрт олди,
Ўлкалар кетда қолди.
Қолмай ўтмаган ери,
Уча-уча охири,
Ўрмонликка етишди,
Шивиллаб пастга тушди:
Ялмоғизнинг қошидан,
Дараҳтларнинг бошидан
Вабо ўтгандай бўлди,
Бало етгандай бўлди.
Семурғ бир силкинди бот,
Кўзини очди **Бун'ёд**.

Күн ботардаги ўрмон,
Унга бўлди намоён.
Дараҳтларга кўз солди,
Оғир ҳайратда қолди.
Тикилди суқ киргудек,
Бунда ўсган ҳар терак,
Боши осмонга етган;
Кўкка чирмасиб кетган.
Атрофга жилва қилди,
Нафаслари тиқилди.
Семурғ деди: «Эй ботир,
Кел энди ўрнингдан тур!
Бориб душманингни топ,
Қилич сол, бўйнидан чоп.
Жўна, баҳтинг бор бўлсин.
Уткир қилич ёр бўлсин.
Сени шунда кутарман,
Келмасанг қон ютарман».
Дея кўздан йўқолди,
Бир кесак бўлиб қолди.
Бун'ёд ўрмонга кирди,
Сув кечиб қонга кирди.
Уткир қилич қўлида,
Борар экан йўлида
Дараҳтлар қулар эди,
Ииртқичлар ўлар эди.
Ўрмонда ҳарнаки бор,
Қурту қушу жонивор,
Қарши олар эдилар,
Назар солар эдилар.
Бу ҳам бўлар деб қурбон,
Эдилар кўп пушаймон.
Чумчуқлар чирқиради,
Булбул йиглаб турарди.
Бун'ёд эса мардона,
Марду баҳодирона,
Ўрмонда борар эди,
Девни ахтарар эди.



ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ
иши кабинети
Фото — 1944

Ошиқарди күгай деб,
Қаршисида турай деб,
Қылар эди күп армон,
Топай деб дардга дармон.

XIV

Бун'ёд етти күн кезди,
Етти қора түн кезди.
Энг охир туң чоғи,
Бир ҳид сезди думоғи.
Тани жимиirlаб кетди,
Қалби қимирлаб кетди.
Бораберди у ҳамон,
Гувуллаб қолди ҳар'ён,
Үрмөн шатирлаб қолди,
Барглар патирлаб қолди.
У яна юрди бир оз,
Охир дөв чиқди пешвоз.
Секин-секин юрарди,
Қақың уриб турарди.
Думидан бошигача,
Бошдан оёғигача
Хұрсандлик олган эди,
Шодликда қолган эди.
Зақар томар тишидан,
Үлім ёғар ишидан.
Шохи осмонда эди,
Тирноғи қонда эди,
Бун'ёдга кулиб боқиб,
Нафсига йигит ёқиб:
«Салом, ўғлим, кел — деди,—
Душман эмас эл — деди,—
Омон-эсон бормисан?
Паризодга ёрмисан?
Гүзәл қизим омонми?
Шүх юлдузим омонми?

Тилагингни айт менга,
Не мурод керак сенга?»
Йигит сўзга бошлади,
Гапни тизиб ташлади.
«Бун'ёд сенга эл эмас.
Эл бўлганни дев емас.
Сен бир офат эмишсан,
Зўр қабоҳат эмишсан,
Одамизоднинг ёви,
Ўғлонларнинг гўркови
Узинг эмишсан ёлғиз.
Паризод деганинг қиз,
Қанча дўстинг бўлса ҳам,
Аlam ютиб ўлса ҳам,
Бошингга етажакман,
Ўлдириб кетажакман».—
Бун'ёд қилич чиқарди,
Ўрмон ялтираб қолди.
Бун'ёдинг қаҳри келди,
Девнинг ҳам заҳри келди,
Кўзларидан ўт сочди:
Ўрмонликдан тун қочди.
У ҳар оғиз очганда,
Зўр бир ёнғин кетарди,
Қанча ўрмон битарди.
Нафасидан зўр бўрон
Қўзғолар эди ҳар'ёя:
Томирлар кўчар эди,
Дараҳтлар учар эди,
Осмонни қушлар тутиб,
Ҳаммаси ҳам қон ютиб,
Чирқирашиб турарди,
Зўр курашни кўрарди.
Тўкилар эди қонлар..
Барча йиртқич ҳайвонлар.
Кезарди бесаранжом
Сақлаб қолмоқ учун жон.

Бун'ёдни ютмоқ учун,
Бўғзидан тутмоқ учун,
Дев ҳамла қилас эди,
Ба'зид қулар эди.
Оташда эди ичи,
Баҳодирнинг қиличи
Ялтиради бошида,
Кулар эди қошида.
Бун'ёд қилич солганда,
Ҳарбир сирмаб олганда,
Девни узиб ўтарди.
Узиб, бузиб ўтарди.
Тўхтамади қонли жанг,
Бўлди девнинг ҳоли танг.
Икки куну икки тун
Солишиди улар бутун.
Тинимни билмадилар,
Ярашга келмадилар.
Бун'ёд қиличи блан,
Заҳарлик учи блан
Девни бурдалайберди,
Қилич қон ялайберди.
Дев макон қурган ўрмон
Бошдан оёқ бўлди қон.
Қиличини ҳар солганда,
Ҳарбир сирмаб олганда,
Бир жойни олиб ўтди,
Бир раҳна солиб ўтди.
Охири жон қолмади,
Жону дармон қолмади.
Қилич бўғзидан тутгач,
Тоғ каби ёриб ўтгач
Дев ҳарсиллаб қулади,
Бир ҳарсиллаб қулади.
Дев қулаб йиқилганда,
Бирдан яксон бўлганда
Ерлар қимирлаб кетди,
Зилзила гурлаб кетди.

Чұзала түшган өфи,
Девнинг бошу өфи
Үрмөнни тутиб кетди,
Сиғмай четга ҳам үтди.
У типирлаб берди жон,
Ва жим-жит қолди үрмөн.
Шундан сұнг ботир Бун'ёд
Бұлиб үзида йүқ шод,
Қилични ювиб олди,
Бир үпіб, қынга солди.
Паррандалар барчаси,
Гүзали, ой парчаси
Ботирни узатдилар,
Алқышлаб кузатдилар.
Иигит Бун'ёд мардона,
Марду баҳодирона,
Юриб үрмөндан чиқди,
Фавғо ва қондан чиқди.
Ботир ғоят бекарор,
Семурғига интизор
Туар эди күз тутиб,
Хар күзини юз тутиб.
Кесак бұлиб ётган қуш,
Гүе күрган каби туш
Қонлар түкилганини,
Бун'ёднинг енгганини;
Ботирнинг ғуссадан пок,
Дев бұлғанини ҳалок,—
Билар эди ҳаммасин.
Кесак бұлиб күлкасин
Ерга солиб ётарди,
Ором олиб ётарди.
Бун'ёд келган замон ул,
Шодликка түлди буткул.
Бир айланиб қуш бұлди,
Бун'ёд күнгли хуш бўлди.
Ботир изидан үпди,
Икки күзидан үпди.

Деди: «Кел, устимга чиқ,
 Менинг қанотимга чиқ!
 Энди кетга қайтайик,
 Элга достон айтайик.
 Ботир йингит кетдик, бүл!
 Келган жойга етдик, бүл!»
 Ботир қанотга чиқди,
 Зүр «дулдул атга» чиқди.
 Құзини юмган замон,
 Хаёлга чўмган замон,
 Семурғ кўкда йўл олди.
 Үрмонлар кетда қолди.
 Бир юрт кўчиб боргандай,
 Қўчиб учиб боргандай,
 Шовқун-сурон зўр эди,
 Ва беимкон зўр эди.

XV

Гўзал қуш қанотида,
 Кўкнинг чопқир отида,
 Учиб бораркан Бун'ёд,—
 Хаёлида Паризод.
 Қуш кенг саҳрода етди,
 Инига қараб кетди:
 «Эй Бун'ёд, кўзингни оч,
 Жаҳонни кўр, назар соч!
 Энди йўлни топарсан,
 Керак бўлса чопарсан.
 Бор, яхшилар ёр бўлсин.
 Ботир, баҳтинг бор бўлсин».
 Қайтадан қўл ушлашиб,
 Семурғ блан хушлашиб,
 Бир-бирини қучоқлаб,
 Меҳру муҳаббат боғлаб,
 Ажралдилар иковлон.
 Бун'ёд жаҳонни жавлон.
 Уриб яна йўл кетди,
 Саҳро блан чўл кетди.

XVI

Тоғлар ошди, қир ошди,
Ойлар бўйи адашди.
Сўнгги қирдан ўтганда,
Ўз ютига етганда,
Кунларини санади,
Тунларини санади.
Англади роса уч йил
Кезганини муттасил.

XVII

Роса уч йил ўтганда,
Оlamни гул тутганда,
Ям-яшил эрта баҳор,
Паризодга интизор,
Бун'ёд бўлди намоён—
Ҳам хурсанду ҳам ҳайрон.
Юраги уриб келди,
Оlamни кўриб келди.
Паризодни сўроғлаб,
Бағрини ўтда доғлаб,
Хоннинг эшиггин қоқди.
Эриб сув бўлиб оқди.
Паризодни кўргали,
Аҳволини сўргали,
Жаҳонни уриб жавлон,
Семурғ блан иковлон,
Осмонда учганини;
Ёвуз девнинг танини,
Қиличда тўғраганин,
Олганин ўнинг жонин
Сўйлагали шошарди,
Дар'ё каби тошарди.
Қалбини бир оғир ғаш
Ўртарди мисли оташ.
Бир шубҳаси бор эди,
Шубҳа унга ёр эди.

Не кечди пари ҳоли,
Сўлмадими ниҳоли?
Узоқ уч йил муттасил,
Нелар қилди экан ул?—
Дея азоб чекарди,
Зўр изтироб чекарди.
Бун'ёд саройга кирди,
Тахт турган жойга кирди.
Ўзини йўқотди хон,
Ботирни кўрган замон.
Хоннинг юзига қараб
Қалби ичра оралаб
Бун'ёд баҳодирона,
Сўз бошлади мардона:
«Оlamни кўриб келдим,
Девии ўлдириб келдим.
Дар'ёларни қурутган,
Балиқларни чурутган,
Инсонни дарду бало
Блан қилган мубтало
Евузнинг оти ўчди,
Оту ҳаёти ўчди.
Керакким қилмай жафо,
Ва'дага айлаб вафо
Паризодни бергайсан,
Ул озодни бергайсан.
Тўй бошламоқ лозимдир.
Кўй бошламоқ лозимдир».
Қовоғини уйиб хон,
Уятига куйиб хон,
Сўзга киришди ожиз:
«Сенга ва'да қилган қиз,
Сўзингга жавоб берсин.
Керак бўлса тоб берсин.
Ихтиёри ўзида.
Турган бўлса сўзида,
Тўй бошлармиз шул замон.
Бўлишармиз шодмон.

Қани Паризод келсин,
Уша ҳур, озод келсин».
Мулозимлар чопдилар,
Паризодни топдилар.
Пайдо бўлгач Паризод,
Ҳайратда қолди Бун'ёд.
Ихтиёри йўқолди,
Совуқ бир терда қолди:
Хоннинг қизи Паризод,
Ғамгин эмас жуда шод,
Үғлин олдига солиб,
Қизини қўлга олиб,
Келар эди ул томон,
Боқар эди кўп ёмон.
Бун'ёд ҳангуманг қолди,
Холи-зори танг қолди.
Унга Паризод маккор
Шуларни қилди изҳор:
«Чўпонни севолмадим,
Ҳеч кўнгил қўёлмадим.
Фурбатга қорганимнинг
Девга юборганимнинг
Сабаби шунда эди,
Кўнглим тугунда эди.
Улиб кетар деб эдим,
Чуриб кетар деб эдим.
Қанча ботир бўлсанг ҳам,
Зўр баҳодир бўлсанг ҳам,
Тўшагинг хас деб билдим,
Аслингни пас деб билдим.
Севолмадим сени мен,
Чунки мен хон қизимен.
Мен саройнинг эрига,
Отамнинг вазирига
Аллақачон текканман.
Шарт қилиб сафарга сан
Чиқиб кетган кунингда,
Йўлда бўлган тунингда,

Түй бўлиб ўтган эди,
Ҳамма иш битган эди».
Ерга тикилганча хон,
Жим қолди узоқ замон.
Паризод ерга боқди,
Бун'ёд ўтда тутоқди.
Не айтарин билмасдан,
Тили сўзга келмасдан,
Ғазабда ёнар эди,
Ёнар, қийналар эди.
Паризодни, хонни ҳам,
Икки номард жонни ҳам,
Қиличдан ўтказмоққа,
Ұлимга ютқизмоққа
Ҳозир эди шул замон,
Ўт ичиди беомон.
Шу ғазаб, шу ўч блан,
Шу қасос, шу куч блан
Саройни ташлаб чиқди,
Қўзини ёшлаб чиқди.
Бевафо хон қизини,
Номард хоннинг ўзини,
Унутмади ҳечқачон,
Қарғаб ўтди беомон.



МАКОЛАЛАР

САЛОМ, ПУШКИН!

I

Александр Сергеевич Пушкиннинг вафотига юз йил бўлди. Бундан юз йил илгари подшо қўл остидаги реакцион дворянлар гуруҳи Русиянинг энг буюк шонрини фожиали суратда ўлдирган эдилар. Буюк рус халқининг куйчиси, мамлакатни халқларнинг қамоқхонасига айлантирган подшолик томонидан қатл этилган эди.

Пушкин ўз ижодига назар ташлар экан, бундаги энг муҳим нуқтани тўғри қайд этган эди. Бу унинг умрининг охиригача озодлик учун курашучи, ҳурриятпарвар, гуманист бўлиб ўтганидир. У, ўзининг «Ҳайкал» деган шे'рида ёзган эди:

Кўп замонлар меҳрим яшар ҳалқ юрагида,
Эзгу ҳислар қўзғаб ўтди чунки рубобим,
Озодликни мақтаб ўтдим ёвуз замонда,
Тушкунларга шавкат дея қичқирдим.

Пушкиннинг доҳиёна бу сатрлари айниқса бугун ўзининг ҳақиқий ифодасини топди. Пушкин айтган даражага чиқмоқ учун буюк рус ҳалқи жуда катта буюк тарихий йўл ўтиши, социалистик инқилоб байроғини баланд кўтариб, Пушкини ҳалок қилган жамиятни ер блан яксон қилиши керак эди ва шу нуқтани назардан қараганда Лениннинг Толстой тўғрисидаги айтгандари бутунлайича Пушкинга ҳам оид эканини кўрамиз:

«Толстой — ҳатто Русияда ҳам жуда озчиликка ма’лум бўлган сан’аткордир. Унинг асарларини чинака-

мига ҳаммага яқин құлмоқ учун курашмоқ керак, миллионлар ва ўнларча миллионларни қоронгиликка, нодонликка, уқубатли меңнат ва гадойликка маҳкум әтган ижтимоий тузумга қарши курашмоқ — социалистик инқилоб құлмоқ демақдир».

Дарҳақиқат, социалистик инқилобгина, бундан бутун бир аср илгари ўтган шоирни эрк олған буюк бир халқнинг ҳақиқий замондошига айлантираолды. Пушкин ижодининг бунчалик қадрланиши ва шу қадар кенг ўқучилар оммасига эга бўлиши, Пушкин куйлаб ўтган озодликни юзага чиқармасдан, Пушкинни ҳалок әтган жамиятни йўқотмасдан, социалистик инқилоб құлмасдан ва социалистик жамият қурмасдан туриб мумкин эмас эди.

Пушкин, ўз ижодининг бутун томирлари блан бу-
кунги буюк совет халқи блан боғлангандир. Чунки, у,
рус адабий тилини яратучи эди. Чунки, у, янги рус
адабиётининг бобоси эди. Чунки у, инсониятни ўлмас
асарлар блан бойитган эди. Чунки у, рус халқнинг ин-
қилобий қайфиятини ифода қиласа, ўла-ўлгунча озод-
лик деб ўтган, чоризм блан курашган буюк гуманист
эди.

Пушкин, феодал Русия, капиталистик тараққиёт даврига ўтаётган бир даврда яшади. Бу даврда, феодал Русия, Европадаги бутун реакцион кучларнинг таянчи бўлган бир пайт эди. Шоир жамиятни бўғиб ётгай реак-
цион тузумга қарши чиқди, зулмни йўқотишга чақирди,
қонун олдида ҳамманинг бараварлигини куйлади.

Пушкин жуда ёшлигидан бошлаб подшоликка қар-
ши сиёсий ше'рлар ёзабошлади. У, ҳали босилишга
ўйланмаган ше'рларида помешчикларга жуда қаттиқ
ботинар эди. У, лицейни тамом қиласа йили «Эркин-
лик» ше'рини ёзиб, бутун олам учун бўлган эркни
мақташни хоҳлаганини айтди. У, бу ше'рида подшо-
ликка ҳамла ва ҳужум қиласа.

Жаҳон золимлари титранг қўрқувдаи,
Сиз бўлса, эй, чўккан қуллар барчаси
Мардона-мардона кўтаринг ис'ён...

Пушкиннинг бутун ҳаёти, подшоликка қарши кураш руҳи блан сугорилган ва бу ҳол, уни то умрининг охиригача таҳликали бир ҳаёт кечиришга мажбур этган эди. Инқилобий руҳ блан тўлган кучли шоир, подшолик олдидা, қора реакция олдидা, катта бир хавф бўлиб кўринади. Пушкиннинг ҳарбир сўзи подшога етказилиб, унинг ҳарбир қадами ҳисобга олиниди. Подшо архивидан топилган доносларнинг бирида шундай деб ёзилган:

«Ҳурриятпарвар, заарали ва бузук ше'рлар инволюцион макони блан ма'lум бўлган титуляр Советник Александр Пушкин, я'ни вафот этишиб баланд даражалик император Александр Павлович жанобларининг фармойишларига биноан, ўз волидасининг Псков губернаси, Опочея уездидаги бўлган мулкида маҳаллий валиларнинг тафтишига ҳавола қилинган киши айни замонда ҳам ғайриахлоқий ва бузук кирдикорлари блан даҳрилик ҳамда ҳукуматга итоатсизликни тарғиб қиласидаридир ва бутун Русия учун ғоят мусибатли ҳабар, я'ни жаноб император Александр Павловичнинг вафотлари хусусида у, я'ни Пушкин ушбу тариқа жаҳаннамомиз сўзларни айтди: «Ниҳоят золим ўлди, қолган авлоди ҳам кўп замон умр кўрмагай».

Доимо подшоликни қарғаб, золимларни сўкиб, «яқинда булардан асар қолмайди» деб туришлари, динга қарши сўзлари эвазига подшолик Пушкинни қувғин қилиш блан жавоб беради. Сўнгиз сургунлар, доимий та'қиб, якка-ёлғиз ҳаёт кечиришнинг жафоси, Пушкинни Русияни ташлаб кетиш хаёлларигача олиб боради.

Подшоликка, реакцион тузумга душманлик мантиқи Пушкинни ўша вақтнинг инқилобчилари бўлган декабристларга яқин қилди. Декабристларнинг тақдидири доимо Пушкинни қизиқтирас, у, бу ҳаракатнинг жуда кўп бошлиқлари блан ошна эди. 1825 йилги декабрь қўзғолони вақтида Пушкин сургунда эди. Факат шунинг учунгина ҳам у, бу қўзғолонда иштирок қилаолмади. Бу ҳол унинг руҳида жуда оғир из қол-

дирди. Декабрь ис'ёнидан сўнгги қаттиқ реакция даврида ўзининг қувғин бўлишига қарамай озодликни мақтаб ше'рлар ёзади ва «Сибирьга мактуб» деган машҳур ше'рида Сибирьга қувилган декабристларга мурожаат қилиб, «умидсизланмангиз, келур орзу этилган замон» дейди ва занжирларнинг узилажагидан хабар беради:

Парчаланур оғир кишанлар,
Зиндоң қулар ва эрк шодумон
Пешвоз бўлур эшикда у он,
Қилич берур тағин ёронлар.

Пушкиннинг бу хитоблари подшоликнинг сургуни қадар зарба кучига эга эди, албатта. Подшолик Пушкиннинг бўғзини бўғгани сари унинг сиёсий ше'рлари чуқурроқ ва кенгроқ тарқалар эди. Тўғри, подшолик цензурасидан уларни ўтказиб ҳамма вақт ҳам бостириб бўлмас эди, лекин асарнинг ҳамма вақт ҳам босила-бериши шартми? Пушкиннинг ёзганлари яшин тезлиги блан тарқалар ва цензура буни тўхтатишдан ожиз эди.

Подшолик Пушкиндан қўрқар эди ва бу қўрқув, борган сари Пушкинга нисбатан унинг зулмини ва та'-қибини оширав эди ва ниҳоят у, Пушкинни ўлдиришнинг пайига тушди ва бу ишни устдан қараганда оддий бир ан'ана сифатида усталик блан маккорларча ташкил қилди ва Пушкинни ўлдириди.

Дантеснинг тўппончасидан отилган ўқ подшонинг ўқи эди ва подшолик реакциясининг бу ўқи Пушкиннинг қалбини мангаликка қонатиб ўтди.

Пушкин ўз ижодининг энг гуллаган, энг камолга етиб тўлишган вақтида ўлдирилди.

Пушкиннинг ўлими подшолик реакциясининг энг қора саҳифаларидан биридир. Буюк талантларни яратишдан, буюк ижоддан ожиз бўлган тахт, халқнинг буюк талантларини ўлдириш блан ўзининг қора таннатасини қуарал эди.

Рус халқининг улуғ шоири Пушкин жуда мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди, у, ўзининг ҳарбири янги

асари блан рус адабиётида янги бир давр очар әди. У, қувфина юрган кезларда ёзган асарлари блан Ру-
сияда романтизмнинг вакили сифатида танилди.

Унинг «Қавказ асири» (1821), «Лўлилар» (1824),
«Боғчасарой фонтани» (1822) ва ҳатто қисман «Ев-
гений Онегин» асари ҳам шу руҳда ёзилган асарлар-
дандир.

Пушкин «Қавказ асири»да рус киборларининг ҳаётини Кавказ тоғ халқарининг содда ҳаётига қарши
қўяди ва сўнгисини афзал кўриб мақтайди, ўз жа-
миятидан безиб, жирканиб, унинг разилликларидан
бош олиб чиқиб кетиб, Кавказга сифган асири кўр-
сатади. «Лўлилар» достонида у, лўлиларнинг оддий
турмушини, уларнинг ҳаёт қонунларини Алеконикига
қарши қўяди. Чол лўли Алекога қарши, биз ваҳши-
лармиз, бизда қонун йўқ, биз жабрламаймиз, ўлдир-
маймиз, қон ва фифоннинг бизга кераги йўқ, биз қо-
тил блан яшашни истамаймиз. дейди ва Пушкин бунда
қотилсиз жамият идеясини ўтказади. «Қавказ асири»-
да Пушкин, ҳамон озодликни мақтайди -ва ҳуррият
шарафига оташин хитоблар ташлайди.

Лекин, Пушкиннинг романтизм блан қизиққан дав-
ри узоққа чўзилмайди. Шоир ҳаёт дентизида сузиг
янги қирғоқлардан чиқади. Янги соҳиллар топади.

Декабрь ис'ёнидан сўнг Пушкин ижодида реа-
листик тамоил ўсаборади. Бу ис'ён шоир олдидага янги
уфқ, янги йўллар очади. «Мудҳиш ва фожи» чоразм
всқи'лиги шоирни талвасага солиб, унинг олдига ҷу-
кур муаммолар қўябошлайди. У, даврнинг буюк мав-
зу'ларини кўтаришга киришади. Энди унинг диққат
марказида, тамоман янги асрнинг социал муносабат-
лари туради. Декабристлар ис'ёнидан сўнг ёзилган
катта бадний асар, рус тарихий материалларга асос-
ланган «Борис Годунов» трагедияси әди. Феодаллик
қурилиш томирларининг чириши ва янги социал мун-
осабатларнинг майдонга келиши шоирнинг диққатини
тортади. Буюк замонавий аҳамиятга эга бўлган шаҳар
мавзу'и уни қизиқтиради. У, шаҳарнинг гўзал образи-

ни яратади. Шаҳар кишиларининг типларини ишлайди. Дворянлар жамиятини жуда мукаммал бадий кўрсатган ше'рий роман «Евгений Онегин»ни ёзиб, ўша вақтдаги рус жамиятининг қомусини яратади. Деҳ-қонлар инқилоби мавзу'ини, Пугачёв қўзарлонининг тарихини ишлаб, машҳур «Капитан қизи» қисасини ёзади.

Бу даврда Пушкин ишлаб такомиллаштирумаган адабий, бадий жанр йўқ. Бу даврда Пушкин ҳам шонир, ҳам романчи, ҳам ҳикоянавис, ҳам драматург, ҳам тақиҷидчи, ҳам журналист эди ва бу соҳаларнинг ҳаммасида у буюк муввафқиятларга эришади.

Пушкин реализмининг томирлари борган сари чуқурроқ ёнилар ва у, ўз даврининг энг буюк гувоҳига айланар эди. Рус адабий тилини Пушкин яратди ва бу унинг бутун ижоди ва айниқса унинг реалистик даврининг чуқур мевасидир. У, рус тилини ишлаб, уни тараққиёт чўққисига кўтарди. У, содда, равон, силлиқ, музикали, ширадор ше'рий тил яратди. Бу тил, рус ҳалқи тилининг тутганимас бойликларидан, жуда оддий унсурлардан ишланган бўлиб дворян сарой ёзучиларининг қуруқ-тантанали тилидан ўзининг ҳаётийлиги блан фарқ қиласи эди.

Пушкин рус фольклорини ўрганди. Уни йигди. Рус эртакларини тўплади. Уларни ишлади ва шулар асосида «Султон подшо» ва «Поп ҳам унинг хизматчиси Балда» ва бошқалар каби жуда гўзал ўлмас эртаклар яратди. Рус ҳалқ тили ва унинг фольклори устинда олиб борилган бу иш, Пушкиннинг бутун ҳалқ учун гўзал ва англашиларли бўлган адабий тилни яратишига жуда катта ёрдам қиласи. «Правда» ёзганидай: «Пушкин удуғ ҳазина бўлган ҳалқ тилидан додиёна фойдаланиш блан рус адабий тилини яратучи-си ва рус ҳалқининг энг яхши фарзандларининг фикр, ҳис ва ҳаёлларини катта бадий кучга эга бўлган асарлар блан ифодалаб, маданиятни бойитгани учун ҳам янги рус адабиётининг бобоси бўлиб қолди».

Пушкин буюк ҳурматларни ўзининг бутун ҳаёт йўли, кураши, инсониятнинг юрагини урдириб тургани фикрларини ифода қилиб ва шу инсониятни буюк асарлар блан бойитиш орқали қозонди.

Пушкин дун'ё адабиётида бутун умрга яшаб қоладиган шоирдир. Белинский айтгандай, Пушкин ўз даврининг ўғли, унинг тараққиётида ўсиб борадиган томонларини кўрган, ўша блан яшаган, ундан озиқдавган, турмушнинг оддий парчаларини олиб уларни катта эҳтиослар руҳида қайтадан ишлаган ва шунга доҳиларча эришгая ёзучидир. У, замонанинг энг олдинги идеяларини англаб қўяқолдигина эмас, балки уларни умр бўйи ифода қиласи ва шунинг учун курашади. Пушкин ўз замонининг бутун интилишларини акс этади. «Ташқи туғ'ёнларни акс этта ички руҳий туғ'ёнлар Пушкиннинг шуурини ҳар томонга ташлаб тўлғар, унинг қалбини парчалар» эди. У жуда катта урунишлар блан ўз шуурининг яхлитлигини сақлашга ва тўғри йўлни топишга урунар эди. Худди ана шунинг ўзи Пушкин асарларини рангдорлик ва равноқ блан тўлдирди. Уларга жозибадор теранлик бағишилади, уларни ўз давридан баланд кўтарди ва уларни фақат бизнинг ўлкамизнинггина эмас, балки бутун башариятнинг бойлиги қилиб қолдирди. «Уз асрининг яхши замондоши бўлган киши, келажакдаги яна кўп асрларнинг замондоши бўлиши учун кўп имконларга эга бўлади» (Луначарский).

Пушкин ўз даврининг буюк гувоҳи. Бу гувоҳ бизга рус чоризмининг бутун сири-асрорини очиб беради. Унинг бутун маразларини яққол кўрсатади. Шунинг учун Пушкиннинг ёзган бутун асарлари туганмас бир бойлик, унинг шахсий ҳаёти яна ҳам буюк бир айбномадир.

II

Пушкин блан бизнинг орамизда узоқ бир аср ётади. Бу аср давомида кекса Русия қанчалар тарихни бошидан ўтказди. Тарих нақадар буюк қадамлар

блан илгари кетди. Бугун Пушкинга замондош бұлған қора даврнинг асари ҳам қолған әмас. Пушкин яшаган замонда халқларнинг қамоқхонаси, қолоқлик, маданиятсизлик, жаҳолат ва реакция үлкеси бұлған Рүсия, бутун СССР халқларининг дүстона озод ватаниндири. Ер юзининг олтидан бир қисміда меңнаткаш халқ, эски дүн'е устидан қат'ий ғалаба қозонди ва бугун социализм жамияти қурилған Рүсияда янги Сталин Конституциясининг юлдози порлаб турған бир вақтда Пушкин томонидан юз йил бурун ёзилған қолған сатрлар, худди кечагина айттылғандай бўлиб қулоққа ёқади:

Бутун буюк Рүсияни чулғаб олур овозам.
Үндаги ҳарбири улус мени ёдлайды ҳарчоқ.
Мағрур славян зоти, букин ваҳший тунгус ҳам
Фин ҳам, ҳатто ўша саҳроин қалмоқ.

Бу сатрларда Пушкин фақат ўз ижодининг келажагинигина күрган әмас, балки унинг үлмас сатрлари шоир ижодининг келажаги, ўша давр Рүсиясіда эзилиб ётган бутун халқларнинг келажаги ҳақида гапноради.

Октябрь революцияси Пушкиннинг буюк хаёлларини ҳақиқатта айлантириди. Октябрь революцияси, ҳали Пушкин замонида ўлиб, битиб бораётган ўнларча нома'лум халқлар — миллатларни юзага чиқарди. Ленин — Сталин миллий сиёсати бу халқларни иситиб, уларни турмушга, курашга чақирди. Уларни хұжалик ва маданий жиҳатдан күтариб, социализм жамиятига олиб кирди. Кишилик маданиятининг әнг шоҳ асарларининг меросхўри қилиб ўстирди.

Дарҳақиқат, мана бундай жамиятда Пушкиннинг айтганнылари оддий ҳақиқат бўлиб қолдилар. Рүсиянинг буюк шоирининг улуғ номи букин бутун СССР ни қуршаб олди. Ҳозир СССР даги бутун халқлар улуғ шоирнинг юз йиллик юбилейинни тайёрламоқдалар. Пушкиннинг юз йиллигига тайёргарлик бир қисм зиёлилар тұласининг иши бўлмасдан, балки бутун

халқ ҳаракати бўлди. Унинг юбилейини колхоз, совхозлар, корхоналар, кенг халқ оммаси тайёрлади. СССР да Пушкиннинг юз йиллиги бутун социалистик маданиятнинг халқ байрамидир.

СССР халқлари Пушкиннинг исмини унинг ўзи ўйлагандан яхшироқ қилиб аташга эришдилар. Руслар, украинлар, татарлар, грузинлар, арманлар, туркманлар, тоҷиклар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, ўзбеклар ва бошқа халқлар буюк шоирнинг асарларини ўрганиш, ўқиш бобида жуда катта иш олиб борадилар. Букун СССР да Пушкин асарларини ўз тилига таржима қилиш устида иш олиб бормаган халқ йўқ деса бўлади.

Бу факт жуда муҳим тарихий ва социал ҳодиса. Бу халқлар, бу даражага эришмоқ учун жуда узоқ ижтимоий тараққиёт йўлини ўтишга мажбур бўлдилар. Пушкин яшаган замонда ҳали ёвойи, кўчманчи ва саҳрои ҳолда бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг энг тубан босқичида бўлган бу халқларга, феодализм ва капитализм зулмидан қутилиб, Пушкин асарларига чин ма'нода меросхўрлик қилаолмоқлари учун бутун бир асрлик кураш йўлини, йигирма йиллик қурилиш — кўтарилиш йўлини ўтишга тўғри келди. Бу ҳол, халқларнинг тарихида жуда буюк аҳамиятга эга бўлган бир пайтдир. Шунинг ўзи кўрсатадики, Пушкин асарларини ўқиш ва англаш даражасига кўтарилиш оддий бир ҳодиса эмас, балки буюк тарихий жараёндир.

Букун ўзбек халқи, Пушкин асарлари орқали бадиий ижоднинг энг буюк намуналари, кишилик маданиятининг энг муҳташам ҳайкаллари блан танишади. Ўзбекистон ҳукуматининг жуда катта ғамхўрлиги блан 1936 йилда Пушкин асарларини ўзбек тилига таржима қилиш бобида жуда катта тарихий иш қилинди ва бу ишнинг натижасида буюк шоирнинг асарлари ўзбек халқининг мулки бўлди. Унинг маданий даражасини юқори кўтаришда катта роль ўйнаяжак, бир фактор, ўзбек халқи тилига ўтказилди. Бу кички-

на иш эмас. Бу ўзбек халқининг маданий тарихида ҳечқачон унтутилмас тарихдир.

Пушкин асарларининг таржимаси блан ўзбек адабиёти, ўзбек маданияти бойиди. Жаҳон адабиётининг энг юксак намуналаридан бўлган Пушкин асарларини ўзбек тилида бўлиши, бу кичкина гапми? 1936 йилда олиб борилган жиддий иш натижасида улуғ шоирнинг энг муҳим асарларидан бирмунчаси асосан ўзбек тилига таржима қилинди.

Бу каттакон маданий бир факт. Бу бадиий адабиётга одатланиб келаётган ҳарбир меҳнаткаш ўзбек ўз тилида әркив равишда Пушкиннинг асарларини ўқий олади деган сўз. Чунки бу асарларни ўқиганда, унинг кўз олдида бутун Русиянинг тарихи, дворянлик жамиятининг гуллаш ва чириш манзаралари, Русияда деҳқонлар қўзғолонининг қаҳрамонлари ўлмас образларда жонланажак. Бу, Пушкин яшаган, Пушкинни қатл этган замонни яхши билмоқ ва буюк социалистик ватанга нисбатан оташин муҳаббат туйғусини тарбияламоқ учун ҳам зарурдир.

III

Пушкин асарларини ўзбекчага таржима қилиш натижасида ўзбек совет адабиёти ва унинг поэзияси ниҳоятда бойиди. Пушкин асарлари устида ишлаш натижасида ўзбек шоирлари жуда катта бир мактаб ўтган бўлдилар. Пушкин ижодининг ўзи блан яхшилаб танишиш катта сабоқ бўлса, уни ўзбек тилига ўтказиш устидаги иш ундан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга.

Таржималар юзасидан ўтказилган Пушкин конференциялари ўзбек шоирлари ва ёзучиларининг шу иш натижасида қанчалик ўсганликларини очиқ кўрсатиб берди. Шоирлар чиқиб: ҳақиқий ше'рий асар яратмоқ учун жуда узоқ ва чидам блан ишлаш кераклигини сўзладилар. Пушкиндан муваффақиятли қилинган ҳар парча, ҳарбир сатр, шоир ижодида муҳим бир босқич, чунки бу адабий ижодий иш, содда тилмочлик

эмас. Сўнгги йил ичидаги ўзи ҳечнарса яратмасдан, Пушкиннинг бирор асарини муваффақият блан таржима қилиб берган шоирни ижодий жиҳатдан ўсмади, қотиб қолди деб айтиб бўладими? Асло йўқ. Пушкин асарларини ўзбек тилида бериш жуда қийин иш. Буюк шоирнинг ўлмас асарлари ўзбек тилида қай товуши блан жаранглади? Узбек тилидаги Пушкин шे'рида оригиналдаги руз ва шира сақланганми? Бундай бир ўхашаликка эришиш жуда қийин, шунинг учун ҳам Пушкиндан бирор асарни яхшилаб таржима қилиш блан шоир ўз ижодида янги бир пофона ошади.

Ҳечбир шоир, таржима устида бунга қадар шунчалик ишлаган эмас, аммо бунга қарамасдан Пушкин конференциялари бу бобда қанчалик қийинчиликлар турганини жуда очиб берди. Тўғри, Пушкин конференциялари таржималарнинг аксарини тузук деб топди ва юбилейга босиб чиқаришга тақдим қилди. Лекин бунинг блан иш тугадими? Ҳозир шу таржималарнинг бирмунчаси босилиб ҳам чиқди, қолганлари чиқиш олдида. Аммо Пушкин асарларининг таржимаси юзасидан олиб борилган иш тамом бўлди, дейиш мумкинми? Таржималар кўпчилик томонидан қабул қилинди. Лекин бу блан уларни қат’ий бир ҳолга келди деб айтиш мумкин эмас. Таржималар устида анча шошилиб бўлса ҳамки, жуда жиддий иш олиб борилди, лекин бу, бундан сўнг бу масалага қайтмаймиз деган гап эмас, ҳали таржималар жиддий, чуқур муҳокамалардан ўтмоқлари керак. Пушкин асарларининг таржимасига қайта-қайта қайтишга тўғри келар. Ахир «Гамлет» неча марта таржима қилинмади? Ҳолбуки, ҳамон таржима давом қилмоқда ва ҳарбири таржима Шекспир оригиналининг янги вуқталарини очиб бермоқда. Ана шу фикрнинг ўзиёқ бизга бутун нарсани айтиб туради.

Пушкин асарларининг таржимаси муносабати блан бизнинг адабий танқидчилигимиз зиммасига жуда қатта вазифалар қўйилади. Бунда энг аввал Пушкин асарларини ўзбекчада тарғиб қилиш масаласиلىр

Танқидчилик, Пушкин асарларини таржима қилишда тутилган йўл ва асослар ҳақида ўйлаш ва тажрибаларни умумлаштириши лозим. Пушкин асарларини таржима қилишда ким қандай асосга суюнган, ким қайси йўл блан Пушкинга яқинлашган, ким қандай натижаларга эришган ва бундан сўнг бизнинг тутажак йўлимиз қай хил бўлмоғи лозим? Пушкиндан таржима қилинган ҳарбир асар, ҳарбир парча ше'р чуқур текширишдан ўтиши зарур...

Пушкин асарларининг таржимаси муносабати блан жуда бой ва жуда рангдор бўлган бир тажриба ўртага ташланди. Бу тажрибадан керакли холосаларни ўз вақтида чиқариб олиш зарур. Чунки бу, бизнинг умумий ишимиз, ўзбек адабиётини кўтариш масаласидир. Чунки бу, буюк шоир Пушкинни ўзбек халқига тўғри танитиш масаласидир.

Пушкин асарларининг таржимаси ва шу муносабат блан ўтказилган конференциялардан чиқатурган асосий якун нима? Бу асосий якун ўзбек маданиятининг жуда ҳам ўсганидир. Бу, ўзбек адабий тилининг буюк шоир Пушкинниң асарларини тўла ифода қилаолиш даражасигача кўтарилганидир. Бу ўзбек совет ёзучиларининг дунё адабиётининг энг қимматли хазиналарига ҳам хўжалик қилаолиш даражасигача еттанладидир.

IV

Совет халқлари Пушкинни, ўзининг энг севимли шоири, ўзининг буюк замондоши, юз йилларнинг бошидан ошиб букунги озод халқнинг юракларини тўлқинлантиручи фарзанди сифатида қабул қилди.

Пушкин бизнинг миллий маданиятимизда жуда катта ўрин олди. Унинг бутун ижоди халқнинг революцион түйғусига яқин бўлмаганда, у, бундай ўринни ишғол қилолмаган бўлар эди. Унинг ижоди халқнинг инқиlobий тарихига, унинг миллий хусусиятларига мос келади. У, шунинг учун миллионларнинг юрагидан

яшайды, халқ шунинг учун Пушкинни севади ва қадрлайды. Шунинг учун ҳам унинг юз йиллик юбилейи бутун халқларнинг байрамидир.

Луначарский шундай бир қизиқ воқиани ҳикоя қилган эди:

«Бундан уч-тўрт йил аввал, Вяземскийларнинг со-биқ қишлоғида—Оситаев паркида қезиб юрар эдим. Пушкиннинг бир замонлар шу ерга тез-тез келиб тургани ма’лум... Бу ерда Пушкинга кичик бир ҳайкал ўрнатилган...

Бир гуруҳ комсомоллар: уч-тўрт йигит, уч-тўрт қиз бу ерга саёҳат қилиб келган эдилар... Улар паркни айланыб, сўнг Пушкин ҳайкали олдида тўхтадилар. Улардан бири эгилиб ҳайкалнинг остидаги (ўчиб, хиралашиб қолган) ёзувни ўқиб берди:

«Салом, менга нотаниш насл».

Мен уларнинг яқинида туриб, ҳалиги Пушкин сўзининг бу шароитга жуда мос бўлганлигига ҳайрон бўлиб қолдим. Билишимча, комсомолларнинг ўзлари ҳам ҳайратда эдилар. Улар озгина жимиб, бир-бирла-рига қарашиб олдилар. Ҳайкал тагидан юксалган шу буюк нидо тўппа-тўғри ҳалиги ёш наслга қаратилган эди.

Қизил рўмол ўраб олган кичик комсомол қиз, бироз жур’атсизлик, таажжуб, лекин дўстлик тўла кўзларини Пушкинга қаратаб аста деди:

— «Салом, Пушкин!»

Букун Пушкиннинг юз йиллик юбилейини ўтказаётган буюк совет ҳалқи ўзининг энг севикли ва яқин шоирига қараб, комсомол қиз айтган гўзал сўзларни баланд овоз блан такрорлади:

— «Салом, Пушкин!»

МУҲАММАД АМИН МУҚИМИЙ

Муқимий ўз ижодини ўзбек халқи тарихида энг қора ва энг мудҳиш кунларда бошлади. Муҳаммад Аминхўжа Муқимиининг шоир сифатида майдонга чиқиши қора булут босиб ётган адабиёт осмонида бир яшин чақнагандек, күёш чиққандай бўлди.

Муқимий 1851 йилда Кўқонда туғилди. Шоирнинг отаси Мирзахўжа Тошкентлик бир нонвой эди. У 1830 йилда Шералихоннинг машҳур толони замонида Тошкентни ташлаб кетиб, Кўқонга бориб қолган эди.

Муқимий, бошлаб Кўқонда, сўнгра Бухоро ва Тошкентда ўқиди. У шоир бўлиб майдонга чиққан замонла ўлкадаги адабиёт қаттиқ бир турғунлик кечирар ва кўп шоирларнинг ше'лари чеҳрабозлик ва сарой мувашшаҳчилиги доирасида қолиб кетган эди. Шунинг учун ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмида адабиёт бобида юзага келган зўр бурилиш даставвал Муқимий номи блан боғлангандир.

Асрлар бўйи феодал-патреархал тузум шароитида эзилиб келган ўзбек халқи Муқимий майдонга чиққан вақтда майда-майда хонликларга бўлиб юборилган ва бу хонликлар ўртасидаги тинимсиз кураш меҳнаткаш халқни хонавайрон қилиб ётар эди. Бунинг устига Туркистон Муқимиининг ўз кўзи олдида чоризм томонидан қилич ва қон блан мустамлака қилинди. Муқимий колонизация кунларида ўзбек халқининг бошига келган бало ва фалокатларнинг жонли шоҳиди эди. Халқлар турмасига айлантирилган чор Русиясида ўзбек халқи миллий колониал зулмининг қонли ва

әнг қабиҳ қамчилари остида қолди. Иккى ёқлама зулм мөхнаткаш халқнинг бутунлай тинкасини қурилти.

Мавжуд ҳоким турмуш, ундаги ижтимоий ҳақсизлик ҳақиқатнинг юзига түғри қарай олгучи ҳассос шоирда дарҳол норозилик кайфиятини туғдирди. Мұқимий ўз шоирлик фаолиятини ғазаллар ёзиш блан бошлади. Лекин бу ғазаллар шоирнинг шахсий кеңирмаларини, хусусий сезгиларапинигина ифода қылучи ғазаллар әмас әди. Инсон сезгисининг әнг нозик томонларини ҳам очабилуучи Мұқимий лирикаси чуқур социал моҳиятга эга әди.

Мұқимий ғазалларидаги ҳоким рұх—протест рұхи, норозилик рұхи, алам ва фар'ёд рұхи әди. Бу ғазалларда шоир блан уни ўраб олган ҳоким мұхит ўртасидаги қарама-қаршилик, зиддият, мавжуд тартибдан норозилик ёрқин акс эттан. Мұқимий бу мұхитда якка ва ёлғиз қолдирилған әди. У шунинг учун «коронгидир лайлым каби нақорим» (туним ҳам куним ҳам қоронгидир) деди:

Фигону минг фигон бу чарх кажрафттор дастидин.
Вағфобозу жафо андишаи маккор дастидин,
Спехри бемурувват, золиму ғаддор дастидин,
Китиру зулмидин жону дилим беҳад яро бўлди.

Мұқимий ўзининг социал мазмун блан тўлган ғазалларida ҳоким синфлардан узоқ эканини ва «улуг-ларга», сарой аристократиясига ёлғиз ҳушомадгўйларгина яқин ва дўст эканини ёзди:

Ўзгаларга хулқи ҳуш, аммо менга бадхўйлар,
Ҳаминишиндирлар улувларга ҳушомадгўйлар,

Ҳоким социал тузум блан келишаолмаган Мұқимиңинг тақдирин албатта фожиали әди. Сарой унинг куйини куйламовчи шоирни ҳарқандай кулфатларга солиб, туҳмат ва маломатлар блан чирмаб ташлаган әди. Ҳоким синф ва сарой доирасидан узоқ ва ҳали ўзига паноҳ бўлган янги социал бир кучни топиб ул-

гурмаган Муқимий қонуний равишда яккаликка, ёл-
физликка тушмакка мажбур эди:

Чарх кажрафтордин ҳар лаҳза афсундир ғамим,
Шарқ этарга йўқ рафиқим, ғамгузорим, ҳамдами.

Муқимий ўзининг яқин дўсти шоир Фурқатга ёз-
ган мактубида шундай дейди:

Дўст бўлдим ҳар кишига кўрдим андин минг жафо,
Топмадим, дун'ёни кездим, муниси ғамҳор мен.

Одамлар бир-бирига бўри бўлган бир жамиятда
ўз замонининг энг илфор кишини бўлган шоирнинг
шундай танҳоликка тушмаги табиийдир.

Ҳоким синфларга душманлик ва бегоналик Муқи-
мийни кенг халқ оммасига қараб етаклади. Чунки бу
замонда Ўрта Осиё халқлари ўртасида зўр бир чайқа-
лиш, зўр миллий озодлик ҳаракати кўтарила бошлаган
эди. Муқимий ўз норозилигининг яқин ифодасини шу
халқ ҳаракатида кўрди ва унга қараб борди. Шоир-
нинг дун'ёқарашида янги уфқлар очилди ва натижа-
да унинг поэзиясидаги яккалик, ёлғизлик, танҳолик
йўқолди. *Ғазал* — ҳажвга, лирика — сатирага қараб
ғсди. *Бу*—социал сатира эди, ҳоким синфлардан бе-
гоналик ва очиқдан-очиқ душман бўлиши ва кенг халқ
ҳаракатига яқинлашиши орқасида Муқимий реализмга
кељди. У умр бўйи ростгўй бўлишга онт ичди ва ўз
халқининг чин ўғли бўлган Муқимий то ўлгунча ўз
ситига содиқ қолди:

Найлайн ўйлаб тирикликнинг камию кўстин,
Гар қылич ҳам келса бошларга дегаймен ростин,
Сўзки ҳақ бўлса: саволимга жавобим, ким десун.

Муқимий бизнинг адабиётимизга сатирик реали-
змни, халқ ғазабини, эзилган халқнинг ўз душманла-
рига, ватан ҳоинларига бўлган ўч ва нафратини олиб
кирди. Бундай бир руҳ Муқимийгача бўлган адабиёт-
да йўқ эди. Унинг сатирик ше'рлари социал ҳуқуқсиз-
лик, колониал тузумни қарғишилар, ерли эксплоата-

тор синфлар — бой, қози, мингбоши, танобчи, савдо-гар, риёкор, мулла, эшонларга қарши қаратилган эди.

Мамлакатда очлик, ялонғочлик авж олди. Деҳқонлар кўпчилиги солиқ ва судхўрлик эксплоатацияси остида бор-буидан ажралди. Қосиблар хонавайрон бўлди. Муқимийнинг чуқур реалистик — сатирик ше'ри «Вексил»да эксплоатацияга асосланган тузумнинг ўзбек халқи бошига қандай балолар келтиргани, Туркистонга капитализмининг кириб бориши ва уннинг қанчалик чиритгич роль ўйнаётгани жуда тўғри ва яққол тасвирланган. Қапитализм бутун халқни, ҳам шаҳар, ҳам қишлоқни бозорга қул қилиб қўйган эди.

Банд ўлди олди-сотди, фуқароларингни бил, деб.
Пуллар жаримасини қилсанг экан баҳил, деб,
Бозору бай очалмай қишлоғу шаҳр сил, деб
Арз этдилар халойиқ ҳокимга: ҳукм қил, деб,
Қирқ кунда уч миридан буйруқ дегони чиқди.

Диққат ҳама сотолъай, ё бир нима олурга.
Қассоб етди ўзни гўшт ўрнига тилурга.
Солган қулоқларини эл гап недур билурга,
Бозор аҳли ҳайрон савдо-сотиқ қилурга.
Сўйи самога йиғлаб косиб фигони чиқди.

Халқи-ки, камбағаллар гўёки ғалтак ўлди,
Ўлганни устига ҳам бир неча қалтак ўлди,
Бу воқия Муқимий ҳар ерда дастак ўлди —
Пул — дабба, нарх — қиймат, устига пўстак ўлди,
Пўстак белига боғлаб «завқий» баёни чиқди.

Муқимийнинг бу ше'рида камбағал халқнинг қанчалик жонсарак ҳолга келиб қолгани, халқ сабр косасининг тўлиб тургани ва юрт денгизининг кагта бир қўзғолиш олдига келиб қолгани очиқ қўринади. Ҳасос шоир халқнинг бу ҳолатини жуда реал ва чин чизаолгандир.

Муқимий асарларида янги капиталистик буржуа синфиининг туғилиш жараёни реал акс этган. «Тўйин

Иқон бачча», «Масковчи бой та'рифида», «Чойфуруш», «Хожи қадоқчи» деган эпик сатирик шे'рларида бойлар, савдогарларнинг образини яратди. Уларнинг ҳаммасининг меҳнаткаш халқнинг кўз ёшлари устида кўкарғанини айтади. «Тўйи Иқон бачча» асарида Муқимий бой блан гумашта образини беради. Бой бутун вужуди блан молу дун'ёга ҳирс қўйган киши. Унинг бутун ҳаётидаги ма'но мана шу мол ва дун'ё. Узини хўжайин деб ҳис қилучи бой ҳақиқатда шу молу дун'ё қаршисида энг аянч қул. У ҳамма ёққа чангаль солади. Унинг онгига хусусий мулк, бойлик тўплашдан бошқа ҳеч нарса сифмайди. Демак бу бойга гумашта бўлган кишининг ҳоли ундан ҳам кулгили ва фожиалидир. Бой ўз гумантасидаги ҳарқандай орзу ҳавас куртагини ўлдиради. Тошкентда туручи хўжайин, Туркистон шаҳрининг Иқон деган ерида туручи гумаштага ўғил тўй қилмоқчи бўлгани муносабати блан шундай сим қоқади — телеграмма беради:

Хўжайнин берди Тошкентдин тил:
 «Тўй қиласр бўлсанг қўй ўзингга кафил,
 Ўғлингизни — дедики — қилманг тўй,
 Балки сассиқ нимарса қилманг бўй —
 Не керак сизга тўй қилмоқлиқ,
 Керилиб обрўй қилмоқлик...
 Мен розимас кишига ион берсанг.
 Ё товуқ сақласангу, дон берсанг,
 Туйнингдиндан агарда чиқса тутун,
 Бунда бер дастмояларни бутун.
 Бўлса умидингиз агар биздин,
 Манфаат кўрмасин бирор сиздин.

Муқимий бу сатрларда мол-мулкка ҳирс қўйган бойнинг психологиясини жуда ҳам моҳирона тасвирлаган. Инсонликдан тамом чиқиб қолган гумашта соч тукларигача ўз хўжайнинга боғлиқ — мутидир. Мол уни элдан чиқаради. У худди тўй куни дарвозаларни занжирлайди. Эшикларга қулф уради. Бош чиқариб кўчага қарамайди ва шундай разилликларга ва ҳақир-

ликларга рози бўлгани натижасидагина ўз хўжайини-га ма’қул бўлади. Дастроя унинг қўлида қолади.

«Масковчи бой та’рифида» деган асарида Муқимий Ҳоди Хўжа деган янги типдаги Москва блан Туркистон ўртасида савдо юргизучи бой образини чизади. Бой образини, Ҳоди Хўжа образини Муқимий молдун’ё қаршисида, пул қаршисида инсонлик ҳислагларини тамом йўқотган кишилар қилиб тасвирлайди. Колонизаторлар ва маҳаллий бойларнинг жирканч башараларини ўткир сатира блан чизиб берган Муқимий ўз газаб ва нафратида изчил ва саботли эди. У ўзининг ҳажвий шे’рларида мулла ва авлиёларнинг бутун моҳиятларини фош қилди. Муқимийнинг «Авлиё», «Бач-чағар», «Охуним» деган асарларида мулла ва авлиёнинг жирканч ва қабиҳ сурати гавдалантирилади. Дин кишиларнинг ижтимоий ҳаётida нақадарлик чириткич роль ўйнаганлигини, тозалик, ма’сумлик ва поклик намунаси бўлиб танилмоқчи бўлган бу кишилик ахлатларининг ҳақиқатда энг тубан одамлардан ҳам паст ва нокас маҳлуқлар эканликларини фош қиласди.

Муқимий авлиёнинг суратни шундай чизади:

Бошлирида шапка гоҳи, гоҳ дастор авлиё,
 Қўлларида сабҳа-ю, бўйнида зуниор авлиё.
 «Тавба» денг, охир замона чиқса бу янглиғ чибоқ
 Ҳар йигитга ошиқу, ҳар қизга хуштор авлиё.
 Шул эрур кашфу каромотики бўйлаб субҳи шом.
 Чиқса ҳар ердин бир ис ҳозир хабардор авлиё...
 Тоза илкини ювиб, ейdir ҳалол айлаб гумон,
 Учраса ҳар ерда ким макруҳу мурдор авлиё...
 Филҳақиқат, бўлма ғафлатдан бад андиша «Муқим»,
 Баски шуҳрат топди расволикда бисёр авлиё.

Муқимий муллаларнинг энг номдорларини Маккага бориб ҳаж қилиб, ўзларига пайғамбарлик сифатини ортдириб келганларини фош қилди. Уларнинг бутун иши халқни алдаш асосига қурилганлигини очиб ташлади.

Муқимийнинг «Баччағар» деган машҳур шे'ри шунга бағишиланган:

Ис чиқарған ерда ҳозир мисли шайтон ҳамтовоқ,
Қанча сўксалиг шунча шиллум; турфа суллоҳ баччағар.
Ботини чўян қозон, қайнар ичнда реву ранг,
Зоҳири бир сўғи сурат, қўлда ассо баччағар.
Етқизиб тилсанг баногоҳ қориндан чиқмас алиф
Салласин кўрган киши дер: катта мулло баччағар...
Неча муддат йўқ эди, ул қайда ҳам ҳозир бўлиб,
Ош аруса ҳангираб, кўп қилди савғо баччағар.
Шунча қўйининг пўрдагу пўстдумбасин ўгирлади,
Тозалаб Мингтенасига қилди савғо баччағар
Сурмалар тортиб қачон кўрсанг кўзига доимо,
Узга бергай қўлида, ойина оро, баччағар...
Илгари филжумла номусу ҳаёси бор эди,
Қайси кув ҳажданки келди, бўлди расво баччағар.

Муқимий яшаган даврда реакциянинг қанчалик кучли бўлганини, дин аҳллари, мула, эшонларнинг қиличи қон устида турганини ва уларга тил текизиш бизнинг шоиримиз бошига ҳарқандай балолар келтиришининг муҳаққақ эканини назарга олсак, ҳақиқий халқ шонри бўлган Муқимийнинг ўз реализмida қанчалик саботли ва жасур экани ойнадай равшан бўлиб қолади ва Муқимий поэзияси бизнинг замонимиз учун қанчалик азиз ва қадрдон экани яққол билинади. Экс-плоататор синфларни, қора гуруҳларни фош қилишда бизнинг классик адабиётимизда Муқимий қадар жасур бир фигура йўқ деса бўлади.

Муқимийнинг бутун симпатияси камбағал халқ томонида эди. У ўзининг ўткир ше'рларида халқнинг аянч аҳволини, иккиёклама зулм остида халқ бошига тушган кулфатларни тасвирлади, халқ блан баббара-вар ёнди. Муқимийнинг «Саёҳатнома» деган асари ўша вақтда ўлкани кўрсатиш жиҳатдан жуда катта аҳамиятта эга.

Муқимий Фарғонанинг бутун қишлоқларини кўриб чиқди. Лекин у нима кўрди? Хурофот асири хотинлар,

нодонликда қолдирилган кишилар, одамгарчиликнинг энг тубанларига тушган бозорбошилар унинг күз олдидан ўтдилар:

Мағрұр, хасису бешу кам,
Хар гапда юз ичкай қасам,
Тәгжой олур мөховданам
Ҳожи ўзи мурдор экан.

Юрт хароб, эл оч-яланғоч, бойқуш — мингбошилар халқ бахтини қайтариб турар, халқ ғазаб ва норозилик блан қайнар эди:

Үнда бұлус Гози, деди,
Ҳам муфти, ҳам қози, деди,
Юрт барча норози, деди,
Қылған иши озор экан.

Ұлка қишлоқлари қолоқлик тимсолига, үғри-қароқчиликка айлантирилган әдилар. Бундаги одамлар бир-бирига бўри, бир-бирининг этини шилар эди. Бунда чой ўрнига ишқор дамлаб сотар әдилар:

Сувлар сепилган сўрилар,
Бўрланган ўчоқ, мўрнлар,
Та'бинг мабодо чой тилар,
Дамлашлари ишқор экан.

Қишлоқнинг энг оғир, энг ёмон маккор қароқчилари унинг бутун тизгинларини ўз калхат панжаларида ушлаб турар әдилар:

Мингбошиси сўғинамо,
Тасбиху бўйнида ридо,
Чўқуб қочар зогу ало,
Бир доғули айёр экан...
Бордим шаҳардан Яқкатут,
Баққоли дузди бадбурут,
Бир танга сотқой бир қурут,
Инсофи йўқ таррор экан.

Мұқимий кўриб чиққан бу «Саёҳатгоҳ» жойлар подонлик, қолоқлик маконига, авомлик маконига айлантирилган әдилар:

Озодадин түпори күп,
Дукчисидан аттори күп,
Чойхўридан кўкнори күп,
Бир раста носу бағн экан.

Шубҳасизки, Муқимий ўзининг бу ватан саёҳатидан жуда ғамгин бўлиб қайтди. Лекин у кўргац нарсаларнинг энг қимматлиси халқда ўз хўжаларига қарши бўлган ғазаб ва нафрат олови эди.

Шу нуқтаи назардан Муқимиининг «Танобчилар» деган асари катта аҳамиятга эгадир. Бу асарда деҳқонларни хонавайрон қилучи икки тўра образини Муқимий яратиб қолдирган. Бу Султонали хўжа ва Ҳакимжон образидир. Бу — икки эксплоататор, икки йиртқич, икки ёвуз образидир. Уларнинг порахўрлик, ришватпарастлик, судхўрлик, маккорлик табиатини Муқимий жуда усталик блан реал очиб берган. Султонали хўжа ва Ҳакимжон ҳарқандай раҳм ва шафқатдан маҳрум бўлган, одамгарчилик сезгисини тамом йўқотган кишилардир. Муқимиининг «Танобчилар» ини ўқинганда бизнинг кўз олдимизда одамхўр золим, жафо беручи кишиларнинг қабиқ сурати гавдаланади. Султонали хўжа ва Ҳакимжон образини Муқимий ҳайкал даражасида мукаммал ишлагандир:

Султонали хўжа, Ҳакимжон иков,
Бири хотин, бирлари бўлди куёв...
Ош есалар ўртада сарсон илик,
Хўжа — чироғ ёғи, Ҳакимжон — пилик.
Бир-бирисига солишурулар ўрун,
Эртаю кеч ўпишиб оғиз-бурун.
Саллалари бошлирида оқ сават,
Кўрпача тагда ҳамавақт уч қават,
Бирлари мўлтонинамо, ҳийлагар,
Бирларидир кунда фихҳу, гавда хар..
Оғизлари мақтаниб, ўнбеш қариш,
Майда сухан, эзма, (чурук), занчалиш.
Қайсики қишлоққа тушар отидин.

Элни йигиб, воқиғ этар зотидин;
Дер:—Күзингизга ҳали кал жүжаман.
Махдуми а'замлик ўзим хұжаман.
Бизга бобо ҳазрати Шохлик мозор,
Мухлисімиз мардуми ушбу диәр.
Бязлара Эрхубби бўлурлар тафо,
Аммамизинг эрларидир Нурото.
Биби Убайдада бўладир ҳоламиз,
Гоҳ келур эрди кичик боламиз.
Хизир отамларга буродар эрур.
Чимлиғ азизлар менга додар эрур.
Гарчики мен олиму шайхи замон,
Энди берай қирқингизга бир қазон.
Менки, танобингга чиқибман келиб,
Хизматими яхши қилинглар, билиб,
Ут қўйибон куйдирадурган ўзим...
Ҳокимингиз, ўлдиратурган ўзим.

Султонали хўжа блан Ҳакимжон ҳақиқий одамлар сифатида иш кўраолмайдилар. Уларнинг кишиларни алдашлари албатта шарт. Улар, деҳқонларга таассуб юқтирадилар. Ҳарбир қадамда дин, авлиё, мозор номи блан ҳалқни алдайдилар. Чунки, бусиз улар ҳалқ олдида бир ҳайвон сифатида фош бўлиб қолур эдилар. Уларни одамга айлантирган нарса тақвадорлик, диндир. Мұқимий•Султонали хўжа ва Ҳакимжон образида -эксплоататор синф кишиларининг дун'ёга қарашлари пуч ва тор эканини, уларнинг эзма, паст, майдада, саёз кишилар эканларини фош қиласди.

Султонали хўжа блан Ҳакимжон ҳаётидаги бутун ма'но деҳқонларни хонавайрон қилишдан иборат. Мұқимий уларнинг ана шу ёвуз моҳиятларини тўла очиб ташлайди.

Икки танобини қилиб ўн таноб,
Куйдирибон юртини айланг ҳароб.

Мұқимий ҳадсиз оғир меҳнатда эзилган камбағал деҳқонларни тасвирлайди. Мұқимий қарashiда ҳа-

лол, ҳақиқий одамлар шулардир. Шунинг учун ҳам шонрнинг бутун симпатияси эзилган дәхқонлар томонида.

«Танобчилар» шे'рида Мұқимий эзилган дәхқонларнинг аччиқ фожиасини жуда яхши ифода қылған. Султонали хўжа ва Ҳакимжоннинг қўли остида эзилган камбағал дәхқон ўзининг бир парча хусусий тупроғига қараб: «Сен ўзгага роҳат, лекин менга азоб, уқубатсан» деб қичқиради:

Ун икки ойда келадир бир таноб,
Ўзгаларга роҳату менга азоб.

Ҳақиқатан, пешона тер тўқиб, меҳнат қилиб турган тупроғингнинг ўзига азоб, уқубати, ўзгага — Султонали хўжа ва Ҳакимжон сингари ёвузларга роҳат ва фароғат эканини англаш ва бу оғир тушунча олдидағи ожизликдан аччиқ фожиа йўқдир.

«Танобчилар»да Мұқимий мавжуд социал тузумга нисбатан дәхқонлар кўпчилигининг қараш ва нафратини ёрқин ифода қылған. Бу ўша тузумга нисбатан катта айбномадан бошқа нарса эмас. Бу, ўша мавжуд социал тузумга нисбатан Мұқимийнинг ашаддий душман бўлиб қолганининг ифодасидир.

Ўзгарларга роҳату менга азоб.

Деган биргина сатр блан Мұқимий бизнинг кўз ўнгимизда улкан бир фожиали тарихни жонлантиради. Совет ҳукумати замонида, колхоз тузуми шароитида ўлкамизда баҳтли, фаровон турмуш кўкариб, гуллаб ётган бир кунда, революциягача бўлган даврда дәхқонлар бошига тушган балонинг Мұқимийча тасвири бизга жуда кўп нарса тушунтиради.

Мұқимий ижодининг бу қисми жуда катта аҳамиятга эгадир. Мұқимий ўз халқининг энг оғир кунларида унга ҳамдард бўлди. Лекин, буюк демократ шоир, меҳнаткаш халқни қулликдан қутилтиратурган чора ва кучни англаш даражасигача кўтарилаолмади.

Муқимий ижодининг чуқур томирлари бор. Муқимий, ўзигача жуда катта адабиёт яратган ҳалқнинг шоири сифатида майдонга чиқди. Муқимий янги адабиёт майдонига чиқсан вақтида унинг қаршисида ўзбек ҳалқининг улуғ шоири, ўзбек адабиётининг бобоси, ўзбек тилининг жанговар тарафдори Алишер Навоий яратиб қолдирган буюк мерос мавжуд эди. Муқимий қаршисида Шарқ лирик поэзиясининг улуғ даҳоси Фузулийнинг инжу хазинаси туар эди. Муқимий қаршисида, Шарқ адабиётининг улуғ намояндлари бўлган Фардавсий, Хайём, Жомий, Низомийларнинг асрлар бўйича яратиб қолдирган асарлари бор эди. Ниҳоят, Муқимий қаршисида, Лутфий, Атоий, Бобир сингари улкан шонрлар туар эдилар.

Муқимий ўзбек ва тожик ёзучилари, умуман шарқ классик шоиrlари яратиб қолдирган бутун маданиятнинг илфор томонларини қабул этди. Уларни ўрганди. Лекин уларга тақлидчи бўлибгина қолмади. Навоий ва Фузулий ижодидаги энг яхши, энг илфор ан'аналарни қабул қылгани ҳолда, улардаги энг гўзал прогресив тенденцияларни тараққий қилдиргани ҳолда, Муқимий ўз диққатини ҳалқ ижодига, унинг туганмас ва битмас чашмасига жалб қилди. Ундаги олийжаноб хислатларни қабул қилди ва ўзига хос, ўзига маҳсус бўлган янги поэзия яратди. Муқимий ўзбек она тилида қанчалик чиройлик, эркин ва равон ёёса, тожик тилида ҳам шунча гўзал, эркин ва равон ёзаолатурган бўлди. Муқимий сатирасининг биринчи унсурлари Навоийда бор эди. Муқимий ҳажвлари Навоийнинг «Ҳайратул-аброри»даги авлиёлар, диндорлар ҳақида айтганларини эсга солади.

Муқимий ғазалларидаги самимият, равонлик ва қайноқ жўшқинлик, Фузулий лирикасининг энг яхши хислатларини эсга келтиради.

Меҳринг ўти тушди ногоҳ жонларга.
Парвойим йўқ зарра хону монларга.

Лола янглиғ тұлыб бағрим қонларга,
Үзім қаржойдамаш күнглім сандадир...

Муқимий сарой шоири әмас әди. У умр бүйі сароң шоиrlаридан узоқда турды. У үзининг бутун умрини кенг халқ оммасын яқын бўлган адабиёт яратишга, халқнинг дард ва аламларини, тилак ва армонларини куйлашга бағишилади. У классик ше'рни ишлаб, халқ қўшиқларига яқинлаштириди. Ҳақиқий халқ куйчиси бўлган Муқимиyнинг улфатлари сарой доиралари бўлмасдан, балки халқ ашулачилари, халқ созандалари бўлар әди. Шунинг учун үзининг классик мақомларига бўлган пичиннги ҳам адабиётни демократизация қилиш ниятидан келиб чиққандир.

Қўй э мутриб баёт, ушшоқ ёқмайди қулогимга,
Тараннум айласанг маҳфилда қил гул'ер деб келдим.

Муқимий ўз ше'рларининг тилини ҳам ана шунга қараб ишлади. Муқимий ше'рни халқ ашуласынга, тилни халқ тилига яқинлаштириди. Меҳнаткаш тамом саводсиз бўлган бир мамлакатда поэзияни бундай бир йўлда давом қилдиришнинг революцион аҳамияти каттадир.

* * *

Муқимий жуда фақир ҳаёт кечирди. Ҳоким жамият үзининг куйчиси бўлмаган шоири албатта шу ҳолга солар әди. Муқимий тақдиридаги фожна, шоир блан ҳоким синфлар, ҳоким тузум ўртасидаги қарама-қаршилик натижаси әди. Муқимиyнинг аччиқ-аччиқ фар'ёдлари ана шундан келиб чиққандир:

Ҳайф ким аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ош'ёнин зөвлар.

Ўз замонининг энг катта шоири бўлган Муқимий шунинг учун ҳам ҳеч тақдир қилинмади. Хор ўтди. Үзининг фожиали тақдирини тушунган шоир «Менинг

хор бўлишимнинг сабаби Фаргона мардуми бўлганимда, ўз ватанимни севганимда» деб арз қилди:

Кимга дод айлай бориб шум толи'имнинг дастидин,
Кўза синдирган азизу, сув кетирган хормаи.
Мулки ҳинду Марвдин келсам топардим э'тибор,
Шул эрур айбим Муқимий мардуми Фарғонаман.

Лекин шунга қарамасдан Муқимий ўз ватанини, унинг азиз ва муқаддас тупроғини севар эди. Шунча хорлик, зорликларга қарамасдан у ўз ватанини ташлаб кетаолмади. То ўлгунича унинг содиқ фарзанди бўлиб қолди.

Неча дерманким Муқимий гурбат айлай ихтиёр,
Бир ватандин дил узиб ғайрат қиломай дорман.

Муқимий 1903 йилда, 53 ёшда Қўқонда вафот қилди. У, ўз ижодининг чин қадрига етучи наслга зор бўлиб кетди.

* * *

Ўзбек халқининг ашаддий душманлари бўлган буржуа миллатчилари бу халқнинг ўз озодлиги йўлида эзучиларга, эксплоататор синфларга қарши асрлар бўйи олиб борган курашини яширишга интилдилар. Ўзбек халқининг энг содиқ фарзандларини тарих саҳифасидан ўчирмоқчи бўлдилар.

Буржуа миллатчилар халқнинг қабиҳ ёви Бухарининг рус миллати — обломовлар миллати, ялқовлар ватанбаллар миллати деган фашистлар назариясини амалга оширас эдилар. Шундай қилиб улар ўзбек халқи тарихидаги энг шонли саҳифаларни ўчирмоқчи бўлар эдилар. Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоийнинг ўлмас ижоди улар томонидан фисқ ва фужур деб э'лон қилинган эди.

Халқ душманлари ўзбек халқининг ўлмас севимли шоири, ўз халқининг чин ўғли бўлган Муқимиини ҳам жадид деб, э'лон қилган эдилар.

Бу тасодифий эмас албатта. Бутун республикалардаги буржуа миллатчилар, халқ душманлари худди шүйлни тутиб келгандар. Масалан, Украина Суржуда миллатчилари Украина халқининг буюк шоири Тарас Шевченкони ҳам миллатчи деб, миллатчиларнинг яловбардори деб айтиб келган эдилар. Грузин буржуа миллатчилари грузин халқининг буюк шоири, грузин халқининг энг муқаддас орзуларини куйга солиб кетган Илья Чавчавадзени ҳам миллатчиларнинг бобоси деб танитган эдилар.

Узбек халқининг душманлари поэзиямизнинг қўёши буюк Навоийни ҳам миллатчиларнинг бобоси деб танитганликларини эсга олсак, бу қабиҳ одамлар ахлатининг Муқимийни жадид деб э'лон қилишдан кузатган мақсадлари аниқланиб қолади.

Жадидларнинг Муқимийга ҳечқандай яқинликлари бормиди?

Йўқ албатта. Жадидлар ўзбек капиталистларининг шоирлари эдилар. Муқимий эса ўз меҳнаткаш халқининг шоири, ўз замонининг энг илғор кишиси эди.

Жадидларнинг дун'ёқарашлари миллатчилик эди. Уларнинг бутун ижодлари ана шу миллатчилик руҳи блан суғорилган эди.

Муқимий ижоди халқчил эди. Муқимий эксплоататор синфларнинг ҳаммасига, әзучиларнинг ҳаммасига душман эди. Муқимий зулмга қарши халқ куйчиси эди.

Муқимий ўз халқига то ўлгунича содиқ қолди.

Жадидлар ўз халқининг қабиҳ хоинлари, сотқинлари бўлиб чиқдилар.

Муқимий ўз халқининг оташин дўсти эди. Жадидлар халқни четэл жосусхоналарига сотган кишилар бўлиб чиқдилар.

Хуроса: Муқимий блан жадидлар ўртасида ҳечқандай яқинлик йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

Муқимий ўзбек халқининг энг яқин ва энг севимли шоирларидан бўлиб қолди ва шундай бўлиб қолажакдир.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН»

«Фарҳод ва Ширин» достони Алишер Навоийнинг машҳур «Хамса»сига кирган беш достоннинг биридир. Улуғ шоирнинг энг зўр асарларидан ҳисобланган «Ҳайратул-аброр», «Лайли ва Мажнун», «Саб'айн Сайёра» ва «Садди Искандар» достонлари орасида «Фарҳод ва Ширин» алоҳида ўрин тутади. «Фарҳод ва Ширин» Навоий бундан беш аср бурун яратиб қолдирган буюк достонларининг эшг зўридир.

Ингит Фарҳод ва қиз Ширин тўғрисидаги афсона асрлар бўйича яшаб келмоқда. Гўзал халқ афсонасига айланиб кетган бу ҳикоя аслда, тарихий фактлар асосида юзага келган бўлиб, «Хисрав ва Ширин» номи блан шуҳрат топгандир. Тарих китобларида шундай ма'lумотлар бор: Хисрав Эроннинг Сосоний ҳукмдорларидан бўлган машҳур Нўширвоннинг набирасидир. Хисрав милоди VII асрда Эрон шоҳи экан. Муҳаммад пайғамбар қўшни ҳукмдорларга хатлар юбориб, мусулмонликни қабул қилишга чақирганда ана шу Хисрав Парвезга хат юборган экан. Тарихчилар, Хисрав Парвез Муҳаммад пайғамбарнинг бу хатини йиртиб ташлаган эди, деб ёзадилар. «Хисрав ва Ширин» ҳақидаги достон эса VII—X асрлар ўртасида яратилгандир.

Хисрав ва Ширин ҳақида биринчи мартаба достон ёзган киши X асрда яшаган буюк шоир Абулқосим Фирдавсийдир. Лекин достоннинг бизда машҳур бўлган энг севимли қаҳрамони Фарҳод ҳақида Фирдавсий ҳеч нарса билмайди. Эрон шоҳи Хисрав овда юриб Ширинни кўриб қолади, севади ва уйланмоқчи бўлади.

Пекин Ширин подшолар наслидан эмас эди. Шунинг учун Хисрав атрофидаги кишилар шоҳнинг унга уйланисига қарши турадилар. Хисрав юрт катталарининг мажлиснини чақириб, уларни кўндиради ва Ширинга уйланади. Хисравнинг аввалги хотини Марямдан бўлган ўғил Шируя ўз отаси Хисравни ўлдириб, эрон шоҳлигини ўз қўлига олади ва Ширинни хотин қилмоқчи бўлади. Ширин эса Хисрав қабрида заҳар ичини ўлади. Фирдавсийнинг достонида Фарҳод бўлмагани каби Шопур ҳам йўқдир.

Фирдавсийдан сўнг, ундан икки юз йил кейин XII асрда яшаган машҳур Озарбайжон шонри Низомий Хисрав ва Ширин тўғрисидаги ҳикояни янгидан ишлаб, зўр бир достон яраттандир. «Хисрав ва Ширин» достони Низомий «Ҳамса» сидаги достонларнинг биридир. Низомийнинг бу гўзал достонида қаҳрамонлар яна Хисрав блан Шириндир. Фарҳод образи иккинчи даражадаги бир ўринда туради. Шопур образи эса бир уста рассом ва ҳийлакор сайдек сифатида бўлиб, Хисравнинг сұхбатдошидир.

Арманнинг гўзал қизи Ширин ҳақидаги хабарни ҳам Хисравга Шопур еткизади ва минг хил йўллар блан Ширинни Хисравга кўнгил қўйдиради. Хисрав отаси блан уришиб, Мадойиндан қочиб Арманга боради. Маҳин Бонуга сиғинади. Ширин эса Мадойиндаги Эрон шоҳига сиғинади. Шопур келиб Ширинга Хисравнинг Арманга борганини эшидиради. Ширин Арманга қайтади. Хисрав эса отасининг ўлдирилганини эшитиб Эронга қайтади ва Мадойинда тахтга ўтиради. Хисрав блан Ширин яна учрашаолмайдилар. Мадойинда ис'ён кўтарилади, Хисрав яна енгилади, сўнгра Эрондан чиқиб аввал Озарбайжонга ва ундан кейин Арманистонга — Маҳин Бону ҳузурига боради, Ширин блан кўришади.

Ширин енгилган шоҳни хоҳламайди, Хисрав Румга бориб, унда Румо императорининг қизи Марямга уйланади. Румдан катта қўшин блан Эронга келади, ўз душмани бўлган Баҳром Чўбини тахтдан ағдаради.

Ширин эса Хисрав ўз душманини енгандан сўнг, унга хотин бўлишга ва’да берган эди.

Бу вақт Маҳин Бону ўлган. Арманда Ширин қолган эди. У Армандан чиқиб Мадойинга келади ва ўз қасрига тушади. Хисравнинг хотини Марям уларнинг қовишишмоқларига мони' бўлади. Шундан сўнггина воқиага Фарҳод аралашади. Фарҳод — Хитой эмас, балки Хитойга бориб Шопур блан ўқиб келган билимдон, уста йигитдир. У Ширинга бир сут канали қазиди, ва шундан кейин Хисрав блан учрашади. Хисрав Фарҳоддан хавфсирай бошлайди, у, «Бестун тоғидан менинг қўшиним ўтадиган бир йўл қазиб берсанг, шунда Ширинни оласан» дейди. Фарҳод ишга киришади ва кундан-кун бу ишда зўр му’жизалар кўрсатабошлиди. Фарҳодга бундай бажариб бўлмас зўр ишни топшириб, уни овора, сарсон қилишни кўзлаган Хисрав, унинг муваффақиятлари олдида талвасага тушади, ҳийлагар кампир воситаси-ла уни ўлдиради.

Фарҳоднинг воқиага бўлган қатнаши шу ерда битади. Достон давом қиласи, Хисрав энди Шакар деган бир қизни севиб қолиб, унга уйланади ва ундан сўнггина Ширинни хотинликка олади. Фирдавсийда бўлганидек, Ширия ўз отаси Хисравни ўлдиради ва Ширинга уйланмоқчи бўлади. Ширин Хисрав ўлиги устида ўзини пичоқлаб ўлдиради, воқиа туғайди.

Низомий достони зўр муваффақият қозонади. Бу достонга юзларча тақлидчилар майдонга келадилар. Ўз кучини синаб кўрмоқчи бўлган ҳарбир шоир «Хисрав ва Ширин» ёзади. Лекин ҳечбири ҳам ше'рнинг буюк устаси бўлган Низомийга етишаолмайди.

Низомийдан кейин «Хисрав ва Ширин» достонини ёзиб зўр ғалаба қозонган шоир XIV асрда яшаган Амир Хисрав Деҳлавийдир. Амир Хисрав ўз достонида Низомий достонидаги воқиаларни тўла олган, сюжетини бутунлай сақлаган ва Низомийда ҳикоя нима блан бошланиб, нима блан битса, у ҳам худди шундай қилган. Хисрав, Ширин ва Фарҳод ҳақидаги гўзал ҳикоя Шарқдаги бутун зўр ижодичиларнинг фикр уясини қўзгошдан сра тўхтамас эди. Фирдавсийдан беш аср,

Низомийдан уч аср ва Амир Хисрав Деҳлавийдан бир аср кейин, бу гўзал мавзу'га бизнинг буюк Алишеримиз қайтди. У ўзек тилида, эндп «Фарҳод ва Ширин» номи блан тамом янги ва ўлмас бир асар яратиб қолдирди.

Навоий «Хамса»ни ва хусусан «Фарҳод ва Ширин» ни ёзишга киришар экан, ўз қаршисида Низомий ва Деҳлавий сингари ижод азаматлари турганини билар, бу тўғрида ўзига аниқ ҳисоб берар, улар кўтарилиб чиққан баландликка чиқиш ва уларга тенг асар яратиш осон эмаслигини жуда аниқ онглар эди:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.

Навоий Низомийни бир арслон сифатида тушунади ва арслонга баровар келмоқ учун уруш арслони бўлиш ва ҳеч бўлмаганда йўлбарс бўлиш кераклигини айтади:

Керак шер олида ҳам шер жангги,
Агар шер ўлмаса бори палангги.

Навоий ўтган зўр ижодий йўлни ва у яратиб қолдирган ўлмас асарларни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Навоий ўз халқининг Низомий даражасидаги зўр уруш арслони бўлиб етишди. Шунинг учун ҳам Низомий ёки Амир Хисрав Деҳлавийнинг тақлидчиси бўлмади. Ўз халқи учун унинг ўз она тилида гўзал бадиий асарлар яратиш вазифасини энг биринчи марта ўз олдига қўйган буюк шоир замонасининг шоҳ асарларини яратиб қолдирган Низомий ва Деҳлавийларнинг ёзганларини танқид кўзидан кечириб чиқишига, улар яратиб қолдирган бадиий бойликни янгидан баҳолашга мажбур бўлди. Натижада Низомий ва Деҳлавийда бош қаҳрамон бўлган Хисрав иккинчи ўринга тушди. Хисрав, Низомий ва Деҳлавийда мусбат образ эди. Навоийда манфий образ сифатида тасвирланди. Навоий

Хисравни ёмон кўрди. Хисрав ҳийла блан Фарҳодни ўлдирган, гуноҳсиз бир инсонни беҳудага зулм блан ҳалок қилган киши деб қаради. Хисрав чинакам одамгарчиликдан маҳрум бўлган бир шоҳ, унинг ишқида одамгарчилик йўқ деб топди. У бугун Марямга, эртаси Шакарга ва индин Ширинга ошиқ бўлади, унинг муҳаббатида қарор ва вафо йўқ деб билди. Хисрав ишқ йўлида вафо ва садоқат ўрнига ҳукмдорликдан фойдаланади, адолатни ерга уради деб қаради ва шундай бир шоҳга маддоҳ бўлиб қолдилар, уни кўкларга кўтарниб маҳтадилар, деб Низомий ва Деҳлавийларни танқид қилди:

Вале чекканлар ушбу жомдин роҳ,
Саросар бўлдилар Хисравга маддоҳ:

Қи мулки мундоғу ойини мундоқ,
Сипоҳи андоғу тамкини мундоқ.

Гаҳи шабдиз олам гардидин деб,
Замони ганж бод овардидин деб,

Нашоти базмида хонлар мурасса',
Не хонлар, қасру айвонлар мурасса',

Ичиб гаҳ Борбад лаҳни била май,
Гаҳи Шопур достон деб паёвай.

Бузург уммид ҳикмат жўйи онинг,
Не ҳикмат жў ҳушомад гўйи онинг.

Топиб гаҳ Марям оғушида ором,
Шакар ҳалвосидин гоҳи топиб ком.

Бўлуб Ширинга ошиқ подшоҳвор,
Ки ул маҳбуб ўлуб, гоҳи парастор.

Яқиндорким бу шоҳи ноз парвард,
Эрур дарду бало ойинидин фард.

Арода деб бир-икки достон ҳам,
Яна Фарҳоддин айтиб нишон ҳам.

Ки бир хорошгопу кўҳсори,
Бўлуб Ширин ғамидин беқарори,

Неча кун васл учун айлаб таку-дав,
Ани ҳам ўлтуруб тош ичра Хисрав.

Агарча килки нақш айлаб ингариш,
Топибдур достон мундоқ гузориш,

Вале назмида ҳар устод моҳир,
Чекибдур анча қимматлик жавоҳир.

Ки даркидин эрур андиша ҳайрон,
Ҳавоси ақлу ҳикмат пеша ҳайрон.

Алар назмининг олида мени зор,
Чу фаҳм этдимки кўргумдир кўп озор.

Заруратким солиб бир ўзгача тарҳ,
Бу меҳнатномани қилғумдурур шарҳ.

Шунинг учун ҳам «Хисрав ва Ширин» достонининг ше'рий сан'атига бу икки буюк шоирнинг кўп қимматлик жавҳарлари тўкилган бўлишига қарамасдан, Навоий уни ма'нан жиддий равишда қайтадан ишлаб чиқишига ва унинг мазмунига чуқур ўзгаришлар киргизишига, подшо Хисрав ўрнига фақир Фарҳодни кўтаришига зарурат сезади ва ўзининг буюк меҳнатномасини яратади. Унинг номини «Хисрав ва Ширин» эмас, балки «Фарҳод ва Ширин» деб қўяди. Золим, инсон эркини топтовчи ҳукмдор Хисрав ўзининг бутун моҳияти блан адолатпараст, эркпарвар ва вафодор Фарҳодга қарши қўйилади.

Шундай қилиб Навоий достонида бош қаҳрамон Фарҳод бўлиб, Хисрав иккинчи ўринга кўчирилган, тамом янги манфий моҳият блан тасвирланган ва ҳи-

кояга достоннинг ўрталарида келиб аралашади. Фарҳод макрли йўллар блан ўлдирилгандан сўнг Маҳин Бону ноилож Хисравга таслим бўлади. Шируя ўз отаси Хисравни ўлдиради ва Ширинни ўзи олмоққа уринади, лекин вафодор Ширин саҳрода ўлган Фарҳоднинг суюкларини топдириб кўмдиради ва ўзи ҳам унинг жасади ёнида жон беради. Бу қайғудан Маҳин Бону ҳам ўлади.

Фарҳоднинг отаси Ҳоқон ва онаси ундан узоқ замон хабар бўлмагач интизорлик блан ўлиб кетадилар.

Фарҳоднинг дўсти, Ҳоқон вазирининг ўғли Баҳром қўшин тортиб, Фарҳодни истаб Арманистонга келади ва воқиани онглайди. Шундан сўнг Арман ўлкасини унинг ўз халқига топшириб, ватанига жўнашга мажбур бўлади. Баҳром Арманистонда тинчлик ва адолат ўрнатади.

Шулардан Навоийнинг ўз буюк ижодий ҳамкорлари яратган сюжет тўқимасига жиддий ўзгаришлар киргизгани ва достонни мазмун жиҳатидан яна ҳам чуқурлаштиргани ва бунда зўр муваффақият қозонгани аниқ кўриниб туради. Навоийдан сўнг ўтган кейинги беш юз йил ичидаги юзларча шоирлар «Фарҳод ва Ширин» ёздилар. Лекин уларнинг ҳечбери буюк Алишер яратган достон даражасига кўтарилаолмади. Буюк шоир ўзигача бўлган бадиий меросни чуқур ва ҳар тарафлама ўрганганди, зарур бўлган ўзгаришларни киргизиш блан уни тамом янги фикрий ва бадиий юксакликка кўтараолганки, ундан сўнг майдонга чиққан шоирларнинг ҳечбери бу бобда унга тенглашолмагандир.

«Фарҳод ва Ширин» жаҳон адабиётининг ўлмас мавзу'ларидан бўлган муҳаббат ва ҳаёт ҳақида куйлайди. Муҳаббат, ҳаёт ва ўлим мавзуи, инсон ва замон мавзуи, киши шахси ва жамият мавзуи доимо буюк сан'аткорларнинг диққат марказида, бадиий идеяларнинг марказида туриб келгандир.

Буюк Алишер ўзининг ўлмас достонида икки дун'ёни яратгандир. Бу — ёмонлик ва яхшилик дун'ёси,

зулм ва адолат дун'ёси, жафо ва вафо дун'ёсидир. Бу икки дун'ё бир жиҳатдан Фарҳод, Ширин, Шопур ва Маҳин Бону образида, иккинчи жиҳатдан Хисрав, унинг ўғли Ширия ва маккор ва ҳийлакор шериклари образида берилгандир.

Навоийнинг достонини ўқир эканмиз, Фарҳод бизнинг кўз ўнгимизда энг аввало улуғ бир инсон ва улуғ бир ижодкор меҳнаткаш тариқасида гавдаланади:

Кўнгул айлаб сен ул шоҳлик била кенг,
Менинг олдимда ул тупроқ блан тенг.

Деган сўзлар бизнинг кўз олдимишга шаҳзодани ёмас, ҳақиқий бир одамни келтирадилар. Фарҳод кишиликтининг энг оддий а'золари қаторига туради ва ўзи блан тенг бўлган одамга, ҳур ва эркин фикрли, тўғри инсофли ва вафодор одамга, у қайси өлдан, қайси уруғ ва қайси миллатлан бўлмасин, бир умрлик муҳаббат боғлайди. Улар блан дўст бўлади, уларнинг тақдиринга ўз тақдирини йўлдош қиласи. Улар учун ўлади ва тирилади. Улар қайғусини ўз шахсий қайғуси, уларнинг бошига келган оғатни ўз бошига ёғилган бало тариқасида қабул қиласи.

Одамнинг мукаммал образи бўлган Фарҳод шунинг учун доимо ҳарқандай кулфат ва гурбат ичидаги ҳам, ҳарқандай бало ва оғат ичидаги ҳам ўзига йўлдош топади. Одам одамни топади. Ҳақиқий инсон бўлган кишилар, ўз сафдошлари учун жон беришдан бош тортмайдилар. Бундан одамлар ўртасида зўр бир маънавий бирлик юзага келади. Вафо ва садоқат юзага келади. Фикрлардаги дўстлик, ҳамкорлик ва тақдирдаги йўлдошлик юзага келади.

Одамга бўлган муҳаббат ва ҳурмат, одам ҳурриятига бўлган туганмас севги, одамнинг эрки ва осойишталигига бўлган ғамхўрлик Фарҳод учун бир умр ажралмас дўстларни юзага келтирадилар. Ўзбек Фарҳодга эронли Шопур, арман Ширинни ва Маҳин Бонуни доимий дўст ва йўлдош қилган асос шудир.

Навоий Фарҳод образида меҳнатнинг зўр мадҳиясини яратиб қолдирган. Фарҳоднинг ўлмас образи унинг буюк меҳнаткаш ижодкорлигига камол топгандир. Нозик ва нағис сезгига, ўтқир ва ихтиро'чи фикрга эга бўлган Фарҳод энг ёшлигидан меҳнат ва билимга ҳавас қўяди. Инсон фаолиятининг ҳарбир тури Фарҳод учун яқинидир. У ҳар ишгаки кўз солса, ўша ишнинг бутун ички ва ташқи, очиқ ва маҳфий сирларини дарҳол пайқаб олади. Ҳунарнинг буюк устаси бўлган наққош, тош йўнар Қорин ўз ҳунарини ўргатиб туриб, Фарҳод қошида шогирд ҳолига тушиб қолади.

Аниангдек қилди хоро йўнмагин вирд,
Ки юз Қорин қошида бўлди шогирд.

Фарҳоддаги фикр қудрати шу қадар зўр эди. Расом Моний Фарҳодга расмкашликни ўргатар экан, у буларни рассомнинг ўзидан илгари ўзлаштириб олади.

Қаю суратки Моний чекти тимсол,
Анга Фарҳод очди чеҳра филҳол.

Моҳир Фарҳод ўзига солинаётган қаср битгунча ҳам тош йўнар, ҳам рассом бўлиб, ҳунарнинг энг ибтидосидан энг олийсигача кўтарилади:

Ул уйларки тугангунча ичу тош,
Ҳам ўлди хора бур, ҳам ўлди наққош.

Фарҳод бутун ҳунарларга нисбатан шундай эди.

Буларни қўйки ҳар устоди моҳир,
Ки қилди сан'атин ул уйда зоҳир.

Чу ҳар ён майли ҳардам зоҳир ўлди,
Ул ишда устоди моҳир ўлди.

Чунки Фарҳод фикр ва ижод кишиси, излаш ва ахтариш кишиси эди. У, одам нимаики қўлган бўлса фақат фикрлаш орқасида қилган, фикрлаш мумкин бўлган ерда ҳал қилинмаган мушкул иш бўлмайди,

деб қарар ва излаган нарсаларининг таги-тугига ет-
магунча тинчланаолмас эди:

Деди ҳар ишкى қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.

Улум ичра менга то бўлди мадхал,
Топилмас мушкули мен қилмаган ҳал.

Бунинг ҳам билмагунча асли будин,
Му'айян қилмагунча тор — пудин,

Не имконким қарор ўлгай кўнгулга,
Тасалли ошкор ўлгай кўнгулга.

Шунинг учун ҳам ўз замонининг энг илғор фикр-
кишиси бўлган Навоий ўз севикли қаҳрамонининг на-
зарини ўша вақтда бошидан-оёқ ҳикматлар блан тўла
бир ўлка сифатида танилган Юононга қаратади ва
Фарҳоднинг қисматини ва пқболини тангри эмас,
Юонон ўлкасининг бир ҳовуч тупроғи бўлган файласуф
Суқрот ҳал қиласди.

Давлат хазинасидаги биллур сандиқ ичидан чиқ-
қан усти ёпиқ ойнаи жаҳоннамо устида: «Ҳарким бу
ойнани очиб тамоша қилмоқни истаса, Юононистонга
борсин. Суқрот ҳаким блан кўришсин», деб ёзилган,
шундан сўнг Фарҳод Юононга боришга қарор қиласди.

Юононга бориб Суқротни топишга ва унинг учун
қоронги бўлган тилсимни очишига аҳд қилган Фарҳод
зўр му'жизалар кўрсатади. Баҳодир юрак, ўтқир кўз
ва зўр жисмоний кучга эга бўлган гўзал йигит уруш
қилиб аждаҳони ўлдиради, жаҳонни қопқора тутунга
бостирган Аҳраман девни енгиб ҳалок қиласди. Искан-
дари Румийнинг тилсимини очади ва Суқрот тоғидаги
қоронги ғор ичидаги буюк файласуфни топади. Буларни
Фарҳод ўз умрининг сўнгидаги шундай якун қилган эди:

Бири Юононга марқаб сургонимни,
Қилиб разм аждаҳо ўлдургонимни.

Иккинчи Аҳраманга айлабон кийн,
Жаҳонни қилганим қон бирла рангии.

Учинчи Искандарн Румий тилисмин,
Ки оғдим тенг қилиб ер бирла жисмин

Бўлуб тўртинчи Суқротка рақамкаш,
Ки гори ичра кирдим аждаҳоваш.

Ки то олам биноси бўлди бун'ёд,
Бу янглиғ қилмади иш одамизод.

Бу каби му'жизалар яратган Фарҳод қоронги
гор ичидаги ҳаким Суқротдан ўз қисмат китобини ўқий-
ди. Суқрот эса Фарҳоднинг келажагини айтиб бўлиб
унинг олдида жон беради. Фарҳоднинг бундан сўнгги
бутун ҳаёти Суқрот айтган наҳрлардан оқади.

Фарҳод халқ ва инсоният олдида ғоят зўр бир одоб
сақлайди. У, илм ва ижодда топган ўз камолини ҳам
яна шу одамизод учун ишлатади. У Ширин ўлкасига
бориб, зўр тонги тешиб, қисматнинг оғир юклари ости-
да янчилиб турган ишчиларни кўради, уларнинг қанча-
лик зўр ишга бел боғлаганликларини, қанчалик ма-
шаққатлар ичидаги қолганликларини англайди ва жони
аҷииди, уларга ёрдам беришга қарор қиласди. Унинг
ўзига қилган қўйидаги хитобида бутун борлигини ин-
сониятга бағишлаган киши экани жуда равшан
бўлади.

Ҳунарни сақлабон неткумдур охир,
Олиб тупроққами кеткумдур охир.

Одамзодни юксалтиришга бўлган бу имон Фарҳод
тўғрисида халқ орасида зўр афсона юзага келтира-
ди. У, Арманда экан энг аввало бориб унинг меҳнат-
кашларига қўшилади. Уларнинг мушкулини осон қи-
лади. Халқ орасида зўр овоза кўтарилиб, бу Маҳин
Бону ва Ширингача етади. Ширин ва Маҳин Бону
бундай зўр ижодкорни кўришни ўзларига бир ғани-

мат ва не'мат деб тушунадилар. Маҳин Бону Ширинга энг аввал зўр бир меҳнаткаш тўғрисида хабар беради ва Ширин шундай бир одамни кўришни ўзига фанимат деб билади:

Бирор дерларки пайдо бўлган эрмиш,
Қиёмат ошкоро бўлган эрмиш.

Ки уч йилда не иш битмиш саросар,
Узи бир кунда қўлмештур баровар.

Маҳин Бону чу бу роз этди ифшио,
Париваш айлади майли тамошо.

Деди ул ён жанибат сургулукдур.
Бу иш гар воқи' эрса кўргуликдур.

Фаниматдур уни кўрмак кишига,
Тамошо айламак қилган ишига.

Маҳин Бону блан Ширин Фарҳоднинг меҳнатини кўргани келадилар ва шунда биринчи мартаба Фарҳод қўёшининг ўти Шириннинг туташгучи юрагига тушиб уни ёндирали. Икки юракда тенг баровар оташин севги пайдо бўлади:

Кўриб Ширинни ҳайрат лол қилди,
Таажжуб бир йўли беҳол қилди.

Кўрунгач кўзга мундоқ чеҳри онинг,
Ичига солди шўриш меҳри онинг.

Му'жизалар яратучи Фарҳодни кўрган Маҳин Бону ва Ширин унинг ишига оғаринлар ўқиб, бошидан жавоҳирлар сочадилар.

Фарҳод ва Ширин ўртасидаги алангали ишқ жуда реаль инсоний муносабатлар асосида юзага келади. Бу ишқ, Фарҳод ва Шириндаги энг олий хислатлар, кишилилка, инсон ҳурриятига муҳаббат блан маҳкам боғлангандир. Фарҳод блан Ширин ўртасидаги бу ишқ

одамнинг камол топишига, унинг ма'навий жиҳатдан покиза бўлиб кўтарилишига хизмат қиласи.

Ширинни севган Фарҳод унинг жаннатдан ҳам гўзлал ватанини, халқини, унинг тупроғини ҳам севади. Унинг халқининг тинч ва осойишта тирикчилиги учун курашади. Унинг юртини босиб келаётган душманга қарши чиқади ва кўкрак кериб, ўз ўлимини бўйнига олиб, уни қўриқлади. Ширин ватани ва унинг халқининг қийналган кунлари, Фарҳод учун энг азобли дақиқалар бўлиб сезилади. Шунинг учун халқ бошига келаётган балога қарши энг аввал унинг ўзи кўкрак тутади ва уни қайтаришга ҳаракат қиласи.

Навоий тасвирида Фарҳоднинг шахсий тақдирни бутун ватан ва халқ тақдирни блан ажралмас боғланган, шу халқ осойишта турмуш кечирган ва ватанда тинчлик ҳукм сурган бир вақтдагина Фарҳоднинг севгиси ва унинг хусусий тақдирни омон топар эди. Фарҳод образининг энг муҳим моҳиятларидан бири шудир.

Фарҳод блан Ширин ўртасидаги юзага келган абадий дўстликнинг асоси, бу икки дўстнинг тахминан бир фикр ва бир ма'навий савияда бўлишида, инсоний хусусиятларга teng эга бўлишларида, вафо ва садоқатда teng бўлишларида, жасорат ва мардликда баббаровар бўлишларида, teng оташин қалбга эга бўлишларида, ўз ватани ва халқини баббаровар яхши қўришларидадир. Агар Ширин Фарҳоддан ма'нан заррача кам бўлса эди, икки ўртада ҳечқандай гармония юзага келмас ва бундай бир умрбод дўстлик достони ҳам тўқилмаган бўлар эди.

Фарҳоддаги энг муҳим хислатлар Ширинга ҳам тамом ҳосдир. Ширин ўзини тўла ма'нодаги инсон, деб англайди. У, энг оғир минутларда Фарҳоднинг дарлига малҳам бўлиб, қайғусини енгиллатали. Агарда Шириндаги мардлик ва садоқат Фарҳод блан teng бўлмаганда эди, Фарҳод ҳам ўз севгисида бунчалик баланд кўтарилимаган бўлар эди. Фарҳод ҳаётини ма'нан тўлдирган Шириндир.

Бу ҳол Шириннинг Фарҳодга ёзган хатида жуда очиқ кўринди. Навоий достонининг энг гўзал ўринларидан бири бўлган бу хат Ширинни ҳақиқий ва пок инсон сифатида гавдалантиради. Шириннинг қалби энг аввал Фарҳодга нисбатан энг нафис ва энг нозик бир меҳрибонлик, жонкуярлик блан тўладир:

Не бўлгай эрди чархи зулм пеша,
Мени сендин жудо қилмай ҳамиша,

Хироминг чоғи йўлдош бўлсан эрди.
Сукунинг вақти қўлдош бўлсан эрди.

Қўёш янглиғ бўлиб кундуз қариннинг,
Бўлиб тун соя янглиғ ҳамнишининг,

Тикон кирса кафинға қийнасидин,
Чиқарсан эрди кирпик игнасидин.

... Кўруб хору хас ўринингда ниҳони,
Сочим бирла супурсам эрди они.

Бу сатрлар блан Ширин Фарҳодга катта тасалли берар, унинг юрагига қувват киргизар эди. Фарҳод тўғрисида севгилиниң мадҳиясидан иборат бўлган бу хатда Ширин уни сабрга, тоқатга, чидамли бўлишга қаҳиради.

Вале бўлмиш жаҳон аҳлига ма'лум,
Ки илкингда қотиқ хоро эруғ мум.

Чекарга дарду андуҳ жур'атинг бэр,
Бало тортарга сабру тоқатинг бор.

Агарча фирқатимдин нотавонсен,
Вале ҳам ёрсуну ҳам паҳлавонсен.

Уз халқининг ва ватанининг аҳволи тўғрисида ва унинг золим Хисрав қўлида талон-торож бўлиб ётғанидан сўзловчи бу хатда Шириннинг қизлик номуси, ундаги иффат, бокиалик, ҳаёв одоб ҳам ёрқин ифода қилингандир. Улуғ инсон бўлган Фарҳоднинг жавоб хатида эса энг мукаммал бир камтаринлик ўз тимсолини топган.

Ширин Фарҳодни мукаммал бир одам сифатидӣ севади, бу одам қаршисида ўз бурчини тӯла англайди ва адо қилади. У, Хисравдан келган элчига берган жавобида дейди:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур.
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур.

Гўзал Шириннинг тили блан ўзбек халқининг улугъ шоири Навоий бу сатрларда асрлар ва замонларнинг шиорини битиб қолдиргандир. Шириннинг бу сўзидан биз унинг бутун маʼнавий ҳаётини англаймиз, у шу сўзлар блан ўзига зўр бир салобат түғдиради ва уни жаҳон адабиётидаги энг гўзал ва энг мукаммал ишланган образлар қаторига қўяди. Ширин ва Фарҳод кишиликтининг энг яхши ижодчилари томонидан яратилиб қолдирилган энг катта образларни эслатиб турадилар.

Фарҳод ва Шириннинг образи ҳечқачон кўнгиллардан чиқмагани каби, бу икки буюқ одам яратган дўстликнинг ҳам оти ўчмайди. Бу Шопур, Маҳин Бону ва Баҳромдир. Бу пайт Навоий достонининг энг халқчилерларидан биридир.

Дўстлик халқлар ва одамлар ўртасидаги энг табиий бир ҳол. Чин одамлар доимо бир-бирларини ўзларига дўст ва ўйлдош кўра келганлар. Фикр ва руҳдаги бирлик, ният ва амалдаги биргалик, иш ва ҳаётдаги биргалик кишилар ўртасида дўстлик уругини соча келган. Халқлар ва кишилар ўртасини эксплоататор синфларгина бузадилар. Хусусий мулк ва молу дун'ё талаши блан эксплоататор синфлар халқлар ўртасига низо' ва ажralиш соладилар. Дўстлик ва иноқлик сифати, ҳамкорлик сифати кенг халқ оммаларининг энг зўр хусусиятидир.

Навоий халқ фарзандларидағи ана шу чин хусусиятни ўзининг доҳиёна кўзлари блан кўра билган, халқлар ўртасида дўстликни юзага келтирадиган асосларни ва душманлик соладиган элементларни кўрсата билгандир.

Шопур Фарҳоднинг бир умрлик чин дўстидир. Шопур фақат Фарҳоднинг эмас ва балки Шириннинг ҳам бир умрлик чин дўстидир, ўзбек Фарҳод, арман Ширин ва эронли Шопур ўртасида юзага келган дўстлик ўлим ёстиғигача ўзгармас ва айнимас дўстликдир. Бу дўстлик бошларга бало ва мусибат келган кунларида синалган, кураш ва машақат кунларида зоҳир бўлган вафо ва садоқат асосида мустаҳкамланган дўстликдир. Бундай дўстликнинг асоси зўр бўлади. Уни қўпориб ва ағдариб бўлмайди. Бу ҳақиқатан шундайдир. Арман ўлкасини чет таловчилар босиб келган пайтда бу дўстлик яна ҳам маҳкамланниб очиқ кўринади. Халқа бўлган муҳаббат, ватанга бўлган муҳаббат, кишиларнинг ўзларига ва ўз идеяларига бўлган садоқат, уларни бир-бирларига яна ҳам қаттиқроқ боғлайди. Ватан душманларига, халқ душманларига бўлган ғазаб ва нафрат, ватан тупроғини асраш учун бўлган ҳиммат ва онт, уларни яна ҳам бирлаштиради. Табиийким бундай зўр синовлардан ўтган дўстлик бир умрлик ажралмас ва бузилмас бўлиб маҳкамланади.

Дўстлар бир-бирларининг ишларини тугаллайдилар. Бири бошлаб кетган ишни бири охирига етказади, бири яратолмаганини бири барпо қиласди. Бири тиколмаганини бири ўрнатади. Фарҳод, Ширин, Шопур ва Баҳром ўртасидаги дўстлик шундайдир.

Баҳром Фарҳоднинг қабрини қучоқлаб йиглар экан Навоий унинг тили блан бу дўстликнинг чин марсиясини айтгандир:

Кўзим чиқсан сени кўргунча мундоқ,
Кесилсан тия сени сўргунча мундоқ,

Нелар келмиш бошингга гурбат ичра,
Не гурбатлар чекибсен шиддат ичра.

Кўзинг очиб кўтарғил бошинг охир!
Ки келмиш бир ҳазин қўлдошнинг охир!

Тепиб гардунга ун сесканмагинг йўқ,
Тушуб оламга ўт тебранмагинг йўқ.

Құз очмассан, лебон, келган қулумдур.
Масал чин бўлдикин уйқу ўлнидур.

Бу ишнииг тоқати мендин йироқдур,
Мунни кўргунча ўлсам яхшироқдур.

Узбек, арман ва эрон халқларининг фарзандларя ўргасида юзага келган дўстликни юксак образларда куйлаш блан бизнинг улуғ Алишеримиз кишиликтининг энг прогрессив идеялари даражасига кўтарилиган, буюк гуманист сифатида халқлар биродарлиги ва интернационализм куйчиси бўлиб қолгандир.

Хисрав, маккор кампир ва Ширия орқали Навоий одамларнинг иккинчи гуруҳини, ёмонлик дун'ёсини кўрсатган.

Хисрав—золим, инсон ҳурриятининг раҳмисиз қотили, ва ўз айшу ишратлари учун қонлар тўкишга, юргларни вайрон қилишга, халқларнинг уйини барбод беришга тайёр турган бир шоҳ. Навоий Хисравда одамгарчиликни кўрмайди. Лекин Хисравнинг ўз кишилари, ўз дўстлари бор. Аммо бу дўстлар ким? Бу дўстларнинг бири маккор кампирдир.

Маккор кампир Хисравнинг энг яқин кишиси, дўсти, лекин у инсон эмас. Унда бирорта бўлсин чин кишилик хислати йўқ. У ўз умрида бир сўз бўлсин рост гапирмаган. Бутун ҳаёти ҳийла, макр ва найранг асосиiga қурилган. У сиҳргарликни бошласа тошларни мум қилиб юборади. Макр асосида қиз блан отани, она блан ўғилни эру хотин қилолади. Ҳийла ва зулм блан кишиларнинг хону монини күйдиради. Унинг ҳаёт бўлишидан кишиликка заардан бошқа ҳечнарса келмайди. Пўлат тоғ бўлган Фарҳодни у бир дамда фусун ва сиҳр блан баъбод қилади. Хисравнинг дўсти бўлган бу одам қотил, Фарҳодни ўлдиручиdir. Навоий уни шунлай тасвирлайди:

Ҳутути макрдин юзида юз чин,
Тилига ўтмайин умрида сўз чин.

Чу соз айлаб фусуний ҳилайи шум,
Құлида хора юшшаб үйлаким мум.

Беріб сұргач фусунлиқ мажарони,
Отага қизши, үгілга оонни.

... Қачон носозліғ айлаб ирола.
Бузуб бир сұз била юз хонвода

... Уарға зулм тигін тез ҳуш ул.
Демайким тез ҳуш, Фарқодкуш ул

... Ки гар Фарқод бұлсун күхі фұлод.
Берар ағсан била бир дамда барбод.

Хисравнинг бутун ҳаёт қоидаси ана шу макр ва
жүйла асосига қурилған, у шунга мажбур, у фақат шу,
асосда яшайләди. Навоий жуда характерли чизиқ-
ларда тасвир этган бу кампир, Хисравнинг қиличи,
у Хисрав душманларининг бошини кесади, ёстиғини
қуртади, Хисрав макр ва җийлани, макр ва җийла
кишилари Хисравни яратади. Бу бұлмаса Хисрав асло
яшсөлмайды ва җукмрон ҳам бўлолмайди.

Хисравнинг иккинчи дўсти унинг ўз ўғли Шируядир. Бунинг одам бўлиб қилған энг зўр иши ўз отасини
ўлдирмоқдир. Маккор кампир Фарқодни ўлдиради, Шируя ўз отаси Хисравни ўлдиради. Хисравнинг ўзи
бўлса шахсан шу ишларнинг бошида туради. Шоҳ Хис-
равлар дун'ёси шудир.

Хисравнинг образини яратишда Навоий реаль бор-
ликка суюнган ва бу дун'ёнинг моҳиятини доҳиёна
очиб ташлагандир. Уларнинг ички ма'носини, қадри
ва қимматини тұла изчиллик ва зийраклик блан фош
қилғандыр.

Фарқод, Шириң каби мазмундор одамлар қарши-
сида Навоий Хисравларнинг ма'нан пуч ва ўлік ҳаёт-
тини тасвир қиласы. Фарқод ишқни кипи юксаклиги-
нинг муҳим бир хислати тариқасида тушунади. Зоҳирда
Шириңга ошиқ бўлиб кўринған Хисрав эса ҳақи-

Қатда, икки оёқли бир маҳлук тариқасида гавдала-
нади. Фарҳод ва Хисрав иккови ўртасида ўтган маш-
ҳур тортишувда Фарҳод қанча баланд кўтарилса, Хис-
рав шунча тубанга тушади, ма'навий дун'ёси тору мэр
келиб, яланғочланади ва кўз ўнгимизда шоҳ қийимини
кийиб тахтга чиққан икки оёқли маҳлук суратланади.
Фарҳод, шоҳлар аҳлининг чин севги ҳисларидан маҳ-
рум эканликларини, одамгарчиликда, севгида шоҳ
блан фақир, хўжа блан гадонинг тенг эканини айтади.
Бу олижаноб фикрлар яшин чаққан каби Хисравни
ички дун'ёсини титратадилар. У қақшаб қолади:

Деди: Қайдин сен э мажнуну гумроҳ,
Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ,
Деди: Недур сенга оламда пеша,
Деди: Ишқ ичра мажнунлик ҳамиша.
Дедиким, ишқ ўтидин де фасона,
Деди: Кўймай киши топмас нишона.
Дедиким, куймакингни айла ма'lум,
Деди: Андин эрур шоҳ аҳли маҳрум.
Деди: Қай чогдин ўлдинг ишқ аро маст,
Деди: Руҳ эрмас эрди танга пайваст.
Дедиким, дилбарингнинг де сифотин,
Деди: Тил ғайратидин тутмам отин.
Деди: Ким ишқига кўнглунг ўринидир,
Деди: Кўнглумда жондек ёшринидур.
Деди: Васлига борсан орзуманд
Деди: Бор мен хаёли бирла курсанд.
Деди: Кўксунгни гар чок этса бебок,
Деди: Кўнглум тутай ҳам айла деб чок.
Деди: Бу ишқ тарки яхшироқдур,
Деди: Бу шева ошиқдин йироқдур.
Деди: Ол ганж ишқин қўй ниҳони,
Деди: Тупроққа бермам ким'ени.
Дедиким, шаҳга бўлма ширкат андиш,
Деди: Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвиш.
Деди: Кишвар берай, кеч бу ҳавасдин.
Деди: Бечора, кеч бу мултамисдин.

Нечаким бўлди мушкул сўз хитоби,
Баси осон анга етди жавоби.

Хисрав саволларига берган ҳарбир ўткир жзвоби
блан Фарҳод уни ер блан тенг қиласди. Унинг муҳока-
маларида пучликни очиб ташлайди, ва буюк Фарҳод
қаршисида увоқ ва майдада бўлиб қолган шоҳ, зулмга
қўл узатади. Фарҳодни дорга осишга ва ундан сўнг
зўр ўт ёқиб куйдиришга буюради:

Сиёсат қилгулиқдур бу фидон.
Ки ҳарбир тоғ ила води гадон.
Яна кўргузмагай бу хавфу даҳшат.
Салотин хизматида сўзга жур'ат.
Фазаб бирла буюрди шоҳи гаддор.
Ки урдилар ҳисор олида бир дор.

Навоий Хисравни, одамзод гулистонига тушган бир
ҳашарот сифатида англайди ва шундай тасвири қилас-
ди. Хисрав шунча золимки, унинг дастидан Фарҳод
ўлади, Маҳин Бону ўлади, Арман ўлкаси хароб бўлади.
Навоий тасвирида Хисрав одамзоднинг оғатидир.
Навоийнинг ўлмас достонини ўқир эканмиз, Хисрав
образи бизга кишиликнинг энг ашаддий душманлари-
ни, одамзоднинг энг яхши фарзандларини йўқотиш,
ижодий фикрларининг энг улкан намуналарини ўтга
ёқиши, тинч ва осойиншта турмуш кечиручи халқларнинг
ватанини тўпга тутиш, бомбардимонлар қилиш блан
ўз докимииятини мустаҳкамлашни истовчи қонхўр капи-
талистларни эслатади. Фарҳод ўз севгилиснинг юр-
тини обод қилучи, унинг тинчлиги ва осойишталигини
сақловчи, Хисрав эса ўз «севганининг» юртига горат
беручи, ва барбод қилучисидир. Фарҳод ўз ишқи йў-
лида халқнинг тинчлигини бузучи, ўлкалар ва юрт-
ларни хароб қилучи шоҳдан жуда қаттиқ кулади:

Жафо майдонига ҳардам суруб от,
Киши андин нечук қилгай муҳобот.
Эрур бу турфароқум тортибон тиғ,
Қорартиб ерни хайлинг уйлаким миғ

Қилиб эл мулки ичра қатлу торож,
Олай деб мулк элидин тахт ила тож,
Бирониким бериб мулкини барбод,
Қилурсан нозания күнглини шошод.
Шикастига стам ёйин қуарсан,
Эшийтдим ишқ լօփի ҳам урарсан.
Бу бўлғай ишқу, дард ойини ваҳ-ваҳ,
Вафоу миҳр шарти оллоҳ-оллоҳ.
Қишин ишқида зор ўлмоқ бу бўлғай,
Гамидин беқарор ўлмоқ бу бўлғай.

Фарҳод Хисрав ишқида ма'но бўлмаганидан, вафо, меҳр ва садоқат бўлмаганидан қаттиқ кулади. Истиҳзо қилади. Фарҳоднинг Хисрав ишқига қараши чуқур нафрот ва киноя блан тўлган.

Фарҳод тенг ва баровар ишқ тарафдори. Унинг тушунчасича бундай севги халқагина хос. Хисрав буни англашдан бутунлай ожиз. У бундай ҳақиқий ишқнинг борлигини ёлғиз халқдан эшитибгина билган. Ишқ сўзини халқдан эшитиб билган Хисрав чин севгучи юракка эга бўлган Фарҳодга рақиб бўлиб, Ширинга, уни ҳатто кўрмасдан туриб ошиқ бўлади:

Эшитиб халқдин ишқи сўзини,
Анга шоҳи рақиб этгай ўзини.

Бировга «ўрмай ўзин ошиқ эткай,
Бу ошиқлиқда ўзин содиқ эткай.

Фарҳод бошдан-оёқ Хисравнинг ма'навий ҳаётидан, унда чин инсоний хислатларнинг йўқлигидан кулади. Тенг севигига лойиқ бўлмаган шоҳ Хисрав ўзига севгили бўлажак гўзалнинг ватанига қўшин тортиб келади. Одамларини ўлдириб, ўлкасини вайрон этади. Фарҳод ундан қаттиқ заҳарханда қилади:

Аниңг мулкига солғай қатлу торож
Бадандин баш гушургай, бошдин тож,

... Адолат ушбу бўлгай лавҳаш оллоҳ,
Шужоат бунча бўлгай бсракаллоҳ.

Ширин ҳам бутун вужуди блан Хисравни ёмон кўради, уни золим, қонхур деб атайди. Навоий Шириннинг Фарҳодга ёзган хатини келтириб ёзади:

Бўлуб кўб зикр мактуб ичра Парвез,
Ани деб гоҳи золим, гоҳи хунрез,

Етиб Арманни вайрон қилганини,
Улусқа горати жон қилганини...

... Агар ошиқ будур ма'дум хушроқ,
Висол иқболидин маҳрум хушроқ.

Ҳақ андин арасунким бўйла ошиқ,
Ўзин кўргай мурод авжиди фоиқ.

Ширин Хисравга хотин бўлишни, унинг шоҳ деган зўр овозасига қарамасдан, ўзинга чидаб бўлмас катта бир хўрлик деб тушунади. Унинг блан тиз чўкиб кўришмоқдан кўра ўлмакни ўзига шараф деб билади... Шириннинг қаҳрамон образини Навоий бизга уни қўрғонда Хисрав қамолидан ўзини курашиб асраш тўғрисидаги онти блан яна мукаммаллаб беради:

Менинг жисмимида то жондин рамақдур,
Ишим қўргонда ўзни асрароқдур.

Фарҳод ва Ширин курашchan кишиларнинг образидир. Улар энг муқаддас ва энг олижаноб хислатларни ўзларида ташийдилар. Улар то ўлгунча ўз идеялари учун душман — Хисравга қарши курашадилар.

Аимо Фарҳод блав Ширин яшаган жамиятда Хисравлар ҳокимлик қиласидилар. Шунинг учун умр бўйи баҳт ахтарган Фарҳод доим баҳтсизликка тушади. Эрк излаган Ширин ўлимга йўлиқади. Хисравнинг қўли остида яхшилик ва адолат ўлдирилиб, ёмонлик —

Бадкорлик тантана қуради. Икки пок ва бокира қалбнинг боши замоннинг қаттиқ тошларига урилади ва парча-парча бўлиб синади.

Фарҳод ва Ширин ниҳоят ўзларини ўраб олган муҳитга, замонага, унинг тузумига ва унинг расм ва одатларига қарши ис'ён кўтарадилар, дод дейдилар. Зулм ва адолатсизликни қарғаб кўзёши тўқадилар. Фарҳод ўзининг бутун ҳаёт йўлига якун ясади: «Қанча яхши иш қилган бўлсан шунча зулм ва ёмонлик кўрдим, менинг ўткир тош йўнар тешам қанча тош ушатган бўлса, фалак унинг ҳаммасини йигиб, менинг ўз бошимга отди, қанча буюк тоғлар яратган бўлсан, ўзим қазо ҳукми блан ҳаммасининг остида қолдим, мен ғам тоғи бўлиб қолдим ва балки қайфутоги остида йўқ бўлиб кетдим», дейди.

Дегил ҳар тошким тешам ушатди,
Йигиб гардун менинг бошимга отди

Қачон ёғдорса гардун юз туман тош
Булар остида неткай бир синиқ боши.

Фалакваш тогларким ерга солдим,
Қазодин барчанинг остида қолдим.

Менга бўлди фалак қатл айлаган чоғ,
Узолғон турбатимнинг тоши бир тоғ

Ул авлоким дегаймен кўхи ғаммен,
Ки кўхи ғамнинг остида адаммен.

Ширин, кўксимни юз пора қилган блан дун'ёнинг зулмига қандай чора қилаолар эдим деб йиғлайди:

Киши гар кўксунни юз пора қилсун,
Фалак бедодига не чора қилсун.

Фарҳод золим дун'ёга қараб: «зулмнинг сўнгги борми? Менинг бошимга қандай қора кунлар келтирдинг?» деган хитоб блан зўр қарғишлайди:

Ки ә золим спеҳри кияа пәрварт.
Чиқарднинг ушбу хоки жисмидин гард.

Тариқи зулм ила киң мунча бўлғай!
Жафо қўлмоққа ойин мунча бўлғай.

Ажал тигин чекиб сурсанг не бўлди,
Менга бир қатла ўлтурсанг не бўлди.

Фариби хастаю маҳзун эманму,
Бало водисида Мажнун эманму.

.... Қаён борди сенинг озарминг охир,
Қора тупроққа чехри гарминг охир.

Неча жонимга мундоқ кечак бўлғай,
Кечак жонимга мундоқ неча бўлғай.

Бошимга кўрки ые тун келтурибсан,
Деман туя ые қаро кун келтурибсан.

Фарҳод ва Ширииннинг ҳалок бўлишидан бағри қон бўлиб кетган буюк Алишер яхшиларнинг ўлимидан ёмонларнинг роҳатланиши ҳақида ўша замон учун жуда ҳам характерли бўлган чуқур ҳикматлар айтади: «Кишининг гавҳари қанча тоза бўлса, унинг зулмидан шунча қайғули бўлади. гавҳарнинг энг асили ёқуттир, брок замон унинг бағрини ҳам тешиб қон қиласди, қуёшдан борлиқ нур олади, аммо кечак уни ҳам тупроққа кўмади, пиёлаларга тўлган қон — шароб битта фосиқнинг бир дамлик хушвақтлиги учундир; юзлаб покиза гавҳарларни тупроққа ташламоқдан битта санги қувонади; кўкариб турган дарахтни синдириб ёқишдан ўтпаратнинггина кўнгли тинали. Фарҳод қонини аямай тўкишдан Хисравгина базм қуради». Ёлғиз афоризмлардангина иборат бўлган бу сўзларнинг байти шудир:

Кишининг неча кўпроқ гавҳари пок.
Анинг бедодидин кўпроқ аламнок.

Чу асли пок гавҳар келди ёқут,
Тешиб багрини қон айлар анга қут.

Қуёшким коинот андин олур нур.
Қилур ҳар туи қаро тупроққа маастур.

Баси соғарнинг андин қони тўлғай,
Ки бирдам фосиқи хушҳол бўлғай.

Етиб юз жавҳари покизани хок,
Ки андин бангний бўлғай фараҳюок.

Берид бир вахлга ҳардам шикасти,
Ки тингай тобдин оташпари.

Тўкиб Фарҳод қонин бемадоро.
Ки Хисрав майдин ўлғай мажлис оро.

Фарҳод ва Ширин достони Навоий айтган бу фикрларни бизга жуда гўзал бадний образларда исбот қилиб беради. Икки севгучи юракнинг ўлмас образи бизнинг қалбимизда жой олиб, доим кўз ўнгимизда жилваланади ва биз ундан ҳечбир ажralголмаймиз ва уларнинг энг гўзал хислатлари бизда ҳавас ва уйғениш туғдиради, биз шунинг блан фахрланамиз.

Севгучи Фарҳод ва Ширинлар ҳақидаги гўзал ҳикоя асрлар бўйи яшаб келмоқда. Чунки уни халқ яратган, унга ўзининг гўзал ва бой ҳаёлини киргизган, шунинг учун халқ уни сра унутмайди. Бу гўзал ҳикоянинг моҳиятида севги фожиасининг тарихи блан бир қаторда жуда чуқур инсоний фикрлар ва туйғулар ётади.

Фарҳод блан Ширин образига севги ҳурлиги, инсон шахсининг ҳурлиги идеяси, гуманизм ва халқлар биродарлиги идеяси, ватанпарварлик ва ватанин мудофаа қилиш идеяси, садоқат ва адолат идеяси, вафо ва ботирлик идеяси, меҳнат ва ижодкорликка муҳаббат идеяси сингдирилган. Фарҳод блан Ширин тақдирি —

Навоийга яқин ва асрдош бўлган халқлар тақдиди, унинг энг яхши ва энг комил кишиларининг тақдидир. Бу — хусусий мулк ва адолатсизлик ҳукм сурган жамиятдаги халқнинг энг яхши ўғил ва қизларининг тақдидидир. Бу — кишиларнинг баҳти уларнинг жамиятдаги мулкдорлик вазиятлари блан белгиланадиган одамларнинг тақдидидир. Бу — қайғу ва шодликининг мадҳия ва марсиясидан, ўлим ва ҳаёт мавзузининг юзига қалқиб чиқиб, унда бирнече бош баланд кўта-рилиб, келажакка боққан ботир одамларнинг қасида ва мадҳиясидан иборатдир.

Халқ Фарҳод блан Ширин образида ўзининг қай-ғули ўтмиш тарихини кўриб келган: унинг ўғил-қизлари эса ундан ўз ота-боболарининг нурсиз тақдидиди кўриб келгандирлар.

Фарҳод ва Ширин ҳақидаги ҳикоя жаҳонда бор ҳикояларнинг энг ғамгинларидан ҳисобланади. Бу бизга жуда кўп ўзбек қизлари ва йигитларининг ҳасрат ва на-домат блан тўлган қора қисматларини эслатади. Революциягача Бухоро тупрогида халқ амирнинг рухса-тидан ташқари ўз қизини эрга берадолмас эди. Амир халқнинг энг номусли қизларини улар учун энг баҳтли бўлган соатларда мотамга солар, уларнинг ўйларини бузар, баҳтларини поймол қилар, ёстиқларини қуритар эди. Қўқон хонлигининг саройларида халқнинг энг номусли фарзандларининг бошига минг хил мусибатлар солинар, улар дун'ёга келиб, одам бўлиб кўз очганларидан пушаймон бўлар, қора қисматни қарғишлаб ўтар эдилар. Ёлғиз ўзбек қизлари эмас, балки Шарқнинг бутун қизлари Фарҳод ва Шириннинг бошига тушган балоларга дучор бўлар эдилар. Фарҳод ва Шириннинг ҳикояси букунги эркин ва баҳтиёр наслга ана ўша қора кунларни хотирлатади. Ўша қора кучларга ғазаб ва нафрат уйғотади. Эркин ва қувноқ бўлган, янги турмуш, янги кишилик муносабатларининг қадру қимматини яна очиқроқ кўрсатади ва унга туганмас муҳаббат ўстиради. Бу жиҳатдан достон зўр революцион ҳамиятга эгадир.

Улуг шоир ўзининг ўлмас образлари блан кишиларга адолат ва шодлик ҳисларини пайванд қилар эди. Улуг шонрнинг образлари кўп наслларга вафо, қаҳрамонлик, инсон шахсининг ҳуррияти ва муҳаббат ҳуррияти учун кураш сезгиларини, ватанга муҳаббат сезгиларини пайвандлаб келган. Фарҳод блан Ширин ўртасидаги оташин ишқ кишини юксалтиради ва камолга етказади.

Шунинг учун ҳам ўзбек халқи Фарҳод ва Ширин образларини жуда яхши кўради ва уни ҳамавақғ ёдида тутади. Ўрта Осиёда Навоийнинг Фарҳод ва Ширин ҳақидаги гўзал ҳикояси бориб етмаган жой йўқдир. Шунинг та'сири блан Хўжанд ва Бойсун атрофларидағи «Фарҳод тоғи» деган тоғ ва «Ширин сойи» деб аталган сой юзага келган. Машҳур ўзбек халқ шоирни Фозил Йўлдош Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» деган асарлари та'сири блан «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» деган достонлар яратган. Навоийнинг достонлари блан Фозил шоир яратган достонлар орасида умумий сюжет ва идеяниң бир бўлишига қарамасдан бир ажойиб фарқ бор: Навоийнинг ҳар иккала достонида ҳам қаҳрамонлар ҳалок бўладилар. Фозил шоир достонларида буларниң ҳаммаси тирик қолади ва мурод мақсадга етади. Бундан халқ достонларигагина хос бўлган, Горький айтган, чуқур оптимизм — умидлилик жуда очиқ кўринади. Фарҳод блан Ширин ҳақида жуда кўп халиқ афсоналари ва эртаклари бор. Бойсун атрофидан ёзилиб олинган бир ҳикояда Фарҳод қўй бокучи чўпон қилиб тасвирланади. Булар Фарҳод блан Ширин образига халқ муносабатининг қанча зўр эканини кўрсатадиган далиллардир.

Чинакам халқ образи бўлган, асрлар ва замонларнинг муҳаббатини қозонган Фарҳод одамзодининг келажак наслларига зўр васият қолдирган. Фарҳод блан Ширин ҳали инсон эркин бўлмаган жамиятда киши бошига тушиши мумкин бўлган мусибатларнинг ҳаммасини тортдилар. Фарҳод блан Ширин кўрмаган

зулм, Фарҳод блан Ширин чекмаган алам қолмади. Шунинг учун ҳам улар ўз бошларига ёғилган мусибатларнинг манбанин, сабабларини изладилар ва Фарҳод Хисравнинг зулми блан ҳалок бўлар экан, кишиликка зўр бир васият қолдирди. Бу зулмни йўқотиш тўғрисидаги васият, ер юзидан Хисравларнинг уруғини қуритиш тўғрисидаги васиятдир:

Яна оламда шаҳру тогу води,
Қезиб ишқ аҳлига қилғил үнодин:

Ки Фарҳод ўлли ошиқлиқ аро зор,
Вале етди анга Хисравдин озор.

Бу ким дер эрдингиз, сultonнимиздур,
Райят биз бизу ул хоннимиздур.

Букув сultonнингизга зулм етди.
Жаҳондин нотавонлиқ бирла кетди.

Керакким жам ўлуб, тортиб сипоҳлар,
Тутуб сўнг уйлакум ўлгандан шоҳлар.

Бурун Хисравга чун абри баҳорон
Қилиб оҳ ўқларидан тири борон.

Фигон ўтига ўртаб кишварини,
Кул айлаб тожу тахту афсарини.

Бўлуб гир'ён бу зору бенавога,
Беринг бору йўқин сели фанога.

Фарҳод тили блан улуғ Навоий орзу қилиб қолдирган бу васиятни кишиликнинг энг яхши фарзандлари 500 йилдан сўнггина 1000-чага чиқараолдилар. Больше-виклар партиясининг раҳбарлиги ва улуғ рус халқининг ёрдами блангина ўзбек халқи зулм ва асоратдан қутилди Хисравларнинг тож-тахтларини кул-кул қилиди, ўзининг ўғил-қизларига озод ва эркин муҳаббат, шарафли меҳнат, ижод имкониятларини туғдирив берди.

ди. Қишиликнинг энг гўзал ватанини юзага келтириди. Халқларнинг дўстона ва осойишта ҳамкорлиги барпо қилинди. Шунинг учун Фарҳод блан Ширин бошига тушган мусибатларнинг қиммати биз учун жуда ҳам тушунарли ва Фарҳод қолдирган васият жуда ҳам қадрлидир.

«Фарҳод ва Ширин»ни қаламга олар экан, Навоий қандайдир бир янгилик ахтарар, бирнеча сўз бўлса ҳам кишилар айтмаган нарсаларни айтишга уринар ҳди. У, эл юриб ўтиб кетган йўлдан чопиб юрмоқ, кишилар айтиб улгурганни бошқатдан такрорламоқ ижодчининг иши эмас деб қарайди.

Навоий ижодкорнинг янгилик яратмоги зарур эканни қайта-қайта айтади. Ҳаёт бўстонининг саҳнида чамап ва гул кўп эканини ва фақат уни меҳнат қиблиб ахтариб топиш зарурлигини сўзлади.

Лин назм этки тарҳинг тоза бўлғай,
Улусқа майл беандоза бўлғай.

Иўқ эрса назм қилганин халойик,
Муқаррар айламак сендин на лойик.

Хуш эрмас эл сўигича рахш сурмоқ,
Иўли ким эл югурмишдур югурмоқ.

Бирорким бир чаманда сойир эрди,
Нечаким гул очилган кўрди терди.

Ҳам ул ерда эмас гул истамак хўб,
Бу бустон саҳнида гул кўп, чамап кўн.

Чу бу сўзларки фикр этти замирим,
Кўринди борча ма'ни дилпазирим.

Қилиб кўнглумни бу андеша шайдо,
Таворих айладим ҳар сон пайдо.

Назар айлаб барин аввалдин охир,
Бўлуб бошдин аёқ олимда зоҳир,

Топилди анча сўзким комим эрди,
Қуюлди анча майким жомим эрди.

Бу дурлар чунки манзум ўлғусидур,
Қулоқ солғанга ма'лум ўлғусидур.

Буюк ижод доҳиси бўлган Алишер Навоий ўз дос-
тонини бадиий тараққиёт тарихида янги бир қадам
сифатида яратишга ниятланган ва ўз ниятига мукам-
мал равишда етгандир.

¹ Алишер Навоийнинг «Фарҳод» ва Ширин» достонига ёзил-
ган сўзбоши.



ҲАМИД ОЛИМЖОН
Foto — 1939

ДҮСТЛИГИМИЗ ҲАҚИДА

Гитлер бизнинг мамлакатимизни дун'ёнинг бошқа давлатларидан тамом ажратиб ташламоқчи, танҳо қўлдирмоқчи эди. Одам қиёфасидаги бу йиртқич ҳайвон, уруши бошланиши ҳамоно Совет Йиттиғози халқлари бир-бирлари блан талашиб, олишиб кетадилар, қўзғолонлар бошланади, мамлакат айрим майда бўлакларга ажралиб кетади, деб ўйлаган эди.

Зулм қилишдан завқ оладиган йиртқич, ўзга ўлкаларни талон-торож қилишдан баҳра олучи ваҳший, бошқаларнинг қонини тўкишни касб қилиб олган қонхўр, халқларнинг ҳаёти ва осойишталигига чангол солишдан завқ олучи жаллод, СССР халқлари ўтрасидаги дўстликни сун'ий — ясама бир ҳодиса леб ўйлаган эди. Бу дўстлик, унинг фаҳмига кўра, қандайдир омонат нарсаларга суюниб тургандай бўлиб туйилган эди. У, бу дўстликни бузниш учун ҳечқандай машаққат чекишининг ҳожати йўқ, деб ўйлаган эди.

Дўстлик деган нарсанинг нима эканини умрида билмаган бу бўри, бутун ҳаёти алдаш ва хиёнатдан иборат бўлган бу маҳлуқ, виждон ва ахлоқ деган нарсаларнинг кўчасидан ўтмаган бу ҳайвон. СССР халқлари ўртасидаги дўстликнинг ҳечқандай кучи йўқ деб хаёл қилган эди.

У, бу дўстлик учун бизнинг курашганимиз ва тер тўкиб меҳнат қилганимизни, бу дўстлик бир-бирига виждон ва садоқат блан берилган кишиларнинг дўстлиги эканини, бу дўстликда ҳеч қачон заррача хиёнат бўлмаганини ва бўлмаяжагини, бу дўстлик расмий ва китобний бўлмасдан чуқур ҳаётий эканини, бу дўстлик

бизнинг яшашимизнинг чуқур илдизлари ва ма'носи блан маҳкам боғлиқ эканини, бизлар — рус ва ўзбек, украин ва грузин, белорус ва тожик, — бир-биримиз учун ўлишга ҳам тайёр эканимизни, шу муқаддас инсоний дўстлик учун ўлимга ҳам ҳозир эканимизни у асло тушунмайди.

Бизнинг ҳәётимиз бу дўстликдан ташқари бўлиши мумкин эмас. Бу дўстлик — бизнинг ҳәётимиздир. Биз ўз озодлигимизни ҳам бирга олганмиз. Яхши бир оила ҳалол меҳнат блан топган нонни ўзаро дўстона бўлгандай, биз ҳам ўз тақдиримизни баҳам кўрамиз. Бизнинг дўстлигимиз ҳам тантанали қасам ва самими-ятдан келиб чиққан бир ҳодисадир. Биз бир-биримизни яхши кўрамиз, чунки бир-биримизга ишонамиз. Чунки бу дўстлик бир тўда қонхўрларнинг иттифоқи бўлмасдан, балки, инсофли, онгли, илфор ва барча нарсада тенг инсонлар, халқлар ва урургларнинг бирлашмасидир.

Мен, бизнинг дўстлигимиз фақат тантанали қасамлардагина эмас, балки ўзаро муносабатларда ҳам ёрқин кўринади, дедим. Мен бир ленинградли илмий-ходимни — Василий Захарович Голубевни билар эдим. У ўтмушда гражданлар урушида қатнашган, Финляндия фронтида орден олган киши эди. Ватан уруши бошланиш ҳамоно у фронтга кетди. У ерда комиссар бўлиб ишлади. Голубев ярадор ҳам бўлди, ёв замбараги ўқининг тўрт парчаси унинг қўлига келиб тегди. У госпитальда ётди. Тузалди ва яна урушга — жангга қараб жўнади ва яқинда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ана шу Василий Захарович Голубев, рус киши, ҳали госпитальда ётар экан, ҳозир Тошкентда бўлган ленинградли дўсти Александр Юрьевичга¹ хат ёзди. Бу рус киши, бу шахсий мактубда ўз дўстига нималар ҳақида ёзди экан? У, ўзбеклар ҳақида ёзди:

«Азиз Александр Юрьевич!

Сиз Тошкентдасиз, мен эса йўқ... ва мен сизга ҳа-

¹ СССР Фанлар Академиясининг корреспондент а'зоси, тарих фанлари доктори А. Ю. Якубовский.

сад қиласан. Ҳасад қилганим, қўлимга тўрт замбарак ўқи парчаси тегиб мени госпитальда ётишга мажбур қилган уруш ҳодисаларидан Тошкентнинг узоқда бўлгани учун эмас, албатта Йўқ, бунинг учун эмас. Менинг ҳам ўзбекларнинг ичидаги яшагим, уларнинг хуш ҳавосида нафас олгим, уларни яхшироқ англағим, уларнинг ватанинга, ўзи ва сан'атига бўлган муҳаббатини англатгим келар эди.

Мен улар ҳақида ёзган китобимнинг босилиб чиқолмай қолганига жуда афсус қиласан. Ким билсин, эҳтимол, у бирнеча минутлик шодликка сабаб бўлган бўлар эди. Мен ўз меҳнатимга афсус қилмайман, балки мени узоқ вақт ҳаяжонга соглан ва ҳамон ҳаяжонлантиришда давом қилмоқда бўлган сезгилар ва фикрларга ачишаман, холос.

Сизга яна шунинг учун ҳам ҳасад қиласанки, мен ҳозир тадқиқотчилик блан шуғулланаолмайман. Начора, фашизмни тамом қуритмагунча севган ишимизни қилолмаймиз, шундай...

Ўзбек театрининг ютуқларини билгим келади, «Улуғбек» қалай бўлди? Кўрдингизми? Эшитдингизми? Мен уни жуда ҳам кўргим келар эди».

Бу мактуб тасодифий бир ҳодиса эмас. Бу бизнинг дўстлигимизнинг гўзал ифодасидир. Газеталар шу дэҳшатли кунларда, ёв бомбалари ёғилиб турган бир пайтда, қаҳрамон Ленинград ҳалқи ўзбекларнинг XV асрда яшаган улуғ шоири Алишер Навоийнинг юбилеяига тайёрланётганини хабар қилдилар. Газеталар бундай деб ёздилар:

«Орадан бирнеча минут ўтди. Хонага бир киши келиб кирди. Бу киши ҳозиргина уйнинг деразаларини ғишиллаган эди. «Отишма тамом бўлди,— деди у.— ҳарким ўз ишини қилиши мумкин. Мен эса Навоийни қўлга оламан». У ўлтириб Навоий асарларини таржима қилабошлайди. У, яқин кунларда Эрмитаж томонидан ўтказиладиган юбилей сессиясига тайёрланмоқда. Яқинда бутун Совет Иттилоғи ўзбекларнинг улуғ шоири туғилган куннинг 500 йиллигини байрам

қилади. Ленинград бу маданият байрамига қатнашади Ҳали яқындагина уй деразаларини гиштлаган киши юбилей кунларига Навоий асарларининг таржимасини тайёрламоқда.

— «Сўзларингнинг баҳори ма'но блан гулласин». — деб пицирлайди у таржима қиласр экан:

Адл илаки ул ҳалқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким адл сифоти бўлмиш.
Ҳам мулк блан адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл мулк саботи бўлмиш.

Ўзбекларнинг улуғ шоири буюк рус ҳалқи томонидан оғир ва даҳшатли кунларда унга кўрсатилган муҳаббат ва ҳурмат эвазига зўр акс садо блан жавоб беради. XV асрнинг улуғ шоири узоқ асрлардан бизга қараб, адолат ва ҳақиқатга асосланган ҳокимиятнинг мустаҳкамлиги ва йиқилмаяжаги ҳақида қичқиради.

Одамхўрлар ва четэл босқинчиларига қарши ҳалқлар дўстлигини мадҳ қилған улуғ шоир Навоий, афсонавий Искандар, унинг одамхўр я'жуҷ-ма'жуҷларга қарши қурган хаёлий пўлат девори ҳақида ёзган эди. У, бу достонда ҳалқларнинг одамхўрларга қарши курашида русларнинг етакчи бўлишларини айтган эди.

Бизнинг бузилмас дўстлигимизнинг илдизлари жуда чуқур.

Ҳозир, жаҳон урушининг улуғ ёнғинида барча совет ҳалқлари рус ҳалқи блан бирликда ва унинг етакчилигига фашист йиরтқичлигига қарши аёвсиз жанг қилмоқда. Бу кураш оловида бизнинг дўстлигимизнинг пўлати яна ҳам ажойиброқ тобланади, бутун ҳалқлар ва маданиятларнинг нажоти шунда. Бутун инсониятнинг нажоти шунда.

Шунинг учун ҳам ўзбеклар Москва бўсағаларида немис фашистларига қарши аёвсиз жанг қилмоқдалар. Улар Москвани, бизнинг баҳтимиз ва дўстлигимизнинг бешиги бўлган Москвани мудофаа қилишдек улуғ ша-

рафга эга бўлдилар. Одамхўрлардан Москвани ҳимоя қилиш блан улар ўзларини, ўз ҳалқини, унинг тақдирини мудофаа қилаётирлар.

Мен Фарбий фронтда бўлган бир ўртоғимдан мактуб олдим. У старший политрук эди. Қаттиқ жангларда иштирок қилган унинг дўсти ҳалок бўлган. У унинг ўрнини босган ва ўзини бир батальоннинг комиссари деб э'лон қилган. Ўзининг хатида у хотинлар кийимига ўралиб қочиб бораётган немислар ва бизнинг қисмларимиз тайёрланаётган янги ҳужум ҳақида буюк шавқ блан сўйлади. Мана унинг хати:

«Немислар қочаётирлар. «Гитлер капут» деб қич-қираётирлар. Бу «Гитлер битди» деган сўз. Ҳақиқатан ҳам Гитлер жароҳатланди.

Биз ҳужум қилаяпмиз. Фарбга қараб, ташлаб келгап таниш жойларимизга қараб бораюпмиз. Таруза, Калугаларга штурм қилаяпмиз. Агар бу шаҳарларнинг олингани ҳақида хабар борса, уларни ўзбек йигитлари ҳам олди леб тушунингиз».

Бу—муқаддас курашдир. Бу муқаддас кураш бизнинг дўстлигимизни яна ҳам мустаҳкамлади.

Бизнинг дўстлигимизнинг кучи нимада? Бизни биримизга маҳкам боғлаган, бирлаштирган нарса нима? Бизнинг дўстлигимизни бузилмас қилган нарса нимадир? Бу дўстлик натижасида эришган озодлигимиздирки, бизнинг ундан ажралгимиз ва ҳечкимга бой бергимиз келмайди. Бу бизнинг узоқ йиллик мөҳнат блан топган бахтимиздирки, биз уни йўқотишни истамаймиз. Бу, бизга дун'ёни танитган ва болаларимиз тарбия топаётган мактаблардирки, биз уларни беркитмоқчи эмасмиз. Бу бизнинг ҳали ҳечким кўрмаган ва ҳечким синамаган янги бир дун'ёни мукаммал яратиш тўғрисидаги интилишимиздирки, биз ундан қайтмоқчи эмасмиз. Бу ўлимга, ёввойиликка, зулм ва қулликка қарши бизда нафрат ҳиссини тарбия қилган большевиклар партиясига туганмас садоқатимиздирки, биз унда ҳамон маҳкам турамиз. Бу—дун'ёни ва одамзоднинг истиқболини бирдан-бир тўғри англатучи

Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин та'лимотига тұғанмас мұҳаббатимиздир.

Бизнинг аждодларымыз құл бўлиб ўтганлар. Хоняр, беклар ва подшо амалдорлари уларни миңг хил азоб-үқубатларга дучор қилғанлар. Улар чуқур зинданлар ва зах ертўлаларда ўз ватанининг қуёшини кўришга зор бўлиб ҳалок бўлғанлар. Улар бизни курашига ва Ватанга мұҳаббатта чақирадилар. Одамзоддининг энг яхши фикр әгалари доним жангчи ҳам бўлғанлар. Дохи Ленин шундай эди. Улуғ йўлбошли ва қўмочоҳ Сталин худди шундайдир.

Одамхўр Гитлер ўзининг ақли паст босқинчи қўшинларига ва аҳмоқ қилиб ўз орқасидан эргаштирган давлатларга Москвани олиш ва 7-нчи ноябрьда Қизил Майдонда немис қўшинларининг паради бўлажаги ҳақида тағланали ва'да берган эди, 6-нчи ноябрь кечқурун, Гитлер Москва устига қараб 200 самолёт қўйған вақтда Сталин Москва Советининг мажлиснда Ўлуг Октябрь социалистик революциясининг XXIV йиллиги ҳақида доклад блан чиқди. 7-нчи ноябрь куни Қизил Майдонда совет қўшинларининг ҳайбатли ва салобатли паради бўлди, Қизил Майдондан генерал Рокоссовскийнинг афсонавий жангчилари саф тортиб ўтдилар. Сталин Қизил Майдоннинг марказида туар эди. Гений ва саркарда, дохи ва жангчи шундай бўлади. Сталиннинг сўзлари дун'ёни ларзага келтирди. Одамларнинг кўзида воқиаларининг тараққиси тамом бошқача бўлиб кўринди. Бу сўзлар бутун дун'ёга янги ва қудратли ишонч бағишладилар. Ва бирнеча кундан сўнг Москва бўсоғаларида немис фашист ёввойилари тор-мор қилинабошланди.

Доҳиларымыз бизни шундай қаҳрамонлик, жасорат ва мардликка ўргатадилар. Яна ўп мартаба ортиқроқ меҳнат қиласын. Кутурган душманни тамоман қириб ташламоқ учун ҳаммамиз қўлимизга қурол оламиз. Үлим шамширини ялонғочлаб ёввойи ҳайвоннинг бозига соламиз. Муқаддас тупроғимизни немис фашист

ва қашшыларининг ифлос туғидан батамом тозалаймиз
Доҳнларимизнинг улур руҳи бизни илхомлантиради.

Яшасин бизнинг қудратли ишчи-деҳқон Қизил
Армиямиз ва Ҳарбий Денгиз флотимиз!

Яшасин Совет халқларининг бузилмас дүстлиги!

Яшасин одамхўрлар галаси — немис фашизми ус-
тидан ғалабамиз!

Яшасин улуг доҳимиз ва доно саркардамиз ўртоқ
Сталин!

¹ Тошкент интеллигентларининг 1941 йил 27 декабрьда бўлиб
ўтган умумишаҳар Ўигилишида сўзлаяган нутқ.

МЕН ҮЗБЕК ХАЛҚИ НОМИДАН СҰЗЛАЙМАН!

Менинг халқым үз киндигининг қони тұқылған тупроқни үз онасидаі азиз күради. Менинг халқым үз болалари күмілған тупроқни үпади, шу тупроқни ҳаром, нопок қылған одамни ўлдиради. Қадим үзбек ботирлары узоқ сафарга кетгандан бир ҳовуч ватан тупроғини доимо үз ёnlаридан олиб юрганлар. Чунки бу тупроқ уларға үз туғилған ерларини эслатыб турған, халқ олдидә ичган қасамини ёдға солған. Ватанга бұлған мұхаббатини бир нафас ҳам унұтдырмаган. Бу бир ҳовуч тупроқ үнга үз ота-онасими, қариндошларини, халқини эслатған, узоқ ўлкаларда бұлса ҳам уни үз ватанида ҳис қылдырыған ва қаерда бұлмасин үз халқи ша'нига иснот келтирмасликка, үз халқининг номусли ва содиқ үғли бўлишига чақирған. У, ватанини қанча севса, ота-онасими қанча севса, ота-онадан, севимли ёрдан, қадрдан ватандан нишон бўлған шу бир ҳовуч тупроқни ҳам шунча севған. Шу бир ҳовуч тупроқнинг кучи шунча зўр бўлғанки у, сувсиз саҳролардан, қорли тоғлардан, ваҳший дар'ёлардан, ёввойи ўрмонлардан кўз очиб юмгунча ўтаолған. Шу бир ҳовуч тупроқ уни ўтдан олиб ўтга ташлаган, лекин омон сақлаган. Ўқ унинг кўкрагини тешолмаган, қилич та-насими кесолмаган, олов куйдиролмаган, зиндан чиритолмаган.

Шундай. Менинг халқым ор ва номусни билади. Уз ўғил-қизларини номус ва ҳаё блан тарбия қиласы, Фарзанд үз ота-онаси учун ўлишни бўйнига олади. Ўғил үз онасими хўрлаган кишини ўлдиради. Ака үз синглисингини номусини ҳақорат қылған одамни

ўлдиради. Сингил ўз акасини ўлдирган кишидан хун талаб қиласди.

Менинг халқим бирлик ва иттифоқни, ҳамжиҳатликни яхши күради. Тирик экан бир-бириши қўллаб, қўлтиқлайди. У, тирик бўлсак бир ерда, ўлиқ бўлсак бир гўрда бўламиз, дейди. У ўз халқидан бўлган қишининг кўчада қолганини кўрса уялади, шармсор бўла-ди, юзи қизаради. Ота ўз болаларини доим ўз қаноти остига олиб юради. Она ўз фарзандлари учун парвона бўлади, тишига тишлаб, орқасига опичлайди. Улар ўлганда ўз қабрларини бир-бирига яқин қўядилар. У ўз ўлигини бегона қилмайди.

Менинг халқим дўстлик, биродарликнинг қадрини билади. У, ўз ҳамсоясини, ўз қўшниларини ҳурмат қиласди. Уларнинг кўнглига ғаш соладиган, ранжитадиган ишни қилмайди. Яхши кунда дўст бўлиш — бу катта фазилат эмас, ёмон кунда дўст бўлиб кўр дейди. Тўйга ҳамма ҳам келади, шодликни ҳамма ҳам баҳам кўра билади. Яхши кунингда сенга душман ҳам дўст бўлиб кўришишга ҳаракат қиласди, дилида заҳри бўлса ҳам тили ширин бўлиб кўринади. Лекин бошингга ёмон кун келганда дўст — дўстга, душман — душманга ажралади. Яхши кунингда тил учидаги дўст бўлиб юрганлар, дўстлиги қалбаки бўлганлар сендан ажралиб четга чиқадилар. Яхши, виждонли дўстлар эса сен блан бирга қолиб, қайфунгни баҳам кўрадилар, дейди. Шунинг учун у, дўст ёмон кунда билинади, қиёмат куни қўшнидан дейди.

Букун бу ерга менинг халқимнинг энг эски дўстларини ўтилганлар. Биз бир қориндан талашиб чиқсан халқларнинг вакилларимиз. Бизнинг бешигимиз бир ерда бўлган. Қозоқ онасининг айтган алласига ўзбек боласи ҳам ухлаган. Ўзбеклар тожиклар блан бир ҳовлида яшаб келганлар. Навоийни туркманлар худди ўзбеклардай яхши кўрадилар, қирғизнинг тўйи ўзбексиз ўтмаган. Бизнинг халқларимиз бир-биридан қиз олиб, қиз бериб қуда бўлиб келганлар. Бизнинг боболари-мизнинг қабрлари бир-бирига жуда яқин қўйилган.

Бизнинг чўпонларимиз айни тоғлардан қўй ҳайдаганлар. Бизнинг аждодларимиз бир мадрасада ўқиганлар. Бизнинг боболаримиз бир-бирига китоб ёзганлар. Бизнинг йигитларимиз бир майдонда улоқ чопганлар. Бизнинг уруғларимиз бир-бирига чатишиб кетган. Бизнинг халқларимизни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Узбек халқининг буюк э’тиқоди шу.

Менинг халқим ўз тақдирини бошқа дўст халқларнинг тақдири блан маҳкам боғлай билади. Чунки у биладики, унинг тақдири тўрт девор орасида қамалиб умр ўтказадиган эски бева хотиннинг тақдирин эмас. Менинг халқим, қандай бўлмасин, бир илож қилиб умр ўтказиш учун дун’ёга келган халқ эмас. Бутун қайғуси қорин тўйдиришдангина иборат бўлган одам ҳарбир жойда ҳам кун кўраолади. Йўқ, менинг халқим баҳт ва саодат блан кўкрак кериб яшашни истайди. Ў, ер юзига ўзининг бутун имкониятларини намоён қилишни, ўз даҳосини кўрсатишни, ўз яратган бойликлар, шонли ўтмишини, нималарга қобил ва қодир эканини намойиш қилишни, миллий маданияти, ўз миллий ан’аналарининг бир фурурий руҳи блан яшашни, ўзининг келажак авлодларига баҳт ва саодат беришни истайди. Шунинг учун у ўзининг тақдирини совет Шарқида яшайдиган халқлар блан, бутун СССР халқлари блан, буюк рус халқи блан, Ленин ва Сталин халқи блан бир умрга маҳкам боғлаган. Бу жуда ажойиб дўстлик. Одамзод тарихи бу хилдаги дўстликни ҳалигача билмаган.

Бу дўстликда фараз ва сохталик йўқ, чунки бу дўстликнинг муҳташам саройини бир чироғ ёритади. Чунки бу дўстликнинг тоғ ва тупроқларини бир қуёши иситади, чунки бу дўстликнинг ҳамма дар’ёларида ҳам оби ҳаёт оқади, чунки бу дўстликнинг ҳамма ўрмонларида ҳаёт дарахти кўкаради.

Агарда бу дўстлик бўлмаганда эди, менинг халқим хўр ва хор, унинг бола-чақалари оч ва ялонғоч, авлодлари эса баҳти қора, кўр ва басир бўлган бўлар эдилар. Агарда бу дўстлик бўлмаганда эди, унинг

ватани харобага, бўстонлари чўл-саҳрого, обод шаҳарлари бойқушонага айланган бўлар эди. Менинг халқимни рӯёбга чиқарган, шод ва баҳтиёр қилган, нон ва ош, кийим ва уст-бош, з’тибор ва обрў берган нарса, бу дўстликдир. Шунинг учун ҳам у бу дўстликни ўзининг кўз қорачўгидай сақлайди. Шунинг учун ҳам у ўзининг бутун ўғил ва қизларини бутун қардош халқларга ҳурмат руҳида, буюк рус халқига муҳаббат руҳида, Ленин ва Сталинга туганмас садоқат руҳида тарбия қилди.

Менинг халқим қўлига қурол ушлашни ҳам яхши билади. Минг йиллар давомида у, ўз душманлари блан учрашиб келган халқ Араб босқинчиларини тумтарақай қилиб қувган Муқанна, Чинғизхонни лаҳшатга солган Торобийнинг руҳи ҳамон тирик. Букун ўзбек жангчилари курашга кирап экан, халқ ботирларининг номи блан қилич чопадилар. Душман блан курашар экан, менинг халқимнинг еттидан етмишгача бўлган ҳарбир а’зоси қурол ясаган.

Девона Гитлер ана шунга ишонмаган эди. Шунинг учун менинг халқим қўлга қурол олиб, майдонга чиқди. Узининг энг асл йигитларини жангга юборди. Қекса ва қарилари қилич ясашга, милтиқ ва тўп ясашга, миномёт ва бомба ясашга киришди.

Букун Ватан урушининг майдонларида ўзбек халқининг ўғиллари, қардош СССР халқларининг ўғиллари блан бирга немис фашистларининг тухумини қуритмоқда. Менинг халқим ҳар соат, ҳар минут ўз ўғиллари блан бирга, миллион-миллион эллар унинг меҳрини ўз ўғилларининг қалбига пайванд қилиб туради. Ҳар соат у ўз ўғилларига мурожаат қиласди.

Ватан учун жангда жон олиб, жон бераётган ўзбек йигити, бизни эшиш! Сенинг ватанинг букун Аму дар’ё блан Сирдар’ё орасигина эмас. Ленин — Сталин сенга буюк Ватан берди. Амудан то буюк Волга дар’ёсигача, Узоқ Шарқдан то Болтиқ денгизигача, Шимолий Муз денгизидан то Қора денгизгача, Узоқ Хоразмдан то

Ленинградга, Андижондан то Мурманскга қадар сенинг ватанинг. Сенинг энг буюк шаҳринг — Москва. Сенинг энг муҳташам саройинг Кремль. Сенинг энг буюк падаринг—Сталин.

Ватан урушининг кўз илғамас фронтларида букун сенинг қадаминг тегмаган ер йўқ. Кавказ тоғларидан тортиб то Украина гача, Дон дар'ёсидан Қишилиқ саройга қадар, Сталинграддан то Великий Лукигача сен жанг майдонида жавлон қилиб, от ўйнатиб юрибсан. Сени эсласак кўкрагимиз кўтарилади. Чунки бу ерларнинг ҳаммасида бир вақтлар ҳали сен туғилмаган чоғларда одамлар сенинг халқинг, сенинг баҳтинг учун қон тўккан, жон берган эдилар. Сенинг халқинг ўша ерлардаги жанглар соясида баҳт топган эди. Ўша ерларнинг ҳаммаси сенинг ватанинг, ўша ерларнинг ҳаммасида сенинг опа-укаларинг, фарид сингиллар қийналмоқдалар. Ўша ерларнинг ҳаммасига сенинг ризқинг сочишган. Сен жангга кирап экан, бир ҳовуч ватан тупроғи сенинг қўйинингда, ўша ерларнинг ҳаммасига ҳам сенинг киндигингнинг қони томган. Сенинг киндигингнинг қони томган ер муқаддас. У ерларни душман ҳаром қилипти экан, сен уни ўлдир. Сен уни ўлдир — бунинг учун сен ҳечким олдида жавобгар бўлмайсан. Бунинг учун ер юзи фақат сенга, сенинг ота-онангга, сенинг халқингга раҳмат дейди.

Жангчи ўзбек! Сен блан бизнинг орамиз узоқ. Лекин кўнглимиз яқин. Биз сенинг нафас олганингни ҳам эшитамиз. Сен ҳам бизни эшитасан.

Эски вақтда, ҳали душман блан ошкора кураш йўқ вақтда ота-онанг сенга душманнинг қони чиқмас ерга солишини ўргатар эдилар. Ҳозир кураш жуда ошкора бўлиб кетди. Сен энди немис-фашистнинг қон чиқадиган ерига солабер. Ундан қанча кўп қон оқса, шунча кўпроқ ўлади. Душманни кўпроқ ўлдир! — Ота-онанг сендан шуни талаб қиласди. Бирорта фашистни ўлдирмаган кунингни ўзингга ҳаром сана! — Сенга халқингнинг бўйруғи шу!

Дилингда доим Ленин ва Сталиннинг номи бўленин.

Большевиклар партиясига суюн, Сталинга суюн. Сталинга суюнгани одам йиқилмайди. Ёдингда доим ота-онанг, халқинг бўлсин. У, заводда, колхозда, илм-ма’рифат уйларида сенинг учун ишляяпти. Халқингни ёдингга олсанг — шер бўласан. Жангчи йўлдошларнинг СССР халқларининг ўғиллари блан ажралмас дўст бўл. Улар сенинг ака-укаларинг. Ҳаммангиз бир она, бир отанинг болаларисиз. Онангиз — СССР, отангиз — Стalin.

Сенинг халқинг тоғдай бўлиб орқангда турипти. Узбек халқи ер юзида бирорта ҳам босқинчи немисни тирик қолдирмаслик учун охиригача жанг қилишга қасам’ёд қилди. Узбекнинг қасами қаттиқ бўлади. Узбек қасам ичса, қайтмайди. Узбек қасам ичса — ғазот қилади. Сен ўз халқингга, ўз ота-опангга муносиб бўл. Душманни тору мор қилиб, ватанни озод қилиб, ғалаба блан омон-эсон, соғ-саломат, қаҳрамон бўлиб элга қайтиб кел. Сенинг халқинг кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, кўзига уйқу қўндирмасдан ғалаба кунини, сени кутиб турипти.

Яшасин бизнинг яқин ва муқаррар ғалабамиз!

Яшасин, миллиард йиллаб бор ва ғолиб бўлсин бизнинг ватанимиз — СССР!

Яшасин. қўлига қурол ушлаб, ёвни қираётган азamat қизил жангчиларимиз!

Яшасин. адолатнинг нурли офтоби, баҳт китоби, жангчиларнинг улуғ илҳоми, ғалабамизнинг номи — буюк Стalin!

1 1943 йил 13 январьда Узбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон халқлари вакилларининг фашизмга қарши митингида сўзланган нутқ.

МУНДАРИЖА

Ўзбек адабиётининг йирик сан'аткори (сўзбоши) — *Сарвар Азимов* V

Ше'рлар

1926 — 1932

Яяги турмушга	7
Кимдир	8
Зафар достоин	9
Комсомол қиз	11
Қишлоқ қизи	12
Ёш куч	13
Һир наш'a	14
Баҳорга етганда	15
Биринчи май аланглари	16
Қизил Москваға	17
Үтаркан	18
Нева хотиралари	19
Болтиқ десигизи бўйларида	21
Хужум гулига	22
М. Горькийна ўқиркан	23
Шарқ	25
Болалик	28
Озор қизи	31
Қиш	33
Чўллар	36
Сиёб	37
Ҳой, яхши қиз!	42
Ўзбекистон	45
Ўлка сафарбар	50
Қиш кечасидан	54
Иккитомчи қон	55
Темир юнун	57
Биз енгидик	62
Кадр	70
Улим ёвга	76
Тайёр трактор	82

Сергак	89
Тарих кўрганми?	97
Нима бизга Америка	105
Мудофаа кунларида	112

1932— 941

Бахтлар водиси	125 ✓
Маҳорат	132
Ўзбекистон хотираси	140
Онт	143
Баҳор	146 ✓
Дон чироглағи	148
Дар'ё кечаси	149
Қиз	151
Баҳри	154
Москва	157
Кремль чироги қаршисида	159
Кўйчининг хаёли	161
Дўстимга	165
Хар юракнинг бир баҳори бор	166 L
Офелиянинг ўлими	167
Видо'	170
Пушкиндан	173
Жануб кечасида	174
Хаёлимда бўлди гузун кун	175 ✓
Чим'ён эсадаликлари	176 ✓
Кеча. Саҳро	178
Ҳолбуки, тун	179
Қора денгиз бўйи да	181 ✓
Мизимта дар'ё	182
Согингандиа	183 ✓
Ўлка	184
Хулкарнинг ше'ри	185
Ўрик гуллаганда	186 ✓
Бутун олам бир оипоқ сийна	188
Тунни излаш	189
Дар'ё тиниқ, осмон бегубор	190
Қозогистон	191
Бахтимиз тарихига	194
Шу кунларда қутб олислай	195
Дун'ё гўзал кўринур сенга	196
Розимасман бир ёш томса кўзимдан	197 ✓
Савол	198
Дўмбираннинг мактоби	199
Бахт тўғрисида	201
Пушкин	203
Сўлмоқ бўлмас эл баҳорида	206 ✓
Шодликни кўйлаганимниг сабаб	207
Горъзий ҳақида	209
Ўзбекистон	211

Самолёт	214
Ватан	215
Лола	216
Янги йил орзулари	217
Чирчиқ бўйларила	219

1941 — 1944

Қўлингга қурол ол	225
Ғалаба қўшиғи	227
Йигитларни фронтга жўнатиш	228
Хат	230
Бўл омон!	233
Москвани мен биламан.	235
Почтальон.	237
Қадаҳ	239
Гвардиячиларимизга салом	240
Шарқдан ғарбга кетаётган дўстга	241
Мени кутгил	244
Ниҳол.	246
Севги	248
Яқинлик	251
Йигит	253
Жом	254
Шинель	255
Русия	257
Қамал қилингани шаҳар тепасидаги ой	259
Сен туғилған кун	262
Ғазал	264
Интизорлик	265
Учрашув	266
Украинани ўйлаганда	267
Шарққа кетгандা	270

Балладалар

Сосо	275
Башар қўёшига	279
1924-инчى йилнинг 21-инчи январида Самарқанд	282
Жангчи Турсун	286
Раксананинг кўз ёшлари	292

Поэмалар

✓ Комсомол келади	305
Мустақиллик бизга берилсан	310
✓ Шоҳимардон	322
✓ Ота ҳаётидан	329
✓ Икки қизининг ҳикояси	340

На узбекском языке

ХАМИД АЛИМДЖАН

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

Госиздат УзССР — 1952 — Ташкент

Редактор Зулфия

Рассом Искандар Икромов

Техн. редактор Я. Пинхасов

Босишига руҳсат этилди 23/1 1952 й. Р 01007. Қоғоз $81 \times 108_{\text{мм}} = 8,5$ қоғоз листи 29,52 босма листи +13 вклейкалар Учет наимр листи. 25,7. Индекс: и/а. Договор № 564 — 1949 й. Тиражи 25000. Янги баҳоси 14 с. 85 т.

**

Ўз ССР Министраар Совети ҳузуридаги Ўзбек-
полиграфиашининг Гошкент 1-инчи босмахонаси.
Ҳамза кўчаси, 33. 1952. Заказ № 321.



Ойгул блат Ҷаҳтиёр	353
Зайнаб ва Омон	381
Семурғ ёки Паризод ва Бун'ёд	422

Мақолалар

Салом, Пушкин	453
Муҳаммад Амин Муқимий	466
"Фарҳод ва Ширин"	481
Дўстлигимиз ҳақида	511
Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман!	518



ХАМИД АЛИМДЖАН

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ

ПОДГОТОВИЛ К ПЕЧАТИ
САРВАРАЗИМОВ

ГОСУДАРСТВЕННОЕ
ИЗДАТЕЛЬСТВО УЗССР
ТАШКЕНТ-1951



ҲАМИД ОЛИМЖОН ва С. АЙНИЙ
Фото — 1942